

**АЗИЗ ҚАЮМОВ**

---

---

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО**

Тошкент

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти

1987

4702570200 59  
И 356 (04) 87 51—87

© Издательство «Еш гвардия», 1987.



**Абу Райҳон Беруний**



## МЕҲРИБОНЛИК

Амударё тўлқинлари қирғоққа куч билан урилади. Улар соҳил тупроқларини ялайдилар, юлғунлар томирини яланғочлайдилар. Сал туриб заминдан ажралган дарахт сувга ағдарилади. Оқим уни олиб кетади. Тўлқинлар яна ўз ишида давом этади, яна қирғоққа ёпишади, яна янги-янги ниҳоллар, шохлар, томир ёйган ажриқларни ўз қаърига тортади. Бу жараён йиллаб давом этади. Дарё шарққа сурилиб боради. У шаҳарларни ютади, далаларни торайтиради, муттасил ўз йўналишини ўзгартира боради. Дарё тўлқинларининг ҳаракати тарих оқимидек бетўхтов, шафқатсиз ва қатъий.

Аммо халқ иродаси, унинг яратувчилик қудрати ҳам шунчалар зўр. У қадимий Хоразм тупроғининг ҳар қадамини боғу бўстон, экинзорларга айлантирган, бепоён савдо йўллари, муҳташам карвонсаройлар, мустаҳкам қалъалар, обод шаҳарлар бино қилган, илм-фан масканлари яратган, улуғ фарзандлар тарбиялаб етиштирган.

Хоразм давлатининг пойтахти — Кат ана шундай воқеаларга шоҳид. Амударё бу шаҳарга йил сайин ҳамла қилади, гоҳ унинг дарвозасини олиб кетади, гоҳ соҳил бўйларини ювиб нуратади. Лекин одамлар ўз туғилиб ўсган жойларини ҳеч қачон ташлаб кетмайдилар. Улар дарёга ем ҳам бўлмайдилар. Одамлар шарқ томонга сал силжиб, яна бир янги шаҳар қурадилар. Хоразм меъморлари олдингидан ҳам улуғвор ва кўркамроқ иморатлар бино этадилар. Кат шаҳрининг иқтисодий ва сиёсий салмоғи, унинг фан ва маданият маркази сифатидаги шуҳрати ошса ошадики, камаймайди. Дейдиларки, Кат ўша даврдаги азим ва шариф шаҳар Бухородан катта бўлган, ўзининг донишманд ўқимишли кишилари билан Ироқдаги машҳур марказлардан устун турган. Агарда Кат шаҳрининг ҳаётини эл кўпчилик бўлиб яратган, бузилганида қайта тиклаган бўлса, шу элнинг шуҳратини унинг юксак истеъдодли фарзандла-

ри вужудга келтирдилар, бу шуҳратни дунё ва тарихга ёйдилар.

Х асрнинг охириги чораги. Катда хоразмшоҳларнинг африғийлар сулоласи ҳукмронлик қилади. Ҳокимиятда Абу Абуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ироқ барқарор. Подшоҳнинг таянчларидан бири унинг амакиваччаси, ўз замонасининг таниқли олим ва мутафаккирларидан бири Абу Наср ибн Али Ироқ эди. Абу Наср ибн Ироқнинг математика ва астрономияга оид асарлари жаҳон фанида эътироф топган.

Баҳор эртаси, Кат қалъасидаги шоҳона хоналардан бири. Уй ўртасидаги хонтахтага дастурхон тузалган. Унинг атрофида икки улфат шошилмай нонушта қилиб суҳбатлашмоқдалар. Улардан бири 35—40 ёшлар чамаси тўладан келган, нуроний юзли, кўзида улуғ сифатлик ва тафаккур нурлари порлаган бир зот. Бу Абу Наср ибн Ироқ. Абу Наср туни билан осмоний жисмлар, уларнинг ҳаракатларини кузатар, кундузи эса озгина ҳордиқ чиқариб сўнгра кечаси йиққан маълумотларини ишлаб чиқар эди. Унинг нонушта пайти бирдан бир холи фурсат. Олим эрталаб ўзининг яқин бир дўсти билан суҳбат қуришни яхши кўрар эди. Хоразмшоҳга унинг донолиги, ҳушёр ва зукколиги, одоб ва тавозеси ёқар эди. У ниҳоятда камтарин, беғараз, ўзининг баланд даражали дўсти билан яқинлигини ҳеч қачон пеш қилмайдиган ботамиз, хоксор бир киши. Дўстларнинг бугунги суҳбатида истеъдод тўғрисида сўз кетди. Суҳбатдошларнинг ўзи пуристеъдод кишилар бўлганидан улар табиий қобилиятни жуда қадрлар эдилар.

— Шоҳ ҳазратлари,— деди меҳмон қўлидаги пиёла-ни дастурхон четига аста қўйиб,— мен Берунда (шаҳар ташқарисида) бир ўспиринни учратдим. Ҳолати ғоят юпун; аммо табиатида юксак қобилият дурлари пинҳондир. Агар сиз олий зотнинг таважжуҳ шуъласи бу гавҳарни ёритса, ундан фан оламига не-не чароғонлик, жаҳл зулматига не-не азият етмиш бўлур эди.

— Кимдир у фақир?

— Номи Муҳаммад ибн Аҳмад. Ёши ўн тўрт-ўн бешларда. Отадан сағир қолган. Онаси иккаласи яшади. Камбағаллик билан кун ўтказишади.

Меҳмон бу гапни шоҳга айтмоқ учун анчадан бери фурсат танлар эди. Истеъдод мавзуидаги бугунги суҳбат шу ниятнинг ижросига қулай имкон берди.

— Болани эртага бу ерга келтирсангиз.

— Бажонидил, ҳазратим.

Меҳмон эртаси куни эрталаб Муҳаммад ибн Аҳмадни Хоразмшоҳ ҳузурига бошлаб келди. Абу Наср келганларни дастурхонга таклиф қилди. Шоҳнинг дўсти ва унинг ёнидаги йигитча одоб билан қуйида тиз чўқдилар.

Меҳмон хонтахтанинг юқори томонида юмшоқ парқуга ёнбошлаб ўлтирар эди. У Муҳаммадга чуқур нигоҳ ташлади.

Муҳаммад ибн Аҳмад ғоят озғин, чеҳраси рангсиз, юзига темиртки тошиб кетган эди. Унинг анчадан бери олинмаган сочлари қулоғи устига ўсиб тушган, улар устидан эски дўппи бостириб кийилган; эгнида катта ва ювила берганидан ўнгиб ва тўзиб кетган кўйлак осилиб турар эди. Ялангоёғида катта эски кавуш. У ўлтирган жойида ўқтин-ўқтин хонтахта устидаги таомларга кўз ташлар, қорни оч бўлса-да, улуғ одамлар олдида овқатга қўл чўзишдан андиша қилиб, жим одоб сақлаб ўлтирар эди.

— Ҳуснихатни машқ қилурмисен,— деб суҳбат орасида сўради Абу Наср Муҳаммаддан.

— Машқ қилурмен,— деди йигитча ва ёнидаги жузвдондан бир қоғоз олиб олимга узатди. Бу қоғозга араб тилидаги бир тўртлик шеър ўртача ҳуснихат билан жалий (йирик ҳарфлар билан ёзилган ёзув) усулида кўчириб ёзилган эди.

Абу Наср хатни кўздан кечирар экан, ундаги ҳуснихат қондаси бузилган жойларга аҳамият берди. Аммо, умуман йигитнинг ёзувидан мамнун бўлди.

— Араб тилидаги қайси олд ва орт қўшимчаларни билурсен.

— Боу, тоу, кофу, лому, вову, мунзу, муз, ҳало, рубба, ҳошо фи, ало, мин, ан, ало, ҳатто, ило,— деб Муҳаммад бу қўшимчалардангина тузилган байтни қироат билан ўқиди.

Абу Наср йигитчага астрономия, география, ҳикмат, математикага оид саволлар берди. Муҳаммад бу саволларга тез ва тўғри жавоблар қилди.

Абу Наср хурсанд бўлиб кетди. У дўстига қараб сурия тилида деди:

— Айтганингиз тўғри эркан. Бу болада оллоҳ бахш этган улкан истеъдод мавжуд. Мен бу йигитчани ўзим парвариш этиб илм таҳсилга йўллаяжакман. Агар у

тиришиб меҳнат қилса, иншооллоҳ, Абу Наср ибн Ироқнинг муносиб шоғирди бўлғусидир.

Абу Наср сўзларини тугатиб Муҳаммадга қаради. Муҳаммаднинг кўзида севинч порлар эди. «Тушунипти гапларимни. Демак, бу бола сурия тилини ҳам билар экан», деб ўйлади, Абу Наср ибн Ироқ. У ҳақ эди. Муҳаммад она тили — хоразмий тилидан ташқари яна араб, юнон, сурия тиллари билан ҳам таниш эди.

Орадан бир неча вақт ўтди. Муҳаммад устози Абу Наср ибн Ироқ қўлида математика, астрономия фанларидан чуқур билим олди. Яна у наботот (ботаника), жуғрофия (география), ҳикмат (физика), тарих тилшунослик, адабиёт, вазн илми, фалсафа ва бошқа илмларни ўрганди.

Муҳаммад ибн Аҳмад илм таҳсилида кўп ютуқларга эришди. У ўзининг юксак даражали ҳимоячиси ва устози давлатининг соясида унумли ишлаб бир неча йил ўтгач, замонасининг таниқли олимларидан бири бўлиб етишди. Бу ёш олимни энди Абу Райҳон Беруний деб атай бошладилар.

Абу Райҳон сўзи Райҳоннинг отаси демакдир. Еш олим бу хушбўй ўсимликни жуда ёқтирар ва муттасил қўлида олиб юрар эди. Беруний эса Кат шаҳрининг ташқариси (Берун)га — олимнинг туғилиб ўсган жойга нисбат эди.

## ЕР ЯРИМ ҚУРРАСИНИНГ СУВРАТИ

988 йил. Жанубий ёз тунларидан бири. Юлдузлар тўла осмон сирли жимирлайди.

Дала ўртасидаги баландликда расадхона. Унинг икки бурчида Абу Наср ибн Ироқ ва Абу Райҳон Беруний осмон жисмларини кузатиш билан бандлар. Абу Райҳон гоҳо ўз кузатувчи асбобидан узилиб устоз ишлаётган ёққа келади, ундан бир нарсаларни сўрайди, устознинг айтганларини тез-тез ёзиб олади-да, яна ўз ўрнига қайтиб машғулотини давом эттиради. Абу Райҳон бутун вужуди билан осмон ёритгичларининг ўринларини аниқлаш, уларнинг ҳаракатларидаги қонуниятларини ўрганиш, осмоний жисмлар ҳаёти, моҳиятини билиб, ундан Ер сайёрасининг ҳаёти қонуниятларини ечишга интилади. Абу Райҳон Беруний ҳозир мустақил илмий тадқиқотларга дадил киришган. У тунлари билан осмоний жисмларга онд кузатишлар ўтказди.

Сўнг озгина дам олиб сўнг яна ишга киришади. Кундузи билан у қуёш ҳаракати, у орқали ер юзидаги турли ҳолат ва кўринишларни тадқиқот этиш билан банд.

Амударёнинг ғарбий соҳилида Журжония ва Қат шаҳарлари орасида бир қишлоқ бор. Унинг номи Бушканз. Бу қишлоқнинг бошқа Хоразм қишлоқларидан фарқи кам. Атрофи боғлар ва экинзорлар билан ўралган. Дарёдан чиғир билан чиқариладиган сув уларни суғоради.

Кундузи билан қишлоқда ҳар ким ўз иши билан овора. Дехқонлар далада. Хотинлар йиғлаган болаларини юпатишга ҳаракат қиладилар, уй йиғиштирадилар, ўчоққа ўт ёқиб таом ҳозирлайдилар, далага овқат элтиб эрларининг ишига қарашадилар. Қўшга қўшилган хўкизлар итоаткорлик билан ҳорғин ер ҳайдайдилар. Турмуш ўзининг бетўхтов оқимида давом этади. 990 йил ёз пайтида шу алфозда ҳаёт кечираётган Бушканз қишлоғига яқин жойдаги тепаликда ўн олти ёшлар чамаси бир йигит пайдо бўлди. У ўзининг турли-туман асбоблари билан бу тепаликда эрталабдан кечгача тинмай ўралашади. У гоҳ қуёшга боқади, гоҳ ердаги сояларни ўлчайди. Унинг асбоблари ичида бир катта доирага ўхшаш нарса бор. Бу доиранинг ўртасида айланадиган жой бўлиб унда тўқсон градусли ўлчов айланмаси жойлашган. Сифр даража ўша жойнинг гори-зонтал ҳолатига тўғри келади.<sup>1</sup>

Бу ёш тадқиқотчи Абу Райҳон Беруний эди.

Уша асбоблар ёрдамида Беруний Хоразмнинг Бушканз қишлоғида Қуёшнинг энг тик пайтидаги ҳолатини ўлчади. Энг кичик сояга асосланиб аниқланган бу ҳолат  $79^{\circ}59'45''$  чиқди. Энг катта оғиш  $23^{\circ}35'45''$ . Шуларга асосланиб Бушканзнинг ўрнашган кенлиги  $41^{\circ}36'$  эканлигини Беруний ҳисоблаб чиқди<sup>2</sup>.

Ер юзасидаги ҳар бир шаҳар, қишлоқ, ҳар бир кўл ва дарёнинг ўрни бор. Шуларни аниқлаб чиқилса, улар ўртасидаги масофани, уни босиб ўтмоқ учун керак бўладиган вақтини белгилаб олиш; маълум жойда бир

<sup>1</sup> Берунийнинг бу ўлчов асбоби ва у орқали қуёш тиклигини ўлчаш усули П. Г. Булгаковнинг «Жизнь и труды Берунии» («Берунийнинг ҳаёти ва асарлари») китобида муфассал баён қилинган (Т. «Фан» 1972, с. 31—32).

<sup>2</sup> П. Г. Булгаковнинг хабар беришича, бу натижа ҳозир қўлланилмоқда бўлган кўрсаткичлардан фақат  $1^{\circ}33'$  фарқ қилади холос (ўша китоб, с. 32).



вақт бўлганда, бошқа жойда қандай вақт бўлишини ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Ер курра шаклида. Ундаги ўринларни белгилаб олмоқ учун ана шундай бир курра ясаш керак. Абу Райҳон Беруний бу тўғрида кўп бош қотирди. У шундай бир куррани ясамоқчи бўлди. Аммо унда мўлжалланган жойларнинг ҳаммасини сиғдириш ер сиртидан барча мамлакатларга оид маълумотларни жамлаш гоят мушкул иш эди. Шунинг учун Беруний Хоразм, Қат билан боғлиқ жойларнигина бу куррага туширмоқчи бўлди.

Шу борада Беруний билан устоз Абу Наср ибн Ироқ ўрталарида шундай суҳбат бўлиб ўтди:

— Ер куррасининг сувратини ясамоқча кўмаклашувчи қандай китобларни мутолаа этдингиз,— деб сўради Берунийдан устоз.

— Птоломейнинг «Жуғрофия» китобини, ҳамда Жайҳонийнинг «Йўллар ҳақидаги китоби»ни,— деб жавоб берди Беруний.

— Куррада кўрсатмоқ учун бу умумий маълумотлар етарли бўлмайди. Хоразм тўғрисида аниқ билимлар даркор.

— Айрим жой ва шаҳарлар номини, улар ўртасидаги масофаларни шу жойларни кезган ва кўрган кишилардан сўраб билганман. Уларнинг айтганларини бир-бирига таққослаб текшириб чиққанман,— деди Беруний.

У ҳар бир саҳифаси гиж-гиж жадвал, рақам ва ёзув билан тўла бир неча дафтарларини устозга узатди.

Абу Наср бу дафтарларни олиб диққат билан варақлаб чиқди, сўнг деди:

— Ярим курра ясалса кифоя. Унда шу аниқ маълумотларни акс эттириш мумкин. Фақат ясаладиган ярим курранинг ҳажми каттароқ бўлса, жойларни унда белгилаш қулайроқ бўлади.

Шу маслаҳатга биноан Беруний ярим куррани асос узунлиги ўн беш газ қилиб ясади. Унда барча билган жойлари ва улар ўртасидаги масофани белгилаб чиқди. Шундай қилиб инсоният тарихида биринчи бор ҳозир бизда жуда маълум ва машҳур глобус пайдо бўлди. Бу глобусни X асрнинг охирларида, аниғи 994—995 йиллари Хоразмда йнгирма бир яшар олим Абу Райҳон Беруний ясаган эди.

## БИРИНЧИ МУҲОЖИРЛАР

Ҳаёт оқими тўхтовсиз, аммо бир текис эмас. У дарё сувларидек гоҳо тинч ва виқор билан оқади, гоҳо тўлқинланиб атроф борлиққа ларза солади. Ана шундай ларза Хоразмда 995 йили содир бўлди.

Хоразмлик икки ҳукмдор Кат подшоҳи Абу Абдулло Муҳаммад ва Гурганждаги амир Маъмун ибн Муҳаммад урушқоқ қашқирлар сингари бир-бирларига ташландилар. Уруш Маъмуннинг ғалабаси билан тугалланди. Кат подшоҳи Абу Абдулло қатл этилди. Абу Наср ибн Ироқ ва Ироқнинг шогирди ёш олим Берунийнинг бошларига таҳликали кунлар тушди.

Иигирма икки яшар Абу Райҳон Беруний ўз илмий ишларини тўхтатиб, ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида аввал душмандан беркинди, сўнг паноҳ излаб Катдан чиқиб кетди. У Эроннинг Рей шаҳарига бориб истиқомат қила бошлади.

Исфаҳонли бир савдогар таниши Берунийни ўз уйида жойлаштирган эди. Берунийнинг яна бошқа танишлари ака-ука Ҳасан ва Ҳусанлар ҳам ёш мусофир олимга кўмаклашиб турдилар.

Рей шаҳари қадимий шарқнинг танилган илмий марказларидан бири. Урта асрнинг улуг олими — табиб ва файласуф Абу Бакр ар Розий (865—925) ҳам шу шаҳарда яшаб ижод этган.

Дарбадарлик ва сарсонлик қанча оғир бўлмасин, турмушнинг ажойиб яхши ҳадялари ҳам бўлиб туради. Мусофирликда кулфатларини енгиллаштирган ҳалиги дўстларнинг илтифоти устига, тақдир Рейда Берунийга яна бир ёқимли учрашув насиб этди. Бу ёш олимнинг Абу Маҳмуд Хўжандий билан шахсан танишиб мулоқот этиши эди.

Устоз Абу Маҳмуд Хўжандий ҳам Беруний билан учрашганидан мамнун бўлди. У ёш олимга ўзининг расадхонасини кўрсатди. Бу расадхона Рей шаҳрининг маърифатли ҳокими — Фахруддавла шарафига унинг номи билан аталар эди. Чунки Абу Маҳмуд шу ҳокимнинг ёрдами ва қувватлаши туфайли ўз расадхонасини бино эта олган.

Абу Маҳмуд Хўжандий меҳмон Берунийга расадхонанинг ҳаммаёғини кўрсатди. Ёш олим устоз мунажжимнинг сўзларини диққат билан тинглар, илмий

кузатишлар учун барча қудайликларга эга бўлган бу даргоҳга ҳавас билан боқар эди.

Абу Маҳмуд Хўжандий ўзи ясаган Фахрий секстанти деган асбобни Берунийга намойиш қилганида меҳмон яна қаттиқ мутаассир бўлди. Бу асбоб воситасида жой ўринларини аниқлаш мумкин. Абу Маҳмуд Хўжандий ўз секстанти ёрдамида Рей шаҳрининг, тўғрироғи шу расадхона ўрнашган Таборак тоғининг кенглиги  $35^{\circ}34'$  эканини аниқлаб чиққан эди. Бу расадхона, унда эришилган илмий натижалар ўша даврдаги астрономия фанининг ютуғи бўлган. Беруний ёшлигида ўзига чуқур таассурот қолдирган бу илмий даргоҳ тўғрисида кейинчалик алоҳида бир китоб ёзди.

977 йили Беруний Рейдан Катга қайтишга муяссар бўлди.

Она юрт шамоли юзларни ёқимли елпийди, ўз фарзандларининг ғариблик аччиқларини кечирган бошларини меҳр билан силайди. Гарчи Рейдаги дўстлар ва ҳамкасаба олимлар Берунийга кўп меҳрибонликлар кўрсатган бўлсалар-да, ўзга эл, ўзга диёр, она ер тупроғича шодлик бера олармиди.

Беруний анча харобликка юз тутган Кат кўчаларида кезар экан, унинг фикрида шундай хаёллар ҳукмрон эди. Олим Амударё ёқасига етиб тўхтади. Буюк дарёнинг салмоқли оқими тинмай давом этар, нариги соҳил гира-шира кўзга ташланарди. Олисларда шарпаси бир кўриниб, бир кўринмай бораётган қайиқларнинг тарҳи сезиларди.

Беруний она юрт ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди, улуғ наҳр, бепоён далалар чексиз осмонга меҳр билан боқди. Унинг кўнгли юрт севгиси, илм иштиёқи, ижодкорлик шуури билан жўшқин дарё сингари тўлиб-тошган эди.

## ҲАМҚОРЛИК МАКТУБЛАРИ

Беруний илм йўлидаги ҳамкорликни жуда қадрлар, шунинг учун ҳам ўз даврининг таниқли олимлари билан илмий алоқалар ўрнатган эди. Масофалар миқдори тафаккур шуъласи қаршисида ожиздир. Катдан Беруний ёзган мактублар бошқа турли шаҳарларга йўл олар, у мактубларда баён этилган илмий масалаларга жавоб

ва талқинлар узоқ карвон йўлларини оша Катга — Берунийга интилар эдилар.

Беруний шундай ҳамкорликни ўз замонасининг машхур математиги ва мунажжими Абулвафо Муҳаммад Бузжоний билан ҳам ўрнатган эди.

997 йили Ой тутилиши олдидан ҳар иккала мунажжим хат ёзишиб келишиб олишдики, Ой тутилишини Беруний Хоразмда, Бузжоний Бағдодда кузатадилар. Улар Ой тутилишига онд кўринишларни тадқиқ этиб Бағдод ва Катнинг вақти ўртасидаги фарқни аниқлайдилар. Бу фарқ бир соат бўлиб чиқди (15<sup>о</sup>). Ҳозирги ҳисобларга кўра эса бир соату беш минутдир<sup>1</sup>.

Берунийнинг Абу Али ибн Сино билан ёзишмалари ҳам шу даврга тўғри келади.

Беруний Хоразмда илм-фан билан машғул бўлиб турли билим соҳаларини тадқиқ этаётган бир пайтда Бухорода ўн етти яшар бир тиб олимнинг шуҳрати ёйила бошлаган эди. Тезда бу ёш табиб ва файласуфнинг довуғи Хоразмгача етиб келди. Бу табибнинг номи Абу Али ибн Сино эди. У 980 йили Бухоронинг Пешку навоҳийсидаги Афшона қишлоғида туғилди. Абу Али ибн Сино болаликданоқ табобат (медицина)га муҳаббат қўйиб уни ўрганди. Ун беш-ўн олти ёшли Абу Али ибн Сино билимдон ва тажрибали табиб бўлиб танилди. Айниқса Бухоро ҳукмдори Нуҳ ибн Мансурнинг даволанмас деб ҳисобланган хасталигини шифолагач, ёш табибнинг эътибори жуда ошиб кетди. Бу хизмат эвазига бериладиган мукофот ўрнига Абу Али ибн Сино амир кутубхонасидаги китобларни ўқишга рухсат сўради.

Шундай рухсатни олган ёш табиб кутубхонада жиддий мутолаага киришди ва кўп янги билимларни касб этди.

Беруний Ибн Синонинг илмий фаолиятини диққат билан кузатиб борар эди. Беруний Ибн Синонинг фан ва тажрибада ўзига муносиб суҳбатдош бўлишига ишонч ҳосил қилди. Шундан кейин у Бухорога Ибн Синога бир қанча илмий масалалар бўйича саволлар ёзиб юборди. Абу Али ибн Сино бу саволларга жавоблар ёзиб Берунийга жўнатиб турди. Бу ёзишмалар икки буюк фан арбобининг ҳам илмий мубоҳасаси, ҳам мусо-

---

<sup>1</sup> П. Г. Булгаков «Жизнь и труды Беруни», 61-бет.

бақаси эди. Улар 997—998 йиллари амалга оширилган<sup>1</sup>.

Беруний Ибн Синога ўн саккизта савол ёзиб юборган. Уларнинг ҳаммаси Аристотелнинг «Осмон ҳақида» (ўн савол) ва «физика» (саккиз савол) китоблари юзасидандир.

Ибн Синонинг Берунийга қайтарган жавобларини фақиҳ (қонуншунос) Масъудий кўчириб ёзар ва ўзининг Берунийга ёзган хатларига қўшиб Хоразмга жўнатар эди.

Беруний ва Ибн Сино ёзишмалари ўрта аср Шарқининг бу икки буюк олим ва мутафаккирлари ўртасида илмий ҳамкорликдан ёрқин бир намунадир.

## ГУРГОН ШАҲРИ

Қаспий денгизининг жанубий соҳилларига ястанган сўлим бир ўлка бор. Ўрта асрларда уни Гургония ёки Журжония деб атаганлар. Бу мамлакатнинг пойтахти Гургон шаҳари шу ном билан аталган дарё қирғоғида жойлашган.

Гургон шаҳари ўша замонда Эрон заминида танилган адабий ва илмий марказлардан бири эди. Гургон подшоҳи Қобус ҳам таъби назмга эга бир шахс бўлиб, шоир ва олимлар билан тез-тез суҳбат қуриб турар эди.

Гургон подшоҳининг қасри. Истироҳат хоналаридан бирида Қобус бахмал кўрпачага ёнбошлаб шеър тингламоқда. Шеърни ғоят эҳтиром ва тавозе мавқеида туриб шоир Абу Ҳайён ўқимоқда. Шоирнинг ёқимли овози шеър нағмасига сингиб кетган. Ҳар бир мисрада Қобуснинг баланд мартабаси, урушларда қозонган ва қозонажак ғалабалари, бунинг сабаби шоҳнинг бошига порлоқ тоъле юлдузи нур сочиб тургани, иқбол қуши подшоҳнинг сояси янглиғ унга ҳамроҳ эканлиги куйланади. «Подшоҳнинг давлат ва шукуҳи яна ортсин, бутун Эрон замин, балки борлиқ дунё унинг ҳукмига бўй-

---

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино ўртасидаги мактублар араб тилидан ўзбек тилига Абдуфаттоҳ Расулов ва Мадаминжон Абдурахмановлар томонидан таржима қилинган. Бу таржима 1950, 1973 йилларда Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси нашриётида нашр этилган. Бу ёзишманинг араб тилидан рус тилига таржимасини Ю. Н. Завадовский амалга оширган. У ҳам 1950, 1973 йиллари Тошкентда ўша нашриёт томонидан босиб чиқарилган.

сунсин, подшоҳ Қобуснинг умри узун, давлати то абад барқарор бўлсин».

Подшоҳ Қобус шеърга жим қулоқ солади. Унинг чеҳрасида на ҳаяжон, на бепарқлик кўринмайди.

Шоир шеърни ўқиб тугатгач, яна бир бор қуюқ таъзим қилди ва сал чекиниб пойгакда тиз чўкди.

Подшоҳ ёнидаги надимларидан бирига ишорат қилди. Надим дарҳол югуриб чиқиб ҳаял ўтмай бир қутича келтирди. Подшоҳнинг яна бир ишораси билан қутичани очиб ундаги зарҳал нақшлар билан безалган қаламдонни шоирга узатди. Қопқоғи қия очиқ қаламдон ичида бир неча қамиш қалам ва сиёҳдон бор эди. Шоирнинг мадҳияси учун подшоҳ инъоми шундан иборат. Шоир совғани таъзим билан қабул қилиб подшоҳ ҳузуридан ташқарига чиқди. Шоирнинг бундай қалам ҳақидан норози экани унинг юз ифодаси ва ҳаракатларидан сезилиб турар эди. Аммо шоир агар бу ношукурчилиги бирор йўсинда билиниб қолгудай бўлса, ўз бошининг қамиш қаламнинг боши сингари кесилажагини ҳам яхши билар эди.

Подшоҳ даргоҳидагилар шоирни совға билан табрикладилар. Шоир эшитилар-эшитилмас миннатдорчилик сўзларини ғудуллаб саройдан тезда чиқиб қойиб бўлди.

Шоирга кўрсатилган илтифотнинг камтарлиги кўпчиликка аён. Сарой дарвозаси олдида салқинда ўлтирган икки амалдор суҳбатига ҳам шу мавзу қўшилди.

— Бечора шоир не-не умидлар билан мадҳ битиб келтирган экан. Нега у олий мукофотдан мундоқ бенасіб қолмишдир,— деди улардан бири.

— Подшоҳ ҳазратларининг феълени кўплар билмаслар,— деди бошқаси,— Шамсул-маолий Қобус ҳазратлари у зотнинг бетларига қараб мақтов шеърлари ўқишни ёқтирмайдилар. Бундай мадҳгўйликни ҳазрат шоҳ ёлғончилик деб биладилар ва мақтов сўзларига бепарво қараб ўзларини беҳуда ғурурдан ҳоли тутадилар.

— Абу Ҳайён бир тоғли шоирнинг бемаъни қасидаси учун, гарчи у шеър мадҳиядан кўра ҳажвияга кўпроқ ўхшаш бўлса-да, подшоҳ ҳазратларидан беҳад катта совғалар олганини айтмишдир. Бу тухфалар у тоғликнинг ўзигина эмас, балки авлод-авлодининг тирикчилигига ҳам етарли бўлар эмиш.

Ҳамсуҳбати ичида «подшоҳларнинг феълени тушу-

ниб бўларми эди», деб ўйлаган бўлса-да, суҳбатдошининг гапига жасаб бермай сукут сақлади. Чунки, бу замонда бирер сўз, хусусан подшоҳ тўғрисидаги номақбул сўз бош кесилишига сабаб бўлажagini у яхши билар эди.

Қобус қанчалик шоирона таъб ва назокатли идрок эгаси бўлмасин, жуда бешафқат подшоҳ эди. Унинг бирор жазо сифатида чиқарадиган ҳукми фақат бир хил: ўлим. Подшоҳнинг фармониغا кўра жуда кўп кишиларнинг боши кесилган. Шунинг учун одамлар, айниқса подшоҳ доирасига алоқадор кишилар Қобуснинг сиёсатидан дағ-дағ титрар эдилар. Ҳар кимнинг жони ўзига азис. Бирорта шоирга муносиб мукофот бўлдим, бўлмадими деб киши ўзининг энг олий мукофоти — ҳаётдан ажралиб қолишга рози бўлармиди? Иккинчи ҳамсуҳбатнинг фикрида шу мулоҳазалар ҳукмрон эди у сукут қилган пайтда.

Мана бир неча ойдирки, Абу Райҳон Беруний шу подшоҳ Қобус даргоҳида. Қобус ҳозирча Берунийга меҳрибон, уни ўз саройида ва доирасида кўришдан мамнун.

Беруний Гургонга биринчи минг йилликнинг охирида келди. Олим иккинчи минг йилликни Гургонда қарши олди.

Демак, 997 йили Рейдан Хоразмга қайтган Беруний кўп ўтмай яна ўз ватанидан чиқиб кетишга мажбур бўлган эди.

Бир мингинчи йили<sup>1</sup> Беруний «Ал-осорул-боқия мин ал қурунул-ҳолия» («Ўтмиш асрлардан қолган ёдгорликлар») асарини ёзиб тугаллаб уни Гургон ҳукмдори Қобус ибн Вушмағирга тақдим этди. Бу 27—28 ёшлардаги етук фикрли олим Берунийнинг катта, мустақил ва ғоят муҳим асари эди. Бу асарнинг номини қисқартириб «Ўтмиш ёдгорликлари» ёки «Хронология» деб юритилади.

## УТМИШ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Беруний «Ўтмиш ёдгорликлари»ни ёзиб битирганда инсоният жамияти ҳозирги календарь бўйича бир минг йиллик ҳаётни бошдан кечирган эди. Ваҳоланки, бошқа календарлар ҳам бўлган. Улар ҳам инсон ҳаёти, инсо-

<sup>1</sup> П. Г. Булгаковнинг фикрича бир минг биринчи йил.

ният умрини белгилаб берганлар. Умуман, ўтмиш ғоят улуғ ва ибратли. Утмишни ўрганмай, унинг тажрибасини ўзлаштирмай туриб бугунги турмуш, айниқса келажакни қуриб бўлмайди.

Беруний ўзининг «Утмиш ёдгорликлари» китобида қадимий шарқ халқлари — араблар, сурияликлар, яҳудийлар, эронийлар, суғдлар, хоразмликлар ва шу замонда яшаган бошқа халқларнинг турмуш қоидалари, урф-одатлари, йил саноклари, байрам ва маросимлар, хуллас нимаики халқ ҳаётига оид бўлса, шунинг ҳаммасини илмий асосда тадқиқ этди. Олим бу халқлар турмушига оид маълумотларни ҳақиқат ва соғлом фикр нуқтаи назаридан таҳлил қилди, ҳақиқатга зид кўринишларни қатъийлик билан рад қилди. Умуман Беруний фақат илмий ҳақиқатнигина тан олар эди. Бошқа ёндашув нуқтаси унда бўлмаган. Беруний сохталик, сеҳр ва уйдирмани кескин, муросасиз равишда ер билан яксон қилар эди.

«Утмиш ёдгорликлари» китобини Урта Осиё, Эрон, Яқин Шарқ мамлакатларидаги халқлар этнографияси, тарихи, ижтимоий тафаккури бўйича мукамал қомус деб атасак хато қилмаймиз.

Бу асарнинг ўзбек тилига қилинган таржимасини 1968 йили Тошкентда «Фан» нашриёти босиб чиқарган (486 саҳифа, таржимон А. Расулов<sup>1</sup>. «Утмиш ёдгорликлари»нинг рус тилига қилинган таржимаси М. А. Салье томонидан амалга оширилган. Бу таржима Тошкентда ЎзФА нашриёти томонидан 1957 йилда нашр этилган (487 саҳифа). Берунийнинг «Утмиш ёдгорликлари» китобининг тексти ва араб тилидан инглиз тилига қилинган таржимаси Захау қаламига мансуб. Бу таржима 1879 йили Лондон шаҳрида босилган (Тексти 1878 йили Лейпцигда нашр этилган эди).

---

<sup>1</sup> Абдуфаттоҳ Расулов (1893—1977)— таниқли арабшунос олим. Тошкентда туғилган. 1905—1917 йиллари Тошкент мадрасаларидан бирида араб, форс филология ва бошқа билимлардан таҳсил олган. 1944 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон Фанлар академиясининг Беруний номли шарқшунослик институтида илмий ходим бўлиб ишлади. А. Расулов машҳур шарқ олимлари Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Табарий асарларини араб ва форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилган. А. Расулов — филология фанлари кандидати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1969), Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати (1971) эди.



«Ўтмиш ёдгорликлари» китоби тўғрисида С. П. Толстов, В. П. Шеглов, В. Ю. Зоҳидов, М. А. Салье, У. И. Қаримов, П. Г. Булгаков, А. Ирисов, И. Абдуллаев каби олимлар ўзларининг Беруний ижодига бағишланган асарларида қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирганлар.

Беруний «Ўтмиш ёдгорликлари»да даставвал кеча ва кундуз тўғрисида китобхонда аниқ тасаввур туғдиради.

Қуёшнинг буржлар фалакида бир маротаба айланиб чиқишидан Қуёш йили календари тузилган. Ана шу айланиш муддатида Ой ҳам ўн икки ярим марта ўша доирани айланиб чиқади. Ун икки марта осмонда ҳиллол (янги ой) пайдо бўлади. Шундан қамарий (ой) календари вужудга келган. Қуёш йили уч юз олтмиш беш кун бўлади. Ортиб қолган чорак кунлар тўрт йилда бир кун ҳосил қилгач, ўша қўшимча кун тўртинчи йилнинг календарига қўшилади. Бу йил кабисали (қўшимчали) йил деб аталади.

«Ўтмиш ёдгорликлари»да эронийлар, суғдийлар, хоразмийларнинг календарлари тўғрисида берилган хабарлар жуда қизиқарлидир. Уларнинг ҳар бирида ойлар сони ўн иккита. Ҳар бир ой ўзининг алоҳида номига эга.

Эрон календарига оид ойларнинг номлари: фарвардин моҳ, Урдубихишт моҳ, Хурдодмоҳ, Тирмоҳ, Мурдодмоҳ, Шаҳривармоҳ, Меҳрмоҳ, Обонмоҳ, Озармоҳ, Даймоҳ, Баҳманмоҳ, Исфандармазмоҳ.

Ҳар бир ой ўттиз кундан ташкил топади. Ҳар бир куннинг ҳам ўз номи бор. Бир йил уч юз олтмиш беш ва чорак кундан иборат. Шунинг учун бу халқлар бирор ойга беш кун қўшадилар. Бу беш куннинг ҳам ўз номи бор.

Ғарб мамлакатларининг халқлари ҳар бир ойни ўттиз кундан иборат ҳисоблаганлар. «Қибла далиллари» китобининг муаллифи Абул-Аббос Омулийнинг ёзганларига асосланиб Беруний бу ўн икки ой номларини келтирган. Улар бундайдир: Моя, Юния, Юлия, Огуст, Сатанбар, Октубар, Нуванбар, Даҳимбар, Янайир, Фабарайир, Марса, Абрар.

Румликлар ҳам йилни ўн икки ой деб ҳисоблаганлар. Бу ойларнинг номи ва миқдори қуйидагича: Январийус (31), Фебрурийус (28), Мартийус (31), Аплирийус (30), Маййус (31), Юнийус (30), Юлийус (31), Ағус-

тус (31), Сентамбриус (30), Тамбриус (30), Навомбриус (30), Демириус (31). Кўриниб турибдики, бу ойлардан баъзилари ўттиз бир кун, баъзилари эса ўттиз кундир. Бир йил уч юз олтмиш беш кун, ҳар тўрт йилда йиғилган бир кун фебрариус ойига қўшилади ва унда фебрариус ойи йиғирма тўққиз кун бўлади.

Яҳудийларда ҳам ойлар сони ўн иккита. Улар бундай деб аталган: Тишрий (30), Мархешвон (29), Кислев (30), Тебет (29), Шефат (30), Озар (29), Нийсан (30), Ияр (29), Сиван (30), Таммуз (29), Аб (30), Элул (29). Уларнинг йили уч юз эллик тўрт кун бўлиб булар ой йили кунларидир. Ортиқча кунларни йиғиб бир ой бўлганда йил ойларига қўшадилар. Ўша қўшимчали (кабисали) йилни «иббур» («Ҳомиладор аёл») деб атайдилар.

Арабларда ҳам ойлар ўн иккита. Уларнинг отлари қўйидагича: Муҳаррам, Сафар, Рабиал — аввал, Рабиал — охир, Жумодул — аъло, Жумодулохира, Ражаб, Шаъбон, Рамазон, Шаввол, Зулқаъда, Зулҳижжа. Араблар ҳар кунга от қўймадилар. Аммо улар ҳар уч кечага бир от бердилар. Масалан, ой аввалгидаги уч кечани ғурар (қашқа) деб атайдилар. Бу кечада ой отнинг пешонасидаги қашқа каби бўлиб кўринади. Кейинги уч кеча нуфал ёки шуҳб (оқ-қора) деб аталган ва ҳ. к.

Араблар ҳафталарни қўллаганлар. Ҳафта кунларига от қўйганлар. Ойнинг боши ҳилол кўринган кундан бошланади.

Турклар ўз календарларига ҳайвонлар отларини ишлатганлар. Улар қўйидагилардир: Сичқон, Уд, Барс, Товушқон, Луй, Йилон, Юнт, Қўй, Пичин, Товуқ, Ит, Тўнғиз.

Беруний ўзи билган календарларнинг ҳаммасини бир жадвалга солган, уларни нисбатлаб фарқларини кўрсатган.

«Ўтмиш ёдгорликлари»да тарихлар моҳияти ва турли халқларда мавжуд бўлган тарих тушунчаси тўғрисида муҳим маълумотлар бор.

Бирор ўтиб кетган йилнинг аввалидан ҳисобга олинган маълум бир муддатга тарих дейилади.

Бу фурсат бирор катта воқеа (бирор улуғ шахснинг чиқиши, хароб қилувчи тўфон, зилзила, вабо ёки қаҳатчилик туфайли юз берган фалокат ва ҳ. к.) Эронийларда «Моҳу рўз» («ой ва кун») ҳисоби бўлган. Шу ифода-

ни («Моҳу рӯз») арабчалаштириб «муаррах» деганлар. Унинг масдари қилиб «тарғх» чиқарилган.

Ҳар бир халқда тарих тўғрисидаги тушунчалар хилма хилдир. Уларни қиёслаб тадқиқ этилса, ҳақиқат ва уйдирмаларни фарқ этиш мумкин.

Беруний ўз асарида баён қилган ана шу ихтилофли маълумотларни келтирар экан, ҳар бирининг қандай далилларга асосланганини кўрсатади, бу далилларни таҳлил этади, улардаги ноаниқликларни очади.

«Утмиш ёдгорликлари» китобида бир неча махсус жадваллар бор. Беруний бу жадвалларда турли халқларнинг эътиқодига кўра одам яшай бошлаган давр тарихи, айрим ҳукмдорларнинг ҳукмронлик йиллари тўғрисидаги маълумотларни келтиради. Ҳукмдорларнинг лақабларини айтади, уларнинг қилган ишлари тўғрисида қисқача хабар беради.

Эронликлар эътиқодига кўра биринчи инсон Каюмарс эди. Унинг бир лақаби «Гиршоҳ»—«тоғ подшоҳи» бошқа лақаби «гилшоҳ»—«балчиқ шоҳи»дир. Баъзилар Каюмарснинг маъноси «тирик, сўзловчи, ўлувчи» дейдилар (с. 127).

Эронликлар тарихни Каюмарсдан Искандарнинг Доро устидан галаба қозонганигача, ўша даврдан сосонийлар сулоласининг биринчи шоҳи Ардашер Бабақ (226—241) давригача, сўнгра у даврдан то Исломгача, жами уч даврга бўладилар.

Беруний Ҳамза Исфакхонийнинг «Халқларнинг ўтиб ва йўқ бўлиб кетган улуғларнинг тарихи китоблари» деган асарида Эрон шоҳлари хронологиясини олган. Ҳамза бу хронологияни эронликларнинг қадимий муқаддас китоби «Авесто»дан олганини айтган эди. Уша рўйхатда Каюмарсдан тортиб то Доро ибн Дорогача бўлган барча Эрон ҳукмдорлари кўрсатилган.

Беруний махсус жадвалда турли мамлакат ҳукмдорларининг қандай аталганларини хабар қилади. Эрон подшоҳлари шаҳаншоҳ ва Кисро деб, Рум подшоҳлари Басили яъни Қайсар, Искандария подшоҳлари Батлимус, деб аталганлар, ҳазар ва ўғиз турклари ўз подшоҳларини Хонувта деганлар.

Улуғ хоразмлик олим ўз юртининг тарихига оид маълумотларга ҳам аҳамият бериши табиий эди. «Утмиш ёдгорликлари»да Хоразм тарихи тўғрисида қуйидаги маълумотни ўқиймиз: «Улар (хоразмликлар — А. Қ.) Хоразмга одам жойлаша бошлаганидан тарих

олар эдилар. Бу Искандардан тўққиз юз саксон йил илгари эди (с. 71).

Беруний Хоразм халқининг қадимий маданияти ислом истилочилари томонидан йўқ қилингани тўғрисида маълумот беради.

Хоразм ислом лашкари томонидан икки мартаба босиб олинди. Иккинчи бор Хоразмни эгаллаган лашкарбоши Қутайба ибн Муслим тарихни мусулмонлар расмига мувофиқ ҳижрий ҳисобига ўтказди. Қутайбанинг Хоразм маданияти ёдгорликлари ва арбобларини қандай ёвузлик билан йўқ қилганлиги тўғрисида Беруний бундай деб ёзади: «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди» (с. 72, 84).<sup>1</sup>

Беруний айрим тарихий воқеалар тўғрисида сўзлар экан, ибратомуз хулосалар қилади. Масалан, арабларнинг эронликлардан олдин исломни қабул қилганликлари билан фахрланишлари тўғрисида гапирганда, Беруний чинакам фахру-ифтихор нимадан бўлиши кераклиги тўғрисида бундай деб ёзади: «Фахрланиш ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд нополиклардан тозаланиш» (с. 151)да кўриниши керак.

Демак, истило ва таассуб, зўравонлик ва бузғунчилик билан эмас, балки эзгулик, илм, фан, инсоний камолот учун хизмат қилиш билан ифтихор қилиш лозим.

«Ўтмиш ёдгорликлари» китобида Беруний инсон ҳаётига оид хилма-хил маълумотларни келтиради. Шу жумладан олимнинг кишиларнинг жисмоний тузилиши, умрининг узун-қисқалиги тўғрисидаги мулоҳазалари ҳам диққатга сазовордир.

Қадимий одамлар йирик гавдали бўлганлар. Мадиян тоғларида топилган археологик ёдгорликлар шу фикрнинг исботига хизмат қилади.

Берунийнинг ёзишича, Фарғона ва Яммома (Афғонистондаги бир вилоят) халқлари, химярлар ва бошқа

---

<sup>1</sup> Берунийнинг Хоразм ҳақидаги фикрлари билан муфассал танишмоқ учун қаранг: Н. К. Норқулов «Беруний ва Хоразм», Т. «Фан», 1973.

яна бир қанча халқлар орасида узоқ умр кўрганлар кўпроқ учрайди. Беруний одамнинг узоқ вақт яшаши сабабини биологик ва ирсий омиллар билан боғлайди. Олим бу тўғрисида астрологлар тўқиган уйдирмаларни қатъиян рад қилади.

Абу Абдулло ал-Ҳусайн ибн Иброҳим ат-Табарий ан-Натилий (Берунийга замондош бўлган олим ва ёзувчи) инсон учун уч камолот бор, деган.

Биринчи камолот — балоғатга етиш даври; яъни ўзи каби бировнинг ундан пайдо бўлиши мумкин бўладиган вақт. Бу иккинчи етти йилликнинг бошидир.

Иккинчи камолот — тафаккур қуввати бўлиб, кишининг ақли қувватдан феълга чиқадиган вақти. Бу олтинчи етти йилликнинг бошига тўғри келади.

Учинчи камолот — одам ёлғиз бўлса ўзини, уйланган бўлса оиласини, подшоҳ бўлса фуқаросини кутишга арзийдиган вақти.

Шу учала камолот даври бир юз қирқ йилдир, деган ан-Натилий.

Беруний бу уч камолот тўғрисидаги фикрни маъқуллайди, аммо улар учун белгиланган муддатларни қабул қилмайди. «Биз замонамизда ан-Натилий камолот белгиси деб кўрсатган аҳволга одамларнинг бошқачароқ муддатларда етаётганликларини учратамиз» (с. 117) деб ёзади Беруний.

«Ўтмиш ёдгорликлари»да катта ижтимоий аҳамиятга молик воқеалар тўғрисидаги маълумотлар кўп учрайди. Булар пайғамбарлик даъво қилган шахслар, уларнинг тарафдорлари, бу ҳаракатнинг оқибатлари, шундай ҳаракат қатнашчиларининг мафкуравий қарашлар тўғрисидаги боблардадир.

Амалда бу маълумотлар Ўрта Осиё, Эрон халқларининг ажнабий истилочиларга қарши кўтарган қўзғолонлари, бу халқлар ичида ислом догматизмига қарши юзага келган ижтимоий мафкураларнинг баёнидан иборат.

Ҳукмрон мафкурага қарши кўтарилишларга турли даврларда Будосаф, Заратуштра (Зардушт), Моний, Беҳофарид, Муқанна каби шахслар бошчилик қилдилар.

«Ўтмиш ёдгорликлари»да заростризм эътиқодининг асосчиси Заратуштра ва унинг «Авесто» китоби тўғрисида ғоят муҳим маълумотлар бор. Берунийнинг шарқ тафаккури тарихида ўзига хос ўрин тутган Моний ва

унинг таълимоти тўғрисида айтганлари ҳам диққатга сазовордир.

«Утмиш ёдгорликлари»да яна ал-Халлож ибн Абу Закария, Ибн Абу Азоқир, яҳудийлар кутаётган Маҳдий, Дажжол, уларнинг таълимоти ва тақдири тўғрисида маълумотлар келтирилган. Яна шу «сохта пайгамбарлар»нинг қачон чиққани тўғрисидаги жадвал ҳам берилган.

«Утмиш ёдгорликлари»да Беруний яна эронликлар, хоразмликлар, суғдлар, румликлар, яҳудийлар, сурияликлар, христианлар, насорий христианлар, исломгача бўлган араблар, мусулмонларнинг маросим кунлари, ҳайитларига оид маълумотларни ҳам келтирган.

Булар орасида наврўз тўғрисида айtilган гаплар диққатга сазовордир. Беруний дунёвий ишлар учун мўлжалланган ҳайитлар ва диний (охират учун мўлжалланган) ҳайитларни фарқ қилади. Наврўз дунёвий ҳайитларнинг биринчисидир.

«Утмиш ёдгорликлари»нинг охирги боби ой манзиллари хусусидадир. Беруний қуёш йили кунларида Ой манзилларининг чиқиш вақтини билдиради. Ой манзилларининг ўзгариши сабабли ўзгарувчи ва қайтарилиши билан такрорланувчи табиий ҳолатлар ўша манзилларни ўрганиш натижасида олдиндан билинади (с. 336).

Шундан кейин ҳиндлар, исломгача бўлган араблар, эронликларнинг ой манзилларини белгилаш тартиблари тўғрисида сўз юритилади.

«Утмиш ёдгорликлари» китобини тугаллар экан, Беруний бундай деб ёзади: «(Бу китобни) ўқинган ўқувчи (қуйидаги кайфиятдан) ҳоли бўлмайди: ё у маълумотда менга тенглашади; унда мени мақтаб, бу китобга қилган меҳнатим учун мендан миннатдор бўлади; ёки мартабада мендан ортиқлик қилади; унда янглишларни ислоҳ этиб юз берган тойилишларда мени маъзур тутади. Учинчи (ҳолатдаги ўқувчи) келганда, у менга бўйсунса, истифода этишига, агар адоват қилса ожиз қолишига кифоя қиларли асар яратдим» (с. 425).

Дарҳақиқат «Утмиш ёдгорликлари» ёш олимни буюк алломалар сафига киритди, уни жаҳон олимларининг пешволаридан бирига айлантirdи. Бу китоб тез шуҳрат ва эътироф топди. Асрлар ўтган сари унинг эътибори тобора ортиб бормоқда.

Беруний Гургонда экан вақтида баракали илмий

фаолият билан машғул бўлди. У Хоразмдаги устози Абу Наср ибн Ироқ билан илмий муносабатларини давом эттирди.

Абу Наср ибн Ироқ Берунийга атаб бир қанча асарлар ёзиб Гургонга юборган.

Беруний яна бир бошқа хоразмлик олим Абу Саҳл ал-Масихий билан шундай илмий ҳамкорлик ўрнатган эди.

Гургонда бўлган пайтида (998—1003 йиллари) Беруний астрономия ва табиатшунослик, тарихга оид ўн бешта асар ёзган. П. Г. Булгаковнинг «Беруний ҳаёти ва асарлари» китобида (рус тилида) кўрсатилишича шу асарлардан учтасининг қўлёзмалари бизгача етиб келган. Улар «Астролябия тузилишига хос усуллар», «Астрономия калитлари» ва бизга яхши маълум бўлган «Ўтмиш ёдгорликлари» китобларидир.

## НИЗО

Гургон подшоҳи Қобус ибн Вушмагир Берунийнинг қандай улуғ зот эканини яхши билар эди. Беруний ҳам Қобуснинг қанчалар фозил адиб ва зolim подшоҳ эканини тўла англаган эди. Бир куни улар ўртасида бундай суҳбат, тўғрироғи мунозара содир бўлди.

Қобус Берунийни ўз ҳузурига чақирди. Улар фақат икковлари эдилар.

— Сизнинг улуғ истеъдод ва чуқур тафаккурингиз Гургон мамлакатининг бегагидир,— деди Қобус Берунийга,— бу мамлакат ҳокимияти шу зукколик ва донолик билан мустаҳкамланса, яъни вазирлик мартабаси Сизга ато этилса, деган хоҳиш кўнглимда уйғонди.

— Бу давлат ва улуғ даражага мен муносиб эрмасмен,— деб жавоб қилди Беруний дарҳол. Унинг ўз фикрини тўппа-тўғри ва ҳеч ҳайиқмай айтиш одати бор эди.— Чунки мен илм даргоҳининг хизматида барқарор бўлиб давлат хизматиغا фурсат топмасмен ва буюк ишончимни йўқотиш шарафсизлигига мубтало бўлурмен.

Подшоҳ Қобус ўз сўзининг рад қилинишига одат қилмаган эди. У Берунийнинг жавобидан, бу жавобнинг қатъий ва келишмовчи оҳангидан ранжиди. Қобус Берунийга бирор қуйи лавозим таклиф қилаётгани йўқ. У баъзи одамлар бир умр орзу этиб, ҳар кун тушида

кўриб етиша олмаётган ферузбахтликни унга муяссар қилмоқда.

— Сизнинг ихтиёрингизга подшоҳлик ҳокимиятининг бутун қуввати топширилгай. Гургон давлатининг бош таянчи сиз бўлиб қолурсиз. Сиз фақатгина тахт эгасига бўйсунарсиз. Бошқа ҳамма Сизнинг фармонингизга муте бўлгай,— деди Қобус сал изтироб ва қизғинлик билан,— бунинг неси сизга номақбулдир?

— Мен илм ва тафаккурга фармонбардордирмен. Менинг ягона давлатим турмушдаги эркинлик ва фунун даргоҳидаги бандалигимдир. Шундан жудо этмасалар деб ўтинамен.

Гургон подшоҳи Шамсулмаолий Қобус ибн Вушмагир Берунийнинг бу сўзларига жавоб қилмади. У енгил бош иргитиб Берунийга суҳбат тугаганини билдирди. Беруний подшоҳга таъзим қилиб хонадан ташқарига чиқди. Олимнинг кўнгли ташвишли, хоотири ғамнок эди.

Подшоҳ Қобус кейинги пайтларда зулмни ҳаддан оширмоқда. Унинг фармони билан ҳар куни бир неча кишининг боши кесилади. Улардан қай бири гуноҳкор, қай бири бегуноҳ эканини ҳеч ким, шу жумладан подшоҳнинг ўзи ҳам яхши билмас эди. Бу жабрдийдаларнинг кўплари подшоҳ доирасига мансуб бўлганлар. Шавкат қуёши деб номланган бу подшоҳ кишилар кўнглини ёритиш ўрнига уларнинг жони ва хонумонини куйдириш билан машғул.

Беруний учун ҳам хавотирли кунлар келди. У ҳар доим бир жазо ёки таъқибни кутиб вақти ўтар эди. Кейинчалик Беруний ўзининг ана шу ҳаяжонларини ифодалаб бир байт ёзди:

Хуршиди даврон тилар: қилсам унинг  
тобеълигин,  
Истагим барбод этиб, қандоқ сәбил хуршид экан!

Қобуснинг Берунийга муносабати тобора ёмонлаша борди. Подшоҳ олимнинг тадқиқотларига ҳеч қандай ёрдам кўрсатмай қўйди.

Беруний Журжон яқинидаги Диҳистан билан ғуз — турклар яшайдиган жой ўртасидаги бир ўринда ер масофаларини ўлчамоқчи бўлганида бу иш учун хазинадан ажратиладиган маблағ берилмади. Бора-бора Гургонда подшоҳнинг муттасил норозилиги ва қаҳрига



чидаб ишлаш Беруний учун оғир бўла борди. Бошқа чора қолмаганидан кейин 1003—1004 йили Беруний Гургонни тарк этиб чиқиб кетди.

## ГУРГАНЖ

Бу пайтда Хоразм давлатининг пойтахти Гурганж бўлган (П. Г. Булгаковнинг хабар беришича, бу шаҳар ҳозирги кўҳна Урганж ўрнида жойлашган. Кўрсатилган асар, с. 119).

997 йили Хоразм тахтини уста дипломат ва тадбиркор ҳукмрон Али ибн Маъмун эгаллаган бўлиб, у ўз давлатига маълум мунтазамлик ўрнатган эди. Али ибн Маъмун олим ва шоирларга ҳомийлик қилди. Натижада Хоразмда Урта Осиёнинг энг машҳур олим ва фозиллари жам бўлдилар, илм-маданият юксалди.

Беруний Гургондан Гурганжга келиб шу ерда истиқомат қилиб қолди. Берунийдан сўнг унинг устози Абу Наср ибн Ироқ ҳам Катдан Гурганжга келди. Ал-Масихий, Абулхайр ибн ал-Хаммор каби олим ва табиблар шу шаҳарда истиқомат қилмоқда эдилар. Ниҳоят 1005 йили шарқ тиббиётининг ёруғ қуёши Абу Али ибн Сино ҳам Гурганжга келди.

Беруний ва Ибн Сино бир-бирлари билан шу шаҳарда учрашдилар.

Абу Мансур ас-Саолибий «Йатиматуд-дахр» («Даврнинг ягона гавҳари») китобида хабар қилишича, бу пайтда Хоразмда кўп шоирлар яшаб ижод этганлар. Уларнинг кўплари араб тилида шеърлар ёзганлар (Урта Осиёдаги араб тилидаги бадий адабиёт тўғрисида қуйидаги китобга мурожаат этилсин: Исматулла Абдуллаев, «Йатиматуд-дахр» (арабчадан ўзбекчага таржимаси, Т., «Фан», 1976 й.)

Беруний Хоразмга қайтгач, ўз илмий ишларини давом эттирди. У минералогия, табиатшунослик бўйича бир қанча асарлар ёзди, астрономик кузатишлар олиб борди. Айниқса Берунийнинг 1004 йили ой тутилишини тадқиқ этиши муҳим хулосалар қилишига сабабчи бўлди.

1009 йилда Хоразмшоҳ, Абу ибн Маъмун вафот этди. Хоразм ҳокимияти марҳум подшоҳнинг укаси Маъмун ибн Маъмун ихтиёрига ўтди.

Беруний ўз ватанининг тақдирига ҳеч қачон бепарқ қараган эмас. Улуғ олимнинг Хоразмда яшаб турган даври унинг жиддий сиёсий фаолияти билан боғлиқ.

Хоразмшоҳ Беруний билан маслаҳатлашиб иш тутар эди. Олимнинг донолик билан берган маслаҳатлари мамлакат тақдирида катта аҳамиятга эга бўлган.

Хоразмда Беруний бир тарихий асар ёзган. У «Хоразмнинг машҳур зотлари» деб аталади. Аммо бу асарнинг қўлёзма нусхаси бизгача етиб келмаган. Берунийнинг замондоши тарихчи олим Абу Фазл Байҳақий ўзининг «Тарихи Масъудий» китобида Берунийнинг шу асаридан айрим лавҳаларни келтирган.<sup>1</sup>

Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун илмли, шавкатли ва фаол шахс эди. Аммо унинг бутун вақти айшу-ишрат, базм ва овда ўтар эди. Хоразм мамлакатида халқнинг аҳволи оғирлашиб борар, хўжалик хароб бўлмоқда, хонавайронлик авж олмоқда, базмдан боши чиқмайди-ган подшоҳ эса халқнинг қандай оғир ҳаёт кечираётганига парво қилмас эди.

Фазна подшоҳи Маҳмуд Ғазнавий бу пайтда Туркистон хонлари билан уруш олиб бораётганидан Хоразм билан дўстона алоқалар ўрнатган эди. Аммо Маҳмуднинг кўнглида Хоразмни ўзига тобе қилиш нияти бўлган. Қулай фурсатда у бу ниятни амалга оширди. Маҳмуд Ғазнавий Туркистон хонлари билан сулҳ тузди. 1017 йили эса Хоразм Маҳмуд Ғазнавий тасарруфига ўтди.

Хоразм мулки Маҳмуд Ғазнавий лашкарининг таланчиларига ем бўлди. Жуда кўп олим ва ҳунармандлар подшоҳнинг буйруғи билан Ғазнага ҳайдаб олиб кетилди. Шулар орасида Абу Райҳон Беруний ҳам бор эди.

Беруний яна ўз ватанидан узоқлашди. Энди бу абадий узоқлашув эди. 1017 йили Хоразмдан олиб кетилган Берунийга кейин она юртига қайтиш nasib бўлмади.

## ҒАЗНА. ЕР УЛЧАШГА ОИД АСАРЛАР («ГЕОДЕЗИЯ»)

Бу даврда Берунийнинг олимлик шуҳрати бутун шарқ мамлакатларига ёйилган эди. Энди унинг мукамал билимдонлиги, ўткир ақли ва тафаккури Ғазнавийлар сулоласига хизматда бўлиши лозим. Маҳмуд Ғазнавийнинг нияти шундай. Аммо эркинлик ва ҳур-

---

<sup>1</sup> «Тарихи Масъудий» китобининг форс тилидан рус тилига таржимасини А. К. Арендс амалга оширган. Бу таржима 1969 йили Тошкентда УзФА нашриёти томонидан нашр этилган.

фикрликни ҳар нарсадан устун тутадиган, фан ва маърифатнинг эътиқодли мухлиси ва заҳматкаш Беруний зулм ва макр тимсоли бўлмиш подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий билан муроса қила олмайди. Бу аниқ. Шунга қарамай 1017 йилдан ўз ватани Хоразмдан ғазнавийлар давлатининг пойтахти Ғазнага тутқун қилиб келтирилган Беруний то 1030 йилгача, яъни подшоҳ Маҳмуд вафотигача, унга тобе ва қарам бўлиб яшашга мажбур бўлди. Олим учун маънавий азоб-уқубат билан тўла бу аччиқ қисматга чидашдан бошқа чора йўқ.

«Агар тақдир шундай аламли ҳаётда яшашни белгилаб қўйган бўлса, унга рози бўлишдан бошқа нима ҳам қила олиш мумкин», деб фикр қилар эди. Беруний. Олим бетўхтов илм била машғул бўлибгина ўзини сал овутарди.

Ғазнага келган пайтида Беруний «Геодезия» асарини ёзишга киришган эди. Бу асар учун лозим материалларни у Хоразмда эканида жам қила бошлаган бўлиб, зарур илмий асбоб-ускуналарни ҳам ўша ерда ҳозирлаб қўйган эди. Шуларнинг ҳаммасини олим ўзи билан Ғазнага келтиргани учун илмий ишини бетўхтов давом эттириши мумкин бўлди.

Беруний бу асарини Ғазнада 1018 йилнинг бошларида ёзишга киришди ва 1025 йил 20 октябрда уни ёзиб тугаллади. Асарнинг тўла номи бундай: «Аҳоли яшайдиган жойлар орасидаги масофаларни аниқлаш учун (жеракли) ўринларнинг чегараларини белгилаш». Буни қисқартириб фанда «Геодезия» дейилган<sup>1</sup>.

Китобнинг кириш қисмида, ҳар бир асаринда бўлгани каби, Беруний ўз кўнглидаги энг эзгу фикрлари, дарду

---

<sup>1</sup> «Геодезия»ни араб тилидан рус тилига П. Г. Булгаков таржима қилган. Бу таржимани 1966 йили Тошкентдаги «Фан» нашриёти босиб чиқарган. Бу нашр муфассал сўз боши ва мукаммал илмий аппарат билан таъминланган. Улар ҳам П. Г. Булгаков қаламига мансуб.

Филология фанлари доктори, Беруний номли Ўзбекистон давлат мукофотининг лауреати Павел Георгиевич Булгаков (1927 й. туғилган). Беруний ижодини ўрганиш соҳасида катта хизмат қилган олимлардан бири. У «Жизнь и труды Беруни» («Берунийнинг ҳаёти ва асарлари». Т., «Фан», 1972 й.) асарида Беруний ҳаёти ва илмий фаолиятини, унинг ўрганилиш тарихини муфассал тадқиқ этган. Яна П. Г. Булгаковнинг «Абу Райҳон Беруний» (рус тилида) китобчасида (Т. «Фан». 1973) шу масалалар илмий-оммабоп шаклда таърифланган. П. Г. Булгаков Беруний тўғрисидаги икки серияли бадиий фильм сценарийсининг соавтори ҳамдир.

ҳасратларини баён қилади. Уларда олимнинг жоҳил, тубан, манфаатпараст, пасткаш кимсаларга чексиз нафрати аён бўлиб туради.

«Замондошларимга назар солганимда шуни кўрдимки,— деб ёзади Беруний,— улар ҳамма жойларда жаҳолат либосини ёпинганлар ва шу билан бир-бирлари қаршисида фахр қиладилар. Улар фазилат эгаларига қарши душманлик олови билан ловуллаб ёнадилар ва (пешонасига) илм муҳри босилган ҳар бир кишини таъқиб қилиб унга турли-туман озор ва ёмонлик етказадилар».

Беруний яшаган шароит, уни ўраган муҳитда ана шу тоифадаги шахслар кўпчиликни ташкил этар эди. Шундай ёвуз доирада ўралгани ҳолда олим тинмай ижод қилди, илм-фанга ривож берди. Беруний учун илм ҳаётий зарурият эди.

Аmmo Беруний атрофидаги бир гуруҳ жоҳиллар илмни тан олмас, илм аҳлига ҳақоратомуз муомалада бўлар эди. Шундай кимсаларга жавобан Беруний илмнинг қадру-қимматини баланд қўйиш кераклигини, инсоннинг чин фазилати илмда эканини ишонч билан уқтирар эди.

Илмдан нима фойда бор дегувчи қўпол ва бадмуомала жоҳиллар инсоннинг бошқа ҳайвонотдан устунлиги илм туфайли эканини билмайдиган ва илмсиз инсон ўз мазмунидан маҳрум бўлажagini улар фаҳмламайдилар, деб ёзади Беруний.

Илмни унинг моҳияти учун ўрганадилар. Илм ўзи лаззат бағишлайди. Одамлар илм туфайли эзгуликка эришадилар. Улар илм туфайли ёвузликдан халос топадилар. Шунинг ўзи энг аниқ фойда, энг катта давлат эмасми, ахир!

Буюк олим Берунийнинг илм таърифида айтган бу сўзлари илм-фан қимматини кўкларга кўтариш, яна айна ҳақиқатни лўнда ва ишонарли баён қилишнинг аниқ намунаси дир.

Беруний илм душмани бўлган, ундан нима фойда бор дегувчи жоҳилларни танқид қилиш билан чекланмайди. Балки ўшандай кимсалар фойда деб ҳисоблаган тушунчаларнинг нафратли тубанлик эканини очиб ташлайди. Олим илмнинг турмушнинг ҳар бир соҳасида чин фойда етказажagini қатъий нисбатлар орқали исботлаб кўрсатади.

Шундан сўнг Беруний турли фанларнинг қандай пайдо бўлгани тўғрисида ҳикоя қилади.

Нозик табиатли кишилар музика тинглаб роҳатланадилар. Тартибга солинган оҳанглар кишига кучлироқ таъсир қилади. Киши тартибни ёқтиради. Тартибли шеърлар диққатни жалб этади. Шеър қаторлари оҳанглар уйғунлиги билан қоришиб кетганида кишига янада мақбулроқ бўлади. Шундан музика илми келиб чиққан.

Кишилар бир-бирлари билан мулоқот қиладилар, баҳс ва музокаралар. Ана шундай пайтда нутқ «тарозилари» даркор бўлади. Шу тарози мантиқдир.

Илмлар инсон ҳаёти учун зарурий эҳтиёжлар туфайли пайдо бўлди. Беруний бу китобининг шундай мароқли фикрлар билан тўла муқаддимасида инсон ҳаётига оид мулоҳазалардан табиатга боғли муҳокамаларни келтириб чиқаради.

Тоғлар силлиқ, гулдор тошлардан, тошга айланиб кетган тупроқдан ва қумлардан ташкил топган. Харсанглар ва шағаллар эса узилиб тушган тоғ парчаларидирлар. Улардан шамол ва сув таъсирида ажралиб кетган айрим бўлақлар эса қум ва тўзонлардир.

Шағал дарё ўзанларида йиғилди. Сўнгра у сув остида қолиб кетди. Секин-секин улар совуқ таъсирида тошга айланадилар. Тош эса олов (иссиқлик — А. Қ.) таъсирида парчаланиб кетади. Чунки совуқдан шакланган нарса иссиқдан бузилади, иссиқдан яралган нарса эса совуқдан маҳв бўлади.

Беруний қуруқликнинг Ер марказига муносабатини алоҳида тадқиқ этиб бундай хулосага келади: Қуруқликнинг Ер марказидан узоқлашуви ўзгариб туради. У кўтарилганда қумлар кўпайиб сув камаяди, ариқ ва булоқлар қуриydi, ер сатҳи ёмонлашади, уни ишлаш (деҳқончилик иши — А. Қ.) мумкин бўлмай қолади. Натижада одамлар — бундай ерларни ташлаб бошқа жойларга кўчиб кетадилар. Шу туфайли илгари денгиз бўлган жойларда қуруқлик, қуруқлик бўлган жойларда денгизлар пайдо бўлади. Масалан, Арабистон саҳроси ўрнида илгари денгиз бўлган. Журжон ва Хоразм оралиғида ҳам катта кўл бўлган. Жайхун дарёси бу ерлардан ўтиб Журжон ва Хазар оралиғидаги денгизга қуйилган.

Беруний Хоразмнинг пайдо бўлиши тўғрисида муфассал ҳикоя қилади. Жайхун дарёси катта қоялар орасидан ўтиб бу ерда кўл ташкил қилган эди. Жайхун

дарёсининг лойқаси кўп, суви мўл, оқими тез бўлган. Секин-секин дарё мансабида ер пайдо бўла бошлаган. Сўнг у ер бора-бора қуруқликка айланган. Кўл чекиниб бориб охири Хоразм ери сув остидан бутунлай очилган.

Миср ери ҳам худди шундай тарзда Нил дарёси ёйилиб оққан жойда аста-секин юзага чиққан.

Беруний Ой ва Қуёшнинг ердаги ҳаётга таъсири қанчалар кучли эканини исботлаб беради. У Аристотелнинг буғланиш кучайиб бориб охири денгизлар қурийдилар, деган фикрини қатъиян рад қилади.

Берунийнинг тушунтиришича, Ернинг шимолий томони мўътадил ҳавога эга. Шунинг учун у ерда одамлар яшайдилар. Қуёш зенитга келганда бундай ерларда мўътадиллик сақланади.

Ернинг жануб томонида сувлар кўп. Сувлардан илиқ шамол эсиб яшашга қулай шароит яратади. Агар жанубда қуруқ ерлар бўлганида улардан иссиқ шамоллар эсиб яшаш имкониятини бермаган бўлар эди. Жанубида Судан саҳроси бўлгани учун Миср иссиқ, жанубида форс денгизи бўлгани туфайли Шероз салқин.

Беруний Ер бўлаклари ер юзасидан ўз жойларини ўзгартириб турадилар, деган хулосага келади.

Ер бўлаklarининг марказгача бўлган масофалари ўзгарган сари бу бўлаklarдаги табиат ва иқлим ўзгара боради. Бундай ўзгариш марказга қараб, ёки ичкарига, ёки ташқарига, ёки тўрт томондан бирига томон бўлиши мумкин. Шаҳарлар жойлашган ўринлар (кенгликлар) ҳам ана шу жой алмашиниши туфайли ўзгаради. Ҳатто шаҳарлар ноқулай жойга ўтиб қолиб вайрон бўлишлари ҳам мумкин. Шунинг учун шаҳарлар ўрнашган жойлар, уларнинг кенлиги ва узунлиги миқдорларини ўлчаб туриш керак бўлади.

«Геодезия» китобининг муқаддимасида Беруний Ғазна шаҳари тўғрисида бир қанча таъсирли сўзлар айтган. Бу шаҳар Шарқий подшоҳликларнинг (Ғазнавийлар давлатини Беруний шундай деб атади — А. Қ.) марказидир. «Ғазна мен учун одамларнинг ҳурматини тиклайдиган... доимий ватаним бўлиб қолди», деб ёзда олим.

Беруний объектив реал шароитни ҳисобга олиб Ғазнанинг ўзига иккинчи ватан бўлганини эътироф қилади. Чунки у ўз она юрти Хоразмга қайтиш имкониятидан маҳрум бўлганини тушунар эди. Беруний Ғаз-

нада ўзининг илмий ишларини давом эттирмоқчи эканини, хусусан астрономик кузатишлар олиб бормоқчилигини билдиради ҳамда бошқа илмий режаларидан хабар беради.

«Геодезия» Берунийнинг Ғазнага келганидан сўнг бошлаган биринчи катта асари эди. Юқоридаги фикрлар олимнинг ўз тутқинлик ҳолатини эътироф этишдан бўлак чораси қолмаганидан далолат беради.

Беруний «Геодезия» китобида ҳаракатсиз юлдузлар ва Қуёш орқали шаҳарларнинг жойлашган кенгликларини аниқлаш усулини муфассал баён қилган. Шунга мисол қилиб олим Бағдодда Мусо ибн Шокирнинг ўғиллари Муҳаммад ва Аҳмад ҳаракатсиз юлдузлар воситасида Бағдод шаҳари ўрнашган кенгликнинг  $33^{\circ}25'30''$  эканлигини аниқлаганлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Абу Маҳмуд ал Хўжандий 384 йили (милодий ҳисобда 994) йил Қуёшнинг энг баланд кўтарилган даражасини  $77^{\circ}57'40''$  деб аниқлаган. Шундан келиб чиқиб, у Рей шаҳари ўрнашган кенглик  $35^{\circ}34'39''$  эканини ҳисоблаб чиққан. Беруний эса Рей шаҳарининг ўрнашган кенглиги  $35^{\circ}38'5''$  ҳисоблайди. (Бу мисолларнинг ҳаммаси «Геодезия» китобининг П. Г. Булгаков рус тилига қилган таржимасидан келтирилмоқда. С. 122).

Беруний «Геодезия» да Абу Маҳмуд Хўжандийнинг Рей шаҳарида қурган расадхонаси тўғрисида ҳам муфассал маълумот берган.

«Геодезия»да Берунийнинг одамлар яшайдиган ерларнинг иқлимларга бўлиниши тўғрисидаги маълумотлар ҳам ғоят муҳим. Бу ерлар сиёсат ва бошқаришга ўнг бўлишини кўзда тутиб етти қисмга бўлиб чиқилган. Ҳар бир бўлак доира шаклидадир. Марказда Эроншаҳр жойлашган. У тўртинчи иқлим.

Иқлимларни «кишвар» (мамлакат) деб ҳам аталади.

Берунийнинг фикрича бу бўлиниш ҳеч қандай табиий ёки астрономик асосда эмас, балки одамларнинг қиёфаси, характери, тили, дини ёки зўравонлик асосига қурилган.

Юнонлар одамлар яшайдиган ерларни иқлим ва тун-кун узунлигига қараб етти бўлакка ажратдилар. Улар энг узоқ ёз кунини ўн уч ярим соат бўлган жойни ўрта деб ҳисобладилар. Шундан ҳар ярим соат фарқ қиладиган жойни бир иқлим деб атадилар. Бу ҳисоб кундуз ўн олти соат бўлган жойда тўхтайтиди.

Беруний «Геодезия» асарида Ой тутилиши ва унинг турар-жойларнинг ўринларини аниқлашдаги аҳамиятини кўрсатди.

Китобда Беруний бир қанча шаҳарлар, жумладан Бағдод, Рей, Журжония, Бухоро, Шероз, Балх ва бошқа шаҳарларнинг ўрнашган жойлари, улар ўртасидаги фарқларни махсус жадвалларда кўрсатган. Яна Беруний бу соҳада бошқа олимларнинг қилган ишлари тўғрисида ҳам ҳикоя қилади.

Беруний ҳисоблашлар меридиан узунлиги 110275 км. деб кўрсатади, деб ёзади. П. Г. Булгаковнинг таъкидлашича, бу ҳозирги ҳисобдан фақат 620 км. фарқ қилади, холос.

Беруний яратган «Геодезия» асари геология, география, геодезия ва Ер ҳақидаги бошқа фанлар тараққиётига муҳим ҳисса бўлади.

Фанларнинг келиб чиқиши тўғрисида Беруний айтган фикрлар унинг соф илмий асосда фикр юритганини, объектив реалликни ҳисобга олиб хулосалар қилганини кўрсатиб туради. Астрономияга оид маълумотларни тадқиқ этар экан, «Беруний сохта «илм»— астрологияга қақшатқич зарба берган. Геодезия тўғрисида баён этган тушунчаларида ҳам Берунийнинг чуқур илмий асосларгагина суяниб яқунлар ясагани аниқ кўзга ташланиб туради.

## РАЙҲОНА ИЛҲОМИ

1029 йил. Баҳор оқшоми. Беруний айвонда гилам устига тўшалган кўрпачада ўлтириб хонтахтага энгашганича ёзиш билан банд. Кичик хонтахтанинг ёнида яна бир хонтахта бор. Унда қават-қават китоблар таҳланган. Уларнинг баъзилари очиқ, баъзиларининг орасида керакли саҳифаларга ўрнатилган қоғозлар чиқиб турипти.

Олимнинг қаламидан чиққан қирт-қирт товуш шамнинг секин-секин чарсиллашига қўшилиб кетади. Бошқа бирор овоз эшитилмайди. Атроф тинликка чўмган.

Майин эсган шаббода баҳор гулларининг хушбўй ҳидларини айвонга келтириб олим димоғини уларнинг атри билан тўлдиради, унинг атрофида гир айланиб парвона бўлади. Шундан кейин ижод тугёнига кўмилиб



кетиб бу ўйноқи шўхликка бепарво бўлган олимдан гина қилгандай секин чиқиб ғойиб бўлади.

Беруний китоблар оламида сайр қилади. У ўқиганларини турмушда кўрганлари билан қиёслайди. Унинг кўз ўнгидан турли мамлакатлар, улардаги ям-яшил ўрмонлар, жазирама чўллар, серсув дарёлар, бепоён далалар, заҳматкаш деҳқонлар бир-бир қочади. Шоҳона қасрлар, чиркин ва юпун қишлоқлар, нозикбадан раққосалар, оч ва яланғоч етим-есир гўдаклар олимнинг фикр нигоҳидан ўтади. Ҳар бир мамлакатда инсонлар яшайдилар, улар ерни обод ва гўзал этадилар, улар ҳаёт боиси, барча мавжудотнинг энг шарафлиси. Уларнинг бахтиёрликка ҳаққи бор. Олим тафаккури ва тинимсиз меҳнати шу инсонларга бағишланган, шуларнинг қисматини енгиллаштириш, ҳаётини илм нури билан ёритишга қаратилган. Шунинг учун у илм йўлида толиқмай қадам ташлайди, ўз билимидан эл кўнглига баҳра етишини тилайди. Шу мақсад олимга куч ва ғайрат беради. Инсониятга муҳаббат уни илм шуури билан тўлдиради, кўнглини бахтиёрлик шуъласидан чароғон этади.

Шу вақт айвоннинг эшиги овозсиз очилди. Айвонга оҳиста кириб келган хизматчи ўз хўжасининг машғулотига халал бермаслик мақсадида оёқ учи билан юриб Беруний ишлаб ўлтирган хонтахтага яқинлашди ва унинг устига бир қоғозни қўйдию шу он изига қайтиб товуш чиқармай чиқиб кетди.

Беруний гарчи буни сезган бўлса ҳам аҳамият бермади. У ўз ишида давом этди. Орадан ярим соатча фурсат ўтди. Ёзишдан сал толиққан Беруний қаламини хонтахта устига қўйди-да, у ерда турган пиёлани олиб ундаги шарбатдан бир ҳўплади. Шунда унинг кўзи хонтахта устидаги қоғозга тушди. Олим бу қоғозни олиб унда ёзилган хатни ўқий бошлади. Ўқиш давомида Берунийнинг юзида қувонч ифодалари орта борди, чеҳрасига шодлик қизиллиги югурди. Беруний бу хатни худди узоқ ва оғир йўл босиб ташна бўлган ва тўсатдан йўлида тоза сувли булоқ чиқиб қолган йўлчидек ҳузур қилиб ўқир эди.

У мактубни ўқиб бўлгач дарҳол яна қайта ўқий бошлади. Бу ном Берунийнинг она тили хоразмий тилида ёзилган эди. Мактубни ёзган Райҳона деган қиз бўлиб, у ўзининг хоразмли, отасининг оти Ҳасан — ал Хоразмий эканини билдирар эди. Мана неча йилдирки

Райҳона Берунийнинг илмий асарларига қизгин муҳаббат қўйган. У Беруний ёзган барча китобларни ўқиган. Отаси турли йўллар билан бу асарларнинг нодир қўлёзмаларини қизига топиб беради. Райҳона Беруний ёзган асарларнинг қанчалар бой ва хилма-хил мазмунда эканини яхши билади. Уни айниқса астрономияга оид китоблар кўпроқ қизиқтиради. Райҳона ўзи ҳам астрономия билан озроқ шугулланади. Аммо ёлғиз ўзи устоз кўрмай шунчалар мураккаб илмни қандай қилиб эгаллай олсин. Шунинг учун қиз журъат қилиб улуғ олимга мурожаат қилмоқда. Унинг бу беадаблигини муҳтарам устоз кечирадилар деб умид боғлайди. Бир неча саволларни Райҳона Берунийга ёзиб юбормоқда. Агар устоз лутф-марҳамат кўрсатиб шуларга жавоб қайтарсалар, шўрлик қизнинг энг эзгу истаклари рўёбга чиққан бўлар эди. Яна устознинг муборак қўлларидан чиққан бу асар не-не бошқа райҳоналар учун ҳам дастгир бўлар, уларни илм ва эзгулик йўлига чорлар.

Беруний Райҳонани танимас, унинг номини биринчи бор эшитиши эди. Аммо ўз ватандоши бир қизнинг унинг асарларини ўқиб илмий ижодига шунчалар ихлос қўйгани олимга ёқиб тушди. У қизнинг сувратиши кўз ўнгига келтирди. Қора оҳу кўзлари кўнгилларга ўт солувчи нигоҳлар учун яратилган: пайваста қайрилма қошлар ошиқлар бошини кесувчи қиличдек, назокатли қомати қаршисида сарв суманлар тобелик билан бўйин эгадилар. Бу ёш хоразм париси оламга ғулгула солувчи ишқ тугёнлари барпо этмоқ учун вужудга келган.

Аммо қизнинг кўзлари ўткир нигоҳ билан йигитларга эмас, осмон юлдузларига боқади, қошлари илмий асарларнинг мағзини чақмоқ учун чимирилади. Нозик қомати боғларда жилва қилмай, хонтахта атрофида тин топган, гўзал боши мутолаа учун эгилган.

Райҳона эса устоз олимни жуда яхши билар, унинг ҳаёт йўли ва ижоди билан тўла таниш эди. Берунийнинг юксак истеъдоди, ғоят гўзал руҳий дунёси, эрлик шижоати, олий инсонлик фазилатлари қизнинг қалбини мафтун этган, унинг ёш юрагига ўчмас севги оловини ёққан эди. Бу олов қиз вужудини бетиним ёндирар, руҳига бир нафас осойиш бермас эди. Ҳар доим шу оташ тобида тўлганмоқда бўлган Райҳона олимнинг асарларини ўқиш, у билан хаёлий мусоҳаба қилиш, олим тўғрисида нимаики сўзланса, шуни бетоқатлик билан қайта-қайта энтикиб тинглаш орқали сал бўлса-

да, бу оловчи пасайтирмоққа натижасиз уринар эди. Ниҳоят қиз Берунийга хат билан мурожаат қилишга қарор қилди. Шу билан Райҳона олимга ўзини танитмоқчи бўлди. Зора олим бир эътибор қилса, зора бечора қизнинг қалбини тўлдирган дарду-аламлар, беҳисоб изтиробларнинг инъикосини сезса...

Беруний Райҳона йўллаган илмий саволларга жавоблар ёзди. Бу савол-жавоблар алоҳида бир китобни ташкил этади. Бу китобнинг номи қисқартиб «Аттафҳим» («Тушунтириш») деб аталади. «Аттафҳим» китобининг тўла номи «Аттафҳиму ли авоили синоат ат-танжим»дир. Бунинг таржимаси «Юлдузларнинг ҳисоблаш санъатининг бошланғич қисмларини тушунтириш» бўлади<sup>1</sup>. Беруний ўз янги асарини Райҳона Ҳасан — ал Хоразмий қизига бағишлади.

Бу китоб мундарижасини ташкил этган савол ва жавоблар арифметика, алгебра, геометрия, астрономия, география, хронология ва бошқа фанларга оиддир.

Беруний геометрияни жисмдаги фигура ва шаклларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи; жисмлар ва уларнинг бир-бирига нисбатан миқдорий муносабатларини белгиловчи фан деб изоҳлайди. Шу бобда яна сонлар ва касрлар, квадрат ва кублар арифметикага оид бошқа омиллар ҳамда алгебранинг асосий қоидалари баён этилган.

Астрономияга оид бўлимда коинот, ёритқичлар ва юлдузлар, горизонт, меридиан, кун ва тун, ёритқичларнинг чиқиши ва ботиши, юлдузларнинг ҳажми, ой манзиллари, апогей ва перигей ва шу каби ҳоллар тўғрисида тушунча берилади.

География қисмида Ернинг ҳажми, денгизларнинг пайдо бўлиши тўғрисида сўз боради. Беруний «Аттафҳим» китобида шарқий ярим шарнинг юмалоқ харитасини келтирган. Яна шу қисмда иқлимлар, ернинг одамлар яшайдиган бўлаклари ҳақидаги маълумотлар: мамлакатлар, халқлар, шаҳарлар тўғрисида ҳикоялар бор. Шулар орасида Беруний Хазар ва Трапезунд денгизи ўрталиғида истиқомат этувчи хазарлар, руслар,

---

<sup>1</sup> «Аттафҳим»нинг қисқача аннотацияси П. Г. Булгаковнинг «Жизнь и труды Беруни» китобида (Т. «Фан», 1972) келтирилган (с. 148—153). «Аттафҳим»нинг рус тилига қилинган таржимаси 1975 йили Тошкентда «Фан» нашриётида босилган.

печенеглар, бошқирдлар, булғорлар ва суворлар тўғрисида ҳам сўзлайди.

Хронологияга оид масалаларда ҳинд, араб, форс халқларидаги ой ва йўл тушунчалари, ҳайитлар, урф-одат ва маросимлар тўғрисида гапирилади.

«Аттафҳим» Беруний яшаган даврдаги фанларга оид асосий билимларнинг қисқа ва лўнда қилиб тузилган йиғиндиси бўлмиш бир асардир.

Баҳор ҳусндорлиги ҳар кун алоҳида латофат касб этаётган бир пайт. Боғлар гулларга лим тўлган. Урик, шафтоли, олма, олча, гилослар бирин-кетин гул чиқариб ҳар бири ўзига хос фусункор чирой очади. Асаларилар гулдан-гулга учиб тинмайдилар. Ҳар ёнда баҳор нашъаси ҳукмрон.

Абу Райҳон Беруний Райҳона учун махсус ёзган китобини қизга йўллади. Тезда Райҳонадан Беруний номига ёзилган миннатдорлик тўла мактуб ва жуда кўп қимматбаҳо совғалар келди. Буларни келтирган киши қирқ беш-эллик ёшлар чамаси мулойим, ўта андишали, камгап бир одам экан. Берунийнинг одамлари уни ҳурмат билан кутдилар, яхши зиёфат қилдилар. Сўнг Беруний меҳмонни ўз хонасида қабул қилди. Бу ерда икковлон озгина суҳбат қурдилар.

— Мактубдан маълум бўлишича, ул зоти шарифа «Аттафҳим» китобидан мамнундирлар,— деди Беруний.— Бу хабар менга ғоят хушнудлик бахш этди. Яхши қабуллари учун миннатдорлигимни еткургайсиз.

— Қуллуқ,— деди меҳмон.

— Мана бу нарсаларни қайтариб олиб кетишингизни сўрайман,— деди Беруний.

У хонтахта остидан икки қутини олиб меҳмонга узатди. Бу Райҳона юборган олтин, жавоҳирлар солинган қутилар эди.

— Олийнасиб мухлис ва шогирдингиз Сизга самимий дилдан атаб юборган эдилар,— деди меҳмон саросимага тушиб,— бу ноқулай вазифадан мени ҳолий этарсиз. Совғаларнинг қайтиши норозилик аломати эмасми?

— Йўқ,— деди Беруний сал қатъий оҳангда,— бундай эмас. Мен учун у зоти муҳтараманинг самимий бағишловлари ўзи катта давлатдир. Тошлар бундай марҳамат қаршисида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Беруний суҳбат тугаганини билдириб таъзим қилди. Меҳмон унга қуллуқ қилиб ўрнидан кўзгалди ва олим

учун ҳеч қандай қадр-қиммати бўлмаган олтин, жавоҳирлар тўла икки қутини қўлтиғига тиққанича хонадан чиқди...

Райҳонанинг элчиси ўз бекасининг боғига кириб келар экан, у қаттиқ хижолатда эди. Совғаларнинг қайтиши гарчи ёқимсиз бўлса-да, яна у ўз бекасининг бошқа бир жавобга мунтазир эканини билар эди. У ҳам бўлмади. Вакиллик шу қадар бемаҳсул бўлиши мумкинми?

Беруний ҳузурига юборилган одамининг қайтганини эшитгач Райҳона уни шодлик ва ҳаяжон билан дарров қабул қилди.

Улар Райҳонанинг мўъжазгина кутубхонасида ўлтирдилар. Қиз боши ва устига ҳарир ридо ёпинган бўлса-да, унинг ниҳолдек қомати, жоду кўзлари, бу кўзлар боқишидаги интизорлик яққол кўриниб турар эди. Вакил Берунийнинг жавобини одобли ифодаларда баён қилди ва қизга таъзим қилиб қайтариб келтирган қутилари хонтахта устига секин қўйди.

— Шундай бўлишини кўнглим сезган эди,— деди қиз. У ўз одамининг кўнглидаги хижолатни тарқатмоқчи бўлиб майин табассум қилди. Сўнг яна деди:

— Бирор мактуб бермадиларми?

Қизнинг интиқ бўлиб кутгани шу эди. Буни вакил яхши биларди.

— Ўзлари индамадилар. Сўрашга ботинмадим.

— Сиздан ўта миннатдормен. Муҳтарам устознинг мен учун энг қадрли сўзларини келтирдингиз. У зотнинг ҳусни таважжуҳлари биз учун юксак саодатдир.

Суҳбат шу билан якунланди.

Райҳона ўзи ёлғиз қолгач, нақшли деворлар бўйлаб қатор терилган китобларга юз ўгирди ва кўзидан тирқираб чиққан ёшларини дастрўмоли билан аста артди. Унинг қалби изтироб билан тўла эди. Бу севги изтироби кечаю-кундуз унинг вужудини ўт бўлиб куйдиради. Ҳамсуҳбати ва ҳамдарди фақат китоб. Қиз севикли Берунийнинг асарларини қайта-қайта ўқиб ором топади. Энди унинг энг қимматли ва азиз овунчоғи Берунийнинг Райҳонага бағишлаб ёзган китоби. Райҳона тоқчадан шу қўлёмани олиб секин варақлади, Берунийнинг қўли билан ёзилган варақларга ёшли кўзлари билан тикилди, унинг кўнгли севги тўлқинларининг тубсиз қаърига кўмилиб кетган эди.

Беруний Райҳонанинг мактубини ўқиган заҳотиёқ

қизнинг кўнглидаги дардларини сезган эди. Шунинг учун ҳам жавобан унга мактуб ёзмади. Аммо Райҳонага бағишлаб бутун бир китоб ёзиб унга йўллади.

Бечора Райҳонанинг муҳаббатига тақдир бундан бешқа муқофот тайёрламаган эди. Севгучи вужудга шу кифоями? Аммо қизнинг самимий севгиси гарчи висол лаззатидан маҳрум бўлса-да, ўзининг покизалиги ва юзаслиги туфайли мангу ҳаёт касб этди.

Райҳона Абу Райҳон Беруний билан бирга бир минг йиллик масофани босиб ўтиб бизгача етиб келди.

Бокира севгининг бахтли қисмати шу эмасми!

## ДОНО МАСЛАҲАТ

Ғазна Ҳиндистон устидан қозонган ғалабадан мағрур. Мана уч йилдирки, Маҳмуд Ғазнавий давлатининг пойтахтига Ҳинд элининг бойликлари баҳор сойлари-нинг тошқинли сувлари каби мўл-кўл оқади.

Не-не хазиқалар, не-не гўзал чўрилар ва барваста қуллар асир қилинган. Бир ўлканинг хароб бўлиши, бузғунликка юз тутуши ҳисобига бошқасининг бойлигига бойлик қўшилади. Яна энг мудҳиш бебахтлик шундаки, ҳарбий ва сиёсий мағлубиятга мубтало бўлган халқнинг шаъни ҳақорат қилинади, уни камситувчи иззат-нафсига тегадиган гаплар гапирилади: унинг тарихи, анъаналари, урф-одатлари, ҳаёт тарзи тўғрисида нолайиқ фикрлар билдиради. Ёлғон-яшиқ хабарлар тўқилади.

Беруний музаффар подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий қўшинлари билан бирга Ҳиндистоннинг у бошидан кириб бу бошидан чиқди. У Кашмир ўлкаси билан танишди: Мултон, Лоҳур, Жалон, Сийалкот, Пешавар... қанча-қанча вилоятларда бўлди.

Қўшинбошлилар талон билан банд бўлган дамда олим Ҳинд мамлакати ва халқининг ҳаётини ўрганиш билан машғул бўлди. Улуғ мутафаккирнинг пок қалби бу буюк мамлакат халқига ҳурмат билан тўлди.

Беруний бағри кенг ва олижаноб ҳинд халқининг ўтмиш маданияти ва тафаккури, ҳозирги турмуш, хилма-хил одат ва қоидалари, тилларини яхшилаб ўрган-ди, китобларини ўқиди. У Ҳиндистонга оид бўлган барча билимларни чуқур эгаллади, уларни ўзи яхши билган қадим юнон илми ва маданияти билан таққослаб кўрди. Улар ўртасидаги ўхшашликлар ва фарқлар-

ни аниқлаб чиқди. Беруний ҳинд тафаккурига оид бир қанча қадимий китобларни мутолаа қилиш билан чекланмай, улардан баъзиларини араб тилига таржима қилди. Бошланиш ва мавжудотга доир «Санкхя», жопни бадан қафасидан қутқариш тўғрисида сўз юритилган «Патанжали» яна ҳиндларнинг эътиқод асослари баён қилинган «Божупуруна», «Вишнупуруна», «Гити», «Сангхита» ва бошқа кўп китобларни диққат билан ўқиб чиқди. Улардан ўқиб ўрганганларини ўзининг кўрганлари билан қиёслади. Беруний ҳинд ҳаётига оид ҳар бир тушунча ва амални насторийлар (христианлар), ибрийлар (яҳудийлар), мусулмонлар эътиқодига оид кўринишлар билан синчиклаб солиштириб чиқди.

Хуллас, олим Ҳиндистондан Ғазнага қайтганида унинг ақли ва хотири Ҳиндистон тўғрисидаги мукаммал бир қомусу беҳисоб билимлар хазинасига айланиб кетган эди.

Ана шу пайтда Беруний ва устоз Абу Саҳл Абул Мунъим ибн Али ибн Нуҳ Тифлисийнинг учрашувлари содир бўлди.

Ғазна эрта баҳорда ажойиб гул ранг либос кияди. Ҳар бир ҳовли ва боғларда атиргуллар кулиб чеҳра очадилар. Тонг ёришар пайтида бутун атрофни гунчалар табассумига шайдо бўлиб, уларга севги изҳор қилаётган булбуллар нағмаси қоплайди.

Одати бўйича саҳар намозини ўқиб бўлгач, Беруний энгил нонушта қилар, сўнг дарҳол ишга ўтирар эди. То кун ёйилиб қуёш нурлари оламга олтин ранг безаклар ёпгунгача олим кўп саҳифаларни ўз фикр ва таҳлили билан тўлдирарди. У кунбўйи ишлайди. Аммо ижод хусусан тонгдан кун ўртасигача энгил ва серунум бўлади. Кун тиккага келмасдан икки-уч соат бурун эрта тонгдан бошланган тинимсиз меҳнатнинг ҳорғинлиги сал устун кела бошлаганда, Беруний озгина танаффус қилар эди. Бу истироҳат ё оз фурсатли сайр, ёки жимлик оғушидаги тин, ёки кўнгил ёқтирган бирор киши билан суҳбатдан қборат.

Бугун ана шу озгина ҳордиқ чиқариш фурсати гоят ёқимли ва мазмунли кечди.

Беруний ёзишдан чарчаб қаламни хонтахта устига қўйди, сўнг муттасил оқ қоғоз ва қора хатга тикилмоқдан толиқиб сал ачиша бошлаган кўзларини юмиб, уларга дам берди. Улардаги чарчоқни тарқатиб яна кўзини очди ва ўрнидан турди, увишиб қолаёзган оёқ-

ларига истироҳат бағишлаб у ёки буёққа юрди-да, сўнг хонадан айвонга чиқди. Айвон қаршисидаги боғ гуллар ва янги барг очган дарахтлардан оқ, пуштиранг ва яшил ёпинғич ёпингандек жозибали эди. Беруний ранго-ранг товланмоқда бўлган боғ ҳуснига боқар экан, кўзи ўнгида бепоён Ҳиндистоннинг зангори ўрмонлари, чексизликка ёстанган дала, қирлари; уларга доимий ҳаёт бағишловчи виқор билан оқувчи серсув дарёлари бирма-бир кечди.

Шу аснода хизматчи келиб Берунийга бир мўйсафид меҳмоннинг ташриф буюрганлигини билдирди. Беруний айвондан тушиб боғ сари йўл олди. Боғ эшигидан қўлига асо тутган нуроний чехраси оппоқ соқоли сингари пок, кўзлари ва лабларида ярим табассум жилоланмоқда бўлган барваста ва улуғсифат бир қария сиполик билан қадам ташлаб кириб келмоқда эди. Беруний мамнуният билан меҳмон ҳузурига яқинлашиб уни қарши олди ва одоб билан салом бериб сўрашди:

— Ассалому алайкум, муҳтарам устоз, қадамларига ҳасанот.

— Ваалайкум ассалом, — деб жавоб қилди меҳмон.

Улар нафис ва самимий тавозе билан сўрашишди. Беруний меҳмонни айвонга бошлади. Бу киши асли Қавказ томондан бўлиб, Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронзаминда номи чиққан олим Абу Саҳл Абул Мунъим ибн Али ибн Нуҳ Тифлисий эди. Бу кишининг очиқ кўнгил, соф виждонли покиза бир зот, ғоят билимли, илм кучига қаттиқ ишонган, бидъат ва хурофотга қарши бешафқат, муносиб инсонларга ғамхўр ва муҳаббатли нодир бир вужуд эканлигини дўстлари ҳам, душманлари ҳам яхши билар эдилар. Берунийнинг устоз Абу Саҳлга ҳурмати баланд эди.

Гарчи Берунийнинг олимлик мавқеи ундан паст бўлмаса-да, Абу Саҳлнинг ёши улуғлиги ва ўзининг чин ҳурмати юзасидан Беруний уни ҳамиша устоз деб шарафлар, бу устознинг суҳбати ва диққат эътиборини қаттиқ қадр қилар эди.

— Ҳиндистондан қайтганингиз дарагини эшитиб зиёратингизга ошиқдим. Сизсиз ўтган уч йил уч қари (аср) каби туюлиб кетди, — деди Абу Саҳл Берунийга улар айвон сари боришар экан.

— Эътиборингиздан беҳад миннатдормен, — деди Беруний унга жавоб бериб, — Ҳиндистондан шундай би-



лимлар ўрганиб қайтдимки, Заршунос устозлар ила бу ббисда мусоҳаба қурмоққа интизор эдим.

Улар айвонга чиқиб хонтахта атрофига солинган кўрпачаларга ўтиришди. Абу Саҳл фотиҳага қўл очди. Фотиҳадан сўнг суҳбат давом этди. Кўп ўтмай Берунийнинг хизматчиси хонтахтага дастурхон ёзиб, унинг устига нон, ширинликлар ва қуруқ мева-чева тортди, чойнакда чой ва алоҳида идишда шарбат қўйди, сўнг ўзи чиқиб кетди.

Ҳар икки олим энгил тановул қилиб гоҳ пиёлага қуйилган чойдан, гоҳ шарбатдан нўш этиб суҳбатни давом эттирдилар.

— Ҳиндистон хабарлари сиз орқали етказилганда гоят дилфиреб ва рост бўлажаги аниқ,— деди устоз Абу Саҳд,— биз бу хабарларингиз нуридан дил уйин ёрутмоққа шошурмиз.

— Бари бир хабар кўз билан кўргандек бўлмайди. Аммо ёлғон аралашмаган ҳар бир хабар муътабардир. Ҳиндистонда шу қадар кўп нарсаларни кўриш ва ўрганишга тўғри келдики, қай бирдан хабар қилишга гоҳо ақл ожиз қолади,— деди Беруний.— Яна ҳиндларнинг кўп ишлари, бошқа халқларники сингари, биздагидан ўзгарақдир. Улардан хабар қилинганда биров ишониб, бошқа биров ялғонга чиқариши ҳам мумкин.

— Фақат ростлик билан хабар етказмак шарт,— деди Абу Саҳд.— Бундай хабарнинг бировга ёқиш ёки ёқмаслиги илм ва тарих қаршисида нописанддир.

Устознинг биров деб подшоҳ Маҳмуд Газнавийни кўзда тутаётгани Берунийга очиқ кундек аён эди.

Босиб олинган мамлакат тўғрисида ҳақиқатни сўйлаб, энгилган ўлка халқининг фазилатларини элга танитиш албатта голиб подшоҳга ёқмаяжак.

«Подшоҳлар олдида рост гапни гапиришда уларнинг савлатларидан кўрқманг, улар гавдангизга ҳукмронлик қила оладилар, аммо нафсингизга теголмайдилар. Исо пайғамбарнинг «Инжил»да айтган бу сўзлари одамларни чинакам шижоатга ундамоқдир,— деб сўзида давом этди устоз Абу Саҳд.— Ҳамманинг табиатида адолат бевосита севикли ва ҳамма унинг яхшилигига қизиқади. Ростгўйлик ҳам худди шундайдир.

Абу Саҳд муътазилалар тўғрисида ёзилган китобда кўп фикрлар нотўғри келтирилганини ва шу йўсинда авом ўртасида муътазилалар ҳақида ёмон тушунча туғдириш мақсади бўлганини қоралаб гапирди.

— Үз мазҳабига рақиб бўлганларга нисбатан бундай йўл тутмовчилар кам бўлади,— деди Беруний.

— Биздаги турли китобларда ўзга эътиқодлар бўзиб кўрсатиладики, аҳвол ҳақиқатини билмаган киши, агар фазилатли арбоб бўлса, уларни ўқиганда хабардор кишилар қаршисида хижолат чекади; паст табиатли бўлса, ўша ёзилганларга ишониб унга қайсарлик билан ёпишиб олади. Аҳвол ҳақиқатини биладиган киши у китобларни ишониб ва эътиқод қилиб эмас, балки ўз билимини ошириш ва лаззатланиш учун ўқийди, ҳамда ўқиганларидан ўзи учун керакли нарсаларни чиқариб ола билади.

Шу асосда суҳбат ҳиндларнинг урф-одатлари, эътиқод ва турмуш тарзига кўчди.

Уларнинг кўпчилиги биздаги китобларда ёзилган,— деди Беруний.— Ёзилганларнинг баъзиси баъзисидан кўчирилган, териб олиб аралаштириб тўплангану, лекин ҳиндларнинг тушунчасига мослаб кераксизларидан тозаланмаган. Фақат Абул Аббос Эроншаҳрий бор нарсаларни ёғишмай ва иккиюзламачилик қилмай тўппа-тўғри ҳикоя қилади. У яҳуд ва насороларнинг динларини, «Таврот» ва «Инжил»нинг мазмунини яхши келтирган: Муовияларнинг китобларида айтилган, аммо ҳозир йўқ бўлиб кетган дин ва халқлар тўғрисидаги хабарларни тўлиқ берган. Фақат ҳиндлар ва шаманийларга келганда Абул Аббоснинг ўқи нишондан четга кетиб охир бориб Зурқон китобига теккан. Ундаги сўзларнинг барчасини китобига кўчирган, кўчирмаганларини гумонимча, ҳиндлар ва шамонийларнинг авом одамларидан эшитиб ёзган.

— Мен сиз айтган фикрларнинг чин ҳақиқат эканига шохидман,— деди Абу Саҳл Тифлсий.— Сиз Ҳиндистонда неники кўрган, ўқиб ўрганган, эшитиб аниқлаган бўлсангиз, шуларнинг ҳаммасини жам этиб бир китоб ёзмоғингиз даркор. Токим бу китоб орқали авлод-авлодларга ҳинд халқи тўғрисидаги рўйирист гаплар бориб еггай.

Абу Саҳл ана шундай катта ишга фақат Беруний сингари улуғ ҳақиқатгўй олимгина қўл уриши мумкин, деган фикрни ҳам айтмоқчи эди, аммо Берунийнинг ўта камтарин бир киши эканлигини билганидан бу мақтов унга малол келишини андиша қилиб айтмади.

Суҳбат давомида Абу Саҳл Тифлсий Берунийни Ҳиндистон ҳақидаги китобни тезроқ ёзишга кўп ундади.

Берунийнинг кўнглида ҳам бу мақсад бор эди, ammo уни кейинчалик амалга оширмақ мумкин бўлар, деб фикр қилар эди.

Устоз Абу Саҳлнинг қизиқтириб қилган таклиф ва илтимослари сабабли Беруний шу режани тезда рўёбга чиқармоққа қарор қилди.

Бу китоб баҳс ё тортишиш китоби бўлмайди. Шунинг учун бу китобда душманлар исботи келтирилмайди, ҳақиқатан четга чиққанга ўхшаб кўринганларга қаршилиқ кўрсатилмайди. Бу фақатгина баён қилиш китоби бўлади. Ҳиндлар сўзи қандай бўлса, шундай ёзилади. Уларнинг юнонлар билан яқинликлари борлигини билдириш учун китобга юнонларнинг шу хилдаги сўзларидан қўшилади.

Икки олим ёзилажак китоб ана шундай талаблар асосида яратилиши тўғрисида келишиб олишди.

— Барча маълумот қўлингизда ҳозирдир. Иншооллоҳ, тез фурсатда Ҳиндистон ҳақидаги муборак меҳнатингиз интиҳо топур ва илм аҳлига унинг мутолааси муяссар бўлар,— деди Абу Саҳл табассум билан.

## «ҲИНДИСТОН»

Беруний ўзининг Ҳиндистон ва ҳинд халқи ҳаёти тўғрисидаги асарини «Китобу фи таҳқиқи мо лил ҳинд мин маъқулатин фал ақли ав марзулатин» деб атади. Бунинг таржимаси бундай бўлади: «Ҳиндлар тўғрисида айтилган (гап)ларнинг ақл қабул қиладиган ё қабул қилмайдиганларини аниқлашга бағишланган китоб». Қўлланишда ўнғайлик учун уни «Ҳиндистон» деб юритилади.<sup>1</sup>

«Ҳиндистон» китобининг дастлабки ўн икки боби (биринчи бобдан то ўн иккинчи бобга қадар) ҳиндларнинг тангри, дунё ва охират тўғрисидаги тушунчаларига бағишланган. Бу бобларда ҳиндларнинг ақлий ва ҳиссий нарсалар, жон ва унинг моддага алоқаси, руҳлар, маҳшар ва жаннат тўғрисидаги тасаввурлари:

<sup>1</sup> «Ҳиндистон» китобини араб тилидан ўзбек тилига А. Расулов, Ю. Ҳакимжонов, Ғ. Жалоловлар таржима қилганлар. Таржиманинг масъул муҳаррири А. Ирисов. Бу таржима Беруний асарлари тўпламининг II китоби сифатида 1965 йилда Тошкентда нашр этилган. «Ҳиндистон»нинг араб тилидан рус тилига таржимаси А. Б. Холидов, Ю. Н. Завадовскийлар томонидан амалга оширилган. Масъул муҳаррири В. И. Беляев. Бу таржима 1963 йили Тошкентда босиб чиқарилган.

диний йўл-йўриқлар, санамлар, диний китоблари тўғрисида сўз юритилади.

Ун учинчи боб шеър ва грамматикага бағишланган.

Ун тўртинчи бобда илмий китоблар тўғрисида сўйланади. Бу тўғрида Беруний бундай деб ёзган: «Илмлар кўпдир. Улар замони иқболли бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса, кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳлларини ҳурматлаши ўша иқболнинг белгисидир. (Айниқса) ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши кишиларнинг, дунёнинг (кундалик) зарур ишлари билан овора бўлиб қолган қалбларини турли илмлар (билан шуғулланиш) учун бўшатиб қўяди. Ҳукмроннинг илм аҳлини кўпроқ мақтаб улардан хурсанд бўлиши ҳам илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Демак, одамларнинг қалби буни севиш учун, бунинг тескарисига эса нафрат билдириш учун яратилган» (125).

Ана шундай илм ва илм аҳлини улуғловчи фикрларини изҳор этиб бўлгач, Беруний ўзи яшаётган давр ва муҳит тўғрисида шикоят билан гапиради. Бу замона айтиб ўтилган сингари эмас, балки аксинчадир.

«Лекин замонамиз,— деб ёзади Беруний,— айтиб ўтилгандай замон эмас, балки унинг тескарисидир. Шундай замон ва шароитда яшаш мажбурий бўлгандан кейин қачон илм юзага чиқади, ёки юзага чиққани қачон ривож топади» (125).

Олим қалбини тўлдирган бундай ҳасратли сатрлардан кейингина бевосита ҳиндларнинг илмлари тўғрисидаги сўз бошланади.

Ҳиндларда астрономия ривож топган. Аммо уни илми нужум (астрология) билан қўшиб юборганлар.

Табобат ҳам астрономия қадар эътиборлидир. Тибга оид китоблар ичида энг муътабар «Чараки» китобидир.

Беруний ҳинд халқи турмушининг барча томонларини ёритишни ўз олдига вазифа қилиб олган эди. Шунинг учун «Ҳиндистон» китобининг айрим бобларида олим ҳиндларнинг ўлчов асбоблари тўғрисида ғоят аниқ ва қизиқарли ҳикоя қилади: сўнг ҳинд ёзуви тўғрисида, халқнинг турли-туман урф-одатлари тўғрисида лўнда маълумот беради (ўн олтинчи боб).

«Тил сўзловчи истагини эшитувчига етказувчи таржимондир,— деб ёзарди Беруний.— Шунинг учун тил

замоннинг бирон турғун қисми билан чекланиб қолади. Агар инсондаги сўзлаш қуввати ҳамма жойга шамол сингари ёйилувчи бўлмаганда эди, замонлардан замонларга нафаслар сингари ўтувчи хат ёзиш санъатини келтириб чиқармаганда эди, ўтмиш замоннинг хабарини, айниқса, узоқ замонлар ўтганда ҳозирги замон тилларига қандай кўчириб бўлар эди» (138).

Беруний ёзув тарихи тўғрисида хабар бериб айтдики, ҳиндларда илгари териларга хат ёзиш одати бўлмаган. Қадим юнонда ҳам шундай эди. Сукротдан нима учун асар ёзмаслигини сўраганларида у «Илми тирик кишиларнинг қалбларидан ўлик қўйларнинг териларига кўчирмайман», деб жавоб қилган.

Ислоннинг дастлабки йилларида ошланган териларга хат ёзганлар. Мисрда қамиш мағзи (папирус)дан ёзув учун фойдаланганлар. Чинликларда турли қоғозлар бўлган. VIII асрда асир олинган бир чинлик Самарқандда қоғоз ишлаш санъатини бунёд этган.

Ҳиндистоннинг жанубий районларида яшовчилар узунлиги бир газ, эни уч бармоқ келадиган япроқларга хат ёзадилар. Бу хурмо ва наржил дарахтларига ўхшаш бўйи узун, мевали бир дарахтнинг япроқларидир.

Мамлакатнинг шимолий ва ўрта қисмида яшовчи ҳиндлар тўз номли дарахтнинг пўстлоғидан узунлиги бир газ, эни эса бармоқ бўйи қилиб оладилар. Ёғлаб, сайқал берилса, у пишиқ ва силлиқ бўлади. Сўнг шу ишланган пўстлоқларга хат ёзадилар. Сўнг бу пўстлоқларни кийимлик парчасига ўралади, уларга иккита тахтадан муқова қилинади. Бундай китоблар пухте деб аталади.

Энг қадимий ҳинд ёзувлари унутилиб кетган. Кейин Вьёса ибн Парошара элликта ҳарфдан иборат янги ёзув ижод этган. Бу ёзув мукаммалаша бориб ҳозирги ҳолга етишган.

Ҳинд ёзуви юнонлардаги сингари чапдан ўнгга қараб ёзилади. Бир йўлдаги ҳамма ҳарфларнинг юқори томони тўғри чизикда текис бўлади, ҳарфнинг ўзи ва унинг шакли ўша тўғри чизикдан қуйига туша боради.

Ҳиндларнинг машҳур хатлари сиддҳа матрика деб аталади. Уни Кашмир хати ҳам дейдилар.

Турли районларда ўша ёзувнинг бошқача шакллари ишлатилади. Уларнинг ўз номлари бор.

Сон белгилари (рақамлар) ҳам турлича бўлиб, уларни анка дейилади. Улар жуда чиройли ёзилади.

Ҳиндларнинг баъзи одатлари тўғрисида Беруний анча муфассал ҳикоя қилади. Ҳиндлар сочларини қирмайдилар. Шунда соч бошни иссиқдан сақлайди. Бош-яланг юрадилар. Соқолларини бир неча ўрам қилиб ўраб қўядилар. Тирноқларини ўстирадилар. Бўз дастурхонда ёлғиз-ёлғиз овқат ейдилар. Ортиб қолган овқатни емайдилар. Наҳорга узум ичимлиги ичадилар, сўнг овқатланадилар. Чанг созини чўп қуроли билан чаладилар. Кийимлари хилма-хил бўлади (оз ва кўпликда). Қўйлақларининг этагини ўнг ва сўл томондан қирқиб, ёриб ажратиб қўядилар. Турли фикр ва ҳодисаларда хотинлари билан маслаҳат қиладилар. Бола туғилганда хотинларни эмас, балки эрларини мақтайдилар. Мактаб болаларининг тахталари қора бўлиб энига эмас, бўйига оқ нарса билан ёзадилар. Қитоб исмини бошла-нишига эмас охирига ёзадилар.

«Ҳиндистон» китобида географияга оид гоаят қизиқарли ва муҳим маълумотлар бор (ўн саккизинчи боб).

Даставвал олим ерни таърифлайди. Ернинг тўртдан бир бўлагида одамлар яшайдилар. Юнонлар ўз ўлкаларининг ғарб томонидаги жойни Уқёнус (Океан) деб атаганлар. Океан ернинг бу томони билан нариги томонидан одамлар яшайдиган қуруқликни бир-биридан ажратиб туради. Шимол томондан эса одамлар яшайдиган ерни совуқ ҳаво ажратиб туради.

Беруний жанубдаги муҳим (Ҳинд океани) ва Африка қирғоқлари, унга яқин бўлган ороллари аниқ тасвир этган. Шундан сўнг олим тоғ тизмалари, улардан шарқ ва ғарб сари оққан дарёлар тўғрисида фикр юритади.

«Ҳинд мамлакати,— деб ёзади Беруний,— шу қуруқликларнинг бир қисми бўлиб уни жанубдан мазкур Ҳинд денгизи, бошқа томонлардан эса ўша баланд тизма тоғ ўраб олган. (Тизма) тоғнинг сувлари ҳинд мамлакатига ёйилади» (текстда «қўйилади» дейилган А. Қ.) (159).

Шундан кейин Беруний Ҳиндистоннинг асосий районлари, йирик шаҳарлари, улар орасидаги масофалар, табиатининг ўзига хос хусусиятлари, ҳайвонот дунёси, иқлими тўғрисида муфассал маълумот беради.

Ҳинд календари тўғрисида сўз борганида, Беруний хабар берадики, ҳиндларда ҳафта кунларининг исмлари етти сайёранинг номларидан олинган. Форслар ҳар кун номига «шанба» қўшиб атаганлари сингари ҳиндлар

унга «бора» қўшадилар. Яқшанбани «одитъябора» яъни «қуёш куни», душанбани «сомабора» — «ой куни», се- шанбани «мангалабора» — «миррих куни», чоршанбани «будхабора» — «аторуд куни», пайшанбани «брахостибора», — «муштарий куни», жумани «шукрибора» — «зуҳра куни», шанбани «шاپайтгорибора» — «зуҳал куни» деб атайдилар.

Шундан кейин Беруний ҳиндларнинг осмон, ер, сув тўғрисидаги тасаввурларини баён қилади: орол ва денгизларнинг ҳиндча номларини келтиради, сайёралар, улар орасидаги масофалар, қутб тўғрисида билдирган фикрларини изҳор этади.

Алоҳида бир боб (йигирма бешинчи) ҳинд дарёларининг тасвирига бағишланган.

Кейин Беруний ер тузилиши ва астрономияга оид фикрлар изҳорига ўтади.

Ҳинд астрономларининг осмон ва ер шакли тўғрисидаги тасаввури бошқачадир. Беруний ўзи мансуб бўлган доирадаги тасаввурга зид бўлган бу ҳолни айтар экан, ислом дунёсидаги баъзи қаллоб ёлғончиларни қаттиқ танқид қилади. Бундай икки юзлама муттаҳамлар соддадил одамларни лақиллатиш учун макр ва алдов билан машғулдирлар. «Чунки, — деб ёзади Беруний, — авом халқнинг қалблари хурофотга жуда мойил: шунинг натижасида хабар ва ривоятлар қоришиб кетган» (208).

Ҳиндлар тасаввурига кўра осмон ва олам сфера, Ер эса шар шаклидадир.

Ернинг шимол томонининг ярми қуруқлик, жануб томонининг ярми сувга кўмилган. Ер тегирмон тоши сингари айланиб туради. Ер ўртада, оғирликлар унга қараб тортиладилар. Ҳиндлар ернинг юмалоқлигини турли жойларда турлича вақт бўлиши, қуёш кўтарилиши орқали исботлайдилар. Беруний Ернинг шар шаклида эканини тасдиқлайди. Аммо бу шарнинг ярми қуруқлик, қолган ярми эса сувдан иборат деган фикрга қўшилмайди. Беруний ернинг шимолий икки чорагидан бири қуруқлик, шу сабабли бу чоракка диаметрал бўлган чоракнинг ҳам қуруқлик бўлишини тахмин қилади. Сўнг Беруний «Божу пуруна» китобига асосланиб ҳинд шаҳарлари ва ўлкалари тўғрисидаги маълумотларни келтиради.

Яна Беруний «Сангхита» китобида ҳинд ерларининг тўққиз бўлакка тақсимлангани ҳақида ёзилганини маъ-

лум қилади. Шу бўлақлар ва улардаги шаҳарларни тўла кўрсатади.

Жой номларининг турлича сабабларга кўра ўзгариб туриши мумкинлиги тўғрисида гапириб, Беруний бунга мисол қилиб Тошкент шаҳрининг номини олади. Беруний ёзади: «Айниқса тили бошқа бўлган халқнинг ҳукмронлик қила бошлаши билан номлар тезроқ ўзгаради».

Кўпинча тиллари (бошқа халқ) у сўзларини келиштириб айта олмай қабул қилади, (натихада ўша) исмларнинг маънолари ўзгариб шу куйича юнонлар сингари ўз тилларига киради. Кўрмайсанми, «тош» сўзи (асли) туркча бўлиб «шош» кўринишини олган.

Тошканд — тошли қишлоқ демакдир. Жуғрофия китобида у Буржал — ҳижора (Тошқалъа) деб номланган.

Беруний «Ҳиндистон» китобида ҳиндларнинг кун бўлақлари, кундуз ва кеч, ойлар ва йилларнинг турлари, ой ва йил бўлақлари тўғрисидаги тушунчаларини анча муфассал баён қилади.

Ҳиндлар эътиқоидида муҳим ўрин тутган ҳикоя — Норояна тўғрисидаги ҳикояга ҳам Беруний ўз китобида анча ўрин берган. (Қирқ олтинчи боб).

Ҳиндларнинг фикрига кўра Норояна олий қувватлардан бири. У бузуқлик ва ёмонликни мумкин қадар йўқотади.

Тарихлар тўғрисида ҳинд халқининг тушунчаларини баён қилар экан, Беруний ҳиндларнинг эралар, йил ва ойларни ҳисоблаш усуллари, планеталарнинг ўрнини ҳисоблаб аниқлаш усуллари тўғрисида яна ой манзиллари ҳақидаги тасаввурларини хабар қилади.

Эллик еттинчи бобда олим ҳиндларнинг ёритгичлар ҳаракатига боғлиқ, расм-русумлар тўғрисида сўз юритган.

Сухайл юлдузининг пайдо бўлиши тўғрисидаги Бароҳамиҳаранинг айтганларини Беруний тўлиқ таржима қилиб, ўз китобига киритган. Бу ҳикоя тасвирнинг гоят гўзаллиги, мавзунинг аниқ ва ёрқин ифода этилиши билан ажралиб туради.

Беруний ҳиндларнинг Ой ва Қуёш тутилиши тўғрисидаги тушунчалари ҳақида сўзлар экан, Ойнинг тутулувчиси Ер сояси эканлиги, Қуёшнинг тутилтувчиси Ой эканини маълум ҳақиқат сифатида сўзлайди.



Шундан кейин ана шу ҳоллар ва Ой тутилишлари орасидаги муддатлар тўғрисида маълумот беради.

«Ҳиндистон» китобида Беруний ҳинд жамиятининг ички тузилиши тўғрисида ҳам қимматли ахборот жамлаган.

Бу жамият браҳманлар, кшатрийлар, вайшья ва шудралардан иборат.

Браҳманлар қаландар сифатидаги руҳонийлардир. Улар устозлардан дарс оладилар ва муқаддас «Веда» китобини ўқишни ўрганадилар, илоҳий илмлар ва шариятни таҳлил қиладилар. Сўнгра улар браҳманларга ва кшатрийларга шу илмлардан таълим берадилар.

Кшатрий эса «Веда»ни ўрганади, аммо бошқаларни ўргата олмайди. Кшатрий душманларга қарши уруш қилмоқ учун яратилган деб ҳисобланади.

Вайшья деҳқончилик, иморат қуриш, браҳманга хизмат қилиш билан машғул бўлиши керак.

Ҳиндлар деҳқончилик ва чорвачиликдан келадиган даромадларидан олинадиган солиқни, ҳамда ер, ўтлоқ солиқларини волийга тўлайдилар. Солиққа ҳосилнинг олтидан бир қисми берилади (Браҳманлар солиқ тўламайдилар).

Ҳосилнинг тўққиздан бири садақа учун ажратилади. Қолган маҳсулот тўққизга тақсим қилинади. Унинг уч қисми кўнгил тўқи учун олиб қўйилади (резерв А. Қ.). Иккинчи уч бўлаги олди-соттига кетади. Қолган уч садақа учун берилади, икки қисмини оила эҳтиёжига сарф қиладилар.

Махсус қолдирилган маҳсул (резерв) оиланинг уч йиллик эҳтиёжи учун етарли бўлиши керак.

Ҳиндларда қорамолни сўйиш мутлақо ман этилган. Қўй, эчки, кийик, қуён, каркидон — гандҳо, қўтас, балиқ, қуруқлик ва сув қушлари, чумчуқ, қумри, тустовуқ, каптар, товус шуларга ўхшаш инсон табиати жирканмайдиган жониворларнинг гўшти истеъмол қилиниши мумкин.

Қуйидаги ҳайвонларнинг гўштини истеъмол этиш тақиқланган: қорамол, от, хачир, эшак, туя, фил, уй товуги, қарға, тўти, майна ва бу қушларнинг тухуми.

Ичкилик бошқалар учун ҳаром бўлса-да, шудра учун ҳалолдир.

Беруний қорамол гўштининг истеъмоли ман этилганини кишиларнинг ҳаёт шароити билан боғлиқ равишда изоҳлайди. Ҳиндлар мамлакатининг ҳавоси иссиқ,

кишиларнинг ички баданлари совуқ туғма, табиий ҳароратлари суст, ҳазм қилиш қуввати заифдир.

Шунинг учун қорамол гўшти истеъмол этилмайди.

Бу ернинг одамлари таомдан кейин танбул дарахтининг баргини еб фуфал чайнаб овқат сингдириш қувватини оширадилар. Фуфал яна тиш ва милкларни мустаҳкамлайди.

Яна Беруний таъкидлаб ўтадики, қорамол деҳқончиликда ер ҳайдаш ва хирмон кўтаришда ишлатилади: унинг сути, мойи, тезагидан оилада фойдаланилади, нафаси уйни иситади. Шулар ҳам унинг гўштини ейишга монелик қилувчи омиллاردир.

Ҳамма нарса ҳалол ва ҳаромликда баробар. Олим одам ўз илми туфайли сақланиши лозим бўлган нарсаларнинг фарқига бора олади. Чунки ҳалол бўлса, уни тушунтиришга эҳтиёжи йўқ, ҳаром бўлса унга ўзи рағбат қилмайди. Нодонлар учун эса баъзи нарсалар ҳалол ва баъзи нарсалар ҳаром деб чеклаб қўйиш зарур бўлган.

Беруний ҳиндлардаги никоҳ, оилавий маросимлар, меросхўрлик масалаларни ҳам ўз китобида ёритиб ўтган.

Халқлар орасида ҳеч қайсиси никоҳдан ҳоли эмас. Никоҳ ақлан хунук бўлган сифат ўз урғочисини қизганиш, талашиш каби (ёмон аҳволлардан) сақлайди (409). Зино (никоҳга хиёнат) қилувчилар ақл-идроксиз ҳайвонлардан ҳам тубан турадилар. Никоҳ болалик чоғидаёқ ёшларнинг оталари томонидан амалга оширилади. Эр билан хотинни фақат ўлим ажратиши мумкин.

Эркаклар тўрттагача хотин олишга ҳуқуқлари бор. Агар эри вафот этса, хотин иккинчи эрга тегишга ҳаққи йўқ. У ё бир умр тул бўлиб ўтади ё ўзини ўтга ёндириб ҳалок этиши керак.

Бегоналарга уйланиш қариндошларга уйланишдан афзал ҳисобланади. Болалар отасининг эмас, онасининг табақасига мансуб бўладилар. Мерос қолдиришда эркакларнинг имконияти ортиқ.

Ўтмиш замонларда ўликлар очиқ ҳавога топширилган. Яъни яланғоч ҳолда очиқ далага олиб бориб ташланган. Касаллар ҳам худди шундай қилинган. Агар бирор касал тузалгудай бўлса, ўзи қайтиб келган. Кейинчалик Норояна ўликларни оловда куйдиришни расм қилган. Нур ва олов йўли билан инсон танасидаги

бор нуқта осмонга кўтарилади, ерда қоладиган қисмлари эса куйиб кетади, деб ишонганлар. Ҳиндлар Буддҳа ўлиқнинг гавдасини оқар сувга ташлашни буюрган дейдилар.

Ҳиндларнинг ўзлари эса ўлик жасадини ювиб, кафанлаб атр селиб, мумкин бўлса сандал ёғочи, бўлмаса ўтин билан куйдириб, куйдирилган суяклар кулини Ганга дарёсига ташлайдилар. Ганга дарёси жаннат йўли деб ҳисобланади.

Ҳиндларда рўза ихтиёрийдир, у бир неча фурсат овқат емасликдан иборат.

«Ҳиндистон» китобида Беруний ҳиндларнинг байрамлари, яхши кунлар ва ёмон кунлар тўғрисидаги ақидаларни ҳам келтиради.

Гарчи Беруний астрологияга қарши бўлса-да, ўз китобининг охири саксонинчи бобида ҳинд астрологиясининг асослари тўғрисида маълумот берган.

Шундан сўнг олим, «узунлиги ва кенглиги билан малол келтирган сўзларни тўхтатайлик», деб «Ҳиндистон» асарини тугаллайди.

Берунийнинг «Ҳиндистон» китоби «узунлиги ва кенглиги билан» ақлни ҳайратда қолдирадиган даражада мукамал, гоят мароқли, ифода услуби ва чуқур мазмундорлиги туфайли «узунлиги ва кенглиги» асло сезилмайдиган: буюк ҳинд халқи ва мамлакати ҳаётининг барча томонларини тўла ёритган, ҳеч қачон қиймати камаймайдиган бир комус сифатида жаҳон илмфан аҳли орасида эътироф топган.

## ПОДШОҲ ВА ОЛИМ

1030 йил. Фазна. Эрта баҳор тонги. Осмон ер курраси устидан эндигина кўтарилаётган қуёшни муносиб кутмоқ ниятида чеҳрасига ранго-ранг безаклар бермоқда. Тун зулматининг чекиниши ва кун ёришаётганидан мамнун қушлар оҳангдор қўшиқларни авжига чиқарганлар.

Абу Райҳон Беруний ўз хонасида саҳар намозини ўқиб бўлиб юзига фотиҳа тортди ва астагина ўрнидан турди.

Айвондаги хонтахта устида тунги машғулоти тонгда давом эттирмақ учун ҳамма нарса муҳайё.

Олим айвонга чиқиб хонтахта атрофига тўшалган

юмшоқ кўрпачага ўтирди. У хонтахта устидаги тайёрлаб қўйилган пиёлани олиб ундаги шарбатдан ҳузур билан ҳўплади-да, сўнгра пиёлани жойига қўйиб шу ерда турган қаламни қўлига олди. Берунийнинг иш куни бошланган эди. Нонуштагача навбатдаги асарнинг бирор бобини тугаллаш мумкин. Олимнинг ишлаш фурсати тонг ёришар-ёришмас бошланади ва ярим тунгача давом этади. Унинг доимий ҳамнафаси қалам, давот, қоғоз, китоб, илмий асбоблар. Берунийнинг яқинлари унинг қўли қаламдан, нигоҳи доимий кузатувлардан холий бўлганини билмайдилар. Олимнинг қалби ҳамisha фикрга ғарқ. Бугунги тонг ҳам шунинг шоҳидидир.

Беруний хонтахта устидаги қоғозларни тартибга келтирди, сўнг айрим варақларни ажратиб олиб уларни кўздан кечиришга киришди. Бу қоғозлар эндигина ёзиб тугалланган «Ҳиндистон» китобининг қўлёзмалари эди.

Беруний ўз асарларини ўша даврнинг илмий тили бўлмиш араб тилида ёзган. У бошқа тиллар қатори араб тилини ҳам жуда мукаммал билган. Бу тилда эркин сўзлаган ва ёзган. Аммо қанчалар бошқа тилни киши яхши билмасин, ўз она тиличалик билмайди. Шунинг учун Беруний ўз қўлёзмаларини кўп таҳрир қилар эди. Унга гўё у ёки бу жумла араб тили қондаларига сал хилоф тузилгандай туюлар, уни қайта-қайта тузатар, натижада жумлалар кўпинча мураккаблашиб кетар эди. Ҳар ҳолда Берунийнинг араб тили одатдигидан кўра пухталиги ва ўзига хослиги билан ажраб турар эди. Уни ўқиган одам араб тили Берунийнинг она тили эмас эканига дарров ишонч пайдо қилиши мумкин.

«Ҳиндистон» китобининг қўлёзмаларини қайта кўздан кечирар экан, Беруний одатдагидек айрим жумлаларни сал-пал таҳрирдан ўтказар борди. У ўз меҳнатининг самарадорлигидан ич-ичидан мамнун эди.

Қўлёзманинг ҳар бир варағида буюк ҳинд тафаккури дурдоналари нур сочар эдилар. Босқинчилар истилосидан ярадор ҳинд қалбининг тегиши варақлар шивирида эшитиларди: боблардан бобларга ўтган сари бу мажруҳ қалбнинг улуғ қудрати тикланаётгандай туюлар эди. Бу китобнинг ҳар саҳифасида истибдоднинг зўравонлик билан ёяётган ёлғонини тор-мор келтирувчи ҳақиқат нафас олар эди.

Шимолий Ҳиндистон вилоятларини ўттиз йил давомида ўн етти мартаба оёқ ости қилган подшоҳ Маҳмуд

Ғазнавий Панжоб ва Қашмирдаги бойликларни талаш билан чекланмади. У ҳинд халқининг иззат-нафси, шону-шавкати, анъаналари, ғурури ва пок тийнатини ер билан яқсон қилмоққа уринди. Чунки Маҳмуд Ғазнавийнинг талончилик юришлари ғазовот деб аталар: ислом байроғи остида жам бўлган ғоратгарлар ўзларига ғозий ва мутааввунлар деб от қўйиб, «ғайридинлар»нинг бор-будини талар, уларни хонавайрон қилар ва ваҳшатангез зулмкорликда ўзларини ҳақ деб билар эдилар.

Ана шундай бешафқат курашда мазлум Ҳиндистоннинг ғоят қудратли бир ҳимоячиси бўлган. Бу Абу Райҳон Беруний тафаккури эди.

Беруний мустабид ҳукмроннинг ғазаби, мутаассиб босқинчиларнинг жинниёна ҳайқириқлари, ҳар силкинишида не-не бегуноҳ юракларнинг дарё қилувчи қилич ва тиглар шиддати остидан ҳинд халқининг асрий обидалари, урф-одатлари, билим ва закосини омон олиб чиқди. Уларнинг келгуси авлодларгача етиб келишини таъинлади.

«Ҳиндистон» китобининг қўлёзмаларини варақлар экан, Беруний хаёлида чуқур бир андиша ҳукмрон эди.

Бу китобни подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий қандай қарши олар экан? Қарматийлар тўғрисидаги ҳаққоний асари учун Берунийнинг боши кесилишига сал қолган эмасми эди. Бечора Абдуссамад эса жаҳолат ва таассуб қурбони бўлиб кетди.

Воқеа бундай бўлган эди: Маҳмуд Ғазнавий Хоразми эгаллаган (1017) йил. Беруний ва унинг ҳамкасби олим Абдуссамад Аввални подшоҳ ўз ҳузурига даъват қилаётганини хабар қилдилар.

Беруний шоҳ қабулхонасига кириб келганида икки қўли кишанланган Абдуссамад подшоҳ қаршисида тиз чўккан, тахт устида ўлтирган подшоҳнинг башарасида ғазаб олови чақнар эди. Подшоҳнинг ёнида одоб ва изтироб билан қўл қовуштириб тик турган вазир Маҳмудхўжа Ҳасаннинг чеҳрасида чуқур дард ва ҳаяжон зоҳир эди. Эшик олдида икки жаллод шоҳ фармонига мунтазир.

Берунийни келтирган соқчилар қабулхона ташқарисида қолдилар. Олим қабулхонага кириб лозим қондага биноан подшоҳга таъзим қилди ва бир чеккада тик тўхтади.

Подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий Берунийнинг саломига

жавобан бир беш ирғитган бўлди-да, Абдуссамадни сўроқ қилишда давом этди:

— Мусулмон динининг ашаддий душманлари кофир карматийларни мақтаб, уларнинг худо йўлига зид, шариатга хилоф эътиқодини тарғиб этувчи китобни сен ёзганмисен.

— Мен, тақсир. Аммо карматийларнинг эътиқоди бу китобда тарғиб этилган эмас, фақат баён этилган,— деб жавоб қилди Абдуссамад. Унинг овозида парижонлик ва хавотир сезилиб турар эди.

— Исломга ихтилофли эътиқодни баён этмоқ, уни тарғиб этмоқ демакдир.

— Подшоҳ ҳазратлари, илмларни ўрганмоқ ҳар бир мусулмон ва мусулмон аёлнинг вазифасидир, деганлар Расуллоҳ,— одоб ва ёввошлик билан жавоб қилди Абдуссамад.— Ўзга эътиқодларни ўрганмоқ ва таҳлил этмоқ шариатга хилоф бўлмас, бу иш илм учун даркордир.

— Қатл этилсин бу кофир!— деб буюрди шоҳ. Вазир Маҳмудхўжа Ҳасан бир ирғиб тушди.

Ранги бўздек оқариб кетган, кутилмаган фармондан эсу-ҳушини йўқотган Абдуссамадни жаллодлар хонадан судрагандай қилиб олиб чиқиб кетдилар.

Подшоҳ Берунийга юзланди ва ундан сўради:

— Карматийлар тўғрисидаги китобга сизнинг ҳам алоқангиз бўлганми?

— Бўлган, подшоҳим. Мен бу китобнинг муаллифларидан биримен.

— Кофир карматийларни ислом динига душманликдан иборат эътиқодини не важҳдан тарғиб этадурсиз?

— Ҳар бир халқ ва жамоа ўз эътиқодига эга бўлиш ҳуқуқига молик. Олимнинг вазифаси уларни чуқур ўрганмоқ, ҳақиқат қай бирига кўпроқ оид эканини аниқламоқдир. Бу вазифанинг ижроси билан эътиқод тарғиб-и ўртасида фарқ каттадир.

— Сизнинг бундай кажбаҳслигингиз бошингиз кесилишига боис бўлур. Буни англаб етасизми?

— Тақдир бизга шундай қисматни насиб этган бўлса, унга ризо бўлмай не чорамиз бор.

Вазир турган жойида яна бир сесканиб тушди.

— Боши кесилсин!— буюрди подшоҳ қисқагина. Тайёр турган бошқа икки жаллод Берунийни ташқарига етакладилар. Олим инсон умрининг қисқалиги, ростлиги ва истибоддод зўравонлиги ўртасидаги зиддият-

ни тафаккур қилгандек жим хаёлга чўмган қолда икки жаллод ўртасида ташқарига чиқди.

Хонада подшоҳ билан ёлғиз қолган Маҳмудхўжа Ҳасан шоҳга таъзим қилиб тез-тез сўзлай бошлади:

— Подшоҳ ҳазратлари, бу олимларни қатл этмангиз. Фармон ижросини тўхтатишингизни илтижо қиламен. Буларнинг илм ва истеъдоди тахту-тожингизнинг жилоси бўлажак. Авфу марҳаматингиздан миннатдор бўлиб улар бир умр салтанатга садоқат билан хизмат қилурлар. Икки одамнинг боши кесилгани салтанатга обрў келтирмас, балки икки олим қатли учун мусулмонлар сиздан норози бўлурлар. Лутфу-иноятингиз эл кўнглини мамнун этар, олимлар тафаккури эса давлатингиз эътиборига эътибор қўшар. Утинаман, подшоҳим, уларнинг қонидан кечингиз.

— Қарматийлар ҳимоячиларининг қонидан қандай кечиш мумкин?

— Қарматийлар тўғрисидаги китоб ҳали топилган эмас. Унда нелар ёзилгани аниқ маълум бўлмаган. Бу китоб тўғрисида хабар етказганлар истеъдод ва илмга душманлик, олимларга ҳасад билан туҳмат қилган бўлишлари ҳам мумкин. Йўқ китоб тўғрисида ёлғон-яшиқ гапга ишониб икки улуғ олимни қатл этиш сизнинг адолатпаноҳ подшоҳлик шухратингизга доғ солур...— Вазирнинг гапи тугамас, унинг юрак сўзларини етказаётган дардли овози подшоҳ қулоғига қўрғошиндек қуюлмоқда эди.

Маҳмуд Ғазнавий ўз фармонининг шошма-шошарлик билан берилганини тушуниб турар эди. Айниқса Берунийдек олимнинг ҳали салтанатга кўп фойдаси етади. Унинг қатли эса тахтга иснод келтиражаги аниқ.

— Берунийни қайтариб келтирингиз!— деди подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий.

Вазир ўзи эшик сари чопиб подшоҳ буйруғини ижрочиларга етказди.

Сал ўтмай қўллари кишанланган, чеҳрасига ўлим излари тушган Берунийни икки мулозим етаклаб подшоҳ ҳузурига олиб келдилар.

Подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий Берунийга деди:

— Сизни гуноҳингиздан ўтдик. Қолган умрингизни ғанимат билиб шоҳлик салтанатига ихлос билан хизмат қилурсиз.

Ўлимга маҳкум инсоннинг юзига сал қон югурди. У ҳали ҳам яна тирик сақланишига ишонмас эди.

— Марҳаматингиздан миннатдормен,— деди Беруний паст овоз билан.

— Подшоҳ ҳазратларининг умрлари узун, тахту давлатлари мудом барқарор ва баравж бўлсин,— деб вазир Маҳмудхўжа Ҳасан дуо қилди. Ҳамма фотиҳа тортдилар.

— Абдуссамад Аввал ҳам мутлақо бегуноҳдир, подшоҳим,— деди Беруний.— Унинг қонидан ҳам кечилса бу ҳам ғоят адолатли қарор бўлур эди.

— Сиз бориб ўз илмингиз билан машғул бўлингиз. Подшоҳлик фармонлари ва унинг ижроси бизнинг машғулотикидир,— деди подшоҳ. Унинг қатъий овози гап тугаганини билдиради эди.

Маҳмуд Ғазнавийдек подшоҳ бирданига ўзининг икки фармонини бекор қила олмас эди.

Уша куни бечора Абдуссамаднинг бегуноҳ танаси унинг билим тўла бошидан жудо қилинди.

Беруний бугун ана шу воқеани эсига олди. Ҳиндлар тўғрисидаги китоб ҳам подшоҳнинг ғазабини қўзғатиши табиий. Бу эса олимнинг яна золим қаҳрига учрашини англатади. Аммо илм ёлғончилик қаршисида чекиниши шартми? Ахир Беруний ёлғонни рад қилиб ҳақиқатни тасдиқлаш мақсадида бу китобни ёзди-ку. Олим фақат ростлик, илмий ҳақиқат тантанаси учун яшайди ва ижод қилади эмасми!

Беруний фикрида шундай ҳаяжонли мулоҳазалар гулгула қилаётган пайтда саройдан хабарчи етиб келди. У келтирган хабар ҳам жуда кутилмаган бир янгилик эди. Хабарчи подшоҳ Маҳмуд Ғазнавийнинг вафот этгани хабарини келтирган эди.

Беруний бу ахборотдан анча муттассир бўлди. Улим хабари ҳеч қачон ҳеч кимга бетаъсир қолмайди. Ҳокимнинг ҳам, маҳкумнинг ҳам ўлими ҳамиша бу қатъий яқуннинг ҳақ эканини эслатади. Кишиларни ҳушёрликка чорлайди.

Беруний ўлтирган жойида қўлини фотиҳага очди, қуръондан бир сура ўқиб, сўнг Йаминуд давла ва аминул мила (ҳокимиятнинг қўли ва диннинг амини) подшоҳ Маҳмуд Ғазнавийнинг жойини худо жаннатдан ато этсин деб фотиҳа ўқиди.

Шундан кейин Беруний ва сарой хабарчиси биргаликда Урда сари йўл олдилар.



## СИЕСИЙ ҲЗГАРИШЛАР

Беруний Ҳрдага етиб келганида бу ерда подшоҳ оиласи, олий даргоҳ аҳли шоҳона мотам маросимини ўтамоқда эдилар. Шу билан бирга Ҳрда аҳлида қандайдир бесаранжомлик, баланд мартабали зотларнинг хатти-ҳаракатларида мотамдан ташқари бошқа бир ташвиш борлиги сезилиб турар эди.

Марҳум подшоҳнинг ўғли шаҳзода Муҳаммад барча тадбирларга бош. Вазир Маҳмуд Абу Али Ҳасан унинг ёнида парвона, у шаҳзода ёнидан бир нафас жилмас, шаҳзоданинг фармойишини ўз атрофида ўралишаётган одамлар орқали дарҳол амалга оширар эди.

Бошқа бир гуруҳ амалдорлар шаҳзода Масъуд те-варагида жам бўлганлар, улар Масъуднинг ўз укаси Муҳаммаднинг йўл-йўриқларига халақит бериш мақсадида қилаётган ишларига жону жаҳд билан кўмаклашадилар.

Подшоҳ Маҳмуд Ҳазнавийнинг вафотида оид мотам маросими бир неча кун давом этди. Ҳазна аҳли улуг сиёсатчи ва фотиҳни муносиб ҳурматлар билан абадий дунёга кузатдилар. Ҳазна тахти эса шаҳзода Муҳаммад ихтиёрига ўтди. Марҳум подшоҳнинг васиятига кўра амалга ошган бу тадбир яна бир тахт даъвогари Масъудга ҳеч ёқмади.

Уша йили кузак пайти Масъуд укаси Муҳаммадни ҳокимиятдан воз кечишга мажбур этди ва Ҳазна тахтини эгаллади.

Янги подшоҳ Масъуд шунча ҳаракат билан қўлга киритган ҳокимиятни бошқаришга бепарво қарар эди. У кўпроқ вақтини тахтгоҳда эмас, ишратгоҳда ўтказди. У лашкарбошилар ва амалдорлар суҳбатидан кўра дилрабо раққоса ва созандалар базмини хуш кўради, давлат ишлари заҳридан кўра айш шароби унинг кўнглига ёқимлироқ.

Лекин Масъуднинг Берунийга муносабати олдинги подшоҳнинг муомиласидан кўра бутунлай бошқача бўлди.

Ҳар бир янги ҳукмрон сингари Масъуд олдинги ҳокимият эгасига зид бўлганларни қувватлади ва уларни ўз атрофига тўплашга киришди.

Марҳум подшоҳ Маҳмуд Ҳазнавийнинг Берунийга салбий муносабати ҳаммага аён эди. Масъуд эса олимга кўп илтифот кўрсатди. Уни ўзига яқин тутди. Ёш

султон Султон Масъуд Берунийнинг билими, ақлу-зако-  
сидан бахраманд бўлмоқни истар, шу сабаб кўп фанлар  
бўйича у Берунийдан дарс олар эди.

Уларнинг машғулотлари асосан араб тили ва астро-  
номияга бағишланарди.

Подшоҳнинг махсус таълим хонаси. Заррин нақшлар  
билан безакланган деворларда турли ранглардаги де-  
раза ойналаридан ўтган қуёш нурлари жилваланади.  
Юмшоқ кўрпача парқуга суюниб ўлтирган Масъуд Бе-  
рунийнинг астрономияга оид суҳбатини тингламоқда.

Олим шоҳга қуёш ва ой ҳаракатлари, ер айланиши-  
нинг суръати, тун ва кунларнинг узун ва қисқа бўлиш  
сабаблари тўғрисида сўзлаб берди.

Беруний таҳлилида энг мураккаб ва мушкул маса-  
лалар ҳам ғоят тушунарли, содда ҳамда қизиқарли  
шаклда баён топар эди. У ўзининг илмга бўлган чексиз  
муҳаббати туфайли ҳар қандай кўнгилни ҳам фанга  
мафтун этувчи жозиблага эга эди.

Дарс якунида Беруний подшоҳга деди:

— Сиз маъриб ва машриқни ўз тасарруфига кирит-  
ган улуг ҳукмдор бутун ер юзасининг султонлигига  
муносиб бир шоҳдирсиз. Агар шундай баланд мартаба-  
ли зот кун ва тун шароити, улардаги ишларнинг бори-  
ши обод ерларда, ҳамда саҳро ва инсон яшамайдиган  
жойларда кун ва тунларнинг қай даражадаги узунли-  
гига оид маълумотларни яхши билса, бу олимлар фа-  
қат олий салтанатни мустаҳкамламоққа хизмат қилган  
бўлур эди.

— Шундай билимларни ўзида жам этган, аммо  
мутолаа учун қулай ва енгил битилган китоблар дар-  
кор.

— Бу сўзларингизни мен учун фармон деб билишга  
рухсат этгайсиз. Подшоҳим айтган тарздаги китобни  
битмакка дарҳол киришгумдир.

— Фақат ҳозирги мунажжимларнинг қабул қилган  
усуллари ва ибораларидан ўзгачароқ бўлса,— деди  
подшоҳ Масъуд,— чунки буларнинг ёзганлари бемиқ-  
дор, услублари мураккаб, ифода ва иборалари ғализ.

— Илм равшанлик ила фазилатлидир. Ҳақиқат эса  
ғоят содда ва тўппа-тўғри. Мураккаблик ва ғализлик  
муаллифнинг ўз баёнидаги ҳақиқатга шубҳаси борлиги-  
дан нишонадир.

— Тўғри,— деб кулди Масъуд,— китоб ёзган киши  
бу китобни одамлар ўқийдилар деган умид билан ёзмо-

ги даркор. Баъзилар эса шундай ёзадиларки, улар бу китобни ҳеч ким ўқимайди деб ўйлаган бўлсалар керак, деб кўнгилга келадир:

Шу суҳбатдан бошлаб Беруний ўзининг кўп йиллардан бери ўйлаб юрган ишига киришмоққа қарор қилди. Дастлаб дебоча сифатида бир кичикроқ китоб ёзиб уни султон Масъудга йўллади. Унда тун ва кун узунлигини аниқлаш тамомила янги, мавжуд усуллардан ўзининг соддалиги ва ихчамлиги билан фарқли ҳолда баён этилган эди.

Султон Масъудга бу китоб мақбул бўлди. Подшоҳнинг тақдирлаши олимни ўз қароридан яна қатъийлаштирди.

Берунийнинг анча фурсатдан бери ер ва осмон ҳақидаги билимларнинг мажмуи бўлган катта бир асар яратмоқ режаси бор эди. Аммо подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий билан Беруний орасидаги нохуш муносабатлар олимнинг кўнглига тинчлик бермас: бундан ташқари кундалик бошқа хил илмий машғулотлар бир яхлит мавзу устида кўмилиб ишлашга йўл қўймай келар эди. Султон Масъуднинг Берунийга ҳурматли муносабати, султоннинг ёш, маърифатли экани, илм-фанга ҳайрихоҳлиги Берунийни шу катта иш ижросига чорлаган бўлди.

1031 йилдан бошлаб олим ана шу шоҳ асарини яратишга киришди. У олти йилдан ортиқ муддат ишлади. Берунийнинг кечасию кундузи тинмай қилган меҳнати, унинг илм ва меҳнатга муҳаббатининг самараси сифатида улкан бир китоб юзага келди. Беруний ўзининг бутун куч ва қуввати, фурсат ва имкониятини илмга бағишлаган, илҳом ва муҳаббат билан фанга хизмат қилувчи бир заҳматкаш эди.

Султон Масъуд олимнинг ана шу интилишига ҳурматли муносабатда бўлди. Олимни ўз шоҳлик қудрати билан эътироф этди. Олимга бошқача илтифот керак эмас. Унга шундай ҳурматли эътироф даркор халос. Шундан миннатдор бўлган Беруний ўзининг янги шоҳ асарини Султон Масъудга бағишлади ва бу китобни «Қонуни Масъудий» деб атади.

## «ҚОНУНИ МАСЪУДИЙ»<sup>1</sup>

Бу асар Беруний яратган жуда кўп илмий асарлар ичида ўзининг гоят мазмундорлиги, кенг кўламдаги маълумотларни жам этганлиги билан ажралиб туради.

Бу шоҳ асарини яратиш фурсатида Беруний ўзининг ўрганган билимлари, йиққан ҳаёт тажрибаси, сайқал топган услуб ва ифода маҳорати жиҳатидан энг юксак даражага эришган эди.

«Қонуни Масъудий» ўн битта улкан бўлақлардан иборат. Бу бўлақларни олим мақола деб атайди.

Ҳар бир мақола шакл ва мундарижа жиҳатидан айрим фан соҳасига оид алоҳида катта бир китоб ка-бидир.

«Қонуни Масъудий»ни икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи қисм беш мақоладан иборат бўлиб: уларнинг ҳар бири айрим ва бир илмий соҳанинг тасвир ва таҳлилига бағишланган.

Иккинчи қисми эса қолган олти мақолани ўз ичига олади. Уларнинг ҳаммаси олимнинг кўнглига энг яқин бўлган соҳа — астрономияга оид.

Биринчи мақолада Беруний оламдаги мавжудотлар, уларнинг умумий шакллари тўғрисида ҳикоя қилади.

Олам юмалоқ шаклли бир жисм. Унинг бир бўлаги ҳаракатсиз. Ҳаракатсиз қисмнинг агрофидагилар «ҳақиқий қуйилик» — «Ернинг ҳақиқий маркази» бўйлаб фазода айланма ҳаракат қиладилар. Ана шу барча мавжуд жисмларнинг йиғиндиси олам деб аталади.

Шу йиғиндининг айланма ҳаракат қилувчи бўлаги «юқори олам», тўғри ҳаракат қилувчи қисм «қуйи олам» дейилади. Тўғри ҳаракат қилувчилар тўрт унсир — тупроқ, сув, ҳаво, олов бирлигидан иборат.

---

<sup>1</sup> Ҳозир жаҳон кутубхоналарида «Қонуни Масъудий»нинг етти қўлёзма нусхаси бор. Улар Лондон, Париж, Берлин, Истамбул ва Қоҳира шаҳарларида сақланадилар. Немис олими Макс Круза «Қонуни Масъудий»нинг тўрт қўлёзмаси асосида унинг илмий-танқидий текстини тузиб 1954—1956 йиллари Ҳайдарободда (Ҳиндистон) нашр этган. «Қонуни Масъудий»нинг араб тилидан ўзбек тилига қилинган таржимаси Тошкентда нашр этилган (I китоб, 1973 йили, II китоб 1976 йили, «Фан» нашриёти). Таржимон А. Расулов, махсус муҳаррир А. Аҳмедов, масъул муҳаррир С. Ҳ. Сирожиiddинов, «Қонуни Масъудий»нинг рус тилига таржимаси Н. Г. Булгаков ва В. А. Розанфельд, А. Аҳмедов, М. М. Рожанская томонидан амалга оширилган. Бу ҳам икки китобдан иборат бўлиб, улар Тошкентда «Фан» нашриёти томонидан 1973-76 йиллари нашр этилган.

Ер шу тўрт навнинг биридир. Бу тўрт унсун олам ўртасида тартиб билан жойлаштирилган. Уларнинг вази оғирлиги олам марказига интилади, енгили эса марказдан қочади.

Одамлар қай ерда турган бўлмасинлар, фақат осмоннинг ярминигина кўрадилар. У мавжуд гумбаз тарзида кўринади.

Одамларнинг ердаги ҳолатлари ҳамма жойда бир хил бўлмайди. Жойларни аниқламоқ учун кенглик ва узунлик қўлланилади. Шимолдан жанубга томон ҳисобланса кенглик бўлади, шарқдан ғарбга ҳисоблангани узунлик бўлади.

Эфир етти сайёрага эга. Шунга қараб у етти сферага бўлинади. Улардан юқоридаги саккизинчи сферада турғун юлдузлар жойлашганлар. Сфералар шарққа қараб ҳаракат қиладилар.

Бу сфераларнинг қуйи томондан биринчиси Ой сферасидир. Ой думалоқ шакли қаттиқ жисм бўлиб, Қуёшдан унга тушаётган нур Ойда аксланади. Шунинг учун у гўё ёруғлик тан манбаи бўлиб кўринади.

Ой сферасидан сўнг Меркурий, сўнгра Зуҳра сфераси келади. Бу икки сферанинг юқорисида Қуёш туради. Қуёшнинг осмондаги жойи худди подшоҳнинг жойи мамлакат марказида бўлган сингаридир. Ҳамма сайёраларнинг аҳвол ва ҳаракатлари қуёшга боғлиқ ва қуёш ҳаракати орқали ўлчанади.

Ер, Меркурий, Зуҳра қуйи планеталардир.

Сфералари қуёшдан юқорида бўлган сайёралар ичида Қуёшга энг яқини Марс, энг узоғи Сатурн. Уларнинг оралиғида Юпитер жойлашган.

Сайёраларнинг ҳар бири мақсад учун ҳаракат қилади, ўз табиатига кўра ҳаракатланади. Уларнинг ҳар бири ўз сферасидагина юради.

Беруний бу маълумотларни Птоломейнинг «Алмажастий» китобидан олиб ўз талқинида баён қилган.

Беруний ернинг думалоқлиги тўғрисида кўп исботлар келтирган. Шу жумладан ой тўтилган пайтда ернинг ойга тушган сояси айлана шаклида эканлиги ҳам айтиб ўтилган.

«Қонуни Масъудий»нинг иккинчи мақоласида турли халқларда ишлатиладиган эралар тўғрисида сўз боради. Беруний бу мақолада эралар ўртасидаги муносабатлар турли халқларнинг урф-одатлари, байрамлари тўғрисида сўзлайди. Бу маълумотлар «Ўтмиш ёдгор-

ликлари» китобидаги маълумотларнинг бошқача йўсиндаги изҳоридан иборат.

Учинчи мақола математикага бағишланган. Унда сферик астрономия учун зарур бўлган геометрия ва тригонометрияга оид масалалар ёритилган. Бу мақола-ни ундан кейинги мақолаларда берилган вазифаларни бажармоқ ва кўзда тутилган ҳисобларни амалга ошир-моқ учун ишлатиладиган математик аппарат деса бўла-ди (П. Г. Булгаков фикри).

Тўртинчи мақола ёйлар ва бурчакларнинг миқдор-лари, сфера сиртидаги нуқталар ва уларнинг турли ҳо-латларини аниқлаш ва шунга ўхшаш бошқа ишларга бағишланади.

Бешинчи мақолада аксариси ёритгичлар ҳаракат-ларини кўрсатиш учун қурол каби қўлланиладиган нарсалар тўғрисида сўз боради.

Бу мақолада Беруний тураржойларнинг ўрнини ой тутилишини кузатиш воситасида аниқлаш усулини баён этади: икки шаҳар ўртасидаги масофалар бўйича улар-нинг узунликларини аниқлаш узунлиги ва кенглиги маълум икки шаҳар орасидаги масофани аниқлаш ка-билар тўғрисида фикр юритади. Шу билан бирга ер айланасини шартли бўлақлар ёрдами билан белгилаш иқлимлар, уларнинг узунлик ва кенгликлари ҳақидаги маълумотлар ҳам шу мақолада келтирилган.

Бу ҳолатлар «Геодезия» китобида ҳам анча муфас-сал ёритилган эди.

Бешинчи мақолага катта жадвал илова қилинган. Унда иқлимлар ва айрим шаҳарларнинг ўрни кўрсатил-ган.

Масалар, Ҳирот шаҳарининг ўрни  $88^{\circ}40'$  узунлик ва  $34^{\circ}31'$  кенгликда деб берилган. Унинг хуросон вилоятида эканлиги айtilган. Кат эса  $85^{\circ}0'$  узунлик ва  $41^{\circ}36'$  кенгликдадир. Бухоро  $87^{\circ}30'$  узунлик ва  $35^{\circ}20'$  кенгликдадир. Самарқанд  $48^{\circ}20'$  узунлик,  $40^{\circ}0'$  кен-ликда жойлашган. Беруний Самарқандни турк тилида Қуёш шаҳри маъносини англатади, деб изоҳлайди). Бинкат  $89^{\circ}10'$  узунлик,  $42^{\circ}30'$  кенгликда жойлашган. Бу шаҳар туркчада Тошканд, юнончада Тошқалъа деб аталганини Беруний эслатиб ўтади. Фарғона вилояти-нинг маркази Ахсикат  $92^{\circ}0'$  узунликда ва  $42^{\circ}20'$  кен-ликда жойлашган. Болосоғун шаҳари  $91^{\circ}30'$  узунлик ва  $47^{\circ}40'$  кенгликда жойлашган.

Жадвалда бундай маълумотлар анча бор.

Олтинчи мақола қуёш ҳаракати тўғрисида ҳикоя қилади.

Еттинчи мақолада ой ҳаракатлари тўғрисида сўз боради. Саккизинчи мақола қуёш ва ой тутилиши масалаларига бағишланган. Тўққизинчи мақола юлдузлар тўғрисидадир. Унинчи мақолада Сатурн, Юпитер, Марс, Зуҳра ва Меркурий сайёраларининг ҳаракатлари тўғрисида ҳикоя қилади. Ун биринчи мақола осмон сфераларининг диаметрияси, ёритқичларнинг ҳаракатлари, уларнинг ўрнашган жойи, бир-бирларига нисбатан қиладиган ҳаракатлари каби масалаларга бағишланган.

Беруний «Қонуни Масъудий»да ўзигача бўлган астрономияга оид билимларни танқидий жиҳатдан таҳлил қилди, улардаги янгиликларни аниқлаб тузатди: астрономияга оид кўп масалаларни ҳал қилиб берди.

«Қонуни Масъудий» ўрта аср шарқ илмларининг қомусидир.

## ШОҲОНА ТУҲФА

Беруний «Қонуни Масъудий»ни подшоҳ Масъудга топширди. Подшоҳ бу китобдан мамнун бўлди. Энг улуғ бир илмий қомус ёш подшоҳнинг номини абадийян фан тарихига олиб кирган эди.

Масъуд Берунийнинг бу катта хизмати ва шарафли бағишлови эвазига унга улкан мукофот тайин қилди.

Ғазна кўчалари. Қатор саф тортган расталар. Отулов билан турли қишлоқлардан келган деҳқонлар бозор майдони сари ошиқдилар. Мисгарлар, тақачилар дўконларида жаранг-журунг тақа-тақ болғалар дукуллайди. Савдо расталари салобат билан саф тортган. Шаҳар ўз кундалик ҳаёти оғушида.

Ғазна кўчаларидан бир отлиқ туябон икки серҳашам безакли туяни оҳиста етаклаб ўтиб боради. Туяларнинг кажаваларига ортилган кичик-кичик қопчалар таранг. Юкнинг оғирлигидан туялар ҳорғинлик билан қадам ташлайдилар.

Туябон олдида безакли тақинчоқлар билан тўла отга минган зарҳал либосли бир сувори кетмоқда. Катта юк ортилган бу туяни отлиқ икки соқчи қўриқлаб борадилар.

Растадаги дўконлардан бирида ўтирган савдогар ўз суҳбатдошига бу кичик карвонни кўрсатиб деди:

— Ушбу туялар ўрда хазиначидан чиққанлар. Улар қимматбаҳо юкларни қайгадир элтмоқдалар.

— Қарвон олдидаги киши ҳам хазина хизматчиси бўлса керак. Либоси шундан далолат беради.

— Шундай.

Ғазна кўчаларидан виқор билан кечмоқда бўлган бу карвон тезда кўпчиликнинг диққатини тортди. Суворийлар ва икки туя тезда шаҳарнинг марказидан ўтиб унинг чеккасидаги боғ кўчалар сари йўл олдилар.

Беруний эрталабдан бери тинмай илмий машғулот билан банд бўлиб сал толиқди шекилли ишини тўхта-тиб боққа чиқди. У гулзор ёқасида жадал оқаётган ариқчадаги сув овозини тинглаб гуллар жамолига боқиб бир оз ҳордиқ чиқарди. Бу тўхтовсиз оқим олимга ҳаёт фурсатининг тез ўтишини эслатди. Ана шу ариқдаги сув каби гуллар ундириб, маҳсулларга барака бериб яшамоғи лозим ҳар бир одам. Ҳаётнинг чин моҳияти элга, кишиларга баҳра етказмоқдир. Агар шу ариқдаги сув бўлмаса, гулзорлар қақраб қуруқшаб кетгани сингари, ҳар бир киши фаолиятида кўпчиликка баҳра етмаса, эл ҳаёти ҳам камбағаллашади, одамларга наф етказмай яшаган кимса эса сувсиз ариқ каби бефойда ва қуруқдир.

Беруний шундай мулоҳазаларда ғарқ бўлиб боғда сайр этар экан, хизматчи келиб ўрдадан келган одам Берунийни йўқлаётганини хабар қилди.

Беруний боғ эшигидан кўчага чиқди. Боғ дарвозаси олдида икки катта туя ерга чўккан ва устидаги оғир юкни ташиш машаққатидан холий бўлгани учун шукур қилгандай чуқур нафас олар эди. Дарвоза бошида турган хизматчи отдан тушиб Берунийнинг чақириғини кутмоқда. У олимнинг ўзи эшикдан чиқиб келганини кўриб сал саросимада қолди ва дарҳол от жилловини ёнида турган соқчилардан бирига топшириб ўзи Беруний ҳузурига келди. У олимга таъзим қилиб салом берди. Беруний унга одоб ила алик қайтарди.

Сарой хизматчиси олимга деди:

— Олий ҳазрат шаҳаншоҳ сизга ушбу совғаларни йўлламишдирлар. Қаерга тушурмоқни буюргайсиз.

— Бу не совғалардир?

— Подшоҳ ҳазратларига сизнинг китобингиз ғоят маъқул тушмиш. Олий ҳазрат буюрдиларки, икки туя кўтара оладиган миқдорда кумуш тангаларни сиз тақ-



сиримга совға этиб етказилсин. Ушбу туяларга ортилган қоплардаги тангалар ушал олий мукофотдир.

Хизматчининг сўзини тасдиқлагандай туялар пишиллаб бошларини у ён-бу ёнга чайқар эдилар.

Беруний бундай илтифотни кутмаган эди. У бир оз жим қолди. Сўнг олим сарой хизматчисига деди:

— Мен подшоҳ ҳазратларининг бундай олий даражадаги инъомларидан беҳад миннатдормен. Аммо бу қадар катта давлат ва бойликнинг менга зарурати йўқ. Алҳамдулиллоҳ, подшоҳ ҳазратларининг лутфу иноятлари ва олий даргоҳи соясида тирикчилигим учун етарли озуқа ва кийинмоқ учун керакли кийим менда бор. Ундан бошқа нарсанинг эса менга ҳожати йўқ. Шунинг учун бу тангаларни хазинага қайтариб элтингиз. Улар шаҳаншоҳ давлатининг лозим эҳтиёжларига сарф этилар.

Сарой хизматчиси бу юкларни Берунийнинг уйида қолдириш учун кўп уриниб кўрди. Аммо натижа бўлмади. Ниҳоят тангалар ортилган икки туя ўша соқчилар ҳимоясида орқага ўрда сари йўл олди.

Беруний боғ орқали ўз уйига қайтди ва яна илҳом билан ижод жараёнига чўмди.

Айтадиларки, Беруний йил давомида фақат икки мартаба — ҳайит кунлари дам олар эди. Ушанда у ўз ўзига лозим озуқа ва кийим тайёрлар эди. Бошқа кунлари эса тинмай илм-фан машғулоти билан банд эди. Олим молу давлат, бойликка нисбатан мутлақо бефарқ бўлиб, кундалик тирикчиликка етарлигина нарсалар билан кифояланар, унинг бутун бойлиги ҳаёт ва инсонларга чексиз муҳаббати, фикрини ҳамиша равшан ва давлатманд этиб турган илм ва тафаккур хазинасидан иборат бўлган. Олим ўзидаги шу билим дурларини самимият билан элу-юрт учун бағишламоқ ила бахтиёр эди.

## МИНЕРАЛЛАР ТУҒРИСИДАГИ ҚИТОБ

Ўзининг қимматбаҳо тошлар, уларнинг хоссалари туғрисида ёзмоқда бўлган асарини Беруний бундай деб атади: «Қитобул-жамоҳир фи маърифатул-жавоҳир», буни араб тилидан ўзбек тилига «Қимматбаҳо тошларни танимоқ учун (лозим) маълумотлар

тўплами» деб таржима қилмоқ мумкин. Фанда уни қисқартириб «Минералогия» деб юритадилар<sup>1</sup>.

«Минералогия» гарчи қимматбаҳо тошлар ва металллар тўғрисида маълумот беришга мўлжалланган бўлсада, у фалсафий, тарбиявий ва адабий материалларга жуда бой. Шунинг учун у ўқилишга қулай ва ғоят қизиқарли шаклга эга.

Бу китобда турли ҳаётий тажрибаларга асосланган фалсафий-дидактик хулосалар баён этилган. Уларни олим тарвиҳа деб атайди.

Тарвиҳалардан сўнг турли қимматбаҳо тошлар ва металллар таърифига бағишланган боблар келади.

«Минералогия»нинг биринчи қисмида ёқут, лаъл, олмос, феруза, ақиқ, биллур, каҳрабо ва бошқалар тўғрисида сўз боради. Иккинчи қисмида эса олтин, кумуш, мис, темир, қўрғошин, бронза сингари қимматбаҳо металллар тўғрисидаги маълумотлар бор.

Ёқут қимматбаҳо тошлар ичида энг гўзал ва қимматбаҳолидир. Ёқут, оқ, кўк, сариқ ва қизил бўлади. Форс тилида ёқутни йакунд дейдилар. Араблар бу сўзни ёқут деб талаффуз қилганлар. Форслар яна уни сабаж асмур деб ҳам атаганлар. Бунинг маъноси «вабодан асровчи» демакдир. Узоқ асрлар давомида араблар ва Урта Осиё халқларида ёқут таққан одам вабодан омон қолади деган ишонч бўлган.

Ёқутнинг кўп бўладиган жойи Сарондиб (Шри Ланка) оролидир. Бу мамлакатнинг Балакаран деган жойида ёқут кони бор. Унда сариқ ва сурмаранг ёқут бўлади. Уша ердан юқориқоқда Рўнак деган жойда

---

<sup>1</sup> Беруний «Минералогия» асарининг уч қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган. Улардан бири Испанияда Эскуриал кутубхонасида, қолган иккитаси эса Туркияда сақланади. Немис олими Ф. Кренков шу уч нусха асосида бу асарнинг илмий-танқидий текстини тузди ва бу текст 1936—37 йиллари Ҳайдарободда (Ҳиндистон) нашр этилди.

Совет арабшунос олимларидан А. М. Беленицкий «Минералогия»ни шу текст асосида араб тилидан рус тилига таржима қилди. Бу таржима 1963 йили Москвада СССР Фанлар академияси томонидан босиб чиқарилган. Бу нашрга Абдурахмон Ал-Хоразмийнинг «Ҳикмат тарозуси» китобидан Берунийнинг металллар ва қимматбаҳо тошларга оид ёзганлари олиниб илова қилинган.

Яна ушбу нашрга А. М. Беленицкийнинг таржима ҳақидаги сўзи, Беруний ҳаёти ва ижодига доир катта илмий тадқиқот ва Г. Г. Лемлейнинг «Беруний» асаридаги минералогияга оид маълумотлар асари киритилган.

Барқ тоғи бор. Бу тоғ остида қизил ёқут кони мавжуд. Айтадиларки, бу конни чақмоқ пайдо қилган эмиш. Лекин бу чақмоқ шамол йиққин булутлар бағрида чақнайидиган яшин эмас, балки тоғ тепасида доим ёниб турадиган оловдир. У баъзан кучли аланга бўлиб порлайди. Тунда денгиздаги кемалар ундан мўлжал оладилар. Кундузлари эса Барқ тоғи устида доимо тутунга ўхшаш нарса чиқиб туради.

Беруний ёқутлар тўғрисидаги баъзи қизиқ-қизиқ воқеаларни ҳикоя қилади.

Амир Йаминуд — давла (подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий)нинг ихтиёрида бир ёқут бўлган. У узун бўлиб, вазни йигирма мисқол эди. Рай шаҳарлик ака-укалар ал Ҳасан ва ал Ҳусан бу ёқутни йигирма минг динорга баҳолаганлар. Амир шу баҳога рози бўлган. Яна Амир деган: «Паручанонал (ҳинд шоҳи) бу ёқутнинг эгаси эди. Шоҳ уни бир савдогарга тўрт юз минг дирҳамга гаровга берган экан». Беруний изоҳ бериб айтадики, ҳақиқатан бу ёқутнинг вазни бир ярим мисқол ҳам келмас эди.

Чўлот исмли бир ҳинд шоҳи катта бир ёқут ўрнатилган зиначага эга бўлган. Ҳар сафар тўрт киши бу зиначани ушлаб турар ва шоҳ оёғини ёқут устига қўйиб калласи хачирнинг елкасига теккунича кўтарилар, сўнг аравага ўлтирар экан.

Амир Масъуднинг ихтиёрида бир ёқут бор экан. У арслон шаклида бўлган. Уни қўлга олганларида бошмалдоқ ва чинчалоқ ортидан чиқиб турар экан.

Бу ёқутни Сарондидан қандай қилиб олиб чиқилгани тўғрисидаги ҳикоя худди эртакка ўхшайди:

Бир киши сочини қирдирган. Сўнг мисдан қалпоқ ясашиб, у қалпоқни галвирга ўхшатиб кўп тешиклар қилдирган. Бошининг орт томонига ўша ёқут учун махсус жой тайёрлаган. Сўнг узоқ фурсат шу қалпоқни кийиб юрган. Соchlари ўсиб чиқиб қалпоқни бутунлай қоплаб беркитгач, ўша одам қўлига ҳасса тутиб гадоилар сингари йўлга чиққан. Шу йўсинда у чегарадаги текшириладиган жойлардан шу ёқутни бошида соchlари орасида яшириб олиб ўтган.

Беруний баъзи ҳукмронларнинг қимматбаҳо тошларга ўч бўлганликларини қоралайди. Араб халифаларидан Умавийлар чумоли каби йиққан бойликларини Аббосий халифалари туялари каби хароб қилганлар. Хусусан, халифа Ал — Муқтадир жуда исрофгар эди.

У йиртқич босқинчилар сингари пулга ўзини ташлар, бефойда ишларни ёқтирар, беҳуда машғулотларга ишқибоз эди. Халифа ҳамиша хотинлар билан кайфу-сафо қилар, қимматбаҳо тошларни хотинларга сочар ва уларнинг қўли билан бу бойликларни барбод берар эди.

Аммо, халифа Ал-Муқтадир бу қилмишлари учун вазири Ал — Аббосдан ҳижолатда бўлган. Шунинг учун халифа вазирни ҳам бундай исрофгарчиликка шерик қилишга ва вазирга хиёнат доғини туширмоққа ҳаракат қилган. Шунда вазир халифанинг нолойиқ ишларидан кўз юмишга мажбур бўлар эди.

Халифа вазирга бир катта қимматбаҳо тошни совға қилиб юборади. Аммо вазир бу бойлик халифаликка тегишли ва уни талон-тарож қилиш ярамайди, деб бу совғани қабул қилмайди. Халифа ўз қилмишидан хижолатда қолади.

Али ибн Мусо Маккадан қайтгач, халифа Ал-Муқтадир билан суҳбатда бўлди. У халифадан ибн Дажжолдан ўттиз минг динорга олинган маржон қаерда, деб сўрайди. «Хазинада» деб жавоб берди халифа. Али ибн Мусо ўша маржонни келтиришни сўрайди. Аммо ахтариб уни хазинадан топа олмайдилар. Шунда Али ибн Мусо енги остидан ўша маржонни чиқариб халифага кўрсатади ва дейди: «Буни Мисрда мен учун сотиб олиб бердилар. Агар қимматбаҳо тош билан шундай ҳодиса содир бўлган бўлса, бошқа нарсалар билан нималар бўлиши мумкин?»

Бу ўғирликни қилган Ал-Муқтадирнинг яқинларидан бири, сарой хоними Зайдони эди.

Беруний қимматбаҳо тошлардан беҳуда безаклар сифатида фойдаланишга мутлақо қарши бўлган.

Халифа Умар ибн Абдулазиз ўғли Абдуллоҳнинг бир минг дирҳамга узук учун қимматбаҳо тош сотиб олганини эшитгач, унга хат ёзиб буюрганки, ўғли дарҳол бу узукни сотсин, тушган пулга эса минг оч одам учун озуқа берсин, ўзига мисдан узук ясатиб муҳр қилдирсин.

Халифа Абдуллоҳ ибн Марвон ибн Муҳаммад Нубиядан пиёда қайтиб келаётганида унда латтага ўралган бир минг дирҳам баҳоли қизил тош бор эди. Халифа дердики, оҳ, шунинг ўрнига устига миниш мумкин бўлган бир жонивор бўлганда эди.

Марвонийлардан бири бундай деган: «Қочиб кетаётган пайтимизда беш динордан ортиқ қимматга эга бўл-

маган арзон тошлар кўп фойда келтирди. Чунки уларни чиқариш ва сотиш мумкин эди. Қимматбаҳо тошларни эса чиқаргани қўрқар эдик, уларнинг қиммати биз учун бефойда бўлди».

Шулардан кўриниб турибдики, Беруний қимматбаҳо тошларнинг сифатлари, таърифи ва баҳоси тўғрисида сўзлабгина қолмайди. Беруний фан тарихида биринчи бор минералларнинг солиштирма оғирлиги тушунчасини яратди, уларни аниқлаб бир тартибга солиб берди. Олим бундай бойликларга қандай муносабатда бўлиши лозимлигини ҳам ўргатади. Кишиларнинг маънавий бойлиги қимматбаҳо тошларга бефарқлигидандир. Улардан (қимматбаҳо тошлардан) шуҳратпарастлик, исрофгарчилик мақсадида эмас, балки элу юрт, мамлакат манфаатлари йўлида фойдаланиш керак. Бундай тошларга очкўзлик билан ёпишиш кишилар учун бефойда, ҳатто таҳликали эканини ҳам олим алоҳида уқдириб ўтади.

Олтин тўғрисидаги мақола ҳам ана шу хулосаларни ўз ичига олган.

Беруний ёзадики, олтиннинг кам учраши уни йиғибериш ва хазиналар жамғаришни тақозо этмайди.

Зинж вилоятининг одами кокос ёнғоқларидан олинган шарбатни ичиб роҳат қилган чоғда дунёда ҳеч нарсага аҳамият бермайди, бутун дунёни ўз қўлига олган сингари ҳис қилади.

Олимнинг кўнгли ҳам ана шу қимматли зинжий таърифидадир.

## ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Ҳазнадаги олтин бозори. Қатор кетган раста дўконлар билан лиқ тўла. Дўконлар эса турли-туман олтин, жавоҳир, кумуш, ёқут, зумрад ва бошқа қимматбаҳо тошлар ва маъданлар билан тўлиб тошган. Дўконларда қатор терилган бу тилла буюмларга қараган кишининг кўзи қамашади.

Дўконлардан бирида бир ёш қорасоқол заргар қўлидаги қўлёма китобни диққат билан варақлайди. Харидор йўқлик пайтида унинг учун китоб мутолааси энг ёқимли машғулот. Аммо бугун унга айниқса муҳим бир китобни топиш муяссар бўлган. Бу Берунийнинг қимматбаҳо тошлар ва маъданларга оид китоби. Заргар китобнинг бевосита заргарликка оид бобларини

кўздан кечирди. У қимматбаҳо тошларнинг хасталаниши, бунинг сабаблари, хасталикни даволаш усуллари тўғрисида ёзилганларни диққат билан ўқиди.

Шундан кейин китобни яна варақлаб кўрди. Олдин унча диққат қилмаган бошланғич боблари — тарвиҳаларни секин ўқий бошлади. Сўнг қизиқиб кетди-да, бошини китобдан кўтармаганича узоқ вақт мутолаада банд бўлди. Орадан бирмунча фурсат ўтди. Бир киши дўкон ёнига келиб тўхтади. У дўкондорнинг китоб ўқишга берилиб кетганини озгина вақт кузатиб турди-да, сўнг кулимсираб секин салом бериб деди:

— Ассалому алайкум мулла Асғар, бу муқовалар орасидан қандай хазина топмишдирсиз?

Дўкондор бошини кўтариб дўкон ёнида турган кишини кўргач, дик этиб ўтирган ўрнидан туриб дўкондан пастга, кўчага тушди ва келган кишига хурсандлик билан алик қайтариб унга жавоб қилди:

— Воалайкум ассалом, мулла Нодир, хуш келдингиз, қани марҳамат, буёққа ўтсинлар.

Мулла Асғар дарҳол дўконга қайта чиқиб бир чеккада турган кўрпачани дўкон четига солди. Икки ҳамсухбат кўрпача устига ўлтириб фотиҳага қўл очдилар. Мулла Нодир дўкондор Асғарнинг ёшида, муртларига ҳали устара тегмаган, бошида мўъжаз оқ салла, ғоят озода кийинган бир муллабачча эди. У Мулла Асғарнинг яқин дўсти. Мадраса таҳсилига кетаётганда ҳам, қайтаётганида ҳам ўз дўсти билан албатта учрашиб ўтар эди.

Уларнинг суҳбати давом этди.

— Берунийнинг янги китоби қўлимга тушди, — деди мамнуният билан заргар мулла Асғар, — бу бизнинг ҳунарга оиддир. Ғоят мароқли бир китоб, мутолаага шўнғиб кетиб сизнинг келганингизни ҳам сезмай қолибмен.

— Беруний ҳар йили бир неча китоб ёзиб элли баҳраманд этар. Бу улуғ аллома туфайли Ғазна илм-фан нуридан чароғон бўлмоқда, — деди мулла Нодир. У Берунийнинг ёзган кўп китобларини ўқиган. Ғазнадаги ҳар бир ёрқин фикрли толиби илм билан ифтихор қилар эди.

— Аммо, — деб сўзида давом этди мулла Нодир, — мен Берунийнинг олтин ва жавоҳирлар тўғрисида китоб ёзганидан хабарим йўқдир. Чунки бутун Ғазна аҳлига Берунийнинг қимматбаҳо тошлар, олтин ва кумушга бефарқ муносабати ёруғ кундек равшан.

У Султон Масъуднинг икки туяга ортилган кумушлардан иборат совғасини Беруний олмай қайтариб юборганига шама қилмоқда эди. Бу воқеа бутун Ғазнага машҳур бўлиб кетгани учун мана неча йилки халқнинг хотиридан чиқмас эди.

— Ундай бўлса энди шундай китобдан бохабар бўлиб хабардорлик хазинангизни янги дуру, гавҳарлар билан бойитгайсиз,— деди ҳазиломуз мулла Асғар ва қўлидаги қўлёмани меҳмонга узатди.

Мулла Нодир олдин унга тутилган пиёладаги шарбатдан бир ҳўплаб пиёлани қайтариб қўйди-да, сўнг китобни қўлига олди. У қўлёмани биринчи варагидан бошлаб диққат билан кўздан кечирмоққа киришди. Китоб билан танишиб чиққач, мулла Нодир бармоғини бир варақ устига қўйгани ҳолда:

— Берунийнинг бу китоби сизнинг ҳунарингизга эмас, бизнинг ҳунарга кўпроқ алоқадордир. Муддатдан илгари шодланган кўринасиз,— деди ҳазил билан. У мадрасада фалсафа, мантиқ дарсларини кўпроқ муҳаббат билан ўрганар эди.

— Бу китоб жавоҳир ва олтинлар тўғрисида. Қимматбаҳо тошлар, маъданларнинг таркиби ва ҳолати хусусидадир. Бу сарлавҳасидан ҳам аён-ку,— деди мулла Асғар бўш келмай.

— Бу китоб инсон кўнгли ва ҳаётини ўша жавоҳирлар каби азиз ва пок бўлмоққа чорлар, инсоний фазилатларнинг қимматбаҳо бойлик эканидан таълим берар,— деди мулла Нодир.

Икки дўстнинг ҳазиломуз ва латиф баҳси шу йўсинда бир оз давом этди. Мулла Нодир ўз фикрининг исботи учун китобнинг биринчи бўлагидаги тарвиҳа (истироҳат) деб аталган бобидан баъзи жойларини баланд овоз билан ўқий бошлади.

— Инсон энг олижаноб фазилатлар соҳибидир,— деб ёзган эди Беруний,— яқин дўсти бор киши чинакам бахтиёр кишидир. У дўст муносиб ҳаёт тарзига эга, ёқимли хусусиятлар соҳиби. Икки дўст бир-бирига қалби билан киришиб кетишган.

Ана шундай чин дўст ҳар бир кишида битта бўлади. Бундан ортиқ бўлмайди.

Шундан сўнг олим киноя билан айтиб ўтадики, бошқача дўстларнинг кўп ё оз бўлиши одамнинг молу давлати ва кишиларни ўзига жалб эта олиш қобилиятига боғлиқ.

Одам ҳамиша бошқаларга яхшилик кўрсатиши керак. Агар яхшилик қилиш имкониятига эга бўлмаса, яхши тилаклар изҳор этсин.

Ана шундай эзгу фикрлар баёнидан сўнг олим кишиларнинг кундалик турмушдаги юриш-туришлари, ўзларини тутиши, шахсий гигиенасига оид маслаҳатлар берган.

Инсоний сифатлардан энг муҳимлари озодалик ва тартиблиликдир.

Инсоннинг энг яқин нарсаси унинг табиати, руҳидир. Шунинг учун киши табиатига ёқадиган ишларни қилиши керак.

Ундан кейин инсонга энг яқин нарса — кийган кийимидир. Кийим одам танасига ёпишиб, терисини ёпиб туради. Яна одамга энг яқин нарса яшамоқда бўлган уй-жойи, ғамхўрлик қилувчи одами, идишлардаги ейдиган, ичадиган озуқаси, ҳамда меҳнат қуролидир.

— Хўш бунга нима дейсиз мулла Асгар,— деди мулла Нодир,— бу ҳам олтин-жавоҳирларга оидми?

— Бу энг қимматбаҳо жавоҳир, бебаҳо олтинга, яъни инсонга оид,— деб кулиб тан берди мулла Асгар.— Барчага аёнки, Беруний учун инсондан шарафлироқ ва қимматлироқ зот йўқ. Шунинг учун қимматбаҳо тошлар ва маъданлар тўғрисида китоб ёзганда, Беруний даставвал инсон ҳақида сўзлаяжаги бешак ва шубҳадир. Қани, давомини ҳам тинглайлик.

Мулла Нодир ўқишда давом этди.

Инсоннинг чеҳраси чиройли, қадди-қомати келишган бўлса, унга боқиш ёқимли бўлади. Кишининг исми ҳам жарангдор бўлиши керак. Илгари элчиликка ташқи кўриниши чиройли, номи оҳангдор бўлган кишиларни танлаганлар. Агар исми шундай бўлмаса, бошқача гўзал отлар берганлар.

Кишининг чеҳраси ҳали у онасининг қорнида экан пайтида шаклланади. Шунинг учун уни ўзгартириб бўлмайди. Лекин одам ахлоқий қиёфаси ва турмуш тарзини ўзгартирмоққа қодир.

Агар киши ўз ҳирсларидан устун тура олса, ўзидаги бор нуқсонларни йўқ қилиб, уларни яхши сифатларга айлантира олади.

Ҳаммадан аввал кишининг кўзи тушадиган жой бу одамнинг териси ва ташқи кўринишидир.

Гарчи киши ўз чеҳрасини ўзгартиришдан ожиз бўлса-да, терисини тоза сақлаш унинг ўзига боғлиқ.



Инсоннинг озодалиги сув билан. Сувнинг покизалиги ва хушбўйлигидан шаббодалар ёқимли бўй касб этадилар; сув ҳаётга тотли таъм бағишлайди. Бундай сифат сувга ўхшаш бошқа суюқликларга ҳам хосдир.

Мулла Нодир шу ерда тўхтади ва мулла Асфар деди:

— Қолган жойларини баланд овоз билан ўқиб бўлмас. Уни холийда ўзингиз ўқирсиз. Айниқса уйдагилар ўқисинлар.— Ушбу китобни ўша вараққа белги қўйган ҳолда мулла Асфарга узатди. Уларнинг суҳбати бошқа мавзуда узоқ давом этди.

Мулла Нодирни кузатиб қўйгач, мулла Асфар бирикки келган харидорлар билан савдо қилди. Заргарларнинг савдоси чаққон эмас. Харидор оз. Кундузги овқатдан сўнг ҳаво исиб, айниқса бозор касод бўлди. Шунинг учун пешиндан кейин дўкондор ўз дўконини ёпди-да, ичкаридаги кичик бир салқин хонага ўтди. У бир оз тамадди қилиб олгач, Берунийнинг ўша «Минералогия» китобини қўлига олганича кўрпачага ёнбошлади.

Мулла Асфар белги қўйилган вараққа кўз югуртириб унда ёзилганлар билан танишар экан, у дарҳақиқат буларни баланд овоз билан ўқиш ноқулайлигига ишонди. Бу тарвиҳада Беруний кишиларнинг энг назокатли турмуш лавҳалари тўғрисида сўзлар, уларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик билан шахсий турмушнинг жуда нозик томонлари бўйича ўғитлар берар эди.

Бу ўғитлар озодалик, эру хотин алоқалари, чирой ва покиза табиатликка оид. Улар айниқса аёллар учун жуда қимматли. Олим кўп меҳрибон ота-оналарнинг ўз қизларига берган маслаҳатлари шаклида эл қизларига тозалик ва оилада аҳиллик ўрнатиш таълимини бермоқда.

Тозалик боиси сув. Кўп ота-оналарнинг қизларига қилган насиҳатлари оилавий муносабатлар ҳам сувга оид.

Абдулла ибн Жаъфар қизини эрга бераётганда унга бундай деган: «Рашкдан сақлангил. У талоқнинг калидидир. (Эрингга) тез-тез танбеҳ қилишни сенга таъқиқлайман. Чунки танбеҳ нафрат уйғотади. Ўзингни безаб юргин. Бунинг учун яхши восита сурмадир. Яна хушбўй атирлардан фойдалангин. Уларнинг ичида энг яхшиси сувдир».

Омир ибн аз-Зариб ал-Алвоний қизини эрга бе-

раётган пайтида қизнинг онасига бундай деган: «Қизингга қаттиқ буюргинки, саҳрога чиқадиган бўлса, сувни ғамлаб олсин. Сув юза томонга жило беради, ички томонни пок қилади. Эрининг хоҳишларига қаршилиқ кўрсатмасин, чунки бахт ўзаро мувофиқликдадир...»

Бир араб тўй кечаси қизига бундай маслаҳат берган экан: «Сен эрингнинг чўриси бўлгин, ўшанда эринг сенинг қулинг бўлади. Сен у билан ҳамиша юмшоқ муомалада бўл, бу нозу карашмадан афзалдир. Яна сувдан кўп фойдалангин. Хушбўй нарсалар ичида энг биринчиси сувдир».

Бир она қизига маслаҳат бериб айтган: «...эринг хурсанд эканида хафа, у хафа бўлганида хурсанд бўлиб кўринишдан асрангин. У сендан ҳеч бир хунук нарса тўғрисида хабар эшитмасин. Унга сендан фақат ёқимли хушбўй ҳидларгина бориб етсин. Сен сув ва сурмани ҳамиша ёнингда сақла, ҳамма хушбўй нарсалар ичида энг яхшиси сувдир».

Бир она қизига дебди: «Терингга яхши атирлар сепгин, эрингнинг гапига қулоқ ос, энг кўп қўллайдиган хушбўй нарсанг сув бўлсин». Яна бири айтган экан: «Эрингга гап қайтарма, уни толиқтириб қўясан, у билан жанжал қилма, уни ўзингдан совутасан: у билан чин кўнгилдан ростгўйлик билан сўзлашгин, сувни ўзингнинг энг яхши аtring қилиб ол».

Беруний ота-оналарнинг қизларига берган бундай оқилона маслаҳатларини тўласига маъқуллаган. Аслда булар ҳаммаси Берунийнинг маслаҳатларидир. Шундан кейин у яна ўз номидан айтилган маслаҳатларни ҳам баён этади. Улар ҳамма учун фойдали. Аммо олим кўпроқ аёлларни кўзда тутиб бу маслаҳатларни берган.

Ўз чиройини сақламоқчи бўлган киши терисини, баданининг ҳамма жойларини мўл сув билан узоқ ювиб тозаллагандан сўнг, уни турли ранглар билан безамоққа киришса бўлади. Бу ранглар нур туфайли кўзга ташланадилар. Кўп-кўп ювиниш ва гул ёки ёғ (крем) суртиш орқали терини оппоқ қиладилар. Шундай қилиб, танага безак берилади. Айниқса кишининг терисида табиий ёки тасодифий сарғишлиқ бўлса, шундай қилинади. Сўнгра тишларни тозалаш ва қиртишлаш керак, қовоқ ва кўзларни тоза сақлаш шарт, уларга сурма суртиш, зарурият бўлса, сочларини бўяш керак: сочларини тараш, уларнинг учларини кесиб туриш, баъзи

бир толаларини юлиб ташлаш лозим. Тирноқларни олиш уларни бир хил текисликда тутиш даркор.

Беруний уқдирадиги, киши танасини ўраб турган нарсалар ичида одам учун энг муҳими ва биринчиси уст-бошидир. Чунки у танага ёпишиб туради.

Киши уст-бошини тоза сақлаши шарт. Кийимнинг ранги кенг қўлланиладиган, яъни оқ рангда бўлгани яхши. Кийим силлиқ бўлиши керак. Агар у ғижим бўлса, чанг ва гард юқади. Кийимнинг ранги йил мавсумларига мос рангда, ёки шу мамлакатдаги кишиларнинг урф-одатларига тўғри келадиган бўлиши маъқул.

Умар ибн Хаттобдан мурувват нимададир, деб сўраганларида, кийимнинг тартибли эканидадир, деб жавоб берган. Яна бир киши «мурувват кийимнинг озода эканлигида» деган.

Беруний кийимни озода тутиш қандай аҳамиятга эга эканини шарҳлаб ёзади:

«Кийимнинг озодалигига диққат қилган киши даставвал ўз танасининг озода бўлишига аҳамият беради. Чунки кир бадан кийимни ичидан кирлатиши мумкин. Шундан кейин уйининг, одамлар йиғиладиган жойларнинг озода бўлишига эътибор қилади. Чунки бу жойлар ифлос бўлса, кийимни ташқаридан кир қилиши ёки чанг бостириши мумкин. Шундай қилиб умумий мақсад кийим орқали амалга оширилади.

Кимки, озодалик тўғрисида айтилган гапларга риоя қилмаса, у ўша гапларнинг ҳақ эканини ўз хатти-ҳаракати билан яна бир бор исботлайди, холос.

Абулфатҳ деган бир бадавлат, баланд мартабали кишининг номуносиб ҳолдаги башараси ва кўриниши, унинг ўзи, минган оти, хизматчисининг кир ва ифлослиги унинг баланд даражасига иснод келтиргани бир шеърда айтилган: «Абулфатҳнинг башарасига бадавлатлик ҳам, ислом нурининг ярақлаши ҳам ҳеч ярашмайди. Чунки унинг кийими ҳам ифлос, Салласи, минган оти ҳам ифлос. Афти, бўйни ҳам кир ва хизматчиси ҳам ифлос».

Беруний озодалик, унинг мурувватнинг бир бўлаги эканлиги тўғрисида берган маслаҳатларига хулоса қилиб ёзадики, ташқи ва ички кийимларнинг озода ва тартибли бўлиши инсон қалби ва руҳининг тозалигини билдиради. Кийимнинг тозалиги ҳақида айтилган сўзлар қалб ва ҳаракатнинг покизалигига ҳам алоқадор. Инсоннинг ҳам ташқи кўриниши, ҳам ички дунёси энг

олни даражада гўзал, ақл ва даҳо талабларига муносиб бўлмоғи лозим.

Мулло Асгар муталаага берилиб кетиб дўконни очиш пайти келганини ҳам унутмаёган эди. У ўқиганларини тафаккур қилганигача ўрнидан турди ва дўкон сари йўл олди. Берунийнинг китоблари саводли ва ўқимишли кишиларга манзур эди. Ғазнагина эмас, Хуросон, Мовароуннаҳр, Эронзамин, Хоразм, Ироқ ва бошқа элларда ҳам Беруний ёзган китоблар одамларнинг қўлидан тушмас, илмий анжуманларда бош мавзу бўлар, кишилар бу китобларни ҳар ерда муҳаббат ва ихлос билан ўқир, улардан таълим олар эдилар.

## ОХИРГИ КИТОБ

Куз тонгининг баҳор ва ёз тонгидан фарқи кўп. Энг муҳими шундаки, кун қисқарганидан тонг кеч ёришади, ишни фақат кундузга мўлжалланса, унга оз фурсат қолиши табиий.

Абу Райҳон Берунийнинг хонасида тонг ёришмасдан анча олдин шамлар ёқилади. Мўйсафид олим одатини канда қилмай жуда барвақт туради. Эрталабки лозим — оmodалар амалга оширилгач, унинг бошини албатта ёзув хонтахтаси устида кўрасиз.

Олим бирмунча фурсат ёзув билан банд бўлгач, навбатдаги саҳифани тугаллаб, уни қуритмоқ учун алоҳида жойга қўйди-да, кўзларини юмди.

У деворга суянган парқуга сал оғишиб бошини юқори кўтарди ва юмилган кўзларини очмай сал дам олди. Киприкларининг ости, қовоқлари сирқираб оғрир эди. Мана бир неча ойдирки, у турли кўз огриқлари азобини тартади. Яқиндагина икки ҳафтадан ортиқ азоб берган говмижжанинг излари ҳали кўз атрофида турипти. Хат ё китобга боққанда кўзлари ачишади. Олим бошида тафаккур шуълалари қанча кучлироқ порласа, кўзида қўрқув нурлари шунчалар сўнмоқда эди.

Узоқ кечалар осмон жисмларининг ҳаракатини мутасил кузатишлар, кундузлари қуёш ҳароратини тадқиқ этиш олимнинг кўриш органларига қаттиқ таъсир қилган эди. Ҳозир бу таъсир ўзининг кўнгилсиз натижаларини сездирмоқда, унинг устига қулоқ ҳам оғирлашиб бормоқда. Ҳамсуҳбатининг гапларини у аранг эшитади.

Гоҳо эшитиш умуман ёмонлашади, шунда олим айтувчининг сўзларини фақат қила олмай қолади. Фақат бирор нарсага урилгандаги сингари қаттиқ овозгина унга аниқ эшитилади.

Бир умр тинимсиз қилинган меҳнат, турмуш изтироблари, ҳаёт етказган кўп аччиқ-чучук кечинмаларнинг излари эди бу кўринишлар. Ёш ҳам улғайиб қолди. Етти, ўн йиллик воқеалар, меҳнат ва заҳмат билан тўлганича ортда қолди. Аммо ҳолати қандай мураккаб бўлмасин. Беруний бирор кун илмий машғулотини тэрк қилмайди.

Олим нонуштагача, одатдаги каби, анча ишлади, ўйланган янги китобнинг муҳим масалаларини алоҳида-алоҳида, қоғозларга йирик ёзувлар билан белгилаб чиқди. Муфассал ёзишнинг иложи бўлмай қолган.

Нонушта фурсати яқинлашган эди. Олим ўрнидан турди, хонанинг уёқ-буёғига юриб жисмига сал истироҳат бахш этган бўлди.

Аммо Беруний учун энг ёқимли, кўнглига ором ва меҳнатига унум бағишловчи дамлар ҳали олдинда. Олим мунтазирлик билан эшикка боқди. Унинг қарашини сезгандек эшикдан хизматчи кириб келди ва салом бериб нонуштага таклиф ишорасини қилди. Беруний тоқатсизлик билан унинг таклифини рад қилди. Хизматчи секин қайтиб чиқиб кетди.

Беруний деразадан ташқарига, боққа назар ташлади. Кузнинг охириги кунлари. Боғ йўлкалари тозалаб шипирилган. Унда-бунда йиғиб қўйилган хазон уюмлари ишланган ерлар ўртасидаги беҳаёт дўнгликларни эслатади. Дарахтларни яшил либослари аллақачон чириб тўкилган. Яланғоч шоҳларнинг қорайган танлари кириб келаётган қиш совуқларидан ҳайқиб титрайдилар. Гоҳо зогларнинг машъум қаҳқаҳаси эшитилади.

Бу нохуш манзарага тикилиб турган Берунийнинг ўйчан нигоҳида тўсатдан бир ёруғлик пайдо бўлди. Олим бир кишининг дераза ёнидан ўтиб уй эшиги сари йўналганини кўрган эди.

Беруний дарҳол уй эшигини очиб айвонга чиқди ва бу ерга кириб келган меҳмонни хурсандлик билан қарши олди. Улар мамнуният ила бир-бирлари билан саломлашдилар. Ҳолу-аҳвол сўрашдилар. Сўнг Беруний меҳмонни нонушта тайёрланган овқатхонага бошлади.

Бу киши Берунийнинг шогирди, ҳамкасабаси ва

дўсти Абу Ҳомид Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Нахшай эди. Абу Ҳомид Нахшай табиб. У табобат илмини кўп мўътабар билимдонлар таълимида ўрганган, яна тибга оид китобларни диққат билан ўқиб илмини бойитган. У ҳозир хастахонага бошчилик қилади. Шу билан эгаллаган билимларини амалий машғулот орқали мустаҳкамлайди. Абу Ҳомид илм шайдойиси, фан заҳматкаши, у доимо янги ва қадимий китоблар мутолааси билан машғул. Агар бирор китобнинг биронта бўзи, ёки ундаги ўткир ифодаларни тилга олгудай бўлсангиз, Абу Ҳомид шу гаплар қайси китобнинг нечинчи саҳифасида эканини дарров айтиб бера олади. Абу Ҳомид ёмон ният ва иккиюзламаликдан қочиб, ҳамиша эзгу ишларга бел боғлаган олижаноб бир зот эди.

Беруний билан Абу Ҳомид бирга нонушта қилдилар.

Табиб муҳтарам устозининг нотоблигини билар, бу нотобликка илож тополмаганидан азобланар эди. Аммо у Берунийнинг Абу Ҳомид суҳбатини ёқтиришини, улар суҳбат қуришганда устоз ўз дардларини унутгандай бўлажagini ҳам билар эди. Шунинг учун Абу Ҳомид деярли ҳар куни хизматдан бўш фурсатида устоз ҳузурига келар, унинг донишмандлик тўла гапларидан баҳра олар, устознинг илмий фаолиятига оид қўлидан келган ҳар бир ишни бажариб унга сидқидил билан кўмаклашар эди.

Беруний ўз умр мезонининг интиҳоси яқинлашаётганини тушунар, шунинг учун ўйлаган илмий режаларини тезроқ амалга оширишга интиларди. Бу эзгу мақсад ижросида Абу Ҳомид олимга энг фойдали ва самимий ёрдамчи эди.

Нонушта сўнгида устоз ва шогирд чой ичиб озгина суҳбат қурдилар. Беруний пиёладаги чойдан бир ҳўплаб сўнг пиёлани дастурхон четига қўйди-да, деди:

— Чой энг яхши ичимликдир. У мураккаб дориларнинг ўрнини босади, аммо мураккаб дорилар етказадиган зарарни чой етказмайди, аксинча у фойда келтиради.

Абу Ҳомид Берунийнинг бу сўзларини олдин ҳам эшитган, чойнинг фойдасини ўзи ҳам яхши билар эди. Аммо устознинг чойга муҳаббатини сезганидан унинг сўзларига диққат билан қулоқ солди. Ҳамсуҳбатининг бу кайфиятидан огоҳ бўлгандек Беруний сўради:

— Чой ўсимлигининг қай тарзда аниқлангани тўғрисидаги ҳикояни эшитганмудирсиз?

Абу Ҳомид бу ҳикояни эшитмаган эди.

Беруний шогирдига шу ҳикояни сўзлай бошлади: «Хитой ҳоқони ўз одамларидан бирига қаҳр қилиб уни мамлакатдан чиқариб тоғларга ҳайдаб юборган.

У одам нимжон, касалванд, ранглари ўчган бир киши эди. У тоғларда тентираб юриб гоят қолдан кетиб қолган вақтида тасодифан бир ўсимликни кўриб қолди ва шуни еб яшай бошлади. Бир қанча вақт ўтгач, бу одам ўзида соғайиш аломатларини сизди, ранг-рўйи очилиб танига қувват келаверди. У ўша ўсимликни емоқни давом эттирди. Натижада соғайиб, қуввати ошиб, чеҳраси очилиб, аҳволи яхшиланиб кетди.

Шу фурсатда хоннинг кишиларидан бири тоғ йўлидан ўтаётганида ўша қувғиндини учратди, унинг жуда кўримли ва соғлом бўлиб кетганидан ҳайратланди ва ҳоқонга бориб бу хабарани етказди.

Ҳоқон сургундаги одамни тоғдан топиб ўз ҳузурига келтиришни буюрди. Уни олиб келганларида ҳоқон қанчалик диққат билан қарамасин уни таний олмади. Қувғиндининг қиёфаси шунчалар ўзгариб яхшиланиб кетган эди. Ҳоқон унинг аҳволидаги ўзгаришлар ва соғайишининг сабабини сўради. У ҳоқонга ўзи еб тиркичилик қилган ўсимлик тўғрисида сўзлаб берди. Ана шу ўсимлик чой эди.

Чойнинг бундай хусусияти маълум бўлгач, уни тажриба қилиб синаб кўрдилар, бутун фойдалари аниқлангач, дору-дармон сифатида ишлата бошладилар.

— Менинг эшитишимча, чой ичимлиги шароб зарарини ҳам йўқотса керак,— деди Абу Ҳомид.

— Тўғри,— деди Беруний,— шунинг учун уни Таббатга кўп келтирадилар. Чунки Таббатдагилар шаробни кўп истеъмол қилурлар. Шаробнинг зарарини кетказмоқ учун эса чойдан фойдалироқ ҳеч нарса бўлмас.

Суҳбат мавзун дорилар хусусига кўчди.

Абу Ҳомид Аҳмад ўз табиблик тажрибасидан мисоллар келтириб баъзи дориларнинг хасталарга таъсир қилмаганини айтди. Яна бу дориларни тайёрламоқ учун керакли моддалар топилавермайди. Табибнинг фикрича, зарурият бўлмаса, заҳарли дорилардан исти-

фода этмаслик керак. Дори бўладиган озуқа истеъмол этилса, фойдаси кўпроқ тегади.

— Маълумки,— деди Беруний,— инсоннинг ўз ичига ютадиган ҳар бир нарсаси ё озуқа, ё заҳар бўлади. Дорилар ана шуларнинг ўртасида турадилар. Дорилар озуқани парчалайдилар. Заҳарни эса тузатадилар. Уларнинг таъсири тажрибали ва эҳтиёткор табибнинг чоралари орқали кўринади. Хасталарни даволашда, аввало табиб даволовчи озуқалар тайин қилгани дуруст. Бундай овқатларни тайёрлаш ва истеъмол этмоқ ғоят назокатли равишда амалга оширилиши керак. Агар бу иложлар кор этмаса, ўшандагина дорилардан фойдаланиш керак бўлади.

— Ушанда ҳам,— деб қўшимча қилди. Абу Ҳомид,— даставвал оддий дорилар тавсия қилиниши лозим. Агар улар фойда етказмасалар шундан сўнг мураккаб дориларни қўллаш мумкин. Ушанда ҳам оз таркибли мураккаб дорилар ишлатилса тузук.

— Мутлақо тўғри,— деди Беруний, ўз фикрининг тажрибали ва билимдон табиб томонидан маъқулланганидан мамнун бўлиб.— Агар дори тайёрлаш масаласига келсак, унинг учун барча лозим моддалар топилмаган тақдирда, ўшаларни ишлатмасдан, ёки топилмаган моддаларни бошқа моддалар билан алмаштирган ҳолда дорини тайёрлайвериш керак. У дори сустроқ бўлиб қолса ҳам, бари бир шифо қилаверади. Ахир, фақат бир-икки бармоғигина бутун бўлган одам истаган нарсасини ушлай олади-ку: яна оқсоқ киши соғ одамга нисбатан кўпроқ чарчаса ва секинроқ юрса ҳам юк кўтариб маълум масофани боса олади-ку!

Абу Ҳомид гапнинг хонаси келиб қолгани учун анчадан бери сўрамоқчи бўлиб юрган саволини устозидан сўради:

— Дорилар тайёрловчи кишини сайдалоний ёки сайданоний деб аташларини ва бу иборанинг «Сайданоний»— қирқоёқ деган ҳашарот номидан олинганини бир эшитиб эдим. Гўё қирқоёқнинг оёқлари кўп бўлгани сингари доришуноснинг ҳам халтача ва идишлари кўп бўлар эмиш. Шунинг учун доришуносни сайданоний деб атаган эмишлар. Шу тўғримурадир?

Беруний енгил табассум қилиб шогирдига савол берди:

— Уша ҳашаротнинг нечта оёғи бордир.



— Уни қирқ тўрт оёқ, ҳатто етмишоёқ деб атаганларини эшитган эдим, шунча оёғи бўлса керак.

— Мен бирининг оёқларини санаб чиққанман,— деди Беруний.— Бу ҳашаротда икки юз қирқта оёқ бор эди. Доришуноснинг халтача ва идишлари бунча бўлмас.

Шу ҳазиломуз мубоҳасадан сўнг Беруний шогирдига «Сайдана» сўзининг маъносини тушунтириб берди. Бу сўз ҳиндларнинг «чандан» сўзидан келиб чиққан. Ҳиндлар барча хушбўй нарсалар ичида сандални аниқса ёқтирадилар. Ҳамза Исфaxonий ёзадики, араблар бу сўзни ўз тилларига мослаштириб «Сайдана» («Дорилар билими») деб атаганлар. Шундан сайдоний, сайдалоний иборалари пайдо бўлган.

Суҳбат давомида икки дўст ибора, ифодаларнинг юзага келиши, уларни ифода этиш имкониятига қайси тил бойроқ экани тўғрисида ҳам фикр алмашдилар. Беруний араб тилининг бойлиги, илмий тушунчаларни ифодаламоққа қулайлигини таъкидлади. Форс тили эса шеърият учун ўнғай. Олим ўз она тили — хоразмий тилининг камбағаллашиб бораётганидан афсусланиб гапирди. Бу мавзудаги суҳбат шунчалар мароқли бўлдики, Абу Ҳомид шу айтилган гапларни доришунослик тўғрисида Беруний ёзаётган китобга муқаддима сифатида киритишни илтимос қилди. Токи, устознинг бу қимматли фикр ва хулосалари китоб саҳифаларига жойлашсин ва келгуси авлодларга ҳам етиб борсин. Беруний бу маслаҳатга рози бўлди.

Доришуносликка бағишланган «Сайдана» китоби устида Беруний ва Абу Ҳомид биргалашиб ишлар эдилар. Беруний белгилаб қўйган режаларни Абу Ҳомид кўчириб ёзар, баъзи масалаларни Беруний шогирдига азбар қилар эди.

Беруний дори бўладиган моддаларнинг барча мавжуд таърифларини турли манбалардан йиғиб жам қилди ва «Сайдана» китобига киритди. Беруний бу масалага сид эрон, ҳинд, семит, турк, юнон, лотин, франк ва зинж (шарқий Африка, хусусан, банту тили оиласига алоқадор) тилларидаги маълумотларни қи-

ёслаб тадқиқ этиб чиқди. У. Каримовнинг<sup>1</sup> хабар беришига кўра, «Сайдана»да тўрт минг беш юздан ортиқ ўсимликлар, ҳайвонлар, минераллар ва улардан олинадиган озуқаларнинг номлари ва изоҳлари келтирилган.

Беруний турли илмий тушунчаларни адабий мисоллар орқали исботлаш ва изоҳлашга кўп аҳамият берар эди. Бундай адабий воситалар ўқишни енгиллаштиради. Уқилган мазмунни уқишга ёрдамлашади. Иш асносида айрим ўсимликларни ўзи билан олиб келарди. Беруний ва шогирди икковлари бу ўсимликларнинг таърифини ёзиб чиқишарди.

Бир куни улар эрталабдан барвақт биргаликда ишга ўлтиришди. Берунийнинг кўнгли нохушроқ. Нотоблик аста-секин лекин муттасил кучайиб бормоқда. Олим буни сезади. Шунинг учун ишга шитоб беради. Унинг «Сайдана» китобини тугаллашга улгуролмаслигидан хавотири бор.

Хонтахта ўстида ва токчаларда китоблар қатор терилган. Олимлар китоблардан керакли жойларини кўздан кечирмоқ учун белгилар қўйишган. Беруний ва Абу Ҳомид икки хонтахтада ёнма-ён ўлтирадилар.

Беруний шогирдига айтиб турибди, Абу Ҳомид эса айтилганларини тез ёзиб бормоқда.

Шу йўсинда битта-биттадан ғишт терилиб иморат қад кўтаргани сингари ҳар бир ўсимлик, модда номи, таърифи хусусиятлари ёзилиб-ёзилиб «Сайдана» китоби вужудга келарди. У шарқ доришунослигининг буюк қомуси сифатида яралмоқда эди.

— Зайтун ва зайт таърифида Ан Нобиганинг маъна бу байти жуда ўрнига тушади,— деди Беруний Абу

---

<sup>1</sup> У. И. Каримов (1920 йил туғилган)—Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, филология фанлари доктори. Шарқ Фан классикалари асарларининг моҳир тадқиқотчиси.

У. И. Каримов Абу Бакр ал Розийнинг «Сирлар сири» асарини топиб уни тадқиқ этган: «Абу Али ибн Сино. «Тиб қонунлари» асарининг рус ва ўзбек тилларига қилинган таржимаси ва таҳририда бош ўрин тутган мутахассислардан бири.

У. И. Каримов Берунийнинг «Сайдана» асарини араб ва форс тилидаги нусхаларини қиёсан тадқиқ этиб, уларнинг айрим ўринларини тўлдириб рус тилига таржима қилган ва бу асар бўйича йирик илмий тадқиқот иши яратган. Бу таржима ва тадқиқот Тошкентда 1973 йили нашр этилди.

Ҳомидга бир кун иш пайтида ва ўша байтни араб тилида ёддан ўқиди. У байтнинг мазмуни бундай эди:

Кечди у равшанланиб ёгли чирогинг нуридек,  
Бетутун порлар эди у қудрат аллоҳдин.

(чироқ ёғи — салит; тутун — нухос. А. Қ.) Бу шеърдаги нухос сўзи тутунни билдиради,— деб тушунтирди Беруний,— салит эса ёғ, аммо бу ёғ туянинг ўрқачидан олинадиган ёғдир. Одат бўлганики: чироққа қандай ёғ қуйилмасин, у салит дейилаверади.

— Мен ҳам қалқадис (купороснинг бир тури) учун бир шеър танлаб қўйган эдим,— деди Абу Ҳомид ва ён дафтарини чўнтагидан олиб очди, сўнг баланд овоз билан ўқиди:

Эзгу ишда суст, аммо у ёвузлик ичра тез,  
Қалқадисдек барқарор доим дилида наҳслик.

Беруний бу ўринли ташбеҳларга тўла байтдан завқ олиб кулиб юборди ва Абу Ҳомидга албатта бу байтни қалқадис бобига киритиш кераклигини тайинлади.

— Илмий китобларда шеърятдан ўринли фойдаланиш жуда зарур,— деди Беруний,— шеърлар мақсадни тушунтириш ва маънони хотирда сақлаб қолишга ёрдам қиладилар. Қадимий араблар саҳроларда яшган вақтларида ёзувлари бўлмаган. Бирор нарсани абадийлаштирмоқчи бўлсалар, хотирда сақлашга ва тилдан-тилга ўтказишга уринганлар. Шеърят улар учун билимлар мажмуаси бўлган. Шеър орқали улар кураш кунлари, ота-боболар тарихини ёдда сақлаганлар.

## ИНТИҶО

440-нчи ҳижрий (1048 милодий) йил. Ғазна.

Бир неча кундирки, Беруний қаттиқ нотоб. Унинг аҳволи кундан-кунга оғирлашиб боради.

Етмиш беш яшар мўйсафид олимнинг умр бўйи қилган тинимсиз меҳнати, даврон савдоларининг кулфати энди ўз таъсирини сездирмоқда. Тана ҳаракатсизликка мубтало. Аммо ҳар қачонгидек олимнинг фикри равшан, нутқ ҳам сақланган.

Абу Ҳомид, Берунийнинг бошқа шогирдлари, олим хизматида бўлган кишилар бир дақиқа хастанинг

ёнидан аримайдилар. Улар навбатма-навбат кечасию-кундузи бемордан хабардор бўлиб турадилар. Аммо ҳаммалари ҳам устоз мулоқотига оид ғанимат дамлар тугаб бораётганини сезиб турибдилар.

Беруний гоҳо уйқуга ботади. Бу, уйқу эмас, беҳоллик. Гоҳо кўзини очиб қуввати етганича ёнидагилар билан сўзлашади. Унинг ҳар бир сўзи илм-фан мавзуда, ҳатто гоҳо илмий мубоҳаса ҳам қилиб туради.

Бугун эрталаб беморнинг ҳолати анча яхшиланди. Олим Абу Ҳомид билан «Сайдана» китобини тугаллаш тўғрисида маслаҳатлашди, қайси бобларини кўчириб ёзиш кераклигини уқдирди.

Гарчи хаста ҳали сал дурустлашган бўлса-да, ҳамма бу охирги жонланиш эканини фаҳмлар эдилар. Ёғи тугаган чироғ охирги бор порламоқда эди.

Тушдан кейин беморнинг ҳолати ёмонлаша бошлади. Юрак уриши заифлашди. У оғир нафас олар эди. Атрофдагилар бир-бирларига оғир, мазмунли боқар эдилар. Дилларга чуқур ғамгинлик чўкди.

Шу пайт Берунийдан ҳол сўрамоқ учун қози Валвалижий хастанинг ёнига ўлтирди. Зўрға хириллаб нафас олаётган Беруний секин-секин ҳар бир сўзни узоқ танаффуслардан сўнг айтиб Валвалижийга савол берди:

— Мерос тақсимоти тўғрисидаги қоидаларга янги-ча талқин бергансиз, деб эшитган эдим. Шунини менга бир тушунтириб берсангиз.

Қози хаста Берунийга қаради. Олимнинг бутун вужуди ўлим тутқаноғи билан олишмоқда. Кўзлари мақсадсиз жавдирайди, кўкраги оғир кўтарилади, нафас гоҳ тезлашади, гоҳ тўхтагандай бўлади.

— Шундай аҳволда бу зарурмидир,— деди хастага раҳми келиб Валвалижий,— кейинчалик, соғайиб кетганингиздан сўнг бафуржа бу ҳақда суҳбатлашармиз.

— Эй қози,— деди Беруний сўзларини бирма-бир териб паст овоз билан,— шу масалани билмай бу дунёдан ўтиб кетганимдан кўра ўшани билиб кетганим тузук эмасми?

Қози Валвалижий ноилож мерос тақсимоти қоида-сига қилган талқинини айта бошлади. Беруний унинг айтганларини такрорлаб турар, баъзи жойларини қайтаришни сўрар эди. Қози сўзини тугатгач, Беруний бу масала бўйича ўз фикрини изҳор этди. Шундан сўнг

қози Валвалижий олимга шифо тилаб у билан хайрлашди ва ташқарига чиқди.

Валвалижий Берунийнинг уйдан ҳали унча узоқлашганича ҳам йўқ эдики, бирдан уйдан доду фарёд, йиғи овозлари кўтарилди. Қози дарҳол изига қайтди.

Абу Райҳон Беруний дунёдан ўтган эди.

Берунийнинг ўлмас асарлари асрлар давомида илм аҳлининг қўлидан тушмаган, улар авлодлардан-авлодларга ўтиб эл кўнглидан янада чуқурроқ жой ола борган. Чунки буюк олим, мутафаккир, халқпарвар ва инсонпарвар олим Беруний ўзининг бутун умрини баркамол ижоди ва ёрқин истеъдодини чин юракдан элу юрт, одамлар, илму маърифат учун бағишлаган эди.

---

### АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ҲАЕТИНИНГ СОЛНОМАСИ

- 973 — Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний Хоразмнинг Кат шаҳарида дунёга келди.
- 988 — Беруний ва устоз Абу Наср Ироқий учрашадилар.
- 990 — Хоразмнинг Бушканз қишлоғи яқинида Беруний Қуёшнинг энг тик ҳолатдаги кўринишини ўлчади.
- 994—995 — Беруний Хоразмда глобус ясади, Бу дунёда биринчи бор яратилган глобус эди.
- 996 — Кат ва Гурганж амирлари ўртасида уруш бўлди. Беруний Катдан Эроннинг Рай шаҳарига бориб истиқомат этади. Бу ерда машҳур астроном Абу Маҳмуд Хўжандий билан учрашади, унинг расадхонасини кўради.
- 997 — Беруний Райдан Катга қайтади.
- 997 — Беруний Катдан Бағдодли астроном Абулвафо Муҳаммад-Бузжоний билан ёзишма олиб боради. Улар Ой тутилишини кузатадилар.
- 997—998 — Беруний бухоролик олим ва табиб Абу Али ибн Сино билан ёзишмалар олиб боради.

- 1000 — Беруний Гургон шаҳарида яшайди. Бу ерда ўзининг «Ўтмиш ёдгорликлари» асарини яратади.
- 1003—1004 — Беруний Гургони тарк этиб Хоразмга қайтади. Хоразм пойтахти Гурганжда яшай бошлайди.
- 1005 — Абу Али ибн Сино Гурганжга келади.
- 1009 — Хоразмшоҳ Абу Али ибн Маъмун вафот этди. Укаси Маъмун ибн Маъмун ҳокими-ятга ўлтирди.
- 1009—1017 — Беруний ўзининг «Хоразмнинг машҳур зотлари» асарини ёзади. «Геодезия» китоби бўйича материаллар йиғишда давом этади.
- 1012 — Беруний Гурганждан Ғазнага олиб кетилади.
- 1018 — Ғазнада Беруний «Геодезия» асарини ёзишга киришади.
- 1025 — Беруний «Геодезия»ни ёзиб тугаллайди.
- 1029 — «Аттафҳим» китобини ёзиб уни Хоразм гўзали Райҳонага бағишлади.
- 1025—1030 — Беруний Ҳиндистонда бўлди. Ҳинд халқининг ҳаёти ва маданияти билан танишади.
- 1030 — Беруний «Ҳиндистон» асарини ёзиб тугаллади.
- 1030 — Подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий вафот этди. Кўп ўтмай Ғазна ҳукмдорлиги султон Масъуд ихтиёрига ўтди.
- 1031—1037 — Беруний ўзининг шоҳ асари «Қонуни Масъудий»ни ёзиб тугаллади.
- 1037—1048 — Беруний «Минералогия», «Фармакогнозия» ва бошқа асарларини яратди.
- 1048 — Ғазна шаҳарида устоз Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний дунёдан ўтди.



**Абу Али ибн Сино**

Эй кошки, кимлигимни бир билсаме,  
Нечун саргаштамен, назар қилсаме,  
Соҳиби бахт эсам, ўйнаб-кулсаме,  
Эрмасам, ёш тўкиб, бағрим тилсаме...

Шул бодия ичсаким чунон чопди кўнгил,  
Жаҳд этдию қилни қирқ ёриб ташлади ул,  
Кўнглимда-ку минг кўёш ёнар эрди ва ле,  
Охирда камолга топмади заррача йўл...

Сўз қолмади — парда ичра бир маълум эмас,  
Ким қолди чу асрар — дағи мафҳум эмас.  
Чун маърифатингда мен андоқ фикр этдим,  
Маълум бўлдики, ҳеч нима маълум эмас...

Куфримни аён айламак осон бўлмас,  
Оламда имоним каби имон бўлмас.  
Даҳр ичра ягонамен, манам кофир эсам,  
Бас, ушбу жаҳонда бир мусулмон бўлмас.

Пир ўлдинг, ишингни он чунон этмассен,  
Соч оқи-ла пирлигинг ниҳон этмассен.  
Тун зулматида ҳар неки қилдинг-қилдинг,  
Тонг равшанида бўлди аён — этмассен.

Ул бир неча нодон, чу фаросат қосир,  
Ўйларки, жаҳонро улар донадир.  
Эшак бўла қолким, улар эшаклик этиб,  
Эшак агар эрмасанг, санарлар кофир...

Не хушки, жаҳондин кечибон кетгайсен,  
Манзилга пушаймонсиз агар етгайсен.  
Ҳар нечаки айласанг — бугун айла адо,  
Чун эртага нотаваон қолиб, нетгайсен...

Шул хоки сиёҳдин — то авжи Зуҳал:  
Ҳар нечаки мушкулот эрур, этдим ҳал.  
Оқдим неча занжир занжири мақру ҳиял,  
Ечдим неча бир тугун, магар қолди ажал...\*

---

\* Жамол Камол таржималари.



Ушбу асарни Ўрта Осиё ва Қозғистон халқлари маданияти тарихини ёритишда унутилмас хизматлар қилган муҳтарам олим Абдуфаттоҳ Расулов (1888—1977) нинг порлоқ хотираларига бағишлайман.



## Бухоро

### КУТУБХОНА

Шарофатли шаҳарнинг маҳобатли маркази. Кенг майдоннинг кунчиқар тарафида муҳташам арк юксалади. Унинг кўпни кўрган дарвозаси тоғдек қад кўтарган икки муаззам устунга суянган. Дарвозадан арк ичига тўғри йўл югурган. У кўп муҳташам хоналар, нақшин иморатлар ёнидан ўтиб арkning тўрига боради. Бу ерда бир кўҳна бино бор. Унинг қалин деворлари бой бир хазинани қўриқлайдилар. Бу хазинада сақланмоқда бўлган давлатнинг қийматини аниқламоққа сонлар етишмайди. Ундаги дуру гавҳарларнинг баҳоси йўқ. Улар тафаккур дурдоналари. Бу жавоҳирлар хат ва қоғозлар орасида жиллоланадилар. Улар қаршисида қимматбаҳо тошлар, ўша тошпарастлар наздида китоблар қанчалик беқадр бўлса, шунчалар безътибор. Бу бебаҳо бойликлар жамбўлган хазина Бухоро кутубхонаси. Унга фақат амир Нуҳ ибн Мансурнинг рухсати билангина бирор китобхон кирмоғи мумкин. Шунинг учун бу ерга камдан-кам одам келади. Қатта сандиқларга авайлаб терилган китоблар ўз ўқувчисига мунтазир. Кутубхона ичида тинчлик ҳукмрон.

Эрталаб хизматга келган мўйсафид кутубхоначи бу тинчликни бузмоққа андиша қилгандай оҳиста келиб ўз ўрнини эгаллади. У кўрпачага чордана қуриб ўлтирди ва олдидаги мез устида тахланиб турган китоблардан бирини олиб аста варақлай бошлади. Шу пайт эшик секин тиқиллади. Кутубхоначи дик этиб

Ўрнидан турди ва бориб эшикни очди. Эшик олдида ҳарбий кийимдаги амир мулозимларидан бири ва ўн етти — ўн саккиз ёшлар чамасидаги, соқол-мўйлаби энди мурт ура бошлаган бир йигитча турар эдилар. Кутубхоначи саломлашиб уларни ичкарига таклиф қилди. Келганлар алик олишди ва кутубхонанинг хизмат залига киришди. Уччовлари кўрпача устига ўлтирдилар. Кутубхоначи фотиҳа ўқиди. Ҳаммалари қўлларини юзларига олиб бориб омин дедилар. Шундан сўнг мулозим кутубхоначига қараб деди:

— Амир ҳазратларининг фармони олийларига бинноан ушбу кундан эътиборан жаноб табиб Ҳусайн ибн Абдуллоҳ Ибн Синога кутубхонада мутолаа этмоққа рухсат бўлди. Бундан буён табиб жанобларига нимаки китоб зарур бўлса, танишмоққа ёрдам кўрсатишингиз вожибдир.

Кекса кутубхоначи йигитчага қаради. Ҳусайннинг қирмизи юзи, текис яноқлари, латиф бурни, гунчадек оғзи ўспириқлик кўркамлигини намойиш этар, бошидаги кичик оқ симобий шоҳи салла, эгнидаги хушбичим озода авра тўн нозик қоматига ярашиб уни безаб турар эди. Кутубхоначининг кўзи Ҳусайннинг кўзи билан учрашди. Ёш табибнинг ўткир нигоҳида шижоат, қатъият, кўнглининг поклиги акс этар, интилиш нурлари чарақлар эди.

Кекса куутбхоначи индамай мулозим ва табибга таъзим қилди. Улар яна фотиҳа қилдилар ва ўрнларидан турдилар. Мулозим хайрлашиб хонадан чиқди.

Кутубхоначи Ҳусайнга яна бир бор диққат билан қаради. Демак машҳур табиб деганлари шу йигитча экан-да. Бу мўйсафид хизматчи барча Бухоро халқи қатори Афсонали бир ёш табибнинг Бухоро амири Нуҳ ибн Мансурнинг тузалмайдиган сингари бўлиб қолган касалини даволашга иштирок этиб эътибор қозонганини, бу табибнинг ўз хизматининг мукофоти эвазига амир кутубхонасида мутолаа қилишга рухсат сўраганини эшитган эди. Аммо бу қария машҳур табибнинг бу қадар ёш эканини тасаввур қилмаган эди. Бу тенгқур йигитчалар ўн йиллаб Бухоройи шариф мадрасаларининг тупроғини ялайдилар. Сўнгра юздан биттаси бирор мударрислик даражасига эришса эришадик, бўлмаса йўқ. Бу бола эса ҳалитдан саройнинг пешқадам табиблари билан баравар даражага етган, Бухоронинг мўътабар олимлари қаторига кирган.

Худо бераман деса шундай бўлар эканда, деб фикр қилар эди кекса хизматчи.

Икковлари ёлғиз қолишгач кутубхоначи сал ишон-қирамай табибдан сўради:

— Амир олий ҳазратлари ўзлари шахсан рухсат қилдиларми ёки вазир ҳазратларининг фармонлари бўлдими?

— Ҳазрат амир ўзлари менинг илтимосимни қондириб рухсат фармойишин бердилар.

— Бу ерда фақат ҳазрати амирнинг олий мақом насабларигина мутолаа этмоқлари лозим, деб тайинланган эди,— деди кутубхоначи. У ҳамон бу йигитчанинг машҳур табиб Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино эканига ва амир кутубхонасида китобхонлик қилиш шарафига эга бўлганига ўзини ишонтира олмас эди. Аммо сарой мулозимининг шарпаси кутубхона хизматчисининг эсига тушгандай бўлдию, у дарҳол ўзини қўлга олди. Хизматчи фармойиш ижросидаги сусткашлик қандай оғир оқибатларга мубтало қилажагини яхши билар эди.

— Марҳамат қилингиз, ўғлим,— деди мўйсафид ва Ҳусайнни ичкарига бошлади. У китоблар тўла сандиқларнинг қопқоғини очиб, Ҳусайнга китобларнинг жойлашиш тартибини кўрсатди, мутолаа учун жой тайинлади, сўнг қайтиб ўз хонасига чиқди.

Ҳусайн кутубхонада китоблар ичида ёлғиз қолди. Китоб дўсти, ҳамиша мутолаага ташна Ҳусайн атрофдаги қават-қават ажойиб китобларни кўргач, ўзини худди тўсатдан ҳолвахонага кириб қолган ёш боладай ҳис этди. Қатор терилган сандиқларнинг қопқоқлари очиқ. Сандиқлар ичи китоб билан лиқ тўла. Ҳар бир сандиқда бор китобларнинг рўйхати мавжуд. Мана тиббиётга оид китоблар. Қадим юнон табибларидан Буқрот (Гиппократ) асарлари, Кичик Осиёда I асрда яшаган табиб Дисқуридус (Педаний Диоскорид), II асрда яшаган Пергамлик табиб Жолинус (Клавдий Гален) асарлари, II асрда яшаган Римлик табиблардан Архиген, Троян Руфус, исқандариялик Бавлус (VII аср) асарлари терилиб турибди. Алоҳида сандиқда араб тилидаги тиббий асарлар. Улар ичида устоз Абу Бакр Муҳаммад бин Закарийёар Розий (865—925), Аббосийлар сулоласининг сарой табиби Ибн Мусовайх (875 йилда вафот этган), Димишқли Абул Ҳасан Исо бин Ҳаким ад-Димишқий Масих (IX аср) асарлари бор. Яна хрис-

тиан табибларидан Димишқли Настас ибн Журайх (X аср), Бағдодлик Исо ибн Али (IX аср), Исо бин Яхё (IX аср), Жолинус асарларини шарҳ этган Византиялик табиб Стефан (VII аср), ҳинд табиби Чарак Ҳиндий (I аср), Яҳудий табибларидан Баерали Ибн Мосаржовайх (IX аср) ва бошқа кўп тиб олимларининг асарлари бор.

Алоҳида сандиқда фалсафий китоблар, улар ичида Арасту, (Аристотель) асарларининг асл нусхалари, уларнинг араб тилига Ибн ал Батрик томонидан қилинган таржималари (IX аср), юнон файласуфларининг Ҳусайн бин Исҳоқ томонидан араб тилига қилинган таржималари: араб тилида ёзган файласуфлар Абу Юсуф Яъқуб бин Исҳоқ ал-Қиндий (вафоти 870 й.) асарлари, Абу Наср Форобий (вафоти 950 й.) ва бошқа улуғ мутафаккирларнинг асарлари бор. Бошқа сандиқларда ҳам бундай китоблар жуда кўп.

Ҳусайн ўша куни кечгача кутубхонада мутолаа билан банд бўлди. Эртаси куни барвақт кутубхонага етиб келиб мутолаани давом эттирди. Шундай қилиб, у ҳар куни муттасил мутолаа билан машғул бўлди. У ҳар бир китобни диққат билан ўқийди, барча асосий ўринларини катта дафтарига қисқача қилиб ёзиб олади. Бутун кун давомида тинимсиз ишлайди, китобдан бошини кўтармайди. Ҳусайннинг бу қадар берилиб ишлаши мўйсафид кутубхоначига ҳам таъсир қилди. Узоқ йиллар давомида бу кутубхонада хизмат қилган, ўз ишига ихлосманд бу ходим Ҳусайн сингари муҳаббат ва қунт билан ўқийдиган китобхонни учратмаган эди. Кутубхоначининг кўнглидаги дастлабки ишонқирамаслик секин-аста ўзининг ягона китобхонига ҳурмат ва муҳаббат билан алмашинди.

Бир куни кутубхоначи Ҳусайнга Арастунинг «Метафизика» китобини бошқа сандиқдан топиб берди.

— Мана бу китобни бир ўқиб чиқинг, ўғлим. Кўп ҳузур қиласиз,— деди у Ҳусайнга.

Ҳусайн миннатдорлик билан кутубхоначига таъзим қилди ва қизиқиб китобни унинг қўлидан олди. Кутубхоначи ўз хонасига қайтди.

Ҳусайн «Метафизика»нинг унвон остидаги бошланиш қисмини ўқиди, сўнг дастлабки варақларини кўздан кечирди. Шундан кейин ўз қўли остидаги китобнинг мутолаасини давом эттирди. Тушгача бу ишни тугаллади. Ҳусайн тушдан сўнг «Метафизика»ни астой-

дил ўқишга киришди. У кечгача бу китобни диққат билан ўқиди. Аммо метафизика қондалари Ҳусайн учун унчалик тушунарли бўлмади. «Толиқибман» деб ўйлади Ҳусайн. «Эртага эрталаб бўлак бошқатдан ўқимоғим даркор». Эртаси кун эрталаб кутубхонага келган захотиёқ «Метафизика»ни қўлига олди ва уни диққат билан ўқишга киришди. Ҳусайн бутун кунини шу китобни ўқишга бағишлади. Аммо у асарнинг мағзини ҳеч чақа олмас эди. Ҳусайн бир неча кун давомида Арастунинг «Метафизика»сини мутолаа қилди. Аммо унинг ҳикматли сирларини ечишдан ожиз эди. Ёш табиб бу фалсафий асарни ўзлаштиришга тайёр эмас эканига иқрор бўлди ва бошқа китобларнинг мутолаасини давом эттирди.

Ҳусайн бу кутубхонада шундай китобларни ўқидики, илгари уларнинг ҳатто борлигини ҳам билмас эди. Тинмай мутолаа қилиш натижасида Ҳусайн ҳар бир олимнинг ўз илмида қандай ўрин тутганлигини аниқлади. Ёш олимнинг кўз ўнгида унга тамоман нотаниш бўлган билмлар қасрининг дарвозалари очилгандай бўлди.

Кунбўйи кутубхонада ишлаган Ҳусайн кечга томон уйига қайтди. У енгил овқатланиб озгина дам олди, сўнгра кечки сайр учун кўчага чиқди.

Бухоро кўчалари одам билан тўла. Кўчаларнинг икки чеккасида турли-туман дўконлар саф тортганлар. Бозори шаб авжида. Ҳар бир дўконда ёруғ шамлар ёнади. Шунинг учун кўчалар кундуздай равшан. Харидорлар ёки шунчалик сайрга чиққанлар дўконлар ёнида ғуж-ғуж ўралишадилар.

Ҳусайн ўз одатига кўра сайр чоғида китоб дўкони олдида тўхтади ва дўкондор билан саломлашгач, дўкондаги китобларни бирма-бир кўриб чиқа бошлади. Дўкондор машҳур табиб билан яхши таниш эди. У Ҳусайнга бир китобни кўрсатиб деди:

— Иним, ушбу китобни олингиз. Фалсафага доир. Сиз учун албатта қизиқарлидир.

Ҳусайн кўпроқ тибга доир китобларга аҳамият бераётган эди. Шунинг учун дўкондорнинг сўзига унча парво қилмади.

— Мана бир қаранг,— деди дўкондор астойдил — арзон баҳода сотаман. Сиз учун у ниҳоятда фойдали бўлади.

Ҳусайн дўкондорнинг бу китобни арзон баҳода сотмоқчи эканидан бугунги савдонинг касод бўлганини

фаҳмлади ва дўкондорга ёрдам бўлсин деб ўша китобни сотиб олди. Аммо уни ҳатто очиб ҳам кўрмади. Ҳусайн янги олинган китобни қўлида тутганича яна бир оз сайр қилди. Лаби Ҳавузнинг сирли жимирлаган зилол сувларини севиб томоша қилди, расталар бўйлаб бифарқ кезди. Ниҳоят сайрдан сал толиққанича уйга қайтди.

Тун. Ҳусайн ибн Абдуллоҳ хонасидаги шамлар ярақлаб ёниб туриптилар. Атлас кўрпача устида ўлтирган Ҳусайн хонтахтага эгилганча лавҳ устидаги китобни ўқиш билан банд. У уйга қайтгач, бугун кечқурун сотиб олган китобни очиб қараса бу китоб Абу Наср Форобийнинг китоби экан. «Муаллимус-соний» («Иккинчи муаллим») деб ном қозонган файласуф Форобий «Муаллимул-аввал» («Биринчи муаллим») Арастунинг «Метафизика» китобига шарҳ ёзган эди. Бу китоб ўша шарҳ экан. Ҳусайн «Метафизика»ни ўқий бериб ёд қилиб юборган, аммо унинг маъзини чақа олмас эди. Энди бу шарҳ орқали Арасту китобининг сирлари ёш Ҳусайнга аён бўлаберди. Ўша тун тонг отгунча Ҳусайннинг уйда шамлар ўчмади. Ёш олим Форобийнинг Арасту китобига ёзган шарҳини бошидан охиригача ўқиб тамомлади. Энди Ҳусайн Арастунинг фикрларини тўласича англаб ва ўзлаштириб олган эди.

## УСТОЗЛАР

Ҳар бир ёш олим донишманд устозлар тарбиясида шаклланади ва камол топади. Бу жиҳатдан Ҳусайн ибн Абдуллоҳга омад кулиб боққан эди.

Ҳусайннинг отаси Абдуллоҳ ибн Сино Бухоро ҳукмронлари бўлмиш Сомонийлар сулоласи хизматида бўлган ва анча юқори лавозимни эгаллаган. Абдуллоҳ Бухоро яқинидаги Афшона шаҳарчасида Ситора деган қизга уйланди ва ундан икки ўғил кўрди. Каттаси Ҳусайн, кичиги Маҳмуд. Абдуллоҳ ибн Сино ўз оиласи билан Афшонадан Бухорога 985 йили кўчиб ўтди. Бу вақтда Ҳусайн беш яшар, Маҳмуд эса атиги бир яшар эди. Абдуллоҳ Ибн Сино ўз болаларини яхши ўқитмоқ имконига эга бўлган ва уларни ўқитмоққа катта аҳамият берган.

Ҳусайн ўн яшарлигида «Қуръон»ни ёд олган, адабиёт, тарих, ҳуснихат, тил, нотиқлик, шеър илмларини ўтган. Сўнг Ҳусайн Маҳмуди Массоҳ қўлида ҳинд ҳи-

собини ўрганган. Бу илм арифметиканинг бир бўлаги бўлиб, унда алгебра қоидалари ҳам қўлланилар эди. Бундан кейин Ҳусайн Исмоил аз-Зохидий раҳбарлигида фикҳ (қонуншунослик) илмидан таълим олди. Шундан сўнг Ҳусайннинг отаси Бухорода таниқли бўлган олимлардан бири Абу Абдуллоҳ Нотилийни Ҳусайн учун уй муаллими қилиб олиб келди. Нотилий ёш Ҳусайнга мантиқ, ҳандаса (геометрия) илми нужум (астрономия), фалсафа илмларини ўқита бошлади. Нотилий тиб илмидан ҳам хабардор эди. Бўлажак буюк табибнинг биринчи тиб муаллими ҳам Нотилийдир.

Ўқитувчи ва ўқувчи ёз пайтларида Ҳусайнларнинг ҳовлиси ортидаги боғда машғулот ўтказишар эди. 12—13 ёшлар атрофидаги Ҳусайн ҳеч ўқишдан чарчамас, билимларни қуёш қизигидаги қақроқ ер сувни ўзига сингдирганидек тез сингдириб олар эди. Билимлар баҳрасидан боланинг тафаккур гунчалари барқ уриб яшнар, унинг фикр гулзоридан ижод гуллари хандон очилар эдилар.

Бир куни дарс олдидан Нотилий бир китобни Ҳусайнга кўргазди. Ҳусайн бу китобни қўлига олиб кўра бошлади.

— «Дориворлар»— деб ўқиди китоб сарлавҳасини Ҳусайн, сўнг давом этди:— Муаллифи Диасқуридус.

Китобнинг ҳар бир варағи араб ва юнон ёзувларидаги иборалар ва текстлар билан тўла. Шогирд бу зич, аммо аниқ ёзувларда устозининг хатини таниди.

— Бу сиз ёзган китоб экан,— деди Ҳусайн Нотилийга.

— Бу китоб устида бир неча йил муттасил ишладим,— деди Нотилий.— Диасқуридуснинг «Дориворлар» китоби юнон тилидан араб тилига таржима қилинган эди. Аммо бу таржимада қусурлар кўп бўлганидан фойдаланмоқ қийин бўлди. Шунинг учун мен бу таржимани бошдан-оёқ таҳрир этиб чиқдим.

— Таржимон ким эди?

— Бағдодли Истифон ибн Басил. Унинг таржимасини Ҳусайн ибн Исҳоқ таҳрир қилган.

— Сўнг бу таржима ва таҳрир Абу Абдуллоҳ Нотилий томонидан Бухорода қайта таҳрирдан ўтказилди,— деб ҳазиломуз хулоса қилди Ҳусайн. Улар кулишди.

— Шу китобни бир ўқиб чиқингиз,— деди Нотилий Ҳусайнга, яна жиддийлик касб этиб,— агар бирор фикр ёки маслаҳат туғилса айтарсиз.

Хусайн унинг сўзини инобатга олганлигини билдириб бош эгди. Аммо жавоб бермади. Уқитувчи ва шогирд ўртасидаги суҳбатнинг бу сўзсиз давоми ўз мазмунига эга эди.

Бир куни Нотилий «Табий ҳаётнинг узунлиги тўғрисида» деган китобини келтириб Хусайнга ўқишга берди. Хусайн бу китобни ўқиб чиқди ва баъзи масалалар изоҳида ўқитувчисининг фикрига қўшилмаслигини айтди. Нотилий эътироз қилди. Улар ўртасида қисқагина тортишув бўлиб ўтди. Ниҳоят Нотилий Хусайннинг келтирган далилларига тан бермоққа мажбур бўлди. Бу тортишув Нотилийга шогирдининг катта қобилият ва билим эгаси эканини яна бир бор намоён қилди. Узи асл олим бўлганидан Нотилий мағлубияти учун қайғурмади, аксинча шогирдининг муваффақиятидан қувонди. Шундан сўнг Нотилий Хусайнга ўзининг «Борлиқ ва унинг шакллариининг изоҳи», «Алкимё рисоласи» китобларини келтириб берди. Хусайн уларни диққат билан ўқиди. Гарчи бу китоблар бўйича ҳам баъзи танқидий фикрлар туғилган бўлса-да, Хусайн ўқитувчисига оғир ботмаслиги учун айтишга тортинди. Буни Нотилий сезди, лекин сезганлигини шогирдига билдирмай қўяқолди. Уларнинг ҳозирги суҳбати яна ўқиладиган китоб бўйича баҳслар туғилиши мумкинлигига ишора эди.

Бир куни Нотилий Хусайннинг отасига деди.

— Уғлингиз Хусайннинг илмга диди ғоят ўткир. У фақат илмий машғулот билан банд бўлмоғи лозим. Иншооллоҳ, кичик Хусайндан буюк бир олим етишиб чиққай. Унинг мўътабар номи билан бирга келгуси авлод фақир ва нотавон муаллими Нотилийни ҳам эслаб юрурлар.

Хусайннинг отаси Абдуллоҳ ибн Сино йирик олим Нотилийнинг бу сўзларидан таъсирланди. У гарчи олдин ҳам Хусайннинг ўқишига эътибор бериб келаётган бўлса-да, бундан буён яна кўпроқ диққат қила бошладди. Ота ўғлининг китобга ташналигини сира чекламас, қандай китоб даркор бўлса, доимо топиб берар ёки топмоққа ёрдамлашар эди.

Еш олим отаси ва устозининг ғамхўрлигида илм боғида ғамхўр боғбонлар парвариш қилаётган ниҳол сингари тез ва соғлом ўсар эди.

Нотилий Хусайннинг тиб илмига айниқса муҳаббат борлигини сезар, ўзи ҳам тиббиётга алоқадор бўлганидан бу қизиқишни кучайтиришга ҳаракат қилар



эди. Хусайн тибга оид билимларни осонликча ўзлашти-  
рар, шунинг учун унга тиб осон туюлар эди. У тезда  
тибнинг асосий қондаларини мукамал ўрганди,  
ҳатто баъзи беморларни мустақил даволай бош-  
лади. Кўп ўтмай Хусайн қобилиятли бир табиб сифа-  
тида шаклланди.

Нотилий Хусайн ибн Абдуллоҳ билан олиб бораёт-  
ган машғулотлари интиҳосига етганини англади. Чунки  
шогирднинг илмга интилиши шундай зўр, зеҳни  
шу қадар ўткир эдики, бундан буён унга бошқа муал-  
лим даркор. Хусайннинг тиб соҳасидаги ана шундай  
муаллими Бухоро ва бутун Мовароуннаҳрнинг таниқли  
табибларидан Абу Мансур ал Ҳасан ибн Нуҳ ал Қум-  
рий бўлди. Бу табиб Бухорода туғилиб ўсган, сомоний-  
лар саройида табиблик қилган. Ал Қумрий ёшлиқдан  
тиб илмини ҳавас билан ўрганган эди. Чунки унинг  
кўнгли одамларга муҳаббат билан тўлиб тошган эди.  
Ёш мутафаккир ал Қумрий тибнинг кишиларга энг аниқ  
ёрдам беражаги, кишиларнинг чекаётган изтироблари-  
ни енгиллатмоғи касалликлардан даволаши туфаили  
кўнгили олиб бериб ўрганди. У тиб китобларини ўқиганда  
улардан ўзи учун керакли жойларини кўчириб ёзиб  
олар эди. Кейинчалик, бу китоблардан йиғиб олинган  
маълумотларни ўз табиблик фаолияти давомида йиқ-  
қан билимлари билан тўлдирди. Кейинчалик ана шу  
маълумотларнинг ҳаммасини йиғиб «Тўла ва исталган  
китоб» («Китобулгина ва муна»), ҳамда «Тиб иборала-  
рини тушунтириш китоби» («Китобат-танвир фил ис-  
тилоҳат аттиббийа») китобларини ёзди.

Хусайн ҳозир кексайиб қолган бу машҳур табибнинг  
дарсларига қатнай бошлади ва ал Қумрийнинг тибга  
оид китобларини диққат билан ўқиб чиқди. Бу китоб-  
ларда Букротдан тортиб то ар Розийгача, яъни энг қа-  
димий юнон тиббиётидан X аср шарқ тиб илмигача  
барча тиб назарияси ва тажрибасига оид билимлар  
жамланган эди.

Ал Қумрийнинг «Тўла ва исталган китоб» асарида  
кишининг фарқидан (бошининг тепа қисми) то товони-  
гача оёғининг энг остки қисми) бўлган аъзоларидаги  
касалликларни бирма-бир санаб чиққан, уларни даво-  
лаш усулларини кўрсатиб берган. Иккинчи китоби эса  
тиб иборалари луғатидир. Унда уч юз элликка яқин  
тиббий ибораларга изоҳ берилган.

Бухорода ал Қумрий билан бир вақтда бошқа маш-

ҳур табиблар ҳам яшаганлар. Уларнинг ичида энг эътироф қозонгани Абу Бакр Робий ибн Аҳмад ал Аҳовайний Бухорийдир. «Тибни ўрганувчилар учун қўлланма» («Ҳидоят ул мутааллимийн фит-тибб») асари шу табиб қаламига мансубдир.

Ҳусайннинг табиблик истеъдоди шу муҳитда камол топа борди.

Ҳусайн илмларни ўрганиш билан бирга ҳамиша уларни ўз тажрибасида татбиқ ҳам этар эди.

У ҳар куни эрталаб касалларни кўра, уларга дори дармон берар эди. Ҳусайн кўрган беморларнинг кўпчилиги ўз дардига шифо топар эдилар. Шу йўсинда ёш қобилиятли табибнинг шуҳрати Бухорога ва унинг атрофида ёйила борди.

Беморларни қабул қилиб бўлгандан сўнг Ҳусайн мутолаа билан шуғулланар эди. Бориб-бориб бу тартиб Ҳусайн учун бир умрли иш тартибига айланиб кетди.

## АМИРНИНГ ҚАСАЛИ

Баҳор пайти. Бухоро кўчаларини дарахтларнинг ёш яшил япроқлари безайдилар. Ғир-ғир эсган шаббодалар ҳар ёнга ҳаёт нашъасини ёядилар. Баҳор кўркамлигидан диллар роҳатланади. Инсон танаси тиниқ баҳор ҳавосидан нафас олиб ором топади. Табиат қишлоқ уйқусидан уйғонган ва ҳаётбахш чехрасини очган бир фурсат.

Эрталаб Ҳусайн ташқари ҳовлида беморларни қабул қилиб турган пайтида ҳузурига Бухоро амири Нуҳ ибн Мансурнинг одамлари кириб келдилар. Улар Ҳусайнни амир йўқлаётганини айтдилар. Ҳусайн охириги беморига дори-дармон қилиб бўлиб уни жўнатди ва ўзи амир одамлари билан арк сари йўл олди.

Ҳусайн Бухоро амири Нуҳ ибн Мансурнинг анча вақтдан бери оғир касал эканини эшитган эди. Ҳусайннинг чақирилиши шу боисдан экани унга дарҳол аён бўлди. Аммо олий насаб ва баланд мартабали беморни даволаш анча мураккаб иш.

Саройга етиб келишгач Ҳусайн даставвал сарой табиблари билан учрашди. Улар Ҳусайннинг моҳир табиблик овозаси саройгача етиб келгани ва уни чақирмоқни амирга маслаҳат берганларини айтишди. Ҳусайн сарой табиблари билан беморнинг аҳволи тўғрисида

маслаҳатлашди. Табиблар амирни даволаш азойимхон ва дуохонларнинг аралашуви туфайли қийин бўлаётганидан нолидилар. Сўнг ҳаммалари бирга амир ҳузурига кирдилар. Ҳусайн табиблар билан амир ётган уйга кириб келганда, бу шоҳона безаклар билан безатилган, қимматбаҳо гиламлар, шоҳи кўрпалар билан тўла уйнинг димиққан ҳавосидан нафаси бўғилиб кетди.

Амир уйнинг тўрида қават-қават атлас кўрпалар устида оғир нафас олиб ҳаракатсиз ҳолда ётар эди. Унинг ёнида эса бир азойимхон зўр бериб дам солмоқда. Уй исериқ ҳиди билан тўлган.

Сарой табиблари амирнинг аччиқ феълини билганларидан бирор қатъий тадбир қилишга журъат эта олмаганлар. Улар билан азойимхон, дуохонлар ўртасидаги тортишув амирнинг аралашуви туфайли азойимхонлар фойдасига ҳал бўлган, шунинг учун кейинги кунларда беморни фақат инс-жинсларни қувламоқчи, унинг жисмидан ёвуз кучлар таъсирини ҳайдамоқчи бўлган дуохонлар «даволамоқда» эдилар. Дори-дармон қилмай фақат куф-суфдан нари ўтмаганлари учун беморнинг ҳолати тобора оғирлашмоқда эди.

Ҳусайн беморнинг томир урушини аниқлади, унинг юз-кўзларига диққат билан боқди. Дард зўридан азоб чекаётган амир ҳозир ҳар бир давога рози эди. Табиблар ҳаммалари Ҳусайннинг дуохонларни бемордан четлатиш тўғрисидаги таклифини қувватладилар. Амирнинг розилиги билан дуохонларга жавоб берилиб, жўнатилди. Ҳусайннинг таклифи билан хонани шабадалатилди. Қия очилган равоқ ва эшиклардан баҳорнинг ёқимли ҳавоси уйга эсиб кирди-да, хонадаги дуд ва димиқишни йўқ қилди. Табиблар бамаслаҳат даволашни давом эттирдилар. Берилаётган дори-дармонлардан баъзилари Ҳусайннинг маслаҳати билан тўхтатилди. Янги дорилар тайинланди. Парҳезли таом ва ухлатувчи дориларга кўпроқ ўрин бериладиган бўлди. Саломатликни сақламоқ учун асосий шарт: парҳез ва тартиб, уйқу ва тинчлик, бадантарбия.

Амирни оғир аҳволдан қутқариш тадбирлари бирмунча фурсат давом этди. Барча табиблар бамаслаҳат иш тутар эдилар, лекин кўпинча Ҳусайннинг айтганлари мақбул топилар эди. Секин-секин беморнинг ҳолатида ўзгариш содир бўла бошлади. Муттасил муолижа натижасида унинг танасидаги оғриқлар тўхтади. Иштаҳа пайдо бўлди. Бу эса саломатлик тикланаётганини бил-

дирар эди. Қадимий табиблар айтганларки, иштаҳали бемор иштаҳасиз соғдан тузук. Чунки у соғлиғини тиклай, буниси эса соғлиғини йўқота боради.

Ҳусайн сарой табиблари билан биргаликда амирни бир ойча парвариш қилди. Ҳаётдан қўл ювиб қўйган амир аста-секин ҳаётга қайтди. Унинг барча табиблардан, айниқса Ҳусайндан миннатдорлигига чек йўқ эди. Сарой табиблари эса икки хил кайфиятда эдилар. Уларнинг баъзилари бир ёш табибнинг саройдаги мўътабар табиблар билан баробар, баъзан эса улардан устун келганига рашк қилдилар. Аммо ҳаммалари азойимхон ва дуохонларга қарши курашда кучли бир иттифоқчи топилганидан мамнун эдилар. Ҳусайннинг ақл-зақоси ва табиблик тажрибасининг ортиқ эканига унинг дўстлари ҳам, душманлари ҳам тан бердилар.

Амир соғайиб ўз вазифаларини ўташга киришгандан сўнг барча табибларга мукофотлар берди. Шу фурсатда Ҳусайн билан Бухоро амири Нуҳ ибн Мансур ўрталарида бундай мулоқот бўлиб ўтди:

— Сиз — деди амир, — бизга яхши хизмат қилдингиз. Бунинг эвазига қандай мукофот истарсиз? Агар хоҳласангиз Бухорои шариф яқинидаги қишлоқлардан кўнглингиз тилаганини сизга ато этайлик. Ёки шаҳарда ўзингизга яраша кўркам бир иморат бино этиб берайлик. Агар олтин-кумуш десангиз бўйингизга баробар сочамиз.

Ҳусайн Бухоро амири давлати хазиналарининг узоқ йиллар давомида бешафқат йиғилган солиқлар ва атроф юртларини талаш ҳисобига тўлиб-тошиб кетганини яхши билар ва амирнинг айтганлари осонликча амалга оширишига ишонар эди.

— Амир ҳазратларининг марҳаматларидан бениҳоя миннатдордирмен, — деди ёш табиб. — Сиздан бир ўтинчим бор, агар рухсати олий бўлса изҳор этсам.

— Айтингиз.

— Алҳамдулиллоҳ, яшамоққа тайин жойим бор, қилган меҳнатим эвазига куним ўтиб турипти. Бўй барабар олтин-кумуш менга ортиқчадир. Аммо агар бир хазинангиздан тўла истифода этишга рухсат бўлса бу катта мукофот бўлган бўлар эди.

— Қайси биридан? — қизиқиб сўради амир.

— Кутубхонадан, — деди Ҳусайн. — Бу китоблар хазинасининг бойлиги кўпчиликка аён. Аммо ундан фойдаланмоққа кам одам мушарраф бўлган. Агар кутуб-

хонангизда мутолаа қилмоққа рухсати олий берилса мен учун бу гоъят олий эҳсон бўлур эди.

Амир рухсат қилди. Шундан сўнг Хусайн амирнинг мулозими билан кутубхона сари равона бўлган эди.

## ДАСТЛАБКИ АСАРЛАР

Бухорои шариф жаҳонга донғи таралган илм марказларидан бири. Хусайннинг номи шу шаҳарга обрў ва шуҳрат бағишлаган зотлар қаторига қўшила борди. У илмга муҳаббати зўр бўлганидан кеча-кундуз қаттиқ меҳнат қилиб бор фанларни чуқур эгаллади. Хусайн тиб илмидан ташқари фалсафа, ҳуқуқ, мантиқ, математика, астрономия, шеър илми ва бошқа билимларни ўрганди. Ёш Хусайн ўзининг истеъдоди ва меҳнат-севарлиги туфайли бу билимлар соҳасида юксак малака касб этди. Айниқса амир Нуҳ ибн Мансур кутубхонасидаги мутолаалар ёш олимнинг билимлар хазинасини жуда бойитди.

Бир куни амир Нуҳ ибн Мансур Хусайнни ўз ҳузурига чорлади. Суҳбат асносида амир Хусайнга нафсоний қувватлар тўғрисида бир китоб ёзмақни таклиф қилди. Хусайн дарҳол бу ишни бажармоққа киришди. Тез фурсатда китоб ёзилиб битди ва Хусайн уни амирга топширди. Бу ўн етти яшар олимнинг биринчи асари эди.<sup>1</sup>

Бундан кейинги йилларда ҳам Бухорода яшаган пайтида Хусайн яна бир неча асарлар ёзган.

Бир куни эрталаб нонуштадан сўнг Хусайн кутубхонага отланиб турган эди, уй эшиги секин тиқиллади. Сўнгра эшикни аста очиб баланд бўйли, чўққисоқол, қошлари ўсган, қорамтир тусли бир киши салом бериб кириб келди. Унинг устида оқ авра тўн, бошида катта салла, кўзлари мулоим табассум билан боқади. У Хусайннинг қўшниси Абул Ҳасан ал Арудий эди. Абул Ҳасан китобхонликка берилган бир киши бўлиб унча-мунча шеър ҳам ёзар, ўзи хушмуомала, ёқимли табиатли киши эди. Абул Ҳасаннинг ёши ва бўйи Хусайндан

---

<sup>1</sup> А. Ирисовнинг хабар беришларича, бу китобнинг бир нусхаси бизгача етиб келган. У 1950 йили «Ҳадийятур — раис» («Бошлиққа тортиқ») номи билан Қоҳирада нашр этилган. Қаранг: А. Ирисов «Абу Али ибн Сино», Тошкент, «Фан», 1980, с. 50.

гарчи икки баробар баландроқ бўлса-да, кўпчилик қатори у ҳам машҳур табиб ва олим Ҳусайнга тавозе билан муомала қилар эди. Ҳусайн меҳмоннинг саломига алик қайтарди ва уни мез (хонтахта) атрофидаги кўрпачага ўлтирмоққа таклиф қилди. Улар ўлтиришди. Фотиҳа тортилди. Ҳусайн кутубхонага ошиқаётганлигидан Абул Ҳасан билан бемалол суҳбатлашиб ўлтирмоққа фурсати йўқ эди. Меҳмон ҳам буни сезди шекилли, бир икки оғиз такаллуфли сўзлардан сўнг дарров мақсадга кўчди:

— Иним Мулла Ҳусайн,— деди у секингина йўталиб олгач,— бизнинг шеърга муҳаббатимиз ўзларига аён. Аммо шеър назариясидан каминангиз ожизроқдирлар. Арастунинг «Шеъроят» асарини кўп мутолаа қилдим, аммо мағзини чақмоққа муяссар бўла олмадим. Сиздан илтимос, ҳам шеър илми, ҳам бошқа илмларга хос билимларни бизга соддароқ услубда ифодалаб бир китоб ёзиб берсангиз.

— Агар бошқа илмлар ҳам бўладиган бўлса унга риёзат (математика) ҳам кирмоғи даркор,— деди Ҳусайн сал жилмайиб... У Абул Ҳасаннинг риёзатга ҳеч уқуви йўқлигини билар ва шунга киноя қилмоқда эди. Абул Ҳасан бу кинояни тушунди ва аста кулиб:

— Ҳозирча ундан бўлак илмлар тўғрисида бўлса кифоя. Риёзатдан кейинчалик алоҳида таълим олурмиз,— деди.

— Риёзатдан бошқа илмлар мажмуаси бўлар эканда,— деди Ҳусайн яна ҳазиломиз.

Абул Ҳасан маъқуллаб бош силкиди.

— Сиздек покиза тийнат одамнинг илтимосини адо этмоқ шарафли бир ишдир,— деди жуддий йўсунда Ҳусайн ва Абул Ҳасаннинг таклифини қабул қилди.

Ҳусайн бу китоб устида бир йилча ишлади. Барча билимларнинг асосларини ўзида жамлаган бу асарга «Алмажму» («Тўплам») деб сарлавҳа қўйди ва уни Абул Ҳасан ал Арудийга топширди.

Бу ишдан огоҳ бўлган Ҳусайннинг бошқа бир қўшниси ҳам ундан китоб ёзиб беришни илтимос қилиб қолди. Бу киши асли хоразмлик бўлиб номи Абу Бакр ал Барқий эди. У қонуншунослик (фиқҳ) «Қуръон» изоҳлари (тафсир)дан билимдон эди. Ҳусайн Абу Бакр ал Барқийнинг таклифини қабул қилди. У узун қиш кечалари тинмай ишлади ва ниҳоят катта бир асарни

ёзиб битирди. Бу асар қонуншуносликка оид бўлиб номи «Ҳосил ва маҳсул» эди.

Ал Барқийнинг илтимосига кўра Ҳусайн унга яна ахлоққа оид ҳам бир асар ёзиб берди. Унинг номини «Китоб ал бирр вал исм» («Саховат ва жиноят китоби») деб атади.

Абу Бакр ал Барқий Ҳусайндан бу китобларни мамнуният билан қабул қилиб олди. Аммо у буларни ҳеч кимга, ҳатто Ҳусайннинг ўзига ҳам бермас эди. У ўзининг қўлида ана шундай китоблар борлигини ҳеч кимга билдирмас, ўз иш тажрибасида эса улардаги маълумотлардан тўлиқ истифода этар эди. Одамлар ишнинг моҳиятидан беҳабар ал Барқийнинг билимдонлигига танг қолар эдилар. Ал Барқий ўз қўлидаги бу икки китобдан ҳатто нусха кўчиришга ҳам йўл қўймади. Натижада ёш олим Ҳусайн яратган бу дастлабки китоблар асрлар тўзонида беному-нишон йўқ бўлиб кетди.

Ҳусайннинг олимлик шухрати Бухородагина эмас, балки бутун Мовароуннаҳр, Хуросон, Эронга ҳам ёйилди, Хоразмга бориб етди.

Бухорода Маъсумий деган бир фақиҳ (қонуншунос) бор эди. Унинг ҳовлисида кўпинча Хоразм савдогарлари карвонининг бошлиғи Мулло Жаъфар қўнади. Улар бир-бирлари билан жуда қадрдондирлар.

Бир ёз фаслида Мулло Жаъфар кеч шом пайти Маъсумийнинг ҳовлисига кириб келди. Икки дўст ташқари ҳовлидаги супа устида кечки овқатдан сўнг узоқ суҳбат қурдилар.

— Ҳусайн ибн Абдуллоҳнинг тиб ва бошқа илмлардаги ажиб ишлари Хоразм олимларига бориб етган,— деди Мулло Жаъфар суҳбатдаги умумий мавзулар тугагач,— мен бу муҳтарам олимга бир нома келтирганман. Уни эртага сизнинг кўмагингиз билан ҳақимнинг ўз қўлларига топширмоғим даркор.

— Билса бўлурмикин, кимдан у мактуб?

— Албатта бўлур. Бунинг ҳеч қандай махфийлиги йўқ. Илмга доир ҳар бир гап ҳамиша очиқ-ойдин бўлади. Аммо мактубни ҳақим ўзлари очиб ўқиганларидан сўнггина унинг мазмунидан огоҳ бўлурмиз. Мактубни йўллаган зот Хоразм ва барча олам фозилларининг сарвари Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Райҳон Берунийдирлар.

Эртаси куни эрталаб Мулло Жаъфар ва Маъсумий Ҳусайннинг уйига боришди. Маъсумийни Ҳусайн яхши

танир эди. Улар Ҳусайннинг уйига кириб келишганда ёш табиб бир беморни кўриб бўлиб унга дори ёзиб бераётган эди. Улар саломлашишди. Сўнг табиб беморни жўнатди ва Маъсумий билан Мулло Жаъфарни меҳмонхонага таклиф қилди. Уччовлари ташқари ҳовлининг кунботиш томонидаги мўъжазгина хонага ўтдилар. Хонанинг ўртасида кичик бир мез (хонтахта) қўйилган, деворлар остига кўрпачалар солинган. Улар кўрпачаларга ўлтиришди. Фотиҳа тортилди. Дарҳол табибнинг хизматчиси келиб дастурхон ёзди. Дастурхон устига нон, қандқурс қўйди, чой ва шарбат келтириб ўлтирганларга қўйиб бериб ўлтирди.

Маъсумий табибга Мулло Жаъфарни таъриф этиб таништирди. Мулло Жаъфар Ҳусайнга бош эгиб таъзим қилди ва мақсадни баён этди. Шундан сўнг у қўйнидан бир кичик рўмолни олиб уни авайлаб очди. Рўмол ичидан кичик бир ўрам чиқди. Мулло Жаъфар таъзим билан ўрамни Ҳусайнга узатди. Ҳусайн уни ҳурмат билан олди ва уни секин очди. Ўрамнинг бош қисмига «Хоразмлик Абу Райҳон, Муҳаммад ибн Аҳмаднинг Бухороли шайх Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳга саволлари» деб ёзилган эди. Бу ёзувнинг кетидан Ҳусайн «Арастунинг «Осмон ҳақида» китобидаги масалаларга доир» деб ёзилган изоҳни ўқиди.

Ҳусайн ўрам ичидаги оқ қоғозларга чиройли хат билан ёзилган мактубга тез кўз югуртириб чиқди ва деди:

— Устоз Абу Райҳон Беруний ўн савол йўллабдирлар. Буларнинг жавобини сиз бирла жўнатилгани маъқул. Қарвонингиз қачон Хоразмга қайтур.

— Иншооллоҳ эрта ўтиб индин тонготарда йўлга тушгаймиз.

— Жавобларни мен шу бугун ёзиб қўямен. Агар Мулла Маъсумий уларни ўзларининг хушхатлари билан кўчириб ёзиб берсалар, уни устоз Берунийга ўзингиз элтасиз.

Мулло Жаъфар ва Маъсумий розилик билдиришди. Уша куни кечқурун тонг отгунча Ҳусайн ўлтириб Беруний йўллаган ўн саволнинг ҳар бирига муфассал жавоб ёзди. Улуғ олим ва мунажжим Берунийнинг ёш Ҳусайнга ўз бараваридаги олим сифатида эътироф этиб унга нома йўллагани Ҳусайннинг кўнглини ғурур билан тўлдирди. Шунинг учун у чарчаганини сезмай илҳом билан меҳнат қилиб саволларга жавоб ёзди. Беруний билан



Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ўртасидаги ёзишмалар ёш Ҳусайннинг олим ва мутафаккир сифатида қозонган шухратидан ёрқин бир белги эди.

Эртаси кун эрталаб Ҳусайн Берунийга ёзилган жавобларни хизматчиси орқали Маъсумийнинг уйига жўнатди. У хизматчисига, мактубни шу бугуноқ кўчириб ёзиб карвонбошига топширмоқ кераклигини тайинлагин деб уқдирди, хизмат ҳақини олдиндан тўламоқ учун унга пул ҳам берди.

Тушдан сўнг Ҳусайн яна хизматчисини Маъсумийнинг уйига юбориб вазифанинг бажарилган ё бажарилмаганидан хабар олди, ниҳоят Маъсумийнинг хатларни кўчириб бўлдим, деганини эшитгач, хотиржам бўлиб ўз ишлари билан машғул бўлди.

Орадан бир неча кун ўтди. Ҳусайннинг ҳисобига кўра мактуб Хоразмга Абу Райҳон Берунийга етиб борган бўлмоғи керак. Хоразм карвонининг Бухорога келгани тўғрисидаги хабарни эшитиб Ҳусайн дарҳол хизматчисини Маъсумийнинг уйига жўнатди. У Берунийнинг Ҳусайн ёзган жавобларга қандай муносабатда бўлганини билмоққа ошиқар эди. Аммо хизматчи қуруқ қўл билан қайтди. Ўтган сафар Маъсумий Ҳусайн ёзган жавобларни кўчириб улгурмаган экан. Эндиги карвон билан уларни Хоразмга жўнатар эмиш. Хижолатда қолган Маъсумийнинг Ҳусайнга кўринмоққа юзи йўқ эди. Ҳусайн ундан қаттиқ ранжиди. Аммо Маъсумийга ҳеч қандай танбеҳ қилмади. Лекин ўзи жавобларнинг кечиккани учун Абу Райҳон Беруний қаршисида хижолат чекди. У жавобларнинг кечикиш сабаби ва ўз узрини Берунийга алоҳида мактуб билан хабар қилди. Хоразм карвони эндиги келувида Абу Райҳон Берунийдан Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳга яна бир мактуб келтирди. Бу мактубни карвонбоши Мулло Жаъфар ўзи келтириб Ҳусайнга топширди. Беруний ўз хатида «Осмон ҳақида» китоби бўйича юборган саволларига жавобларни олганидан миннатдорчилик билдирган ва бу жавоблар юзасидан ўз фикрларини изҳор қилган эди. Беруний энди Ҳусайнга Арастунинг «Ҳикмат» («Физика») китобига доир саккиз саволини йўллаган.

Ҳусайн улуғ олим Берунийнинг бу диққат-эътиборидан мамнун бўлди. У шу кунёқ саволларга жавоб тайёрлаб ўзи оққа кўчирди ва Мулло Жаъфарга жўнатди.

Шундай қилиб шарқ ўрта аср фанининг энг улуғ

алломаси хоразмлик Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Райҳон Беруний ва бухоролик ёрқин фикрли, буюк истеъдол эгаси ёш табиб ва ҳақим Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ўрталарида илмий ёзишмалар вужудга келди. Бу ёзишмалар Арастунинг «Осмон ҳақида» ва «Ҳикмат» китобларидаги масалаларга оид бўлиб жами ўн саккиз савол-жавоблардан иборат.

## ВИДО

Иккинчи минг йилликнинг бошланиши Бухоро тарихида кўп таъсирли воқеалар келтирди. Учинчи асрда қурилиб, равнақ топиб сўнг нураб қолган сомонийлар ҳокимиятининг биниси ўн биринчи аср арафасида Туркистон томонидан бостириб келган қорахонийлар зарбалари остида қулаб тушди ва чилпарчин бўлиб кетди. Гарчи сомонийлар ҳокимияти корчалонларининг зулми Бухоро меҳнаткашининг бошига кўп мусибат келтирган бўлса-да, босқинчиларнинг фораггарчилиги ўлганнинг устига тепган бўлди. Ҳар қадамда талан, зўравонлик, ўлим.

1002 йили Ҳусайннинг отаси ибн Абдуллоҳ вафот этди. Ҳусайн подшоҳ саройи хизматига ўтиб отасининг ўрнига оилани таъминлаб турмоққа мажбур бўлди. Мамлакатда юз берган кейинги сиёсий ўзгаришлар бу хизматга ҳам чек қўйди.

Ҳусайн ҳали оила қурмаган. Уйда онаси Ситорабону, укаси Маҳмуд уювлари хизматчилари билан яшайдилар.

Бир куни кечки овқатдан сўнг Ҳусайн одатдагидек китоблар мутолаасига киришиш тадорикида эканида унинг хонасига онаси кириб келди. Ҳусайн дарҳол ўрнидан туриб онаси билан саломлашди. Ситорабону қирқ ёшлар атрофида ҳали чеҳрасида гўзаллик нурлари ўчмаган, юлдузи иссиқ аёл эди. Она ҳар иккала ўғлини ҳам жондан ортиқ севар, айниқса Ҳусайннинг илм соҳасидаги ютуқларидан ифтихор қилар, унинг келажакда буюк олим ва фозил бир зот бўлиб етишмоғини орзу қилар эди.

Ҳусайн ҳам онасини қаттиқ ҳурмат қилар ва она муҳаббатига чин фарзандлик садоқати ва муҳаббати билан жавоб қайтарар эди. Аммо уларнинг ҳар иккаласи ҳам шундай назокатли таъб эгаси бўлган киши-

лар эдиларки, ҳеч қачон бу чуқур туйғулар бирор йўсинда очиқ изҳор топмас эди.

Отанинг вафотидан сўнг Хусайннинг ёш бошига рўзгорнинг оғир юкини кўтариш ташвиши тушиб қолганидан она изтироб чекарди. Ситорабону яхши тикувчи бўлганидан ажойиб зардўзи либос ва ашёлар тикиб сотар, бу санъаткорона ҳунари орқали тузуккина даромад қилар эди. Шу билан она қўлидан келганича ўғлининг юкини енгиллатишга интиларди. Гарчи рўзгор бешинги бирор йўсинда тебраниб турган бўлса-да, ҳозирги бошбошдоқлик, талон ва харобгарчилик шароитида ёш олимнинг камол топиши қийин. Бунга зийрак онанинг ақли етади. Шунинг учун у ўғли Хусайн билан унинг келажаги тўғрисида жиддий маслаҳатлашмоқчи бўлиб юрар эди. Ситорабону жуда истиҳолали бўлганидан ва ўғлига муҳаббати баландлигидан бу суҳбатни кейинга суриб келди. Аммо ҳозир шундай шароит вужудга келдики, энди бу суҳбатни кечиктириб бўлмас эди.

Она ва ўғил кўрпача устида бир-бирига рўбарў ўтиришар эди. Ўғил тавозе билан она қаршисида бош эгган.

— Ўғлим,— деди она гап бошлаб, унинг сал босинқи овозида ҳаяжон ва изтироб туйғулари сезилиб турар эди.— Сиз келажак ишларингиз ва турмушингиз тўғрисида ўйлаб кўрдингизми?

Хусайн жавоб қилмади. У онасининг бу саволга қандай жавобни ўзи кўрсатажагини кутар эди.

— Сиз,— деди она сўзида давом этиб,— бундан буён Бухорода қолиб илмий ишларингизни давом этдирмоғингиз қийин. Бошқа бир тинчроқ мамлакатга бориб у ерда беҳавотирлик билан илму фанда фазлу камол касб этмоғингиз даркор кўринадир.

Хусайн ўзи ҳам кўпдан бери шу фикрда эди. Аммо оиланинг аҳволи қандай бўлишидан хавотирланиб бу фикрни нари суриб келар эди.

— Унда сизларнинг ҳолингиз не кечур?— деди Хусайн.

— Биздан ташвиш чекмангиз. Мен Маҳмудхон билан отам ҳузурига Афшонага қайтаман. То замона тинчигунга қадар ўша ерда бўламан. Ундан сўнг ё оллоҳ, ё раззоқ! Тақдир нимани насиб этган бўлса, шуни кўрармиз.

Хусайн ўйланиб қолди. Замона нотинч. Оиланинг

келажаги ноаниқ. Ҳозир Бухорода содир бўлаётган воқеалар ҳар қандай илм ва фазлни маҳв этажак. Аммо Ҳусайн бирор бошқа ўлкага кетмоқ тўғрисидаги қарорга келмоққа иккиланар эди. Она ўғлидаги шу иккиланишни сездди ва ўз маслаҳатини қатъий таъкидлаб айтди.

Она ўз ўғлининг қаерда бўлса ҳам тирик ва соғ бўлиши, олим ва фозил бўлиб камол топмоғини чин юрагидан тилар ва шу мақсад йўлида ҳар қандай қурбонга тайёр эди.

Ситорабонунинг астойдил айтган гаплари Ҳусайн-га қаттиқ таъсир қилди. У она маслаҳатини қабул қилди ва Бухородан Хоразмга кетмоққа қарор қилди.

Бир ҳафтадан сўнг шукуҳли ёз тонгида Ҳусайн онаси Ситорабону ва укаси Маҳмуд билан хайр-маъзур қилишди.

Ташқари ҳовлининг ўртасида Ситорабону бўйи онасидан баланд новраста ўғлининг бир елкасига икки кафтини яқинлаштириб улўсифатлик билан фотиҳа ўқиди. Ҳусайн онаси қаршисида бош эгди, она ўғлининг пешонасидан аста ўпди ва унга оқ йўл тилади.

Уғил томоғига тиқилиб келаётган кўзёшини ичига ютди ва ҳўлланган кўзларини яширмақ мақсадида от устидаги хуржунни тўғрилагандай ҳаракат қилди, сўнг укаси ва хизматчилар билан хайрлашди ва шахдам отга минди. У қуёш чиқмасдан бурун Бухоронинг кунботар томонидаги дарвозасига етиб бориши ва у ерда Хоразм карвонига қўшилмоғи керак.

Тонг тинчлигини бузиб от одимлари тарақлади. Ҳусайн йўргалаб бораётган от устида яна бир бор қайрилиб уни кузатувчиларга қўлини кўтариб видо ишорати қилди. Бу олимнинг ўз онаси ва диёри билан абадий видолашуви эди.

# Хоразм

## ГУРГАНЖ ШАҲРИДА

1005 йил. Хоразм пойтахти — Гурганж. Бухоролик табиб ва ҳаким Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ Ибн Сино хоразмшоҳ Али ибн Маъмун хизматида. Эгнига тайласон ёпинган, бошига тахтаул ханак ўраган қорасоқол, қотма юзли йигирма беш яшар Абу Али Ҳусайн ибн Синони бу ерда шайх деб атайдилар. У ўзининг моҳир табиблиги, билимдон олим, фозил арбоб, одоб ва ахлоқда баркамол инсонлиги билан кўпчиликнинг ҳурмати, баъзиларнинг эса ҳасадини қозонган. Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун ўз даргоҳида бундай улуғ олимнинг хизматда экани шарафидан мамнун.

995 йили Али Ибн Маъмун Жанубий Хоразм давлатининг пойтахти Катни ўз тасарруфига киритди. Катда ҳукмронлик қилаётган африғийлар сулоласига барҳам берди. Шу билан Бутун Хоразм ўлкаси бир давлатга бирлашди. Бу марказлашган давлатнинг пойтахти Гурганж бўлиб қолди. Али Ибн Маъмун хоразмшоҳ унвонини олди. У ўз саройи ва давлатининг эътиборини кўтармоқ учун Мовароуннаҳр, Хуросон, Эронзамин ўлкаларининг машҳур олим ва шоирларини жам қилмоқда эди. Гурганжда Абу Саҳл Масиҳий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср ибн Ироқ, Ибн Мискавейҳ, Абул-Хайр Хаммор, Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ва бошқа кўп улуғ зотлар шулар жумласидан дирлар.

Хоразмшоҳнинг вазири ас-Саҳлий маърифатли одам бўлган. У Хоразмшоҳнинг режаларини усталик билан амалга ошириб Гурганжнинг илм-фандаги эътиборини борган сари оширар эди. У олим ва шоирларга доим ёрдам кўрсатар, олимлар учун керакли ашё ва асбобларнинг ҳозирлаб берилишини кузатиб борар эди. Шундай қилиб XI асрнинг бошларида Хоразмда Али ибн Маъмун ҳукмронлиги даврида катта

бир илмий гуруҳ ташкил топди. У тарихда «Маъмун Академияси» номи билан машҳурдир.

Бу ерда илмнинг турли-туман соҳалари бўйича илмий ишлар яратилди. Физика, математика, астрономия, табобат, қонуншунослик, тарих, фалсафа, шеър илми юксалди. Гурганжнинг илмий шуҳрати атроф мамлакатларга ёйилди.

«Маъмун Академияси»даги кўп олимлар қомусчи олимлар эдилар. Улар ўша даврда маълум бўлган барча илмлардан мукамал билимдон бўлганлар. Шу билан бирга уларнинг ҳар бири ўзининг махсус ихтисосига эга бўлиб, бу соҳада унга баробар келадиган бошқа олим топилмас эди. Абу Райҳон Беруний астрономияда, Абу Хаммор математикада, Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ табобатда, Ибн Мискавейҳ тарихшуносликда донг қозонган эдилар.

Яқинда Бухородан келган табиб ва ҳаким Абу Али ибн Абдуллоҳ ибн Синога Гурганжнинг боғқўча маҳаллаларидан ҳовли берилди. Унинг тирикчилиги ва илмий ишларига оид харажатларни қоплайдиган миқдорда маош тайин қилинди.

Табиб истиқомат қилмоқда бўлган маҳаллага эрта тонгдан ҳар хил беморлар йиғила бошлайдилар. Табиб уларнинг ҳар биттасини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади, дори-дармон тайин қилади. Беморларни кўриб бўлгач, одатдагидек илмий асарлар устида ишлайди, ўқийди, ёзади. Тушдан кейин хизмат, олимлар суҳбати, илмий мубоҳасалар, кечқурун яна ижод.

Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино, ёки қисқачароқ қилиб айтганда Шайх Абу Али бирор соат фурсатини ижод ва илмдан ташқарида сарф этмайди. Шу йўсинда кунлар, ҳафталар, ойлар ўта боради.

## БОЗОР

Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун ўз шавкатидан мамнун. Даврнинг барча улуғ уламози унинг даргоҳида жам бўлганлар. Илмий баҳслар, шеърый суҳбатлар, май базми, дилбар рақслар, жонфизо куйлар шоҳ саройида авжида, улар салтанат аҳлига роҳат ва шон багишлайдилар.

Аммо шаҳар билан қаср ҳаёти ўртасидаги фарқ ер билан осмонча. Лой томлар, кесак деворлар билан тўла шаҳарнинг киндиги бозор. Бозор майдонларида

бир томонда дон-дун тўла қоплар хирмон каби уюлган. Қишлоқлардан келган савдочилар бу буюмлар устида тунайдилар. Матолар тўла дўконлар расталарда саф тортганлар. Бозорнинг бошқа майдонида қул савдоси. Бу ерда ёш қизлар, барваста йигитлар, баркамол жувонлар, болалар мол бозорида қўй, мол, от, эчкилар сингари харид қилинадилар. Баланд тимлар остида харидор ниманики тиласа, ҳаммаси мавжуд. Ҳар томонда одам гиж-гиж. Ҳар қадам-ҳар қадамда қаландарлар, гадолар тентирайдилар. Улар ўтган-кетганга пашшалардек ёпириладилар, тилана-тилана кетидан узоқ борадилар. Деҳқонлар бозорга келтирилган нарсаларини сотиб, тушган пулига ҳеч нарса келмасидан тажанг бўлиб раста оралаб кездилар. Ҳар ёнда қуллик, қашшоқлик, йўқчиликнинг оғир ҳавоси нафасни бўғади. Муҳтожликдан эсини йўқотган баъзи бировлар наша, кўкнор, шароб билан ўзларини овутмоқчи бўладилар. Чанг тупроқ тўзонидан рангрўйи бўзарган чиркин либосли бангилар дунё ғамидан қутилгандек чекка-чеккада мункайиб қотган ёки беҳуш юмалаб ётадилар.

Бошида унча катта бўлмаган оқ салла, эғнида оддийгина чопонли, соч-соқоли мош-гуруч бўла бошлаган бир одам индамай бозор бўйлаб кезади. Унинг ёнида қотмадан келган баланд бўйли, қора соқол-мўйлаби ияги ва юқори лабларининг устини аранг қоплаган оддий, кўзга ташланмайдиган кийимли бир йигит аста қадам ташлайди. Иккала ҳамроҳ ўйчанлик билан йўл босадилар. Улар бирор дўконда савдо қилмайдилар, атрофни тўлдирган дўконларда уюлиб ётган молу матоларга қарашмайди. Бу йўловчиларнинг кўзлари одамларда. Мана бозор майдонларидан бирида майда-чуйда нарсалар билан савдо қилувчиларнинг сафи. Улар ерга ўтириб олганлар. Олдиларида турли-туман лаш-лушлар сочилиб ётипти. Чордана қуриб ўлтирган бир қўлли мўйсафид олдидаги латта устида ётган икки-учта занглаган қулф, бир ҳовуч мих, беш-олтита темир-терсакларни бўлак бошқатдан териб чиқмоқда. Нарироқда кўзи оғриқ, хароб кийимли бир хотиннинг олдида ҳеч ким олмайдиган икки-уч кир халта, тандирга нон ёпганда кийиладиган енг, икки-уч эски дўппи ёйилиб ётипти. Хотиннинг ёнида уч-тўрт ёшли касалванд бола. Ундан нарида устида жулдур латталар илинган, очликдан шишиб кетган бир

гадо тиланиб ўлтиради. Бозорда майиблар, касаллар, бангилар кўп.

Ҳар иккала йўловчи бу ожиз кимсаларнинг ҳолига ачиниб боқадилар. Уларнинг дардқаш назарида бу майибларнинг ҳолини енгиллаштириш ўйи борлиги қарашларидан аён.

Бозордан чиқиб ҳамроҳлар Гурганжнинг катта кўчасига чиқдилар. Йўл усти улар пештоқлари зарҳал нақшлар билан безалган бир дўконга кирдилар. Дўконда бахмал тўн ва заррин дўппи кийган семиз дўкондор ва унинг икки хизматчиси харидор йўқлигидан бекор ўтирар эдилар. Қирган кишиларни кўрган заҳотиёқ дўкон эгаси салчиб ўрнидан туриб уларга салом берди ва ҳар иккалаларини ҳам ҳурмат ва хурсандлик билан қарши олди.

— Ассалому алайкум вазир ҳазратлари, қадамларига ҳасанот, хуш келибдилар, марҳабо, марҳабо. Ассалому алайкум табиб ҳазратлари.

Иккала хизматчи турган жойларида қирганларга эгилиб таъзимда қотган эдилар.

Мош-гуруч соқолли киши Хоразмшоҳнинг вазири Абул Ҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ас Саҳлий, унинг ҳамроҳи эса табиб Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ Ибн Сино эдилар.

Қирганлар дўкондорнинг саломига алик беришди. Дўкондор уларни тахта супага таклиф қилди. Учовлари супа устидаги кўрпачаларга ўлтиришди. Фотиҳадан сўнг хизматчилардан бири дастурхон ёзиб нон, ширинлик, чой ва шарбат келтирди.

Вазир дўкон эгасини яхши танир, у билан унчамунча ошнолиги бор эди. Шунинг учун шаҳар кўчалари ва бозорни айланиб бўлгач, озгина ҳордиқ чиқармоқ учун бу дўконга қирган эди.

Вазир дўкон эгасига деди:

— Биз жаноб табиб билан шаҳар аҳволини ҳеч кимга билдирмай кўриб юрибмиз?

— Таассуротлари қандайдир?— эҳтиёткорлик билан сўради дўкондор. Вазир индамади. Дўкондор ўз саволига ўзи жавоб бериб деди:

— Жаноб подшоҳи олам аъло ҳазратлари ва у улдуғ зотнинг муборакпаноҳ вазири одилларининг давлатлари кўланкасида фуқаро ҳар қанча шукроналар қилса оз. Илоҳо шоҳ ҳазратлари ва уларнинг элпар-



вар аркони давлатларининг умрлари узоқ, давлатлари барқарор ва мустадом бўлсин.

— Бу яхши ниятларнинг амалга ошмоғи учун одамларнинг танлари соғ, руҳлари енгил бўлмоғи ва бундай давлатни сақлай билмоқлари даркор,— деди табиб.

— Бу фикрингиз ниҳоятда мақбул,— деди дўкондор.— Аммо саломатлик ҳифзининг қоидалари айтилган китоблар битилса, уларни ўқиб одамлар ўша қоидаларга риоя қилиб саломатлик ҳушвақтлигини сақлай олар эдилар.

— Одамларни саломатликни сақлашга ўргатувчи китоблар озми-кўпми бор,— деди вазир суҳбатга араллашиб.— Аммо баъзилар улардаги қоидаларга риоя қилмай ўз соғлиқларига путур етказдилар. Путур етгач, не қилмоқ керак, қандай қилиб танага ва руҳга ёпишган иллатлардан қутулса бўлади, нималар қилиб бемор ўз соғлиғини тикламоғи мумкин. Ана шу борада китоб ёзилса мақбул бўлар эди.

Вазирнинг кўз ўнгидан бозор майдонларидаги майиблар, касаллар, бангилар бирма-бир ўтди. Аслида инсофли, олим ва фозил бу одам ташвиқот, маърифат ёрдамида касалликлар, қашшоқлик ва очликни йўқотса бўлади, деб ишонар: адолатсиз маҳкама эгалари, қаллоб ва фирибгар судхўрлар, бешафқат хўжайинларнинг зулми бу иллатларни туғдиражagini тушунмас эди. У зулм ва ноҳақликнинг заҳарли дарахтини қуритмоқ истар, аммо унинг томирларини эмас, айрим бутоқларини кесмоқ билан уни ўзгартирмоққа интилар эди.

— Агар шу билан эл соғлиғи сақланадиган бўлса, шундай китоб ёзилгани бўлсин,— деди табиб.

— Инсон ўз сиҳатини сақламоғи учун,— деди вазир,— ҳаво, ҳаммом, озуқа, сув ва турли ичимликлардан тўғри истифода этмоғи керак. Бу ишларда йўл қўйилган хатолар, яна ҳаракатлар, бўшалишлар ва ўзга ишлардаги қусурларнинг тузатилиш усуллари ўша китобда кўрсатилмоғи даркор.

Табиб бу вазифани ўз уҳдасига олганини билдириб вазирга бош эгди.

— Муҳтарам табиб ҳазратлари,— деди дўкондор,— сиҳатни сақлашдаги хатоларнинг оқибати қанчалар мудҳиш эканлигини бошдан кечириб ўтирибмиз. Менинг опам узоқ йиллардирки, сил касалига мубтало

бўлган. Қилинмаган дори-дармон қолмади. Улар фойда ўрнига фақат зарар етказди. Мана ҳозир ҳаммамиз оллоҳнинг иродасига бўйин эгиб қазога ризо бўлиб ўлтирибмиз.

Дўкондорнинг овози сал қалтираб кўзларида ёш айланди.

Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ гарчи ҳар куни не-не мажруҳ ва майибларни кўздан кечирса-да, унинг кўзи ва кўнгли инсон бошига тушган бахтсизликларга ҳеч кўникмас, у ҳамиша барча дард ва аламларга қарши кураш кайфияти билан тўла эди. Табиб сил касалидан ўлаётган жувоннинг бўздек оқарган юзи ва эти суюгига бориб ёпишган гавдасини кўз ўнгига келтирди. Бозор майдонларидаги оч-яланғоч, касал ва мажруҳлар аҳволдан туғилган оғир таассуротга бу ҳам қўшилди. Эл бахтсизлиги зангларини оз бўлса-да, кетказмоқ учун ҳали табиблар қанча меҳнатлар қилмоқлари керак!

— Беморни менга бир кўрсатингиз,— деди табиб дўкондорга.

— Марҳаматлари учун ташаккур,— деди дўкондор, дастрўмоли билан кўзларини артиб,— орзуйимиз шу эди. Жаноб вазир ҳазратларининг бу кулбага ташрифи олийлари туфайли эзгу тилагимизнинг ижобат бўлмоғига шукроналар қилурмиз.

Вазир, табиб ва дўкондорнинг суҳбати яна бир оз давом этди. Сўнг меҳмонлар дўкондор билан хайрлашиб кўчага чиқдилар ва сарой сари йўл олдилар.

— Маҳкама эгалари, девон ходимлари, қозилар ҳақиқий аҳволни биздан яширадилар, ёлғон хабарлар етказиб шоҳни ва аркони давлатни алдайдилар,— деди вазир Абул Ҳасан ас-Саҳлий йўлда кетаётиб дўсти табиб Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳга.— Шунинг учун гоҳо киши билмас шаҳарга тушмоқ, эл аҳволдан шахсан огоҳ бўлиб турмоқ биз учун вожиб, хизмат учун фойдалидир. Хизмат эса эл сиҳати, улуснинг барқарор ва баркамол бўлмоғига қаратилиши шарт. Бу борада сизнинг ёзадиган китобингиз ҳам катта наф етказажак.

Уша куни кечқурун табиб Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино ўзининг вазир Абул Ҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳлий топшириғига кўра ўйлаган китобини ёзишга киришди. Бир неча муддат ўтиб бу китоб ёзилиб битди. Унинг номи «Дафъил-мизор ал

кулийа ан албадан ал инсонийа батадорики ан ва хатоат-тадбир» («Тадбирдаги турли хатоликлар ту-файли инсон баданида юз берадиган касалликларни кетказиш») деб аталади.

## СИЛНИ ДАВОЛАШ

Кузнинг бошланиши. Дарахтларнинг барглари саргая бошлаган, лекин хазонрезгилик ҳали бошланганча йўқ. Куз гуллари гарчи латофатини сақлаган бўлса-да, одамлар назари уларга тушмайди.

Одатдагидек барвақт турган Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ нонуштадан кейиноқ дарҳол беморларни кўришга киришган. Бу иш ҳар кун икки соатча вақт олади. Охирги беморни кузатиб бўлгач, табиб ичкари ҳовлидаги иш хонасига ўтди ва хонтахта ёнига ўлтириб унинг устида очиқ қолдирилган китобни қўлига олди ва уни тўхтаган жойидан қараб чиқа бошлади. Табиб бир соатча китоб билан танишгач, сал толиқди шекилли, ўрнидан турди ва хонадан чиқиб ташқари ҳовли сари йўл олди. Ташқари ҳовлига чиққач, хизматчи келиб табибга кимнингдир сўраётганини айтди.

— Айт, кирсинлар,— деди табиб. Кўча эшикдан ўрта бўйли, тўла жуссали, оқ салла ва сарғиш авра тўн кийган бир киши кириб кела бошлади. У яқинроқ келгач, табиб дўкондорни таниди. Улар саломлашишди. Дўкондор табибга нотоб опасини кўрсатмоқ мақсадида келганини билдирди. Табиб ва дўкондор биргалашиб бемор ётган ҳовли томонга йўл олдилар.

Улар бир неча кўчаларни босиб ўтиб ниҳоят бир торкўчага кирдилар. Дўкондор табибни устида болохонаси бор дарвозадан олиб ўтиб каттагина бир ҳовлига олиб кирди. Сўнг ҳовлининг икки чеккасидаги қатор уйлардан бирига бошлади.

Мўъжазгина уйнинг тўрида кўрпа-ёстиқ қилиб бир бемор аёл ётипти. Ёши қирқдан ошган, ранги сап-сарик, нурсиз кўзлари ичига чўкиб кетган, кўрпа остидаги ингичка қомати пилтакачдек чўзилган. Беморнинг чеҳрасига ўлим сояси тушган. У оғир нафас олади. Уйда мотам шарпаси кезади. Беморнинг бошида бир кампир пичир-пичир дуо ўқиб ўлтирипти. Кампир гоҳо олдидаги чойнакдан бир пиёлага чой қуйиб беморнинг лабларига томизади. Бемор тамшаниб-тамшаниб у қатрани ютади. Уйдагилар бемор-

дан умид узганлар. Улар охирги соатни итоат билан кутмоқдалар.

Хусайн ибн Абдуллоҳ бемор билан саломлашиб оҳиста унинг ёнига чўкди. Табиб беморнинг чўпдек озғин билагини қўлига олиб томирини ахтариб топди ва уни бир оз вақт ушлаб турди, сўнгра кўрпани кўтариб кўкрагига назар солди. Беморнинг чўкиб кетган кўкси сезилар-сезилмас кўтарилар, ҳар бир нафас олиш беморга қанчалик машаққатли экани сезилиб турарди. Табиб касални диққат билан кўриб бўлгач, унинг укасига деди:

— Нотоблик анча ўтиб кетган экан. Йигирма йилча бўлибди. Нега илгарироқ олдини олмадингиз?

— Бошида билолмай қолдик. Кейин кўрилган чоралар эса кор қилмади. Сиз тўғри айтдингиз, бечора опамиз йигирма уч йилдан бери бу дарди бедавонинг азобини чекадилар.

— Сил касалига йўлиққан кишининг ҳоли айниқса кузда оғирлашади. Ҳозир худди шу мавсум келган. Шунинг учун беморнинг ҳоли мураккаблашган. Иншооллоҳ, шифо топармиз.

Сўнгра табиб беморга юзланиб деди:

— Хавотир бўлмангиз. Шифолаймиз. Соғайиб, ҳеч нарсани кўрмагандай бўлиб кетасиз.

Беморнинг лабида табассумга ўхшаш бир қимирлаш пайдо бўлди, унинг нигоҳида умид бир порлаб яна ўчди.

Хусайн ибн Абдуллоҳ хонадан ҳовлига чиқди. Унинг кетидан беморнинг укаси — дўкондор ҳам чиқди. Табиб унга қатъий оҳангда деди:

— Мотам тадорикини тўхтатингиз. Тирик одамга аза тутмоқ мумкин эмас. Ўзингиздаги, айниқса бемордаги умидсизлик кайфияти ўша мудҳиш муҳлатни яқинлаштиради холос.

Шундан сўнг табиб беморга қандай таомлар бермоқ ва нималар қилмоқ кераклигини муфассал таъкидлаб айтди. Хушҳидли кўк ўтлар, зираворлар билан араштирилган таомлар берилсин. Бемор гулларни кўпроқ ҳидласин, тинч ва беҳаракат ётсин. Хафалик келтирувчи хабарлар ва гаплар айтилмасин. Бемор ҳар куни жулажўбин (гулқанд) истеъмол этиб турсин. Уни ҳатто нон билан эса ҳам бўлаберади. Қанча кўнгли кўтарса, шунча еяберсин. Яна эчки ва эшак сути ичкизиш керак. Агар янги фарзанд кўрган хотиннинг

сути берилса яна яхши. Хусайн ибн Абдуллоҳ уй эгасига яна бошқа дориларни ҳам айтди ва уларни бориб хизматчисидан олмоқни тайинлади.

Сил хотинни даволаш узоқ давом этди. Беморнинг укаси опасига жуда ғамхўр чиқди. У табибнинг айтганларини муттасил амалга ошира борди. Беморга у шунча жуланжўбин (гулқанд) топиб келиб егиздики, эшитганлар ишонмаслиги ҳам мумкин. Табиб вақти-вақти билан беморнинг аҳволидан хабар олиб турди. У беморнинг ҳолида ўзгариш содир бўлган сари янги-янги дори-дармонлар тайинлай борди. Ҳафталар, ойлар шу зайилда кечди. Аста-секин беморнинг ранги очилиб, чеҳрасига тушган ўлим кўланкаси чекина бошлади, қарашларида илиқлик пайдо бўлди. Фойдали таомлар, дори-дармонларни мунтазам қабул қилиш, режимнинг эҳтиётлилиги, атрофидагиларнинг мотамкашлиги эмас, аксинча шифога умид ва ишончи беморга яхши таъсир қилди. Унда иштаҳа пайдо бўлди, секин-секин танига эт ўна бошлади. Шу йўсинда бир йилча вақт ўтди. Бемор аёл ажал чангалидан қутилди, секин-аста семира борди ва бора-бора бутунлай соғайиб кетди.

## САФАР

Ёз оқшоми. Атрофга ғира-шира қоронғилик чўккан. Катта боғ ичида фавворалар эркин ўйнайди. Чаман-чаман очилган гуллар гулзор устини оқ рангли гилам сингари қоплаган. Ғир-ғир эсган шаббодалар гулларнинг хуш бўйларини ҳарёнга ёядилар. Катта, тўрт томони очиқ, шиллари ва устунларига ранг-баранг нақшлар ўйилган равоқ. Унинг ўртасида қандилларда шамлар ёнади. Атрофга солинган кўрпачаларда ўлтириб бир гуруҳ одамлар шавқ билан суҳбат қурмоқдалар. Уларнинг ҳаммаси бой безакли жомалар кийган. Кўпларининг олдида китоблар очиқ, баъзиларнинг қўлида қоғоз ва қалам. Бу Хоразмшоҳ қасридаги олимлар анжумани. Анжуман қатнашчилари фалсафа, мантиқ, астрономия, тиб, фикҳ, математика ва бошқа фанлар бўйича баҳс қилмоқдалар. Ҳаммалари билимдонлик, ҳозиржавоблик, баҳсдаги маҳорат шуълаларини сочдилар, бир-бирларининг фикрига одоб билан, нафис жумлаларда, ёқимли овозда қатъий эътироз билди-

радилар. Бу билим, зукколик, юмшоқлик, аммо ўз фикрида собитқадамлик намоиши.

Шайх Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳнинг бугунги тортишувлардаги иштироки сушт. У бир чеккада хо-муш ўлтирипти. Нима учундир эрталабдан бери улуғ табибнинг кўнгли ғаш. Сабабини ўзи билмайди. Аммо бундай кайфият қандайдир яқинлашиб келаётган но-хушликнинг белгиси эканини сезади.

Сухбат бир меъёрга етиб олимлар озгина танаф-фус қиладиган бўлишди. Абу Саҳл Масиҳий Шайх Абу Али ҳузурига келиб уни ташқарига таклиф қил-ди. Ҳар икки олим боққа фавворалар отилиб турган йўлкага чиқиб секин сайр қила бошлашди. Оқшом тун-га ўтиб бормоқда. Қоп-қора осмоннинг кўп сонли кўз-лари жимир-жимир милтиллади. Боғда қушлар жаранги фаввора садоларига қўшилиб янграйди. Дим ҳаво сув зарраларини ҳарёнга элтаётган шаббо-да таъсирида тебрангандай бўлади.

Абу Саҳл Масиҳий ўз суҳбатдошини боғнинг хо-лироқ чеккасига бошлади. Улар кўз илғамас бир жой-га етишганда Масиҳий деди:

— Шайх, сиз ва мен учун жуда муҳим бир хабар бор.

Шайх Абу Али қизиқсинди:

— Не хабар экан?

— Бугун кундузи вазир ас-Саҳлий мени ўз ҳузур-ларига йўқладилар. У киши айтдиларки, Ғазна под-шоҳи Йаминуд-давла Султон Маҳмуд Ғазнавий Хо-размшоҳга мактуб йўллаганлар. Бу мактубда Султон Маҳмуд Хоразмдаги олимлар ва табибларни ўз дар-гоҳида кўрмоқни истаганини ёзган. Шунинг учун яқин кунларда ҳаммамиз Ғазнага жўнашимиз керак бўлар. Лекин бу мактубни келтираётган элчи ҳали Хоразм-шоҳ ҳузурда бўлганича йўқ. Уни шоҳ эртага қабул этадилар. Менинг шахсан Султон Маҳмуд ҳузурига бормоқ ниятим йўқ. Чунки мусулмон дунёсининг фотиҳ султони билан бир бечора христиан олими ўртасида дўстлик бўлмас. Шунинг учун мен шу тундаёқ Хо-размдан кетмоқчиман. Шу гаплардан сизни огоҳ эт-моқ мақсадида бу ерга чорладим.

Шайх Абу Али ўйланиб қолди. У Султон Маҳмуд Ғазнавий тўғрисида кўп нарса эшитган. Султоннинг ислом байроғи остида тутган йўли илм ва ҳур фикр-лиликка зид экани унга аён. Айниқса қарматларга

султоннинг ашаддий душман экани маълум. Бир умр шундай мустабид подшоҳга тобе бўлмоқ олим учун қанчалар мушқил бўлажаги аниқ. Бир оз тараддуддан сўнг Шайх Абу Али суҳбатдоши ал-Масиҳийга деди:

— Мени Хоразмда боғлаб турган бирор илинжим йўқ. Оила, бола-чақаларим ҳам йўқ. Елғизман. Шунинг учун Султон Маҳмуд қўлидаги бандаликдан кўра эркин дарбадарлик мен учун афзал. Қаердаки, инсонлар яшаса, табиб уларга керак. Шунинг учун мен ҳам сиз билан бирга кетганим бўлсин.

Икки олим шу кечасиёқ Хоразмдан Журжон сари йўл олмоққа жазм қилдилар.

Боғдан чиқиб Шайх Абу Али ўз ҳовлисига жўнади. У сафар тадорикини кўриши лозим. Ал-Масиҳий эса бу қарордан вазир ас-Саҳлийни огоҳ этиб сўнг Шайх ҳузурига келади. Улар тонготарда йўлга чиқадилар.

Уша кечаси Хоразм осмонида тонг нурлари жило бермасдан бурун уч туядан иборат кичик бир карвон Гурганж шаҳрининг жанубий дарвозасидан чиқиб кетди. Вазир ас-Саҳлий махсус тайинлаган йўл бошловчи бу карвонни шаҳардан чиқариб юбориш тўғрисидаги фармонни дарвозабонларга етказган ва йўлчиларни ўзи бошлаб олиб кетмоқда эди. Уч туя Гурганждан анча узоқлашганларида фалакда субҳи козиб ўрнини субҳи содиқ эгаллади. Олдин осмонда суёт ёруғлик пайдо бўлди. Сўнг бу ёруғликнинг ўчмас манбаи секин-секин юз кўрсата борди. Сўнг унинг чеҳрасидан таралган ёрқин нурлар Хоразм ўлкасини бошдан-оёқ чулғади. Тонг отди.

Гурганждаги шоҳ қасрида Султон Маҳмуднинг элчиси Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмунга ўз подшоҳининг Хоразмдаги олимларни Ғазнага жўнатмоқ тўғрисидаги номасини топшираётган вақтда Шайх Абу Али ва ал-Масиҳий Қорақум саҳросининг Султон Маҳмуд қўли етмайдиган қаърига чўмиб кетган эдилар. Сафарнинг биринчи куни тинч ўтди. Иккинчи куни ҳам одатдагидек кечмоқда. Куёш тиккага келган. Атрофда аҳёнда бир гуж саксовуллар кўриниб қолади. Йўлни кесиб катта калтакесаклар чопадилар. Беҳисоб қум уюмлари туяларнинг оёғи остида уваланади. Кажавалар бир меъёрда тебранадилар. Йўлбошловчи ишонч билан ўз туясини дадил ҳайдайди. Ҳаво ҳаддан ташқари иссиқ. Осмон очиқ. Ҳар тараф ёп-

ёруғ. Бундай ҳавода карвон йўлдан адашмайди. Туш пайти сафарчилар тўхтаб бир туп катта саксовул соясида озгина овқатланиб олишди ва ҳордиқ чиқаришди. Туялар ҳам ерга чўкиб озгина дам олгандай бўлдилар. Кун тикдан оғиб ғарб томонга ёнбошлай бошлаганда карвон қўзғалди. Агар шундай қулай ҳаво бўлиб турса сафарчилар икки ҳафта орасида кўзлаган манзилларига етиб оладилар.

Кун муҳит сари оға бошласа, ўз қадамини тезлаштиради. Қуёш секин-секин улкан бир кулчага айлана борди ва бу кулча тезда ер курраси ортига чўкиб кетди. Атрофни қоронғилик боса бошлади. Сахро усти оз фурсатда зим-зиё қора чодир билан қопланди. Осмонда милт этган юлдуз кўринмайди. Ҳаммаёқ тимқора. Худди ер билан осмон қўшилиб кетгандай. Вақт ярим кечага яқинлашди. Карвон бир саксовулзор яқинида тўхтади. Туялар ерга бағирларини бериб мудрайдилар. Уч ҳамроҳ туялар биқинида солинган кигизларга ёнбошлаганлар. Шу пайт секин эсаётган шамол кучая бориб қаттиқ бўронга айланиб кетди. Бу Қорақум самуми. Сахродаги ёлғиз йўлчилар учун бундан оғир бебахтлик бўлмайди. Шамол зўридан қумтепалар югура бошладилар. Йўлчилар ўринларидан турдилар. Улар туяларни ҳам турғаздилар. Агар кишилар ҳаракатда бўлмаса, уларни дарҳол қум кўмиб ташлайди. Карвон йўлга отланди. Атрофда ҳеч нарса кўринмайди. Мўлжал бутунлай йўқ. Ал-Масиҳий кундузи иссиқ тобидан анча бўшашиб қолган эди. Унинг юраги қаттиқ санчар, ўзи беҳол, танасини совуқ тер босиб кетган. Шайх Абу Али ҳамроҳини кечқурун бир оз муолижа қилмоқ нияти бор эди. Аммо тунги самум уларни гангитиб қўйди. Бемор ал-Масиҳий кажавани устида зўрға ўлтирар, шамол кажавани иргитиб ташлагудай тебратар эди. Йўлчилар йўлдан адашдилар. Минг азоб-уқубат билан ҳамроҳлар тунни ҳаракатда ўтказдилар. Ниҳоят тонг ёришгандай бўла бошлади, самум секин-аста босилди. Қуёш чиқди. Адашган, тунни билан тентираб чиқиб толиққан уч ҳамроҳ Қорақумнинг қоқ ўртасида қай томонга боришини билмай сарсон эди. Ал-Масиҳийнинг ҳоли ёмон эди. У ҳамроҳларини тўхтатмоққа таклиф қилди. Учовлари бир саксовулзор ичида тўхтадилар. Кун тиккага келган, ҳаво ғоят қизиган бир пайт. Ҳамроҳлар ал-Масиҳийни саксовулнинг чала соясига ётқиздилар. Бемор гоҳо беҳуш,



гоҳо ҳушига келар, кўзи юмуқ эди. Шайх Абу Али унинг лабларига сув томизди. Бемор ҳатто шу сув қатраларини юта ҳам олмас, унинг ёпиқ лабларидан сув четга оқар эди. Шу ҳолда бечора ал-Масиҳий ҳамроҳлари билан видолашиб абадийлик дунёсига ўтди.

Шайх Абу Али ва йўлбошловчи марҳумни шу ерда қум остига кўмдилар. Шайх фотиҳа ўқиди. Бир оз вақт ўтгач, қолган икки сафарчи йўлга равона бўлишди.

Бошқа кунлар тинч ўтди. Гўё саҳро самуми ал-Масиҳийнинг жонини олмоқ учун қўзғалган экан. Йўлдан адашган кичик карвон Журжон қолиб кетиб унинг тескари томонидаги Нисо шаҳаридан чиқди. Шайх Абу Али бу ерда йўлбошловчининг хизмат ҳақини тўлаб, уни ризо қилиб Хоразмга қайтарди.

Нисода бир оз вақт яшагач, бу ерда унчалик иши юришмаган табиб Нисодан Обивардга, ундан Тусга, ундан Шиққон, Саманқон Жожурм деган жойларга кўчиб ўтди. Аммо бу ерларда у ўйлагандек тинлик топилмади, муқим яшай олмади. Шайх, ниҳоят, орзу қилган манзил — Журжонга етиб келди. У Журжон подшоҳи Амир Қобус хизматида бўлмоқни ният қилган эди. Аммо у келган вақтдан сал илгари Журжонда исён бўлиб Қобус исёнчилар томонидан бир қалъага қамаб қўйилган экан, ўша қалъада амир дунёдан ўтди. Табиб Деҳистонга кетди. Ҳаммада ҳам иссиқ жон. Табиб ҳам шулар қатори. Деҳистонда Шайх Абу Али қаттиқ касал бўлиб қолди. Бегона шаҳар. Ҳеч бир яқин одам йўқ. Улуғ олим ғариблик, ёлғизлик аламинни шунда айниқса чекди. Аҳволи тузук бўлгач, Шайх яна Журжонга қайтди. «Ё шаҳри азимда бўл, ё кўҳи баландда» («Ё катта шаҳарда, ё баланд тоғ устида яшагин») деганлар. Дарбадарлик, ғариблик бу улуғ инсоннинг ҳам кўнглига раҳна солган эди. «Мен улуғ бўлганимда кенг шаҳар ҳам сиғдиролмай қолди, қимматим ошганда харидорсиз қолдим» деб таассуф ва ғамгинлик билан кўнглидан кечирар эди улуғ табиб. Аммо ҳаёт ҳамиша ҳам бешафқат бўла бермайди. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ойдиндир. Шайх Абу Али учун ҳам ойдин кечалар ва ёруғ кунлар келади. Унинг учун ана шундай кун ва тун хотиржам илм билан шуғулланмоқ, беморларнинг дардига даво қилмоқ, мазлумларнинг бошини силамоқ, шогирдларига илм ўргатмоқ инсониятга холис хизмат қилмоқ

учун керак. Олим ва табибнинг кўнглида шу олий мақсадлардан бўлак интилиш йўқ.

Шайх Абу Али Журжонда бир оз муқим яшади. Бу ерда унга Абу Убайд ал-Жузжоний келиб қўшилди. Илм ташнаси Абу Убайд улуғ табиб ва мутафаккир Шайх Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Синонинг олимлик ва фозиллик шуҳратини эшитиб унда дарс олмақни орзу қилар эди. Олимнинг Журжонда эканини эшитиб Абу Убайд бу шаҳарга етиб келди ва олимга шогирд ва садоқатли дўст бўлиш шарафига эришди. Кейинчалик Абу Убайд Жузжоний улуғ табиб билан ҳамиша ҳамдам ва ҳамнафас бўлди. Уларнинг дўстлиги ва ҳамдамлиги йигирма беш йил, то Шайхнинг вафотига қадар давом этди.

Шайх Абу Алининг таржимаи ҳолини Абу Убайд устозининг ўз тилидан ёзиб олган. Устознинг вафотидан сўнг Абу Убайд Жузжоний бу таржимаи ҳолни (у Журжонга келиш билан тугалланган эди) ўз кўзи билан кўрган ва билган Шайх ҳаётига оид далилларни киритиб тўлдирган.

Улуғ табиб ва мутафаккир Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳнинг бутун ҳаёт йўли билан изчил танишмоғимиз, унинг ёзган асарлари тўғрисидаги тасаввуримиз устознинг ана шу садоқатли шогирди Абу Убайд Жузжоний яратиб қолдирган «Таржимаи ҳол» туфайлидир. Шунинг учун ҳар иккала улуғ зотнинг номи ҳамиша биргаликда тилга олиниб келади.

# Журжон, Жабал, Рай

## ЗАРРИН ГИС ВА УНИНГ ДУГОНАЛАРИ

«Заррин гис»нинг маъноси «олтин соч» демакдир. Бу тиллоранг сочли қиз Журжоннинг марҳум ҳукмдори Қобус ибн Вушмагирнинг қизи (Ҳозирги подшоҳ Манучеҳрнинг синглиси). У Қобуснинг бошида ярақлаган юлдузи, фахру ифтихори, севикли фарзанди эди. Шоиртабиат подшоҳ Қобуснинг қаҳри қаттиқ, ҳукмлари кескин бўлган. Унинг зулмидан эл инграр эди. Агар бу подшоҳнинг табиатида бирор даража юмшоқлик уруғи бўлса, ана шу қизини кўрганда ўша уруғ кўкарар эди. Бундай пайтда қизига бўлган муҳаббати подшоҳ кўнглидаги зулм чақинларини ўчирар, шоирона руҳини ҳаракатга келтирарди. Эҳтимол, шу гўзал ўзи сезмаган ҳолда неча-неча мазлумларга чиқарилиши мумкин бўлган ўлим фармойишларини тўхта-тиб қолдиргандир.

Заррин гис ўн тўққиз ёшда. Унинг вужуди газаллардаги маҳбубалар тасвирига монанд. Сарғиш зулфи остида саф тортган қийғос қошлар, сузилган нигоҳ билан боқувчи шахло кўзлар, ханжардек саф тортган қора мужгонлар ақли вайрон қиладилар. Лаълдек қип-қизил гунча лаблари ортида гавҳар тишлар қатори беркинган. Табассум пайтида улар ўгринча мўралайдилар. Заррин гиснинг қомати сарв ниҳолини эслатади. У шўх силкиниб қадам ташласа, хиромига маҳлиё бўлиб бирор жон ундан кўз уза олмайди. Қизнинг бутун борлиғи кўнгилларни мафтун этувчи фусункор гўзаллик билан чулғонган.

Шайх Абу Али Журжондаги илм ва олимларнинг дўсти ва мухлиси Абу Муҳаммад аш-Шерозий совга қилган ҳовлида яшайди. Абу Алининг ҳовлиси Абу Муҳаммаднинг ҳовлисига ёнма-ён.

Бу пайтда Журжонда беморлар жуда кўпайиб кетган эди. Табиб ҳар куни эрталаб беморларни кўриб уларга дори-дармонлар тайинлайди. Шайх Абу Али

кўрган беморларнинг кўпи шифо топиб соғайиб кетадилар. Шу туфайли Журжонда ҳам, бошқа шаҳарлардаги каби моҳир табибнинг шуҳрати тез ёйилди. Тоза ҳаво бўғиқ муҳитни мусаффо қилганидек муъжизакор табибнинг шифобахш даволари шаҳардан беморлик дудларини ҳайдаб юборар эди.

Журжоннинг ҳозирги подшоҳи Манучеҳрнинг синглиси малика Заррин гиснинг энг яқин бир дугонаси бор эди. Улар бир-бирларидан сира ажралмас, бир-бирлари билан сирдош ва жуда иттифоқ эдилар. Маликанинг дугонаси бир кун и ўзини нотоб ҳис қилди. Унинг ўқтин-ўқтин юраги санчар, ранглари оқариб, нафас олиши оғирлашиб қолар эди. Заррин гис ўртоғига машҳур табиб Шайх Абу Алига кўринмоқни маслаҳат берди.

Ёз. Шаҳар эрталаб, ҳали кундузги иссиқ бошланмасдан бурун кун тадорикини кўрмоққа тушган. Дўконлар очиқ. Одатдагидек Шайх Абу Али ҳовлисининг олдида беморлар қатор. Табиб беморларни бирма-бир кўради, Абу Убайд Жузжоний табибнинг айтганларини ёзиб боради, дори қоғозларини ҳам у ёзиб беради. Шу пайт саройдан келган хабарчи табибни малика Заррин гис йўқлаётгани тўғрисида хабар келтирди. Табиб беморларни кўришни тугаллагач Жузжоний билан бирга сарой сари йўл олди.

Маликанинг шоҳона нақшлар билан безалган хонаси. Деворларда заррин безаклар. Хона сатҳига гулдор гиламлар тўшалган.

Табиб ва унинг шогирди хонага кириб келганларида бу ерда Заррин гис ва унинг бемор дугонасидан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Абу Али ва Абу Убайд салом беришди. Қизлар уларга одоб билан алик қайтардилар. Табиб бемор яқинига келди ва унинг ёнига чўкиб беморнинг қўлини ушлади ва томир тепишини тинглай бошлади. Шогирди зарур нарсаларни тайёрлаб турди. Озгина давом этган тadbирлар вақти тўрттала кўнгилда ҳам хилма-хил ҳаяжонли туйғуларни уйғотган фурсат бўлди.

Ўттиз икки-ўттиз уч ёшлардаги табиб Шайх Абу Али ўзининг йигитлик шуури, инсоний гўзаллиги, ақл, фаросати, одобдаги камолоти билан ҳар бир аёл кўнглига ғулғула солгудек эди. Ун тўққиз яшар малика Заррин гиснинг офтоб жамоли, оловли, жилвакор нигоҳлари эса ҳар қандай сипо кўнгилни ҳам ҳашак

сингари куйдириб юборади. Абу Али Заррин гиснинг мафтункор гўзаллигини унга кўзи тушган заҳотиёқ бор вужуди билан ҳис этди ва чин юрагидан унинг асири бўлиб бош эгди. Қиз ҳам табибга қандай таъсир кўрсатганини дарҳол фаҳмлади ва бундан мамнун эди.

Абу Убайд эса маликанинг дугонасига боқар экан, унинг латофатига маҳлиё бўлди. Қизнинг тимқора қош ва киприклари қора райҳон каби сочларига уйғун, оқ чеҳраси устидаги бир қора нуқтадек хол эса марварид тишлар кўринганида тикилиб олишни мўлжаллаган ўғридек лаъл лаблар ёнида жойлашган.

— Беморнинг аҳволи оғир эмас, иншооллоҳ, тезда соғайиб кетадилар,— деди табиб Шайх Абу Али беморни яхшилаб қараб чиққандан сўнг. У Заррин гисга қараб бериладиган дориларни айтди. Абу Убайд бу айтилганларни камоли диққат билан қоғозга ёзди, айтилган дориларни ўз халтасидан олиб бирма-бир ажратди ва малика ҳозиргина чақирган хизматчи аёлга узатди.

— Жаноб табибдан илтимосдирки, то нотоблик барҳам топгунгача келиб бохабар бўлиб турсалар,— деди Заррин гис.

— Бениҳоя мамнуният билан,— деди Абу Али маликага қараб.— Айтганларингиз лозимидан ортиқ даражада адо этилажак.

Заррин гис Абу Алига қараб ёқимли жилмайди. Бемор қизнинг гўзал чеҳрасида ҳам табассум пайдо бўлди. У Абу Убайд Жузжонийга ҳам табассум қилди.

Табиб ва унинг шогирди хайрлашиб хонадан чиқдилар. Улар икковлари ҳам бир сўз демай жим кетар эдилар. Шайх Абу Алининг кўз ўнгиде Заррин гиснинг порлоқ сиймоси акс этар эди. Абу Убайд Жузжоний эса маликанинг дугонасига кўнгил бериб маҳлиё бўлганди.

Ҳар иккала ғоят нозик фикрли ва серандиша одам бир-бирининг кўнглида нима бўлаётганини сезар эдилар. Аммо бу тўғрида улар бир-бирига ҳам, бошқа ҳеч кимга ҳеч қачон бир сўз демаяжаклар.

Табиб ва шогирди эртаси куни ҳам саройга келиб бемордан хабар олдилар. Қизнинг нотоблиги ҳеч қандай жиддий беморликка ўхшамас, у одатда ҳар кимда ҳам юз берадиган умумий беҳоллик эди. Бари бир табиб бу ҳолатни тамомийла барҳам этгунча муолижа қилди.

Тўрттала қалбнинг бир-бирига бўлган жозибаси ҳам кундалик қатновни тақозо қилар эди. Заррин гис сари отланиш фикрининг ўзи Абу Али қалбида бир шодлик уйғотар: у ана шу фурсатни бетоқатлик билан кутар эди. Абу Убайд ҳам ўша даргоҳ сари ошиқар, муолижа пайтида эса гоят катта диққат эътибор, ғамхўрлик кўргизарди. Қизлар эса табиб ва шогирдининг кўнглида нелар кечаётганини аллақачон сезган, шу сабабдан бу иштиёқни авж олдиarmoқ учун ўзларининг бор фусункорликларини ишга солар эдилар.

Заррин гисга машҳур табиб Шайх Абу Алининг унга нисбатан ҳис-туйғулари ёқиб тушар эди. Айёр қиз имкон борича бу туйғуларни севги йўлига йўлламоққа ҳаракат қилар эди. Шунинг учун у ҳар сафар табибнинг келишига янги хил либос ва безакларда беқиёс чиройига янгича жилолар бериб намоён бўлар, олимнинг кўнглига яқин бўлган илмий мавзуларда суҳбат қурар эди. Ҳар учрашганда бу ёш фитнакор Абу Али кўнглидаги ғулғула ошиб бораётганини сезар ва ўз муваффақиятидан мамнун бўлиб борган сари фаол ва ҳужумкорлик билан иш тутар эди.

Абу Али Заррин гиснинг латофати, гўзаллигига дил боғлади, унинг ёрқин сиймосини ҳамиша кўз ўнгида тутди. Аммо оқил ва фозил олим ўзининг бутун ирода қувватини сафарбар қилиб бу дил боғланишининг ечилмас ишқ тугунига айланиб кетмаслигига ҳаракат қилди. Чунки мусофир, дарбадар, кимсасиз табиб ва подшоҳ Қобуснинг севиқли қизи, Манучеҳрнинг синглиси ўртасидаги севги илдизи бахтсизлик замирида ўрнашгани аниқ. Яна табиб малика қизнинг кўнглида не борлигини билмайди. Унинг қалбидаги туйғулар ёшлик ўйноқилиги, беқарор юракнинг мақсадсиз талпинишлари эмасмикин? Ҳарҳолда Абу Али бу гўзал ва покиза вужудга бефарқ эмас, балки унинг фусункорлик домига жуда яқин келган, лекин ҳушёр сайд эди.

Заррин гиснинг дугонасиям ўз нотоблиги чекингани сари ўйчанроқ бўлиб қолди. Чунки у тамом тузалиб кетгач, бу учрашувларга чек етади. Унда машҳур табибнинг бу кўркем, юлдузи иссиқ, одобли ва камгап шогирди билан қаерда ва қандай қилиб кўришмоқ мумкин бўлади? Жузжонийнинг олижаноб сиймоси, юмшоқ ва покиза қалби қизни ўзига маҳкам боғлаб

олган эди. Йигит эса уни кўрган заҳоти маҳлиё бўлган, қиз буни аллақачон пайқаган эди.

Бемор бутунлай соғайиб кетди. Табиб ва унинг шогирди энди бу икки гўзал ҳузурига қатнамоқ саодатидан маҳрум бўлдилар. Абу Али буни яхшиликка йўйди. Кўздан йироқ, кўнгилдан йироқ. Бу узилиш Абу Али юрагида секин-секин ёна бошлаган ўтнинг устига сув пуркагандай таъсир кўрсатди. Абу Убайдга эса аксинча. Айрилиқ шамоли йигит қалбида тутаб ётган оловни ловиллатиб ёндириб юборди. Бечора ошиқ бу олов тобида тўлганар, севгилисини соғиниб ёдлар, дардини пинҳон сақлаб тоқатсизланар эди.

Бир куни эрталаб беморларни кўриш тугагач, устоз ва шогирд илмий машғулотга киришдилар. Жузжоний Батлимус (Птоломей)нинг «Алмажастий» китобини олиб уни ўқишга ҳозирланди. Жузжоний бу астрономияга оид асарни ўқир, устоз унинг муҳим жойларини шарҳлаб берар, шогирд эса ўша шарҳларни алоҳида дафтарга ёзиб борар эди. Жузжоний ўқий бошлади. Сўз жуғрофий узунликлар тўғрисида борар эди. Шайх бу тўғридаги шарҳини айта бошлади:

— Турли узунликларни аниқламоқ учун Ойнинг энг юқори кўтарилган ўрнини олмоқ керак. Бунинг учун эса кузатилмоқда бўлган жойнинг меридиани асос бўлади. Яъни Ой ана шу ўринда энг юқорига кўтарилган бўлиши лозим. Сўнгра узунлиги аниқ бўлган жой учун тузилган жадваллар ёрдамида ушбу қидирилмоқда бўлган жой узунлигини ҳисоблаб топса бўлади.

— Пайпаслаб-пайпаслаб топилар экан-да,— Жузжоний ёза туриб ҳазиломуз луқма қилди.

— Фақат илмий асосда пайпасланилади, кўр-кўрона эмас,— деди устоз унга жавобан.

Машғулот бир неча фурсат давом этди. Уни тугатишгандан сўнг Шайх саройдаги олимлар билан учрашмоққа отланди. Жузжоний эса уйда ёлғиз қолиб ёзганларини оққа кўчира бошлади.

## КУТИЛМАГАН УЧРАШУВ

Машғулот хонаси холи. Унинг қалин деворлари тинликни маҳкам сақлайдилар. Қуёш ҳовлининг нариги томонига ўтгандан бу хона унчалик ёруғ эмас.

Жузжоний хонтахтани дераза қаршисига кўчирди ва унинг ёнига ўтирганича эгилиб шарҳларни кўчириб ёзмоққа давом этди.

Шу пайт хизматчи кириб бир бемор аёл келганини хабар қилди. Жузжоний ўрнидан туриб беморлар кўриладиган хонага чиқди. Хонанинг кираберишида устига боши орқали ридо (ёпинғич) ёпган нозик ниҳолдек бир аёл турар эди. Йигит хонага киргандан сўнг аёл ёпинган ридосини очиб юзини кўрсатди.

Жузжонийни титроқ босиб кетди. Унинг рўбарўсида маликанинг дугонаси турар эди. Қизнинг оху кўзлари айёрона табассумни яширмоққа уринар, лаъл лаблари шўх кулгига мойил, латиф ёноқлари дилрабо майинлик касб этган, қаламқошлари чеҳрасидаги хушвақтликни кузатар эдилар. Қизнинг бутун вужуди учрашувга интиқлик сўнгидан мақсад манзилига етмоқ фараҳи билан тўла эди.

Абу Убайд тушумми ё ўнгимми, деб хаёлидан ўтказди. Чунки у ҳар кеча, ҳар кундуз шу мафтункор сиймонинг сувратини хаёлан томоша қилар, уни тушида кўрар, у билан кўришмоқ орзусида яшар, аммо бу учрашув насиб бўлар, деб хаёл ҳам сура олмас эди.

Қиз уй эгасининг ўзини йўқотиб қўйганини сизди. У мамнун бўлди. Чунки Жузжонийдаги бу эсанкираш қизнинг барча шубҳаларини йўққа чиқарди. Гарчи қиз, аёлларгагина хос зийраклик билан йигитнинг ўзига мафтун эканини билган бўлса-да, бунинг ҳозиргидек аниқ исботини кўрмаган эди.

Қизнинг ўзи бор вужуди билан бу олим ва фозил йигитга кўнгил берган, табиатан дадил ва тадбиркор бўлганидан бугунги учрашув йўлини ўйлаб топган эди.

У йигитга одоб билан салом берди. Йигит қизга алик қайтарди ва ичкари хонага таклиф қилди. Улар машғулот хонасига киришди. Абу Убайд меҳмонни кўрпачага ўлтирмоққа таклиф қилди. Қиз кўрпачанинг бир чеккасига ўлтирди. Йигит ҳам ўз жойига чўкди. Жузжоний хавотирлик билан қизга боқди ва сўради:

— Нотоблигингиз ўтиб кетмаган эканми? Қайтавлаш белгилари содир бўлдимми?

Қиз шўх табассум билан йигитга боқди ва деди:

— Наҳотки, сизлар фақат беморлар билангина мулоқот қилсангиз. Соғлар суҳбати сизларга тўғри келмасми?



— Бизнинг мақсадимиз ҳамиша ҳамманинг соғ ва саломат бўлмоғидир,— деди Жузжоний сал кулиб. У ҳамон ўзига келмаган эди. Қиз йигитнинг бундай аҳволини кўриб ташаббусни бутунисича ўз қўлига олди.

— Ундай бўлса бир беморингизга нисбатан бу мақсадингиз муяссар бўлган. Хавотир тортмангиз.

— Собиқ беморимиз энди ҳеч қачон бетоблик юзини кўрмасинлар.

Қиз йигитга миннатдорлик билан боқди. Уртага сал жимлик чўкди. Аммо бу ноқулай тинлик эмас, балки қалблар орасидаги ундошликни билдирувчи мазмундор сукут эди. Жузжоний туши ўнгга айланганидан бахтиёр. Қиз биринчи бўлиб бу жимликни бузди ва деди:

— Маликаи муҳтарама Заррин гис Шайхга бир мактуб ёзиб уни бир киши орқали етказмоқни менга топширдилар. Мен бу вазифани ўзим адо этмоққа қарор қилиб бу ерга келдим.

— Шайх ҳозир саройдадирлар,— деди Жузжоний.

— Бу менга маълум,— деди қиз кулимсираб.

У Шайхнинг уйда бўлмайдиган пайтини мўлжаллаб келганини билдирмоқчи бўлди. Жузжоний буни тушунди ва дилида қизга офаринлар ўқиди.

Уларнинг суҳбати яна бир оз вақт давом этди. Қиз мактубни Жузжонийга топшириб жавоб учун эртага келажagini айтди, сўнг хайрлашиб хонадан чиқди.

Бугунги учрашув Жузжоний учун кутилмаган саодат эди. У бахтиёрлик билан мактубни бир оз қўлида тутиб турди, сўнг уни Шайхнинг хонтахтаси устидаги лавҳага қўйди.

## ЖАВОБ

Эртаси куни қиз яна келди. Шайх уйда эмас эди. Жузжоний мактубнинг шайхга топширилганини қизга айтди. Бу гал уларнинг суҳбати олдингига қараганда эркинроқ ва узоқроқ давом этди. Ҳар иккаласи ҳам дилида Заррин гис юборган мактубга шайхнинг кечроқ жавоб қайтаришини тилар эдилар. Чунки ўшанда буларнинг учрашуви кўпроқ давом этар эди.

Мактубга жавобни баҳона қилиб қиз энди ҳар куни келиб туради. Чунки шайх ҳали мактубда айтилган масалага жавоб қайтарганча йўқ. Жузжоний қизнинг кунда келаётганини устоздан яширмайди.

Аммо андишали устоз ўзининг бу воқеага муносабатини шогирдига билдирмайди. Лекин у ич-ичидан Жузжонийни табриклайди, унга яхшилик билан ҳаваси келади. Жузжонийнинг кўнглида мавж ураётган севги ғулғуласи Абу Алига яхши таниш. Чунки у ўз юрагининг ҳам Заррин гис сари талпинаётганини сезиб турипти. Агар ихтиёр ўзида бўлса, шароит тақозо қилса Абу Али Заррин гис оёқларига бош қўяр эди. Аммо ҳушёр ва ақлли олим ўз туйғуларини жиловлаб олмоғи керак. Малика Заррин гиснинг тақдири дарбадар табибнинг тақдири билан ҳеч қачон уланмайди. Буни малика ҳам яхши билса керак. Лекин у барчанинг ўзига бош эгишига ўрганган. Малика бу эгилган бошлар, таслим бўлган юраклар ичида Шайх Абу Али каби улуғ инсон ва олимнинг мағрур бошини ҳам кўрмоқни истайди. Абу Али қаршисида маликанинг юраги ана шу ҳавас билан типирчилайди.

Гўзалликни ҳар бир кўнгил ардоқлайди. Гўзалликни нозик ҳис эта оладиган бой кўнгил эса уни айниқса эъзозлайди. Абу Али шундай кўнгил соҳиби. Шунинг учун ҳам Заррин гиснинг олтинсимон зулфи домига унинг жон қуши бир оёғи билан илинган. Иккинчи оёғи эса муаллақ. Ақл иккинчи оёқни бу домдан узоқлаштирмоққа, балки илинган оёқни ҳам домдан халос этмоққа ҳаракатда.

Шайх Абу Али Заррин гис йўллаган мактубни диққат билан ўқиб чиқди. Бу мактубда малика Журжон шаҳрининг жуғрофий узунлигини аниқлаб бермоқни сўраган. Олим ўзи ишлаб чиққан назария асосида бу вазифани бажармоққа киришди.

Олим Ойнинг энг баланд кўтарилган вақтдаги ҳолати  $80^{\circ}6'$  эканлиги аниқлади. Сўнг Журжоннинг узунлиги Бағдоддан тахминан  $8^{\circ}$  қилиб белгилади ва Ойнинг осмоннинг қоқ ўртасидаги чизиқ устида эканлигидан келиб чиқиб Ой ўрнашган кенгликнинг ва оғиш бурчагини ҳисоблади. Натижада Ойнинг энг баланд ўрни Журжон ўрнашган кенгликда экани маълум бўлди. Бу ўрни  $80^{\circ}4'$  эди. Шундан кейин ҳисоб қила қила Ойнинг ўша кенгликда бошқа меридианда, олим аниқлаган баландликда бўлишини топди. Бу ҳолат тахмин қилинган узунликка бир ва ўндан уч градус қўшилганда келиб чиқди.

Шундай қилиб, Бағдод ва Журжон жойлашган узунлик тахминланган саккиз градусга шу аниқланган

Фарқ қўшилгани натижасида  $9^{\circ}20'$  бўлиб чиқди<sup>1</sup>. Шайх Абу Алининг Заррин гисга тайёрлаган бу жавоби астрономия соҳасидаги бир янгилик эди. П. Г. Булгаковнинг хабар беришича Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ ишлаб чиққан бу астрономик назария ва амалия беш юз йилдан кейин европалик олим Вернер томонидан яна бир бор такрорланган<sup>2</sup>.

Шайх Абу Али бу аниқлаганларини бир рисола қилиб ёзди. У рисолада астрономияга оид ҳисоблар учун ўзи ишлаб чиққан назарияни ҳам баён қилди. Бу рисола Абу Алининг астроном сифатида қилган кашфиёти, назарий хулосаларининг амалий натижаларини ўз ичига олган асар эди.

Шайх бу рисолани Заррин гисга юбормоқни Жузжонийга топширди. Жузжоний ўз маҳбубаси орқали уни маликага йўллади.

Журжонда экан пайтида Абу Алининг илмий фаолияти сербарака бўлди. Бу ерда табиб ўзининг машҳур «Тиб қонунлари» асарини ёза бошлади. Яна «Нарсаларнинг бошланғичи ва аслига қайтиши» («Китобул мабда ва маод»), «Умумий кузатиш китоби» («Китобул арсод ул-куллия») асарларини ёзиб Абу Муҳаммад Шерозийга топширди. Яна Жузжоний учун «Мантиққа оид қисқартма» («Алмухтасар ул авсат фил мантиқ») асарини ёзиб берди.

Батлимуснинг астрономияга оид «Алмажастий» асарининг қисқача баёни ҳам Журжонда ёзилди.

Тезда турмуш тақозосига кўра Шайх Абу Али ва унинг шогирди Абу Убайд Жузжоний Журжонни тарк этиб Жабал шаҳарига кетдилар ва бир неча вақт у ерда истиқомат қилиб қолдилар.

Устоз ва шогирд кўнглидаги икки малакка боғланган туйғу иплари ҳам шу билан узилди.

## ТУРМУШ КУНДАЛИКЛАРИ

Жабалда ҳам узоқ туришга тўғри келмади. Абу Али ва Абу Убайд Жабалдан Райга, сўнг Қазвинга ўтишди. Эрон бу вақтда Журжон, Рай, Ҳамадон, Исфаҳон, Хузистон каби майда давлатларга бўлиниб кет-

<sup>1</sup> П. Г. Булгаков. «Значение сведений Беруни для изучения деятельности Ибн Сины», журн. «Общ. науки в Узб», № 8—9, 1980.

<sup>2</sup> Уша ерда.

ган эди. Улар кичик-кичик луқмалар каби Ғазнанинг қудратли ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавийга ем бўлмоқда эдилар. Подшоҳ Яминуд-давла Маҳмуд Ғазнавий эса мана икки йилдан бери дарбадарликни саройдаги олтин қафасдан афзал кўрган эрк толиби бўлмиш машҳур табибни овлайди. Шайх Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Синонийг суврати Султон Маҳмуд томонидан ҳамма майда ва тобе мамлакатларнинг амирларига юборилган. Улар табибни қаерда бўлса, тутиб Ғазнага жўнатмоқлари шарт. Шунинг учун Абу Али у шаҳардан бу шаҳарга кўчиб тентирамоққа мажбур. Табиб қай шаҳарга келмасин ундан шифо топган беморлар дуоси унинг муборак номини элга ёяди, халқ уни севиб ардоқлайди, ҳукмдорлар машҳур табибни ўз ҳузурларида сақламоқни тилайдилар. Ҳамма учун энг азиз бойлик саломатликдир. Шайх Абу Али қудратли саломатлик посбони сифатида бу бойликни сақламоққа қодир зўр куч эди.

Табиб учун шоҳу гадо баробар. У қаерда бўлмасин беморларни даволаш билан банд. Унинг қўлидан ўтган беморлар кўпинча шифо топадилар. Моҳир ва билимдон табибнинг шифобахш даволари, енгил қўли энг оғир касалларга ҳам даво топа олиши тўғрисида эл оғзида ҳикоялар ёйила борди. Шайх Абу Али табиб, олим, фозил бир шахс сифатида афсонавий қаҳрамонга айланиб борди.

Қуйида ана шундай ҳикоялардан бирини ўқийсиз.

## АДҲАМ ВА ЗУЛФИЯ

Адҳам Зулфияни бир кўришдаёқ севиб қолган эди. Аммо бу севги бахтсизликка мубтало. Чунки кимсасиз, бирор бор-буди йўқ, девона, яккаш бир йигит бу бадавлат хўжа хонадонига куёв бўлармиди. Буни Адҳам хаёлига ҳам келтириши мумкин эмас, У Зулфия яшаётган кўчада телбанамо тентирайди, севгилисига атаб ёзган шеърларини унга бир йўлини топиб етказди, аммо маҳбубасига етишув умидидан мутлақо узоқ.

Зулфия ҳам Адҳамга кўнгил берди. Севгучи йигитнинг оташин қалбидан чиққан алангали туйғуларнинг тафти Зулфиянинг кўнгил момигага учқун солди ва уни ловуллатиб ёндириб юборди.

Севишганларнинг муҳаббати тўғрисидаги гап ша-

ҳарга ёйилиб кетди. Зулфиянинг отаси қизини ҳеч ёққа чиқармасликка буюрди. Қиз муттасил доялар тафтишида. Унга ўз севгили йигити тўғрисида ўйлаш ҳам тақиқ.

Шу йўсинда ойлар ўтди. Умидсизлик, айрилиқ исканжасида тутқинлик Зулфиянинг нафис юрагини тимдалай-тимдалай охир бу юракни тепишдан тўхтатди. Зулфиялар ҳовлисида дод-фарёд кўтарилди. Покиза севгининг маъсума қурбони катта гўристондиқдаги улкан мақбарада ўз абадий ўрнига жойлаштирилди.

Бечора Адҳам кўчаларда тентирашни тарк этди. У мақбарада маскан тутди. Бу ерда ошиқ севгилисининг жонсиз жасадига соқчи каби ўлтирар ва тинмай кўзёши тўкар эди.

Шаҳар халқи икки-уч кун ёшларнинг севгиси, унинг бебахт қисмати тўғрисида гапириб юрдилар. Сўнгра ҳар ким ўз иши билан овора бўлиб бу гаплар унутилиб кетди. Зулфиянинг ота-оналари ҳам тақдирга тан беришди. Ҳамма ўз иши, тирикчилиги билан банд.

Фақат Адҳам мақбарадан жилмайди. У ҳамиша ўз ёрининг қошида гирён, унга бағишлаб шеърлар тўқийди, ўзига ўзи бу байтларни ўқийди: кўзига худди Зулфия ўрнидан туриб Адҳамнинг қошига келаётгандай туюлади. Девонанинг фикрига не хаёллар келмайди, дейсиз.

Шаҳар халқи учун эса янги гапларга мавзу топилган. Яқинда бу шаҳарда пайдо бўлган ва кўп беморларни даволаб тезда от қозонган ёш табиб — машҳур ҳаким ва файласуф Шайх Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино эмиш. Подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий табибнинг сувратини ҳар бир шаҳарга юбориб, табибни қаерда топсалар дарҳол Ғазнага жўнатилсин деб фармон берган эмиш. Одамлар Шайх Абу Алини таниб қолганларидан сўнг у ғойиб бўлган эмиш. Ҳамманинг оғзида энди шу гап.

Адҳам ва Зулфия воқеасидан икки-уч кун ўтгач, бу шаҳарда бир ёш табиб пайдо бўлган эди. У ҳақиқатан ҳам шайх Абу Али эди. Ҳалиги гаплар ёйилгач, табиб ўзини қаерга уришини билмасдан ниҳоят қабристонда беркинди. Чунки ҳокимнинг одамлари ҳар бир хонадондан уни қидира бошлаган эдилар. Қабристон эса чиндан холий жой. Бу ердан табибни

қидириш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Абу Али гоҳ бир мақбарада, гоҳ бошқасида беркиниб кун ўтказар эди.

Бир пайт Абу Али Зулфиянинг мақбарасига ўтди ва у ерда Адҳам билан учрашиб қолди. Адҳам мақбаранинг бир четида ёрини ёдлаб кўзёшларини дув оқизиб ўлтирар эди.

Табиб билан ошиқ ўртасида бундай суҳбат бўлиб ўтди:

— Сен кимсен, нега бу ерда макон тутдинг?

— То ўлгунимча менинг манзилгоҳим шу ерда бўлади. Чунки менинг жоним шу ерга кўмилган. Ер сатҳидаги қуруқ жасадим эса ҳамиша жон сари ошиқмоқда,— деди табибга жавоб бериб Адҳам. У худди ўз-ўзи билан суҳбатлашаётгандай гапирар эди.

Шайх Абу Али Адҳамга тикилиб қаради. Адҳамнинг жулдур кийимлари озгин танаси устида аранг илиниб турар, сочлари пахмоқ, юзи ўсиб кетган туклар билан қопланган, аммо порлаб турган нигоҳи қалб дунёсини тўлдирган ўчмас севги ўтларидан нишон берар эди.

Улуғ табиб ва олижаноб инсон шайх Абу Али ўзининг дарбадарлигини унутди. У чин юракдан бу бечора ошиққа кўмаклашмак истади. Аммо ўлим қаршисида табибнинг қўлидан нима ҳам келар эди?

Табиб Зулфиянинг қандай касаллик туфайли вафот этганини билмоқчи бўлди. У мақбаранинг бир чеккасидаги тошларни кўчириб олиб лаҳадни очди ва унинг ичига тушди. Адҳамнинг бу бегона дайди билан иши йўқ эди. Чунки Адҳам озгина пайт ҳушёр бўлсалард изтиробни билан яна ҳушини йўқотар ва узоқ фурсат беҳушликда ётар эди. Ҳозир ҳам Адҳамда яна беҳушлик бошланган бўлиб, у мақбаранинг бир чеккасида чўзилиб ётар эди.

Абу Али лаҳад ичига тушгач, олдин ёқиб олган кичик бир машъални чуқурнинг бир бурчига ўрнатди. Сўнг кафанга ўраб қўйилган марҳуманинг ёнига келиб чўнқайди. У кафанни сал очиб ўликнинг қўлини бўшатди ва томир ўрнини топиб бармоқлари билан узоқ ушлаб турди. Бир неча сония ўтди. Бирдан табиб ваҳима билан Зулфиянинг қўлини қўйиб юборди ва сакраб ундан четланди. Сўнгра сал эсини йиғиб олгач, бориб машъални олди ва яна Зулфиянинг ёнига қайтиб келди, унинг юзини очди, сўнг машъални ту-

таиб қизнинг гўзал чеҳрасига диққат билан боқди. Кейин у яна қизнинг қўлини олиб томир уриши ўрнини пайпаслаб топди ва бармоқлари билан босиб узоқ ушлаб турди. Бир неча фурсат ўтди. Сўнг таиб тезда лаҳаддан мақбарага чиқди. Мақбарада Адҳам ҳамон беҳуш чўзилиб ётар эди. Таиб машъални ўчириб бир чеккага қўйди-да, мақбарадан ташқарига чиқди. У энди кўк узра ёйилиб келаётган қуёшнинг заррин нурларидан жимирлаган кўзларини қўли билан беркитди. То ёруғликка ўргангунча шундай турди. Ниҳоят қўлини кўзидан олди ва қабристоннинг бир чеккасига қараб жадал йўл олди.

Бир оздан кейин Абу Али яна мақбарага қайтди. Адҳам ҳамон беҳуш ётар эди. Таиб унга парво қилмайди, чунки унинг ҳолати ўзгариб ўзига келса ҳозир ишга халақит бериши мумкин холос. Таиб машъални ёқиб лаҳад ичига тушди ва машъални бир қулай жойга ўрнатди. У яна Зулфиянинг қўлини ушлади ва узоқ вақт тек турди. Шундан сўнг Абу Али қатъият билан Зулфиянинг жасадини уни ўраган латталардан ажратиб олди. Таибнинг ҳаракатлари жиддий ва шошилишч эди. Чунки у Зулфиянинг юраги жуда секин қалтираган янглиғ аҳён-аҳёнда бир тепиб қўяётганини сезган эди. Ҳозир таиб ўзи билан асбоблар, дори-дармонлар ва бир тугун олиб келган эди. У аввал Зулфиядан қон чиқармоқчи бўлиб уришиб кўрди. Сўнгра гул ёғи, сирка, денгиз пиёзи аралаштирилган дори билан унинг танасини ишқай бошлади: бу жараён анча давом этди. Сўнгра таиб Зулфиянинг лабларини бармоқлари билан очиб унга бир неча муддат сув томизиб турди. Шундан кейин бурнига денгиз пиёзини ҳидлатди. Узоқ уринди таиб. У зира, дала ялпизи, асал, денгиз пиёзи аралаштириб тайёрланган дориларни Зулфиянинг бурнига тутди, оғзига томизди: хонталдан қилинган ёғ билан бошини ишқалади, оёқ ва қўлларини узоқ уқалади. Улим билан олишмоқда эди таиб. Аммо натижа қандай бўлади? Буни ҳеч ким билмайди. Аҳёнда бир сезилар-сезилмас билинаётган томир тепиши қизда ҳали ҳаёт борлигини билдирар эди. Таибнинг муолижаси кўп давом этди. Таиб ўз ҳаракатларининг нима билан тугалланишини аниқ билмаса-да, қатъият билан қизни ўлим чангали-

<sup>1</sup> Хонтал — горчица (ред.).

дан қутқармоққа интилар эди. Унинг узоқ уринишларидан кейин қизнинг томир тепиши озгина жонланди. Жонланиш жуда секин бўлса-да, сал муттасиллик касб этди.

Абу Али лаҳаддан мақбарага чиқди ва Адҳамнинг ёнига келди. Адҳам ҳамон беҳуш ётар эди. Табиб унга бир дори ҳидлатиб ҳушига келтирди. Сўнг табиб Адҳамга қараб сўз бошлади:

— Сен бахтли ошиқ экансан. Севгилинг билан бир даргоҳдасан, у билан ёнма-ён турибсан.

Табиб Адҳамга Зулфиянинг аҳволини тушунтира бошлади. Севгилиснинг ҳаёт эканини эшитиб Адҳам яна ҳушидан оғди. Табиб яна не машаққат билан уни ҳушига келтирди. Сўнг яна сўзида давом этди. Адҳам ҳамон эшитганларига ишонмас, у беҳушлик ва ҳушёрлик чегарасида эди. Ниҳоят табиб уни бир оз мўътадил ҳолга келтирди ва унга Зулфиянинг ҳали тўласича ҳаётга қайтмагани, уни ҳаётга қайтармоқ учун Адҳамнинг ёрдами керак эканини тушунтирди. Зулфияда юз берган ҳолат ўлим эмас.

— Уни Летаргус дейдилар,— деди табиб,— У мия томирларида шиш пайдо бўлганидан юзага келади. Уни совуқ сарсам ҳам дейдилар. Бу ўлим эмас, касаллик, демак, уни даволаш мумкин. Табиб Адҳамга бу касалликнинг қандай даволанишини қисқача қилиб тушунтирди. Сўнг ҳар иккалалари Зулфиянинг ёнига тушдилар. Муолижа давом этди. Адҳам табибнинг айтганларини қилар, Зулфиянинг бошини баландроқ қўйиб оёқ-қўлларини уқалар, оғзига сув томизар эди. Табиб эса дорилар тайёрлаб уларни Зулфиянинг баданига суртар, яна муолижа билан боғлиқ бошқа тadbирларни амалга оширар эди.

Зулфиянинг томир тениши тўла мўътадиллик касб этгач, улар қизни кўтариб лаҳаддан мақбарага олиб чиқдилар. Бу ерда ҳаким ўзи келтирган тугунни очди ва ундан кийим олди. Адҳам ва табиб Зулфияга эркаклар кийимини кийгиздилар, сўнг уни кўтариб мақбарадан ташқарига олиб чиқиб бир дарахт остига ётқиздилар. Табиб қизга секин тиф урди. Бир оз қон чиқди. Шундан сўнг у Зулфияга бир дори ҳидлатди. Қиз дори ҳидлатилгандан сўнг ётган жойида бир акса урди ва кўзини очди. Адҳам унинг оёғига ўзини ташлаб фарёд кўтарди ва ҳушидан оғди. Табиб уни яна юз машаққат билан ҳушига келтирди.



Зулфияни даволаш яна бир неча кун давом этди. Кундузи улар мақбара ичида беркинар, кечалари эса қизни кўтариб очиқ ҳавога олиб чиқар эдилар. Куз фасли бўлганидан ҳаво кундузи қаттиқ қизимас, тунлар эса анча салқин эди. Ниҳоят Зулфия ўзига келди.

Шайх Абу Али Адҳам билан Зулфияга бахтли турмуш тилади ва улар билан видолашди. Севишганларнинг бахтиёрлигига чек йўқ эди. Улар табибни гоят миннатдорлик билан кузатиб қолдилар. Сўнг севишганлар бу воқеалардан ҳеч кимнинг хабардор эмаслигидан фойдаланиб шаҳарнинг энг олис, қашшоқ одамлар яшайдиган бир чеккасида жой топиб фақирлик ва дарвешликда, аммо бахтиёрлик билан ҳаёт кечирмоққа киришдилар.

# Ҳамадон

## «ОДОБ РИСОЛАСИ»

1016 йил. Энди Шайх Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино ва унинг садоқатли шогирди Абу Убайд Жузжоний Ҳамадонда истиқомат қилишади.

Жабал шаҳарида бир оз яшагач, улар Райга ўтишган эди. Райда табиб шаҳзода Маждуддавланинг оғир руҳий касаллигини даволади, ҳам унинг тадбиркор онаси Сайидо хотун қошида эътибор қозонди. Аммо қудратли Фазна подшоҳи Султон Маҳмуднинг Райга яқинлашиб келаётгани туфайли Шайх Райдан Ҳамадонга ўтди. Бу ер Маҳмуд Ҳазнавийнинг ҳар ерга етадиган узун ва кучли қўлидан холироқ туюлди.

Улуғ олим ва табиб қаерда бўлмасин, қандай шароитда яшамасин, бирор кун қатъий ўрнашган одадини тарк этмайди. Икки машғулот унга ҳамиша ҳамдам. Биринчиси беморларни даволаш, иккинчиси илмий ва ижодий иш. Қайси шаҳарда бўлмасин, ҳамиша эрталаб табиб яшаган уй ёнида турли-туман касалликларга мубтало бўлган хасталар жамланар эдилар. Табиб ҳеч қачон ҳеч кимга рад жавоби қилмас, ҳамма беморларни бирма-бир кўриб уларга дори-дармон қилар, ҳеч эринмай беморларнинг аҳволини қайта-қайта текширар, то уни соғайтиргунгача муолижани тўхтатмас эди. Беморларни кўриб бўлгач, олим ўз асарларини ёзмақда давом этар эди. У гоҳо Жузжонийга азбар қилар, баъзан хусусан кечалари, ўзи ёзар: ёзилганларни Жузжоний эрталабдан оққа кўчира бошлар эди.

Шайх Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино фаннинг турли соҳалари бўйича тўрт юз эллик олти асар ёзгани қайд этилган. У. И. Қаримов, А. Урин-

боев, Б. Ваҳобоваларнинг хабар қилишларича шулардан икки юз қирққа яқин асарнинг қўлёзмалари бизгача етиб келган<sup>1</sup>.

Улуғ табиб Журжонда экан пайтида ўзининг шоҳ асари «Тиб қонунлари»ни ёза бошлаган эди. Бу асарга оид маълумотларни у ўзининг самарали даволаш фаолияти давомида муттасил йиғиб борди. Бу китобда кўрсатиладиган навбатдаги масалаларга кўчиш олдидан табиб кундалик тажрибасида орттирган билим ва тажрибалари билан олдин ёзилган бобларни тўлдириб борар эди. Олим «Тиб қонунлари» билан бир вақтда бошқа асарларини ҳам ёзмоққа вақт топар эди. Шайхнинг иш қобилияти ҳаддан ташқари баланд бўлган. У бир кунда эллик саҳифагача ёзар эди. Ёзганларининг ҳаммаси юксак илмий савияда, мазмунан чуқур, шаклан мукамал асарлар эди.

Ҳамадонга кўчиб ўтишган йили куз яхши келди. Гарчи совуқлар бошланиши керак пайт келган бўлса-да, дарахтлар ҳали рангдор тўнларини ечганлари йўқ. Баъзи шохлардан ҳазон бўлган япроқлар тўкилган, ёш шохчалар эса кўк баргчалар чиқармоқдалар. Қор ўрнига ёмғир ёғади. Ёққанида ҳам этни увиштирувчи, совуқ куз ёмғири эмас, худди баҳордагидек илиқ ёмғир ёғади. Бир кунги ёғиндан сўнг эртасига ярақлаб қуёш чиқади. Ер қуёш тобида қизийди ва унинг намли бағридан ёш майсалар кулиб бош кўтардилар. Улар жўжалар туки сингари майин ва қисқа, аммо борлиқ атрофга яшил безак бағишлайдилар, Гулзордаги гулларнинг баъзилари кесилган, бошқа бирлари эса гул очиб ётибдилар. Қуёш баҳорги майинлик билан иситади. Табиат ёши сал ўтиб қолган бўлса-да, гўзаллик зебини йўқотмайди, баҳорий либоси билан жилва қилади.

Ана шундай сафоли куз кунларидан бирида табиб ва шогирди бир беморни муолажа этдилар. Бемор ўрта бўйли, қўнғир сочли, қотмадан келган, қорамтир тусли бир йигит эди. Унда руҳий касаллик белгилари бор. Кўзи бежо, баданида тез-тез титратма юз бериб туради, гапларга асабий кескинлик билан жавоб қилади. Табиб беморнинг ярасига дори сурди, асабни юмшатувчи дорилар берди, беморнинг бетоқатлик

---

<sup>1</sup> Журн. «Общ. науки в Узб.», № 8—9, 1980 й.

билан қилган қилиқларига сиполик билан муомала қилди.

Жузжоний. беморнинг ўзини тутишидан гижиниб турар эди. Шундай улуғ табиб ҳузурида бу тарбия кўрмаган кимса ўзини беадаблик билан тутмоқда.

Бемор кетгач, Жузжоний ўзини енгил тортди ва қўлини юваётган табибга мурожаат қилиб деди:

— Қимнинг ҳузурида эканини идрок этишга ноқобил тарбиясиз одам экан.

— Қимни айтаётирсиз.

— Ҳозиргина кетган кишини.

— Бемор тўғрисида бундай гап тарбияли одамдан чиқмаслиги керак,— деди жиддий оҳангда табиб қўлини сочиқ билан артар экан,— агар у соғ бўлганида сизда бундай фикр тугилмас эди. У бемор-ку, ахир!

— Бемор бўлса ҳам инсонлигини сақлаши керак эмасми?

— Соғ ва носоғ одамда бир хил кўриниш содир бўлмайди. Аввал носоғ одамни соғломликка эриштирамак, шундан кейингина ундан соғ одам қиладиган ишни кутмоқ керак.

— Агар соғайгандан кейин ҳам номақбул ишларни қилаберса-чи?

— Бу бутунлай бошқа мавзу.

Табиб қўлини артиб бўлиб сочиқни қоziққа илди ва шогирдининг ёнига келди. Улар кўрпачага ўлтиришди. Табиб мез устидаги пиёлани олиб ундаги шарбатдан бир ҳўплади ва пиёлани қайтариб жойига қўйди. Шундан сўнг Жузжонийнинг саволига жавоб бера бошлади:

— Ҳар бир хайр ва яхшилик асосида тортинмоқ, жасорат, ҳикмат ва адолат ётади. Инсон шуларга одат қилган, уларнинг аксидан сақланган ҳолда киши камолат касб этади.

— Инсоннинг феъли олдиндан белгиланган қисмат туфайли пайдо бўлмайдами?

— Қисматни белгиловчи Оллоҳнинг иродаси ҳамма нарсага бош. Унинг иродасидан ташқари ҳеч нарса мавжуд бўлмайди. Аммо ҳар бир мавжуд нарсага оид кўп сифатлар борки, бу сифатларни инсон ҳар бир вужуд муҳит, тарбия ва турли таъсирлар орқали касб этади.

— Агар бу касб этилган сифатлар салбий бўлсалар, улардан қутулмоқ йўли қандай?

— Салбий сифатлардан қутулмоқ учун, агар улар тасодифий таъсир туфайли пайдо бўлган бўлсалар, киши ўз иродасини сафарбар этмоғи лозим.

Кўп нарса инсоннинг ўзига боғлиқ. Агар бу сифатлар одатга айланиб қолса кишининг табиатига мослашиб қолади. Демак, яхши сифатларга одатланган одам яхшилик касб этади: ёмон сифатларга одатланган эса ёмонликка ўрганиб қолади. Яхшилик ила саховат ошиқчалик ва етишмовчиликнинг ўртасидир.

Шайх шогирдининг бу сўзларга диққат билан қулоқ солаётганини кўрди. Аммо тингловчининг қарашларидан саховатнинг маъносини унчалик еча олмаётганини сизди. Чунки суҳбат фалсафий тус олганидан мавҳумлашиб бормоқда. Айтилган фикрларни айрим мисоллар билан аниқламоқ керак. Шунда шогирдлар устоз сўзини яхшироқ уқадилар.

— Мана бир мисол,— деди устоз шогирдига,— агар беморда иссиқлик ортиб кетган бўлса, уни совуқликдан иборат озуқа ва дори билан камайтирамиз. Агар совуқлик ортиб кетган бўлса, уни иссиқлик ёрдамида пасайтирмоқ даркор бўлади. Худди шунинг сингари ўзимизда етишмовчилик сезсак, эзгу сифатларни оширмоқ ҳисобига ўша етишмовчиликни камайтирмоғимиз зарур. Бирор нарса ортиб кетган бўлса, уни камайтириш ҳисобига мўътадилликка эришамиз.

— Барча сифатлар ичида энг асосийси қайсидир?— деб сўради шогирд.

— Адолат,— жавоб берди устоз,— адолат ҳиммат ва саховатнинг негизидир. Адолат барча руҳий кучларга алоқадор. Ҳиммат ва саховатга доир барча кучлар адолат билан боғлиқ. Шунинг учун,— деб қўшиб қўйди устоз,— сиз ҳам ўша беморга нисбатан адолатли муносабатда бўлмоғингиз лозим.

Уларнинг суҳбати яна бир оз давом этди.

Шу кунни кечқурун Жузжоний устознинг барча айтганларини тартиб билан қоғозга туширди. Шундай қилиб Шайх Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳнинг «Одоб ҳақида» деган рисоласи пайдо бўлди.

Бу рисолада эзгулик, унинг жузвий томонлари: карам, ҳикмат сабр, хайр, сир сақлаш, тоқат, сўзамоллик, зийраклик, қатъият, жасорат, самимият вафо, шафқат, номус, тиришқоқлик, камтарлик каби сифатлар таъриф ва талқин қилинган. Бу сифатларга зид бўлган тушунчаларга ҳам изоҳлар берилган.

## СУҲБАТ

Бир кунн эрталаб беморлар қабули тугаллангач, табиб шогирди томонидан кўчирилган қоғозларни кўриб ўлтирган эди, унинг эшиги секин тиқиллади. Табибнинг ёнида ўлтирган Жузжоний дик этиб ўрнидан турди-да, бориб хона эшигини очди. Хонага баланд бўйли, қисқа оқ соқолли, нуроний чехра бир киши кириб келди ва табибга салом берди. Шайх Абу Али дарҳол ўрнидан туриб келган киши билан саломлашди ва уни кўрпачага ўлтирмоққа таклиф қилди. Бу меҳмон ҳамадонлик Ашшариф Саъид Абул Ҳусайн Али ибн Абул Ҳасан деган киши бўлиб, унинг фалсафа, мантиқ, қандаса билимларига оид асарлари Абу Алига яхши таниш эди. Табиб бу одамга ҳурмат билан муомала қилар ва унинг суҳбатини қадрлар эди. Абул Ҳусайн ҳам Шайх Абу Алининг қандай юксак даражали олим эканини яхши билар, у билан бўлган ҳурматли муносабатларни қадрлар ва фахр билан бу тўғрида сўзлаб юрар эди.

Абул Ҳусайнда юрак сиқилиши дарди бор. Унинг юзи, қовоқлари сал шишинқираб туради, нафас олиши оғир, ўқтин-ўқтин юрагида оғирлик ва оғриқ сезади. Шунинг учун у тез-тез табибга кўриниб турар ва унинг муолижасидан баҳраманд бўлар эди. Табиб Абул Ҳусайннинг одатдагидан кўра ортиқроқ оқарган юзига хавотирлик билан боқди ва сўради:

— Яна юрак қисиши беҳузур қилган кўринади?

— Утган сафар берган дорингиз яхши фойда қилди. Аммо у тугаб қолди. Энди яна лоҳаслик кучая бормоқда.

Табиб оғир жилмайди ва деди:

— Букрот ҳаким «дори ҳам тозалайди, ҳам зарар етказади» деб жуда яхши айтган. Сизга берилган дори ични сурувчи девпечак қайнатмаси эди. Уни кечга ичиб ётиб фойда кўргансиз. Чунки у бадандан, айниқса мия ва юрак томонидан зарарли ва азият берувчи хилтни сиқиб чиқарган. Аммо у суриш асносида табиатга мос ва ёқимли бўлмаган нарсалар билан бирга унга ёқимли нарсаларни ҳам суриб чиқаради. Бу эса инсон табиатига зўр келади. Чунки табиат хилтларни ўз ўрнига тортиб ва тутиб туради. Сурги эса унинг аксини қилади. Аммо бари бир сурги дори-

нинг руҳни тозалаш орқали юрак қисшида келтирадиган фойдаси кўпроқ.

— Шундай бўлса-да, дориларни камроқ истеъмол қилмоқ керак бўлар экан-да. Аммо дардга ундай ҳолда қай йўсинда дармон топмоқ мумкин?

— Бунинг йўллари кўп — деди табиб бир оз қизгинлик билан.— Даставвал инсоннинг истеъдоди борлигини аниқлаб олмоқ керак. Ҳар бир инсон севиниш ва хафа бўлишга қодир. Лекин инсонларнинг баъзиси фақат хурсандлик, баъзилари эса фақат хафалик учун истеъдоди бўладилар. Шуларни ҳисобга олиб иш тутмоқ керак. Хурсандликнинг кетма-кет келиши руҳни хурсандликка ҳозирлайди, ғамнинг кетма-кет келиши эса руҳни ғамгинликка тайёр тутади. Сизда,— деб сўзида давом этди табиб,— юрак қисилиши қоннинг қуюқлиги ва қуйқалигидан бўлган. Шунинг учун энди юрак дорисига латифлаштирувчи дори қўшиб бераман. Иншооллоҳ, даво топиб кетасиз.

Табиб беморга долчин ва заъфарон бериб, айтилган дорига қўшиб ичишни маслаҳат берди.

— Лекин,— деди яна табиб,— киши ўз истеъдодини билмоғи, шунга яраша хатти-ҳаракат қилиб таом ва шароб тановул этмоғи керак. Шунда дориларга эҳтиёж қолмайди.

— Бу ҳамма айтган гапларингиз ғоят муҳим,— деди Абул Ҳусайн сал кулиб,— аммо ҳар бирини эсда сақлаб қолмоқ осон эмас. Яна сизнинг суҳбатингизга мушарраф бўла олмайдиган қанча-қанча одам бор. Шунинг учун юрак дорилари тўғрисида бебаҳо гавҳар янглиғ фикрларингизни бир китоб қилиб ёзсангиз, уни ўқиб биз беморлар маслаҳатларингизга рия қилиб юрсак: ҳам келгуси авлодлар бу мўътабар фикрларингиздан истифода этсалар, қандай хушбахтлик бўлган бўлур эди.

Шайх Абу Али бир оз дақиқа жим бўлиб қолди. Орага озгина сукут чўкди. Жузжоний бутун вужуди билан бу маслаҳатга тарафдорлигини намоён этиб устозига тикилди. Бир неча дақиқадан сўнг Шайх енгил жилмайиб Абул Ҳусайнга жавоб қилди:

— Биз табиблар файласуфларга тобедурмиз. Модомики, фалсафа ва мантиқ илмининг устунни бўлмиш Сиздек бир зот маслаҳат берар экан, мен уни фармон сифатида қабул этгумдир.

## ЮРАК ДОРИЛАРИ

Шу суҳбатдан кейин Шайх Абу Али юрак дорилари тўғрисидаги китобини ёзишга киришди.

Китоб ҳаёт тўғрисидаги оддий мантиқий мулоҳазалар билан бошланади.

Ҳаётни ҳамма нарса ҳам қабул қила олмайди. Масалан юнг юнг ҳолида бўлиб туриб қилич сувратини касб эта олмайди. Сув сув бўла туриб инсонлик ҳақиқатини қабул қила олмайди. Содда жисмлар ҳаётга эга эмаслар. Чунки уларга бошқа содда жисмлар ва ҳаётга эга бўлган бошқа мураккаб жисмлар қарши турадилар. Бунинг сабаби уларнинг қарама-қарши табиатидадир.

Мураккаб жисмлардаги аралашиниш қарма-қаршилик асосини синдирган, уларда бир мизож пайдо қилган. Мизож қарама-қаршиликлар ўртасидаги васат (ўрталик) демакдир. Ана шу мизож туфайли, яъни зидликка учрамайдиган ўртачалик туфайли мураккаб жисмлар ҳаётни қабул қиладилар.

Умуман ҳаётнинг яратилиши тангридан. Аммо бу ҳаётни қабул қилишлик ҳар бир жисмнинг хоссаларига алоқадор.

Мижознинг мўътадиллаша бормоғи натижасида, ундаги қарама-қаршилик йўқола бориб тенгликка юз тутса, нутқий ҳаёт келиб чиқади. Бу қобилият инсон руҳида мавжуд. Руҳ нуруний моддадир. Кирувчи руҳ нур дейилади. Кўз нурни кўрса нафс севинади, қоронғуликда у сиқилади. Чунки ёруғлик нафсни ташувчи (маркаб)га ўхшаш бўлиб, қоронғилик унинг зиддидир.

Хурсандлик, ғам, хавф, ғазаб юракда бўлган руҳнинг махсус таъсирланишидан пайдо бўлган. Хурсандлик бир турли лаззатдир. Лаззатда истеъдод лаззатланувчининг миқдор ва кайфиятида энг яхши ҳолда бўлишини тақозо қилади. Модданинг миқдорда ортиқлиғи қувватнинг шиддатда ортиқлигини келтириб чиқаради. Бунинг зидди эса аламга бўлган истеъдодни билдиради. Бирор нарсага ҳозир турганга энг кичик туртки ҳам етарли. Масалан, олтингугурт салгина олов билан ёниб кетади. Утин эса унга қараганда икки барабар ортиқ бўлса-да, дарров ёна бермайди. Шунга ўхшаш шодланиш қобилиятига эга бўлган руҳ сал нарсага севинади. Хурсандликнинг кетма-кет кет-



лиши хурсандликка тайёрлайди. Ғамнинг кетма-кет келиши ғамгинликка мослайди. Қувноқ кишига ғамли сабабларнинг энг кучлисигина таъсир қилади, шодлантирувчи сабабларнинг кучсизи ҳам таъсир қила беради. Бунинг зидди эса ғамгинликка йўллайди.

Қўп миқдорли, соф, қуюқ ва суоқлиги мўътадил бўлган қон руҳни шодланишга ҳозирлайди. Чунки ундан ана шундай сифатли руҳ туғилади. Агар қон суоқ, серсув бўлса қалбни заиф қилади ва қўрқоқликка ҳозирлайди. Чунки бундай қоннинг ҳаракати қийин ва оғир. Ғализ, қуйқали ва ҳарорати юқори бўлган қон руҳни ғам ва ғазабга чорлайди. Ғам қуйқа ва хира руҳдан, ғазаб руҳ ҳароратидан бўлган алангаланишдан келиб чиқади.

Шайхурраис ўз китобида дориларнинг сифатлари тўғрисида маълумот берган. Бу сифатлар иссиқлик, совуқлик, ҳўллик, қуруқлик, латифлик, зич тузилганлик, қотишлик, ёпишқоқлик, чўзилувчанлик, оқувчанлик, мўртлик кабилардан иборат. Маза ва ҳидлар ҳам шу сифатларга киради. Шундан сўнг улуғ табиб шу хоссаларга эга дорилар ичида қайсилари юрак дориси бўла олажагини кўрсатади.

Ана шу маълумотлардан сўнг китобда содда ва мураккаб дориларнинг таърифи келтирилган. Улар ибрисам (ипак)дан тортиб то ғарикун (дарахт пўкаги)гача алифбе тартибида териб чиқилган. Қўйида бир-икки мисол келтирамиз:

Ипак юракни кучли хурсанд қиладиган дорилардандир, бунга латифлаштириш хусусияти ёрдам қилади. Ипакнинг эсда сақлаб қолиш қобилияти ва жигардаги руҳ учун фойдаси бор.

Байз (тухум) юракни қувватли қилади. Хусусан тустовуқ, товуқ, қировул, каклик каби яхши гўштликлар тухумининг сариғи фойдалидир.

Вард (жайдари қизил гул) хушбўй ҳиди билан руҳ жавҳарига ёқади. Гул барча органларга фойдалидир. Гул сувини оз-оз ҳўплаб ичирилади.

Кузбора (кашнич) иссиқ мижозлиларда юракни кучли ва хурсанд қилади. Ёқимли ҳиди руҳ жавҳарини мустаҳкамлайди.

Олма (туффоҳ) тўғрисида олим бундай деб ёзади: «Шу биринчи даражада совуқ ва қуруқдир. Юракни қувватли ва хурсанд қилишда катта хусусиятга эга. Хушбўйи ва ширинлиги хусусиятига ёрдам қилади.

Олма дори бўлиши билан бир вақтда озиқ ҳамдир. Шунинг учун руҳни озиқлантириш ва муътадил қилиши орқали ҳам фойда қилади. Ва уни хосияти билан қувватли қилади» («Юрак дорилари». Т., 1966, с. 120).

Китобнинг сўнггида мураккаб дорилар тўғрисида сўз боради. Улар орасида улуғ табиб ўзи ихтиро қилган мураккаб дориларнинг таърифини ҳам келтирган.

Шайхурраис Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Синонинг «Юрак дорилари» китоби улуғ табиб яшаган замондан то XIX асргача шарқ мамлакатларидаги табиблар учун энг қимматли қўлланма бўлиб келган. XI—XIX асрлар давомида тиббий асар ёзган барча табиблар Шайх Абу Алининг бу асаридан кенг фойдаланганлар<sup>1</sup>.

## ВАЗИРЛИК

Ҳамадонда улуғ табибнинг ҳаёти дастлаб бир мунча мунтазам кечди. У Ҳамадон подшоҳи Шамсуддавланинг саройида табобат хизматида эди. Ҳар куни пешин намозидан сўнг Шайх Абу Али ибн Абдуллоҳ ибн Сино подшоҳ ҳузурига йўл олади ва саройидаги хизмат юмушлари билан банд бўлади.

Ҳамадон подшоҳи Шамсуддавла ўз ихтиёрида Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино каби улуғ табиб ва мутафаккир борлигидан жуда мамнун. Чунки улуғ табиб, доно олим ва фозил инсон Шайх Абу Али унинг саломатлигини ҳифз этади, оқилона маслаҳатлари билан давлат ишларида кўмаклашади. Султон Маҳмуд Ғазнавий қудратли подшоҳ тилаб етиша олмаган бир алломанинг Шамсуддавла ҳузурига бўлмоғи Ҳамадон подшоҳининг шавкатини оширади. Шамсуддавла шахсан Шайх Абу Алини ҳамиша ҳурмат қилади, унинг доимо ўз ёнида бўлмоғини тилайди.

Бир куни подшоҳ Шамсуддавла Шайх Абу Алини ўз ҳузурига чорлади ва унга бир ёруғ топширди.

---

<sup>1</sup> Бу китобни арабшунос олим Ҳамидулла Ҳикматуллаев араб тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Бу таржима бойилмий аппарат билан таъминланган ҳолда 1966 йили Тошкентда «ФАН» нашриёти томонидан нашр этилган. Масъул муҳаррири У. И. Каримов.

Шайх ёрлиғни ўқиб чиққач, подшоҳга таъзим билан бош эгди ва деди:

— Бу шарафли даргоҳда фақирни шунчалар юксак эътиборга сазовор тутганлари учун миннатдормен. Аммо менинг иш юритмоғим аркони давлатнинг кўлига ёқмас, баъзиларнинг феълига зид келар натижада подшоҳлик ишларига халал етиб қолмасмикин?

— Ақл ила фаросат ва ҳокимият қуввати ёрдамида барча салбий ҳолатларга барҳам бермоқ мумкин бўлур. Сиз ушбу ёрлиғда айтилган лавозимда дарҳол ишга тушмоғингиз вожибдир.

Ҳамадон подшоҳи Шайх Абу Алини ўз давлатининг вазири этиб тайинлаган эди. Подшоҳ фармонига бўйсунмоқдан бошқа илож йўқ.

Вазир Абу Али ўз одатига кўра чин садоқат ва масъулият билан ишга киришди.

Вазир даставвал молия ишларини чуқур тафтиш этди. Бирни ўн қилиб ёзиб, қилинмаган ишларга маблағ олиб уларни ўзлаштириб юборадиган тоеламачиларнинг уйи куя бошлади.

Бир куни вазир сарой мутасаддиси топширган харажатлар рўйхатини кўриб чиққач, уни ўз ҳузурига чорлаб деди:

— Ушбу рўйхатда ўттиз тўрт хил юмуш адо этилгани ва унга тўрт минг уч юз эллик беш дирҳам тўланмоғи ёзилган. Тафтишчилар эса қилинган ишлар ўн тўрт хил экани, бу ишларни энг қиммат баҳолаганда ҳам бир минг бир юз ўн уч дирҳам бўлажagini аниқладилар. Не сабабдан қилинмаган ишлар учун уч минг икки юз қирқ икки дирҳам тўламоқ керак?

Мутасадди жим бўлиб қолди. Илгари муттасил катта харажатлар ёзилар, арзимаган қисми амалга оширилгач, иш тўхтатилар, қолган нарсаларни сотиб пулини мутасадди, вазир ва юмуш ижрочилари ўзаро бўлиб олишар, қолган пулларни ҳам тақсимлашиб ўзлари олишар эди.

Вазир бу сунистеъмолларга чек қўйди. Уғри мутасадди ишдан қувилди. Олдинги йилларда ўтказилган ишлар тафтиш қилина борди. Натижада сарой атрофида ўралашган баъзи кимсаларнинг тубан қилмишлари фош бўлди. Улар ўз жиноятларига яраша жазо олдилар. Молия девонининг ишлари тўласича вазир қарамоғига ўтказилди. Ҳар бир сарф қилинадиган дир-

ҳам унинг давлатга қандай фойда келтиражагини олдиндан ҳисоб қилиб сўнг сарф этиладиган бўлди.

Вазирнинг фармойиши билан бозорларда сотиладиган газламаларни ўлчайдиган газлар темирдан қилинди: қадоқ тошларига давлат муҳрлари босилди: токим, тасдиқланмаган ўлчов асбоблари ишлатилмасин.

Миршаблар тунлари шаҳар тинчлигини сақламоқлари керак. Вазир томонидан тайинланган махсус тафтишчилар тун бўйи миршабларнинг ўз ўрнидами ёки йўқми, уйғоқми ёки ухлаб ётибдиларми, текширилган бўлдилар.

Ҳамадонда Исфаҳон, Қазвин, Рай шаҳарлари сари борадиган савдо йўлларига соқчилар чиқарилди. Савдогарлар қароқчилар ҳужумидан қутилдилар. Шаҳарлар аро савдо-сотиқ ривож топди.

Вазир деҳқонлар ва ҳунармандлардан олинадиган солиқларнинг миқдорини камайтирди. Агар солиқлар озайса, ҳунар ва деҳқончилик билан шуғулланувчилар кўпаяди, даромад ортади. Охир натижада хазинага келадиган тушум ошади.

Вазир айниқса порахўрларга қарши қаттиқ чоралар кўрди. Бундай пасткаш жиноятга аралашган амалдорлар қилган хизматлари, тажриба ва билимларига қарамай хизматдан ҳайдала берди. Подшоҳнинг давлат маҳкамаларида таҳсилини яқиндагина тугаллаган ёш хизматчиларнинг сони оша бошлади. Вазир бу ёш хизматчиларни садоқат ва адолат билан иш тутмоққа астойдил ўргатар эди.

Халқ янги вазирнинг қилаётган ишларидан мамнун. Аммо хизматдан қувланган порахўр амалдорлар, қилинмаган ишларга ёлғон ҳужжат тузиб пул ўғирлашга ўрганган товламачилар, тарози ва газдан уриб харидорларни талашга одат қилган ғоратгарлар вазирга қарши кек сақладилар. Уларга жоҳил ва мутаассиб руҳонийлар, ҳар хил фирибгарлар ҳам кўшилдилар.

Вазир одатдагидек табиблик ишларини ҳам давом этдирар, кўп беморларни даволаб ҳалойиқнинг дуосини олар эди. Бу эса азойимхонлик, дуохонлик, куфсуф, беморни суқ ва ёмон кўздан асраш, эзиб ички ва бошқа алдамчилик билан пул топувчи найрангбоз шилдирларни бутунлай синдирган эди. Бундай кимсалар табибни кофир, худодан қайтган, имонсиз деб

иғво қилдилар. Сарой хизматидан қувилган хазина каламушлари бўлмиш собиқ амалдорлар ҳам вазирга қарши фиску-фасод бўҳтонни авж олдирдилар. Кун аро шундай кимсалардан кимдир подшоҳ Шамсуддавла ҳузурига кириб, ёки бирор киши орқали Шайх Абу Алини ёмонлар: унинг умрида қилмаган ва қилмайдиган ишларини қилди деб туҳмат қилар эди. Аммо подшоҳ Шамсуддавла Шайх Абу Алининг халқ ўртасидаги обрўйини яхши билар, Шайхнинг эл орасидаги эътибори давлатнинг таянчи экани унга маълум эди. Шайх Абу Алининг вазирлик хизматида ўтказган ислоҳотлари туфайли халқ ғоратгар золимлар зулмидан қутилиб енгил нафас ола бошлаган, шайхнинг халққа муҳаббати элу-юртнинг унга жавобий муҳаббатини уйғотган. Бу эса давлатнинг эътиборини ҳам кўтарган эди.

Шунда Шайх Абу Алининг душманлари ҳал қилувчи кучлар — лашкарбошиларни ишга солдилар.

Илгари қўшинбошилар саройдан харажат учун олинган маблағ бўйича ҳеч қандай ҳисобот бермас эдилар. Вазир юборган тафтишчилар қўшинбошиларнинг харажатини текшириш учун келганларида қўшинбошилар қаттиқ ҳаяжонга тушиб қолдилар. Чунки ажратилган маблағларнинг ярми уларнинг чўнтагига тушар, қўшин эҳтиёжи ва сарбозларнинг ҳақи учун эса аранг қолган ярми етиб келар эди. Қўшинбошилар сарбозларни атроф шаҳарларга ҳужум қилиб уларнинг халқини таламоққа руҳлантирар эдилар. Ушанда ўзларининг сарбозларни талаётганлари ёпилиб кетар эди. Ўзга шаҳарларни ҳам талаб қўшинбошилар талай ўлжаларни қўлга киритар эдилар.

Вазирнинг уюштирган тафтишидан норози бўлган қўшинбошилардан бир гуруҳи унинг ҳузурига келдилар.

Уша кун вазир Шайх Абу Али одатдагидек мез ёнида ўлтириб баъзи қоғозларни кўздан кечирмоқда эди. У айрим ҳужжатларга имзо чекар, айримларини тузатар, қайтадан кўчирилиши керакларини ажратиб бошқа томонга қўярди. Алоҳида бир четда тахланган ҳужжатлар подшоҳ хабарига етказилмоғи керак. Қоғозларни кўриб бўлгач, вазир ёрдамчисини чақирди ва унга кўрилган ҳужжатлар бўйича лозим топшириқлар бера бошлади. Шу вақт эшик очилиб вазир хонасига тўртта ҳарбий кийимдаги қуролли кишилар ки-

риб келдилар. Улар қўшинбошиларнинг вакиллари эдилар.

Вазир ўрнидан туриб кирганлар билан саломлашди ва ташқарига чиқмоқчи бўлган ёрдамчисига қолмоқ ишорасини қилди ва барча келганларни ўлтирмоққа таклиф қилди. Ҳарбийлар кўрпачага тиз чўкдилар. Ёрдамчи ҳам қўлидаги қоғозларини тутганича пойгакда ўлтирди. Фотиҳадан сўнг вазир ҳарбийларга савол аломати билан боқди.

— Бизнинг келмоғимиздан мақсад...— деб сўз бошлади қўшинбоши Абу Мажид Камолиддин Тафтазоний. У унвон бўйича келганларнинг барчасидан юқори, ўзининг қатъияти ва ҳарбий ишдаги малакаси жиҳатидан бошқалардан устун турар эди. Подшоҳ ҳам бу қўпол ва чўрткесар, фикри маҳдуд ҳарбий билан андишали муомала қилар эди.— Бизнинг келишимиздан мақсад: ҳарбий маҳкамага юборилган тафтишчиларни чақириб олинса. Бу маҳкаманинг ўз тафтишчилари бөр. Хизмат тақозосига кўра ўшалар ўзлари тафтиш олиб боражаклар.

Қўшинбошининг овози кескин, рад қилиб бўлмайдиган оҳангда янгради.

— Давлат тафтиши ҳар бир маҳкама учун бир хил ҳуқуққа эга. Чунки маблағлар бир хазинадан чиқур, уларнинг сарфидан давлатпаноҳ ўз хизматчилари орқали огоҳ бўлиб турмоғлари даркор.

— Давлатнинг таянч устуни ҳарбий маҳкамадир. Бошқалар шу суянч орқали барқарор турадилар. Шунинг учун бу маҳкамага алоҳида ишонч ва эътибор матлуб.

— Давлатнинг таянч устуни аҳолидир. Мамлақат халқи ўз меҳнати билан давлатни ҳам, унинг маҳкамаларини ҳам барқарор тутати. Ҳарбий маҳкама шу халқнинг тинчини сақламоқ, ташқи хуружлардан эмин тутмоқ учун тузиб қўйилган.

Қўшинбошилар вазирнинг бундай жавобини эшитгач, бир-бирларига маъноли қараб олдилар. Улар олдинлари вазирга, ҳатто подшоҳга ҳам ўз фикрларини ўтказиб келар эдилар. Улар ҳеч қачон, ҳеч қайси вазирдан ўз талабларига нисбатан бундай жавоб эшитмаган эдилар.

Вазир суҳбат тугаганлигини билдириб сукут сақлади. Қўшинбошилар бунни фаҳмлаб вазир билан

хайрлашдилар ва унинг хизмат хонасидан чиқдилар. Ҳар иккала томон ҳам бир-биридан ғоят норози ҳолда ажралишди.

## ТАЛАН

Қўшинбошилар вазирга қарши бориб тўнларини тамомила тескари кийиб олдилар. Улар томонидан иғво ва фитнанинг сассиқ дуди ҳар томонга тарала борди. Вазир ҳарбийларга ёмон кўз билан қарайди, қўшиннинг харажатини камайтириб охири уни тарқатиб юбормоқ ниятида деб гап ёйдилар. Айниқса, подшоҳ ҳузуридаги бир маслаҳат йиғинидан сўнг бундай фисқу-фасодлар авжига чиқди.

Маслаҳат мажлисида навбатдаги таланчилик юриши тўғрисида масала кўрилди. Подшоҳ Шамсуддавла ҳарбийларнинг тазйиқи остида бу юришга мойил бўла бошлаган эди.

Вазир Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ бу фикрга қаттиқ қарши чиқди. Қўшиннинг вазифаси қўшни элларни таламоқ эмас, ўз юрти элининг бежавотирлигини таъминламоқдир. Аскар деган очкўз ғоратгар эмас, мард ҳимоячи бўлмоғи лозим.

Қўшинбошилар ақлли ва қатъий иродали вазирдан чўчиб қолдилар ва уни йўқотмоқ пайига тушдилар.

Абу Мажид Камолиддин Тафтазоний фитнага бош бўлди. Унинг ёнига барча бурнидан нарини кўролмайдиган беақл галварслар жам бўлдилар.

Вазир Абу Али Ҳусайннинг ҳовлисида одатдаги турмуш тартиби кечаётган кунларнинг бири эди. Абу Али беморларни кўриб бўлгач, илмий ишларини ҳам тугатди, пешин намозидан сўнг ўрдага жўнади. Иш хонасида Абу Убайд Жузжоний кеча кечқурун ва бугун эрталаб ёзилган бобларни оққа кўчирмоқ билан банд. Вақт ҳам намози асрга яқинлашиб қолганди.

Абу Убайд ўз устозининг вазирлик хизматидан норози эди. Чунки Шайхнинг кўп вақти саройда ўтади, илмий ижодга оз вақти қолади. Агар бу хизмат бўлмаганда яна қанча янги асарлар ёзилган бўлар эди. «Шайхнинг бу вазифа билан машғул бўлиши бизга қайғу ва ҳасрат келтирди. Чунки унинг кўп вақти зое кетмоқда», деб кўнглидан ўтқазди Жузжоний.

Шу пайт бирдан чўри хотиннинг чинқириб додлаган овози келди. Унинг орқасидан кимларнинг югур-

ган шарпалари эшитилди. Икки хизматчи чопганларича Жузжоний ҳузурига кирдилар.

— Тақсирим, ҳарбийлар ҳовлига хуруж қилиб келмоқдалар.

— Қандай ҳарбийлар, қаерда?

— Улар дарвозани қаттиқ қоқдилар. Очмоққа улгурмадик, дарвозани ағдариб ташқари ҳовлига кирдилар.

Шу вақт ҳовлида кўп одамнинг қораси кўринди. Шовқин-сурон. Жузжоний дик этиб ўрнидан турди ва иш хонасидан ҳовлига чиқди. Ҳовли сарбозлар билан тўла. Улар хоналар эшикларини ланг очиб ичкарига кирмоқда, уйда бор нарсаларни кўчага ташимоқда эдилар. Жузжоний ва икки хизматчи уларга қараб ҳай-ҳайлар, аммо уларга ҳеч ким парво қилмас эди. Барча сарбозлар хоналардаги нарсаларни таламоқ билан банд эдилар. Икки чўри аёл ошхонага беркиниб олиб бу даҳшатли манзарани қўрқув билан кузатишар эди. Молу мўллка қузғунлар сингари ташланган бу ўғрилар, хайрият, бу икки кўҳлик аёлларни кўрмадилар, ёки уларга назар солмадилар.

Таланчиларга баланд бўйли, ингичка, чўзиқ башарали, дўрттайган юқори лаби устига мохов зулукдек ёпишган қора мўйлабли бир сарбоз бошчилик қилар эди.

Ҳарбий кийимдаги бу ғоратгарлар уйдаги гиламлар, кўрпа-ёстиқлар, кийим-бош, идиш-товоқлар, ҳамма-ҳамма нарсачи каламушлар каби ташиб олиб чиқиб кетдилар. Ниҳоят таланчибоши олимнинг иш хонасига икки йигити билан кириб келди. Хона тўла китоблар, олимнинг қўлёмалари. У барча китоблар ва қўлёмаларни ҳовлига олиб чиқиб ёқиб юборишни буюрди.

Бўлаётган расволикларни кўриб зўрға ўзини тутиб турган Жузжоний бу фармойишни эшитгач, ўзини тутта олмади. У сарбозларнинг олдига тушиб китобларни ўз гавдаси билан тўсди ва ҳайқариб деди:

— Тўхтангиз, ахир булар китоблар-ку, бебаҳо китоблар-ку... Уларда ҳаммангизнинг дардингиз, касалликларингизга дори-дармонлар битилган. Бу гуноҳли жиноятдан сақлангиз, қилмишларингизни оллоҳ кўриб турипти, у сизларни жазолайди.

— Дажжолнинг шогирди, яна оллоҳни тилга олади-я, бу кофир,— деди ҳалиги босқинчи ва Жузжонийни итариб ташлади. Йигитлар китоблар ва қўлёмаларни



ларни ҳовлига олиб чиқиб ёқа бошладилар. Жузжоний бу ваҳшатни кўриб ҳушдан оғди.

Жузжоний ўзига келиб кўзини очганда вақт шомга яқинлашган эди. Ҳовлида таланнинг чиркин излари қолган. Икки хизматчи ва икки чўри бўм-бўш бўлиб ҳувиллаб ётган уйлардаги босқинчилардан қолган ахлатларни супурмоқдалар.

Жузжоний секин инқиллаб ўрнидан турди. У ҳовлига чиқиб бир чеккада юз қўлини ювди. Сал ўзига келгач, хизматчилардан бирини ўз ёнига чақирди ва унга деди:

— Иброҳим, сен мен билан бирга бўласан. Биз Шайхни кўчада кутамиз. Учрашгач у кишини бир холий жойга яширмоғимиз керак. Йўқса бу одамхўрлар яна келиб Шайхга бирор лат етказмоқлари мумкин.

Жузжоний ва Иброҳим биргалашиб кўчага чиқишди. Улар ҳовлидан анча нарида катта кўчага қараб муюлишда Шайхни кутишди. Қош қорая бошлади. Кўчаларда қатнов камайди. Ниҳоят Шайх Абу Алининг келаётгани узоқда кўринди. Жузжоний ва Иброҳим унинг қаршисидан чиқишди. Шайхнинг қовоғи солиқ, таъби нохуш эди. Жузжоний ва Иброҳим унга салом беришди, Шайх тўхтаб алик қилди. Шундан сўнг Жузжоний ётиғи билан бугунги кўнгилсиз воқеаларни айтиб берди. Қитоблар ва қўлёзмаларнинг ёндирилганини сўзлаганда унинг лаблари титраб овози бўғилди, кўзига ёш келди. Шайх Абу Алининг қошлари қаттиқ чимирилди, аммо у ҳеч нарса демади.

— Устоз,— деди Жузжоний сал ҳаяжонини босиб,— сиз ҳозирданоқ беркинмагингиз керак. Чунки у жафожўйлар яна келиб ҳамла қилиб сизга озор етказмаклари аниқ. Биз Иброҳим билан бирга лозим нарсаларни олганмиз. Ҳозирданоқ бошқа бир ёққа йўл олайлик.

Шайх Абу Али Иброҳимнинг бўйнидаги ҳуржунни энди сездди. У бир оз ўйлаб тургач, Жузжонийга деди:

— Кўнглим сезган эди бу бахтсизликларни. Ҳозир Қудуқлик маҳалласига Абу Саид ибн Даҳдуқнинг уйига бора қолайлик.

Учовлари ўша маҳалла сари жўнадилар. Йўлда Шайх Абу Али бугун саройда рўй берган ҳодисаларни айтиб берди.

Амир Шамсуддавланинг ҳузурига қўшинбоши Абу

Мажид Қамолиддин Тафтозоний келиб вазирдан шикоят қилган ва уни хизматдан четлатишни талаб қилган. Йўқса не аҳвол содир бўладиган бўлса қўшибоши жавобгар эмас. Маълум бўладики, Абу Мажид Қамолиддин амир ҳузурида эканида унинг одамлари вазир Шайх Абу Алининг уйига ҳужум қилганлар, вазирни тополмасдан унинг ҳовлисида талан ва ғорат уюштирганлар.

Ҳамроҳлар тамомила қоронғу тушган пайтда Абу Саид ибн Даҳдуқнинг ҳовлисига етиб келдилар. Бир маҳал бу одамнинг қизи оғир касалликка мубтало бўлганида Абу Али уни даволаб тузатган эди. Шундан бери Ҳамадоннинг бадавлат савдогарларидан бўлган бу киши табибга ихлоси жуда баланд, ўзининг унга яқинлиги билан фахр қилади. Абу Али вазирликка ўтгач, савдо-сотиққа ривож бергани учун Абу Саид ибн Даҳдуқ унга яна кўпроқ ихлос қўйди ва савдо аҳли орасида Абу Алининг мустаҳкам таянчини уюштирди.

Абу Саиднинг ичкари-ташқари катта ҳовлиси бўлиб, унинг орқасида боғи ҳам бор эди. Абу Али ўз одамлари билан Абу Саиднинг ҳовлисига келганида уй эгаси уларни хурсандлик билан кутиб олди. Суҳбат чоғида у бўлиб ўтган ишлардан хабар топгач, ҳайратда қолди. Абу Саид ўз уйи, боғи, бутун мулки билан Шайх хизматига тайёр. У боғ тўридаги меҳмонхонани Шайх ихтиёрига топширди. Маслаҳатга кўра Шайх Абу Али ва Жузжоний ҳозирча шу ерда қоладилар. Иброҳим эса Шайхнинг ҳовлисига қайтади.

Иброҳимнинг кетиши олдидан Абу Али Жузжоний орқали унга бир неча тилло берди. Бу пул ҳовлида беқаров қолган икки хизматчи ва икки чўрига керакли рўзғор буюмлари ва озиқ-овқат сотиб олиш учун етарли эди. Иброҳим пулни олиб улар билан хайрлашди ва чиқиб кетди.

Эртасига эрталаб нонуштадан сўнг Жузжоний имкондан фойдаланиб «Ашшифо» китоби устидаги ишни давом этдиришни таклиф қилди. Шайх бу таклифни қабул қилди. Улар бу ерда яширинча яшаётганликлари учун беморларни кўриш вақтинча тўхтаган эди. Шайх Абу Али илмий ишларга кўмилиб кетди. У эрталабдан кечгача тинимсиз ёзар, кеча ёзганларини бугун бир қур кўздан кечириб чиққач, Жузжоний улар-

ни оққа кўчира борар эди. Устоз гоҳо шогирдига азбар (диктовка) қилар, сўнг Жузжоний бу ёзганларини яна бир бор оққа кўчирар эди. Шайх Абу Али ишлаётган пайтида бирор китобга қарамас, ҳамма нарсани хотирида сақлагани учун барча билганлари ва ўйлаганларини тинимсиз равишда қоғозга тушира борар эди.

Шу йўсинда йигирма кун ўтди. «Ашшифо» китобининг табиёт ва илоҳиётга оид қисмлари ёзиб тугалланди. Энди «Алҳайвон» ва «Аннабот» («Жонлилар» ва «Усимликлар») қисмлари ёзилмоғи керак.

Шайх Абу Али Ҳамадондан чиқиб кетиш тараддудига туша бошлади. Чунки бундай аҳвол ва шароитга ортиқ чидаб бўлмайди. Бир одамнинг уйида тоқайгача беркиниб яшамоқ мумкин. Ҳаёт ўз зарбасини аёвсиз бермоқда. Олим тоқат қилади. Фақат меҳнат, томмаънодаги ижодий меҳнатгина унга юпанч бағишлайди. Ёзаётган китобларининг ҳар бир боби унинг озурида кўнглига зўр бир таскин. Чунки олимнинг ҳаёти унинг асарларида. Одамлар, бутун-бутун авлодлар бу китоблардаги фикрлар, ўғитлардан баҳра оладилар, ўз дардларига даво топадилар, ахлоқий ва руҳий такомил касб этадилар. Олим ҳаётининг чин мазмуни эл учун шундай сидқидил билан хизмат қилмоқлик эмасми? Кундалик турмуш гурзиларининг олим бошига тушираётган зарбаларини сезмаслик даражасидаги маънавий сархушлик бағишловчи куч шу илҳомли, тинимсиз ва баракали меҳнатдир.

## КЎРНАМАКЛИК

Улуғ табиб яшаган ҳовли ғоратгарларнинг ҳуружидан сўнг хазон бўлган боғдек ҳувиллаб қолди. Ичкари ташқари ҳовлиларда одам шарпаси эшитилмайди. Ҳамма ёқ бўм-бўш. Ташқари ҳовлида Иброҳим билан бир хизматчи, ичкари ҳовлида эса икки чўри турадилар. Чўрилардан бири Шерозли турк аёли, иккинчиси эса Мовароуннаҳрдан. Жузжоний бу икки ёш аёлни қул бозоридан сотиб олиб келтирган. Уларнинг ваҳшатли ва бадбашара хўжайини бу ёш ва гўзал чўриларга катта баҳо айтди. Жузжоний савдолашиб ўлтирмай дарҳол айтилган ҳақни тўлаб уларни сотиб олди. Бу икки ёш гўзалнинг Абу Али даргоҳида бўлмоғи қулликдан озод қилиниши билан баробар эди.

Жузжоний уларни бозордан ҳовлига бошлаб келар экан, инсонлик, ёшлик, гўзалликнинг тутқунликка мубтало бўлмоғидан таъсирланиб қадам ташлар эди. Бу қандай адолатсизликки, бир инсон иккинчиси томонидан мол сифатида савдо қилинса, инсонлик қадрини бундан ортиқ тубанлаштирмоқ мумкинми? Жузжонийга бирдан-бир тасалли берган ҳол иккала ёшни ўша сержаҳл ва бадбашара қулдордан қутултиргани эди. Булар Абу Али хонадониде чўри деб аталсаларда, бекалардай яшайдилар. Ҳар иккала ёш гўзал тезда қандай мўътабар даргоҳга, қандай нодир табиатли хўжа қўлига тушганларини англаб етдилар ва бу кутилмаган бахтиёрликка шукроналар қилдилар. Улар устоз ва шогирдга сидқидиллик билан хизмат қилар, ҳамма айтилган юмушларни мамнуният билан, тез ва ўрнига қўйиб бажарар эдилар. Уй эгаси уларга қанчалик яхши ва ҳурматли муомалада бўлмасин, бу идрокли ва назокатли аёллар хатту-ҳаракатда ҳеч қачон меъёрдан ўтмас, ўзларининг аҳволлари тақозо этган йўсинда иш тутар, хўжа ва чўри ўртасидаги масофани одоб ва астойдиллик билан сақлар эдилар.

Иброҳим билан турган хизматчи қишлоқдан келган. У етимликда ўсган ёлғиз йигит эди. У Шайх Абу Алига ўз отаси каби қарар, унга чин садоқат ва ҳурмат билан хизмат қилар эди.

Иброҳим эса асли Ҳамадондан. Унинг отаси ўлиб кетиб онаси бошқа кишига эрга берилган. Шунинг учун Иброҳим болаликдан ўз тирикчилигини ўзи ўтказишга мажбур бўлган. Иброҳимнинг мақсади озгина пул жамғариб ўзининг мустақил ишини бошласа. У Шайх даргоҳида бемалол яшар, хўжасининг сахий қўлидан яхши ҳақ ва инъомлар олар, уларни аста-секин йиғиб борар ва тезроқ ўйлаган мақсадига эришмоққа интилар эди.

Оқшом. Икки хизматчи ташқари ҳовлидаги супада кечки овқатдан сўнг чой ичиб ўлтиришипти. Таландан сўнг бу ҳовлига ҳеч ким келмайди. Хизматчилар фақат ҳовлини қўриқлайдилар. Чўрилар уй йиғиштирадилар, овқат пиширадилар.

Иброҳим ўз шеригига уларнинг маҳалласидаги бир чаққон йигитнинг қандай қилиб бойиб кетганини ганириб бермоқда эди.

Шу пайт бирдан эшик қаттиқ тақиллади. Иброҳим шеригига имо қилди. Шериги ўрнидан туриб бориб

эшикни очди. Эшикдан икки ҳарбий кийимли сипоҳ кириб келдилар. Иброҳим ўрнидан сакраб туриб келганларга салом берди ва уларни супага ўлтирмоққа таклиф қилди. Сипоҳлар ўлтирмадилар. Улардан бири сўради:

— Табиб ҳазратлари қаердадирлар?

Иброҳим индамади. Шериги жавоб бериб деди:

— Таландан сўнг мана қирқ кундирки, уйга келганлари йўқ. Қаерда эканликлари бизга номаълум.

Талан сўзини эшитган сипоҳ бир ижирғаниб юзини буриштирди. Вазир Шайх Абу Алининг уйига бўлган ҳужум тўғрисидаги овоза бутун шаҳарга ёйилиб кетган эди. Бу ҳодиса ўзининг машъумлиги билан вазирнинг дўстларини ҳам, душманларини ҳам изтиробга солди. Куппа-кундуз кунни вазирнинг уйини талаган ўғрилар бошқа ҳовлиларга ҳам ҳужум қилишлари мумкин-ку! Булар ҳарбийларми ёки таланчиларми? Таланга бош қўшмаган ҳарбийлар ичида ҳам бу ишдан норозилар бор эди. Чунки улардан баъзилари ўзлари ёки қариндош-уруғлари табибнинг мўъжизакор даволаридан шифо топганлар. Умуман кўпчилик Шайх Абу Алининг уйига бўлган ҳужумни беибо шармандалик деб қораладилар. Шунинг учун вазир Шайх Абу Алига қарши чиққан қўшинбошилар ўз қилмишларидан саросимага тушдилар. Улар калтафаҳмлик билан тутган йўллари бундаин нафрат жарига элтмоғи мумкинлигини ўйламаган эдилар.

Тағин ўчакишгандай амир Шамсуддавланинг қуланж касали яна қўзиб қолди. Ҳеч ким унга даво топа олмайди. Фақат улуғ табиб Абу Алигина бу дардга шифо бағишлови мумкин. Абу Али эса йўқ. Унинг қаерда эканини ҳеч ким билмайди. Амир ўз одамларига қаердан бўлмасин Абу Алини топмоқни буюрган. Сипоҳлар шунинг учун унинг ҳовлисига келган эдилар.

Иброҳим гапга қўшилмай ҳамон жим турар эди. Сипоҳлар бир оздан сўнг ҳовлидан чиқиб кетишди. Улар кўчага чиққач, Иброҳим шеригига:

— Сен дастурхонни йиғиштириб қўйгин. Мен ямоқчига берган этигимни олиб келаман,— деди ва кўчага чиқди.

Сипоҳлар кўчада отга миниб йўлга тушган эдилар. Иброҳим уларнинг ортидан бораверди. Сипоҳлар на-

риги кўчага бурилишгандин сўнг Иброҳим тез югуриб уларга етиб олди ва деди:

— Жаноблар, агар Шайхни бирор киши топиб берса не мукофот бўлур?

Сипоҳлардан бири индамай чўнтагидан бир халтачадаги олтинни олиб кўрсатди. Кўчада ҳеч ким йўқ эди. Иброҳим икки қўли билан сипоҳнинг узангига ёпишди.

— Мен айтаман Шайхнинг қаердалигини. У Қудуқлиқ маҳалласидаги Абу Саид ибн Даҳдуқнинг боғида беркиниб яшамоқда.

— Алдамайсанми, ит боласи?

— Худо урсин. Чин сўз бу. Мен ўзим талан кунни Шайхни ва унинг шоғирдини ўша ерга кузатиб борганман.

— Сўзинг ёлғон бўлса, олтиндан ҳам, бошингдан ҳам жудо бўласан, ҳаромизода!

Иброҳим қайта-қайта қасам ичиб ўз сўзини тасдиқлади.

Уша кечаси Иброҳим миршабхонада тунади. Чунки, айтганлари рост чиққунча уни қўлда тутдилар. Эрталаб бу кўрнамак ўзидан мамнун бўлиб хўжайинининг ҳовлисига қайтди. Унинг қўйнида олтин тўла халтача ётарди. Хўжайинининг ҳар бир ҳаракатидан хабар етказиб туриш тўғрисида берган тилхати эса миршабхонада қолган эди.

## ХИЗМАТ ВА ТУРМУШ

Уша кунидеъ сипоҳлар табибни беркинган жойидан топиб амир Шамсуддавлар ҳузурига келтирдилар. Оғир нотобликка учраган бемор амир юз берган кўнгилсиз ҳодисалар учун Шайхдан узр сўради, ундан ўз вазирлик вазифасини адо этмоқни давом этдиришни сўради. Табибнинг биринчи вазифаси беморни даволаш. Шайх Абу Алининг мўъжизали шифолари туфайли тезда амир қуланж касалининг қийноқларидан қутулди. Унинг кўзига бўлак бошқатдан ёруғ дунё кўринди. У табибдан жуда миннатдор, ўтган нохуш ҳодисаларнинг изларини Шайхнинг кўнглидан чиқариб юбормоқ учун кўп ҳаракат қилади.

Шундай қилиб Шайх Абу Али яна саройда, вазирлик вазифасини адо эта бошлади. У амирнинг ҳара-

катларини сезади. Аммо олим яхши тушунадики, гап бир кишида эмас. У хоҳ амир бўлсин, хоҳ қўшинбоши, бир кишининг қўлидан кўп нарса келмайди. Гап ўрнашиб қолган одатлар, муносабатларда: улар туфайли вужудга келган шароитда. Вазир ана шуларни ўзгартирмоққа интилади. Шайх Абу Али ўзи учун амир даргоҳидан ҳеч нарса талаб қилмайди. Ўзининг табиблик орқали топган даромади ва олаётган хизмат маоши унинг тирикчилиги учун етарли. Бу даромад ҳовлисини бир меъёрда тутмоқда, ўзи ва хизматчиларининг иш ҳақи ва таомини қоплашга бемалол етиб ортади. Абу Алининг оила, хотин, бола-чақаси йўқ. Меросхўрлари ҳам йўқ. У бутун халқни ўзи оила аъзолари, фарзандлари сингари кўради. Шу халққа ғамхўрлик, нотобларини даволаш, соғларини ҳимоя қилиш, мамлакатни ободонликда, халқ ҳаётини фаровонликда асраш учунгина интилади, тинмай ишлайди бу олим, табиб, вазир. Сарой атрофидаги турли тасодифий кимсалар, хазина ўғрилари, фиску-фужур аҳли Шайх Абу Алини ёмон кўрадилар: кўршапалак ёруғликка чидай олмагани сингари улар Шайхнинг қалби, олий интилишлари нури остида типирчилайдилар, унга қарши қора душманлик дудини ҳар ён тарқатадилар. Элу-юрт манфаатини кўзловчи тоза юрак одам бу ҳаромхўрларнинг кўзига мудҳиш кўринади, улар адолат, инсоф тўғрилиқ шуълаларига сира чидай олмайдилар.

Атрофида қандай ёвуз муҳит мавжуд бўлмасин Шайх Абу Али ўз хизматида халқпарварлик йўлидан қатъий борар эди, у ҳамиша мазлумлар додига етар, бева-бечораларга кўмаклашар, золимлар ва ўғриларга қарши кескин курашар эди.

Абу Али вазирлик хизмати билан қанча банд бўлмасин, у ҳамиша беморлар муолижаси, илмий машғулот, дарс ўқиш: олимлар, шоирлар, созандалар суҳбати учун ҳам вақт топар эди.

Бугун Шайх Абу Али саройдан ҳовлисига кеч қайтди. Бу ерда иш хонасида уни Жузжоний ва бир қанча бошқа шогирдлар кутмоқда эдилар. Шайх уйга кириши биланоқ ҳамма гурр этиб ўринларидан туриб салом бердилар. Устоз очиқ чеҳра билан саломлашди, ҳар бирининг ҳолу аҳволини сўраб чиқди. Сўнг ичкари уйга ўтди ва бир оз фурсатдан кейин ичкаридан ювинган, уй кийими кийган ҳолда чиқди. Барча-

лари овқатхонага ўтдилар ва дастурхон атрофига ўлтирдилар. Шайх Абу Алининг уйи ҳамма яқинлари учун азиз ва очиқ даргоҳ. Ҳар куни бу уй дастурхони атрофида ўн беш-йигирма одам жам бўлади. Бирор мартаба Абу Али ва Жузжоний иккаласи ёлғиз ўлтириб овқатланган эмаслар. Ҳозир ҳам шундай. Дастурхон устида турли латиф таомлар муҳайё. Шероз ва Мовароуннаҳр гўзаллари бўлмиш олим уйидаги аёллар ғоят пазанда эдилар. Улар қайси овқатларни қай вақтда ва қандай пиширмоқни улуғ табиб ёзган китоблардан ўқиб ўрганадилар.

Безакли дастурхон устида батартиб тортилган мазали таомлар иштаҳани очади. Жамиятнинг кайфияти хуш. Озгина, ўз меъёрида тортилган шароб бу кайфиятни яна кўтариб юборди. Табиб аҳён-аҳёнда овқат маҳалида озгина ичилган шароб фойдали дер эди. Умуман шароб заҳардир. Лекин ҳар бир заҳар каби оз-оз ишлатилса, у дори бўлади. Чунки ичилган шароб томирлардаги тиқилмаларни юритиб юборади, шу билан қон ҳаракати яхшиланади: овқат ҳазмига ёрдамлашади: суҳбатни қовуштиради. Шароб ичган киши мусиқа тингламоққа мойил бўлади. Аммо шароб ичмоқ ҳеч қачон мўътадилликдан нарига ўтмаслиги, ҳар бири кишининг ўзигагина хос бўлган меъёрдан ошмаслиги шарт.

Шароблар тортилгач, таомлар тановули бошланди, кишиларнинг кайфи яна чоғроқ бўлди, суҳбат, кулги қизиди. Бир йигит шеър ўқиди.

Унга бошқа бир йигит Шайхнинг шароб тўғрисида ёзган шеърини ўқиб жавоб қилди.

Шеърхонликдан сўнг созандалар чолғи асбобларини қўлларига олдилар. Дилрабо оҳанглар янгради. Ҳамманинг кайфи хуш, дили сархуш эди. Бу хурсандчилик узоқ кечгача давом этди. Сўнг одамлар тарқалишди.

Абу Али ўз хонасига ўтди. Мовароуннаҳрли гўзал кўрпа-ёстиқларни, тоза чойшабларни тўшаб тайёр қилиб қўйган эди. Ўзи ҳам ҳарир ипак кийимларда. У сузилган жоду кўзларини уй эгасидан узмас, унинг барваста қомати, кучли билаклари, қувватли бағрига суқлик билан боқар эди. Бу аёл чин кўнглидан Абу Алини севиб қолган. Ўзи нозикбадан, уятчан ва тортинчоқ бўлса-да, Абу Али билан ёлғиз қолганида битмас-туганмас эҳтирос касб этар, севгилисининг қўйни-



да типирчилаб ўт бўлиб ёнар, айниқса, уни шерозли дугонасидан қизғонганида янада кучлироқ оловланар эди...

Эрта тонг. Ёш гўзал барвақт уйғонди. У тезда ўрнидан турди, ювинди, сўнг ҳаммомни тайёрлаб қўйди-да, нонушта тайёрламоққа киришди. Шерозли дугонаси гўё ҳеч нарсадан хабари йўқдек унга қарашар эди. Ҳар иккала гўзал Шайхга муносабат масаласида чиқишолмасалар-да, бошқа ҳамма нарсада бир фикрли эдилар ва бир-бирларига жуда суянишар эди. Ўз юрти, ота-она, оиласи, яқинларидан жудо бўлган бу икки ёш қалб бир-бирининг ҳамоҳанглиги билан барқарор. Дилларида бу мўътабар даргоҳга тушганларининг шукронаси. Лекин иккаласи ҳам олийжаноб инсон, баркамол ва мард эркак Абу Алига кўнгил боғлаганлар: унга хизмат қилиш, унинг кўнглини олишни энг ёқимли, миннатдорлик билан адо этувчи хизматлари сифатида қабул қилар ва шу билан шод эдилар.

Нонушта тайёр бўлгач, ошхонага Иброҳим кириб келди. У хўжайинига нонуштани ўзи олиб кирадиган бўлган. Иброҳим кейинги вақтларда имкон борича Шайх ҳузурда кўпроқ бўлишга, унинг сўзларини тинглаш ва кузатишга ҳаракат қилар эди. У шумпашша каби Шайх атрофида ўралишар, шу қилиғи билан ҳатто Жўзжонийнинг жиғига тега бошлаган эди. Аммо Шайх бунга заррача парво қилмас эди.

Иброҳим ҳатто табиб беморларни кўраётган вақтида ҳам унинг ёнида бўлишга, кўмаклашувни баҳона қилиб уни кузатувга, айтганларини ёдда сақловга ҳаракат қилар эди. Чунки у ё ҳар куни, ё кунаро миршабхонага шайх тўғрисида гап етказиб туриши керак. Шайхга нисбатан ёмон фикр туғдирувчи гап топиб борса Иброҳимнинг ўша кунги даромади анча баракали бўлади. Жўзжоний китобларни кўчириб ёзиш билан кўпроқ банд бўлгани сабабли Иброҳим Шайх атрофида муттасил ўралашадиган бўлди, ҳатто у дори-дармонлар тайёрлашга ҳам аралашар, баъзи енгилроқ дориларни қилишни ўрганиб ҳам олган эди. Ҳар қандай одамда яхши томонларгагина аҳамият берувчи олим Иброҳимнинг серҳаракатлигини кўриб беморларни даволашга унинг хизматида кўпроқ фойдаланар, иш устида даволашга оид баъзи ишларни ўргатар эди. Ишонч қозониб олган Иброҳим секин-секин

Ўз мақсадини амалга оширишга ҳозирлик кўра борди. Кундуз кунлари ҳовлида одам кам бўлар, аёллар ичкари ҳовлидан чиқишмас, бошқа хизматчи йигит эса кўп заҳматкаш, меҳнатга қойим, аммо жуда содда ва тўғри бўлганидан чумоли каби тинимсиз иш билан банд бўлар ва Иброҳимнинг қилғиликлари билан ҳеч иши йўқ эди. Кундузлари Жузжоний бирор иш билан бир ёққа кетганда Иброҳим уйдаги қимматли буюмлардан битта-битта ўғирлаб олиб чиқиб кетар эди. У қўшни маҳалладаги бир бева хотин билан алоқада бўлиб унга уйланмакка ваъда қилган, ўғирланган нарсаларини ўша ерга олиб бориб яширар эди.

Кунлар шу зайлда ўтиб борди. Шайх Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино одатдагидек табиблик ва вазирлик вазифаларини адо этар, орада илмий китоблар ёзишни давом этдирарди. Вақт ғилдираги ўз йўналишида аста-секин, лекин тўхтовсиз ҳаракатда.

1021 йили Ҳамадон подшоҳи Шамсуддавла вафот этди. Тахтни унинг кичик ўғли Самоуддавла эгаллади. Бу ёш амир даргоҳида хизмат килмоқ оғир бўлажаги Шайхга аён. Чунки ёш амир иш билмайди. Атрофини эса ёмон ниятли одамлар ўраган. Амир уларнинг измидан чиқмайди. Шунинг учун Шайх Абу Али вазирликни давом этдириш тўғрисидаги амирнинг таклифини рад қилди ва вазирлик хизматидан воз кечди. Бу лавозимни, унга интилиб эси кетиб юрган Тожулмулк эгаллади.

Кунлардан бир кун Шайх Жузжонийга деди:

— Биз сарой хизматидан воз кечдик. Бундан буён бир мунча фурсат сарой аҳлининг кўзига кўринмай турган мақбулдир. Шунинг учун биз Абу Ғолиб ал Атторнинг уйига бориб ўша ерда яшайлик ва китоблар таълифи билан машғул бўлайлик. Ҳовлида Маҳмуд қолсин.

Шайх Абу Алининг укаси Маҳмуд бир неча фурсат бурун Бухородан Ҳамадонга келган ва акаси билан бирга яшай бошлаган эди.

Абу Ғолиб ибн Аттор дориворчи бўлиб, у табиб билан ҳамкорлик қилар ва улуғ табибга ҳурмати баланд эди. Унинг Ҳамадонда бир неча ҳовлиси бўлиб шулардан бири бўш ётган боғли ҳовлисини табибга таклиф қилган эди.

Ўша кунни эртасига Абу Али, Жузжоний ва Мова-

роуннаҳрли гўзал ўша ҳовлига кўчиб ўтдилар. Уларга Иброҳим қарашиб турди.

Бу ерда эртаси куни эрталабданоқ Шайх Абу Али ва Жузжоний илмий ишларини давом этдирдилар. Шайх «Ашшифо» китоби устида ишлар эди. У гоят тез суръат билан ёзади. Бир кунда ҳатто эллик саҳифа ёзган вақтлари ҳам бўлди. Жузжоний аранг қоғоз тайёрлаб улгурар эди. Шайх олдин бир-икки кун давомида бўлажак китобнинг мундарижасини тайёрлайди, сўнг ўшанга қараб-қараб ҳар бир бобни ёзишга киришади. Шу йўсинда бу шоҳ асарнинг айрим бўлаклари тайёр бўла борди.

Математикага оид асар эса олдин ёзилган эди. Олим буни «Ашшифо»га алоҳида бир бўлак қилиб киритди.

Шундай қилиб, Ҳамадонда Шайх Абу Алининг «Ашшифо» асарининг уч бўлаги ёзилди.

Кейинчалик олим Исфаҳонда бу китобнинг ҳайвонотга ва ўсимликларга оид бўлакларини ёзиб чиқди. Улар «Алҳайвон» ва «Аннаботот» деб аталади. Ҳайвонотга оид бўлакни Аристотель асарларига қиёс қилиб керакли жойларини тўлдирди. Шу йўсинда «Ашшифо» китоби юзага келди. Бу шоҳ асарни ёзиб тугатганида Шайх Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Синонинг ёши қирқда эди<sup>1</sup>.

## «АШШИФО»НИНГ МАЗМУНИ

Бу китоб Шайх Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино яшаган даврдаги, яъни ўнинчи аср мусулмон шарқидаги барча билимларни қамраб олган қомусий асардир.

«Ашшифо» («Даволов») нинг биринчи бўлаги табиийётга оид асарлардан иборат. Бунда олим Арасту (Аристотель)нинг «Физика» китобида айтилган масалалар бўйича фикр юритади: табиийётнинг асосларини баён этади: ҳаракатлар, жисмлар, улар парчаланганда юз берадиган ҳодисалар, моддаларнинг табиий ҳолатлари, уларнинг ўзаро муносабатлари, жинслар

<sup>1</sup> «Ашшифо» тўғрисида қаранг: А. Ирисов, «Абу Али ибн Сино» Тошкент, «Фан», 1980, с. 121—142; Абу Убайд Жузжоний, «Абу Алига мойил бўлгим келарди», Журн. «Ўлистон» (Тошкент), № 8, 1980 й. А. Ирисов таржимаси.

ва навлар, улар орқали содир бўладиган ҳодисаларни баён қилади. «Ашшифо»нинг табиийёт бўлимида осмон ва ерга оид ҳодисалар, турли моддалар ва элементларнинг ўзига хос хусусиятлари, иссиқлик ва совуқлик, мижоз, осмон жисмлари: ер юзасидан кўри-нишлар — буғланиш, чашмалар, ер қимирлаши, тоғлар, водийлар, саҳролар, денгизлар, сувли ва кам-сув ерлар тўғрисида турли маълумотлар келтирилади.

Табиийёт бўлимининг махсус боблари ўсимликларга, ҳамда ҳайвонларга бағишланган.

Табиийёт бўлиmidан сўнг риёзиёт (математика), илоҳиёт ва ахлоқ бўлимлари келади.

Риёзиёт (математика) бўлимида ҳандаса (геометрия), ҳисоб (арифметика), мусиқа, илми нужум (астрономия) тўғрисида билимлар жамланган.

«Ашшифо»да Шайх Абу Али ўзидан олдин ўтган олимларнинг шу илмий соҳаларда яратган асарларига хулосалар ясаган, баъзан эса уларга ўз қўшимчаларини киритган. Масалан, Жузжонийнинг хабар беришига кўра «Ашшифо»нинг математика бўлимида, шайх Абу Али Уқлидус (Евклид) геометриясига параллакс (ҳеч қачон кесишмайдиган ёнма-ён) ҳақидаги ўзи ишлаб чиққан ўнта теоремани қўшган. Шу бўлимнинг астрономияга оид бобида астрономияга оид Птоломейнинг машҳур «Алмажастий» асарига тамомийла янги фикрларни киритган.

«Ашшифо»даги «физика» бўлимининг олтинчи боби — «Китоби нафс»дир (Муаллиф бобларни «фан» — «билим» деб атаган).

«Китоби нафс»да олим танадаги барча аъзоларнинг ҳаракати нафс туфайли амалга ошади, демак барча ҳаракатларни юзага келтирувчи нарса нафс деб аталади, деб ёзган. Шундан сўнг қадимий олимларнинг нафс тўғрисида айтганлари келтирилган. Баъзилар танани ҳаракатга келтирувчи куч нафсдир деганлар. Ўзи доимо ҳаракатда бўлгани учун у ўлмайдиган деб ҳисоблаганлар. Баъзилар эса нафс бошланғичдир, деганлар. Яъни уни олов, ҳаво, ер, сув, деб билганлар. Баъзилар нафс қондир, чунки қон тўхтаसा ҳаёт тўхтайдиган, деганлар. Баъзилари нафс худодир ва у ҳам табиат, ҳам ақл, ҳам жон сифатида мавжуд деган фикрни билдирганлар.

Шайхурраис бу фикрларни асосли равишда бирмабир рад этиб чиқади. Сўнгра нафс, унинг ҳаракатла-

ри, кўринишлари, кучлари тўғрисидаги ўз тасаввурини баён қилади. Нафс жисм эмас. Материя бир алоҳида қоришмада мавжуд. Бу қоришмада нафс бўлади. Шунинг учун ҳам материя мавжуд. Нафс материяни шу қоришмада барпо этади. Нафс ўсимлик ва ҳайвонотнинг мавжудлигига сабабдир. Нафс яралиш ва ўсишнинг бошланувидир.

Ўсимликларда ўсимлик нафси бўлади. Аммо ўсимликлар ва ҳайвонот нафсини бирлаштирувчи омил ўсимликларни ҳам, ҳайвонотда ҳам мавжуд. Ўсдирувчи куч ўз танлавига кўра органи янада тугал бўлмоққа ҳозирлайди. Бу тугаллик эса бошқа бир нафсга оид кучдир. Ана шу нафсни ҳайвонот нафси деймиз.

Шайхурраиснинг ёзишича, умуман нафс бир бутун. У барча органларни бир-бирига боғлайди, уларни йиғиб бир бутун жисм ҳолатига келтиради ва уни мунтазамликда сақлайди.

Шундан сўнг олим нафс кучлари ва уларнинг ҳаракатлари тўғрисидаги фикрларини изҳор эта бошлайди.

Ўсимлик нафсида уч куч бор: озиқлантириш кучи — бу жисмни ўзгартиради. Ўсув кучи — бу жисмни катталаштиради. Кўпайтириш кучи — бу бошқа ўхшаш жисмлар ёрдамида жисмнинг бир бўлагидан янги бир жисм юзага келтиради.

Ҳайвонот нафсида ҳаракатлантирувчи ва қабул қилувчи кучлар бор. Ҳаракатлантирувчи кўзгатади, интилтади ё рад қилдиради. Қабул қилувчи куч эса ташқаридан, ёки ичкаридан қабул қилади.

Ташқаридан қабул қилинувчи қуйидаги сезгилардир: кўрув, эшитув, ҳидлов, таъм, сезув.

Ичкаридан қабул қилинувчилар: хаёл, фикрлов, фарз, сақлов ва хотира.

Барча кучлар устидан ақл бошчилик қилади.

Шундан сўнг Шайхурраис ўсимлик ва ҳайвонот нафсига алоқадор сезгилар тўғрисида сўз юритади (Бу ерда ўсимлик ва ҳайвонот фалсафий, кенг маънода — ўсувчи ва жонли мавжудот маъносида ишлатилмоқда. А. Қ.).

«Қитоби нафс»нинг бешинчи бўлими инсон нафсига оид мулоҳазаларни ўз ичига олган.

Инсонга хос хусусиятлардан бири ажойиб нарса-

ларни қабул қилишдан келиб чиқадиган рефлекс<sup>1</sup>дир. У ҳайрат кетидан кулги қўзғатади. Зарарли нарсалар рефлекси эса қўрқув ва йиғи келтиради.

Инсон жамиятдан ўз фойдаси учун амалга ошириладиган ёки қилинмаслиги лозим бўлган ҳаракатларга аҳамият беради. Уни болаликдан шунга ўргатадилар. Ниҳоят улар эътиқодга айланади. Улар яхши ва ёмон ишлардир.

Инсон фақат жамият ичида яшай олади. Агар бир одам ёлғиз ўзи бўлганда у аллақачон йўқ бўлиб кетган бўлар эди. Инсоннинг яшамоғи учун зарур нарсаларни кишилар бир-бирларига тайёрлаб берадилар. Уларнинг ўзаро муомалалари учун энг қулай восита — овоз.

Шу мулоҳазалардан сўнг Шайхурраис инсоннинг ҳис ва туйғулари, уларнинг келиб чиқиши, нафснинг ҳалок бўлмаслиги, кўчмаслиги тўғрисида сўзлайди, ақл ва нафс муносабатлари тўғрисида фикр юритади.

«Китоби нафс»нинг охириги қисми нафс органларига бағишланган. Шайхурраис айтадики, нафс дастлаб юрак билан алоқа боғлайди. Юрак орқали вужудга тириклик бағишланади. Юрак билан алоқа қилиш орқали бошқа органлар фаолият касб этадилар. Мияда руҳ қоришмаси яқунланади. Бу қоришма таъсирида барча органлар ҳаракатга қобил бўладилар. Масалан, жигар овқатга нисбатан ҳаракатда бўлади. Аммо биринчи ҳаракат манбаи юракдир. Жигар ҳам ўз фаолиятини юрак ҳаракати таъсирида амалга оширади.

Шундан кейин олим мия, жигар ва бошқа органларнинг фаолияти тўғрисида фалсафий умумлашмаларни изҳор этади ва «Китоби нафс»ни тугаллайди.

Шайх Абу Алининг «Ашшифо» китоби ҳозирги тилларга тўласича таржима қилинмаган. Бу китоб ўзининг жонкуяр янги тадқиқотчиларини кутмоқда.

## ХИЕНАТ ВА ИҒВО

Ҳамадонда ал-Атторнинг кўркем ва шинам боғ ҳовлисидаги турмуш илмий жиҳатдан унумли бўлди. «Ашшифо»нинг кўп қисмлари қўлдан чиқди. Сарой-

<sup>1</sup> Рефлекс — баданнинг бирор таъсир билан ҳаракатга келиши; акс этиш; кўчма (ред.).

даги фитна ва фужурлардан узоқлашгани туфайли олим кўнгли анча ором топди.

Аммо яширинча яшамоқ қанча давом этмоғи мумкин. Муттасил беркиниб яшаш мумкин эмас-ку.

Шайх Абу Али энди Ҳамадонда ортиқ қолиб бўлмаслигини фаҳмлаб етди. Яна тақдирнинг синов фурсати келганига ўхшайди. Шайх укаси Маҳмудни бир мактуб билан Исфаҳонга жўнатди. Бу мактубда Шайх Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ Исфаҳон амири Алоуддавлага ўз ҳурматини изҳор қилган ва амир Алоуддавла хизматида бўлмоқ ихтиёри борлигини ёзган эди.

Маҳмуд хизматчи йигит билан Исфаҳонга йўл олди. Энди Шайхнинг ҳовлиси бутунлай бўшаб ҳувиллаб қолди. Иброҳим учун эса жуда қулай имкон туғилди. У таландан сўнг бўлак бошқатдан тикланган уй рўзғор анжомларини ўзи олиб келиб жойлаган. Шунинг учун нима нарсанинг қаерда эканлигини жуда яхши билади. Иброҳим ҳовли пойлаб ёлғиз қолганидан фойдаланиб уларни каламуш сингари бирмабир ташимоқда давом этди. Олтин-кумуш буюмлар, гиламлар, қимматбаҳо нарсаларнинг кўпи қўшни маҳалладаги беванинг уйига ўтди. Иброҳим ҳозирча бирор мустақил иш очиш мақсадига ҳам шошмайди. Чунки улуғ табиб рўзғорига канадек ёпишиб олгани сабаб иши ўнгидан келиб турмоқда. Бу ердан ўғирлаб олиб кетган нарсалари унинг бир умрлик тирикчилигига етгудай. Яна миршабхонага етказиб турган хабарлари учун ҳам мўмайгина ҳақ олади. Чақимчилик ва гап ташиш ҳам туппа-тузук даромад манбаи экан.

Фақат буйруққа кўра у миршабхонага чақирмасалар ўзи бормаслиги керак. Мана шайхнинг беркиниганига йигирма кунча бўлди. Иброҳимни ҳеч ким чақирмайди. Бу хабардан оладиган пул ҳали унмай келяпти.

Бугун кечқурун ниҳоят миршабхонадан одам келиб Иброҳимни чақириб кетди. У кечқурун миршабхонага етиб борди. Миршабхона эшигидан кирар-кирмас Иброҳимни етаклаб иккинчи қаватга олиб чиқдилар. Тўрт томони ёпиқ бир хонада шамлар ёруғ ёнадилар. Хона тўрида атлас кўрпачада мўйлабларини шоп қилган бир сарбоз ўлтирипти. У Иброҳимнинг иш буюрувчиси. Бу одам Иброҳим келтирган хабарларни вазирга етказиб яна кўпроқ пул ишлайди, я...

да юқорироқ мартабага эришади. Чунки янги вазир Тожимулк олдинги вазир Шайх Абу Алини доим пойлаб кузатиб туради.

Сарбоз Иброҳимнинг саломига аранг бош қимирлатиб жавоб берди-да, ўлтир, деган ишора қилди. Иброҳим пойгага тиз чўкди.

— Шайх ҳозир беркинган. Унинг қачон ва қаерда беркинганини биласанми?

— Биладан, тақсирим,— деди Иброҳим ҳозиржавоблик билан.— Шайхнинг беркинган жойи Ҳамадоннинг шарқ — шимолидаги маҳаллада, Абу Ғолиб ибн ал-Атторнинг ҳовлисида. Мана йигирма кундирки, Шайх, Жузжоний ва Мовароуннаҳрли чўри ўша ҳовлида истиқомат қилмоқдалар.

Сарбоз мўйлабларини бураб мамнунлик билан тиржайди. Бундай хабарчилар билан иш ўнгидан келберилади.

— Яна бир муҳим гап бор,— деди Иброҳим ўлтирган ўрнидан сал олдинга силжиб, овозини пастроқ қилиб,— Шайх амир Самоуддавлага хиёнат қилиб Исфаҳон амири Алоуддавла хизматига ўтмоқчи. Мана иккинчи кундирки, укаси Маҳмуд Шайхнинг бу тўғридаги мактубини олиб Исфаҳонга жўнаган.

Сарбознинг кўзи олайиб кетди. Бу хабарни вазир Тожулмулкка етказганида қандай мукофот олажанини у дарҳол тасаввур этди.

— Яна нима гаплар бор?

— Нимаики, бўлса дарров хабарини етказаман, тақсирим!— деди Иброҳим сарбознинг қўлига оч мушукдек термулиб.

— Бўпти. Агар зарурат туғилгудек бўлса ўзим чақиртираман. Сен бу ерга вақти-бемаҳал ўралашиб сирни ошкор этиб қўйма. Аммо шайх даргоҳидан ва унинг ёнидан бир қадам нари жилма!

— Хўб, бўлади, тақсирим.

Сарбоз қўйнидан бир халтачада тиллони олиб Иброҳимга отди. Иброҳим бир ҳафтадан бери оч юрган ит бир парча ғажилган суякка қандай ташланса, шундай талпиниб халтачага икки қўллаб ёпишди ва уни олиб дарҳол қўлтиғига тиқди. Сўнг сарбознинг «кетабер» деган ишорасига кўра таъзим қила-қила хонадан чиқди.

Сарбоз вазир Тожулмулкдан Шайх Абу Алининг қаерда яширингани, қандай режалари борлигини бил-



моқ тўғрисида шу бугун топшириқ олган эди. У Иброҳимни жўнатгач, ўша ондаёқ отланиб вазир ҳузурига етиб борди ва унга топган гапларини етказди. Уша куни кечасиёқ вазир Тожулмулк билан Ҳамадоннинг ёш амири Самоуддавла ўртасида бундай суҳбат бўлиб ўтди:

— Амир ҳазратлари,— деди Тожулмулк — Абу Али сизга хиёнат қилиб Исфаҳон амири душманингиз Алоуддавла билан алоқа ўрнатган. Алоуддавла неча муддатдан бери Ҳамадонни қўлга киритмоқ қасдида экани аён. Собиқ вазир Абу Али ана шу ҳамлага ҳозир пайт келган, деб Алоуддаврани ҳужумга ундамоқда кўринади. Укаси Маҳмудни шу мақсадда Исфаҳонга жўнатибди. Алоуддавла собиқ вазир ва унинг одамларининг хиёнатларига ишониб сизнинг давлатингизга раҳна солмоғи аниқ кўринади.

— Бунинг чораси недур?— деб сўради ранги ўчиб ёш амир.

— Бунинг чораси Абу Алини ҳибс этмоқдир. Шунда Исфаҳон амири Алоуддавла сирнинг очилганидан огоҳ бўлиб Ҳамадонга ҳужум қилмоққа журъат этолмайди.

— Шундай қилингиз.

Тожулмулк енгил нафас олди. Энди ҳеч қачон Абу Али вазирликка чақирилмаяжак. Тожулмулк орзусига эришади, хавфли рақибидан қутилади. Минг машаққат билан қайта эгаллаган лавозимига яна маҳкамроқ ўрнашади. Унинг учун бундан юқорироқ мақсад йўқ.

Уша кеча тонг отар пайти вазир Тожулмулк юборган сарбозлар Абу Фолиб ибн ал-Атторнинг боғ ҳовлисини ўрадилар. Улар эндигина саҳар намозини ўқиб бўлиб илмий ишларини ёзмоққа бошлаган олим Шайх Абу Алини банди қилиб Ҳамадондан олиб чиқиб кетдилар.

## ФАРАЖОН ҚАЛЪАСИ

Ҳамадон шаҳаридан ўн беш фарсах нарида катта бир қалъа бор. У йўлдан анча четда, ағдарилган катта қозон сингари дўппайган дўнглик тепасига қурилган. Қалъанинг тўрт томонида мустаҳкам тош деворлар осмон сари бўй чўзганлар. Унинг улкан темир дарвозалари фақат бу ерга келганларни ўзининг сир-

ли қаърига олмоқ учунгина очилади. Қалъа дарвозасидан эса фақат оқ матога ўралиб нафассиз чўзилиб ётганларгина чиқадилар.

Ёз кунларидан бирида эрталаб Ҳамадондан келган бир ёпиқ арава ва бир неча отлиқлар Фаражон қалъасининг дарвозалари олдига келиб тўхтадилар. Бир отлиқ дарвозани қамчисининг дастаси билан қаттиқ қоқди. Озгина фурсат ўтар-ўтмас дарвозабоннинг шарпаси эшитилди. У тешиқдан қараб келганларнинг сарой аҳлидан эканликларини кўргач, тарақ-туруқ қилиб дарвоза қулфига калит солди. Сўнг дарвозалар гижиллаб очилдилар. Арава ва отлиқлар қалъа ичига кирдилар. Отлиқлар отдан тушдилар. Улардан бири араванинг эшигини очди. Аравадан кўриниши қирқлардан ошиб қолган бир киши тушди. Қалъабон дарров машҳур табиб ва собиқ вазирни таниб унга салом берди:

— Асалому алайкум, Шайх ҳазратлари. Марҳабо, нечук худо ярлақаб Сиздек зот бизга ташриф этибдирлар?

— Шайх ҳазратларига бу ер тинчроқдир. Шаҳар анча бесаранжом. Шунинг учун вазир Тожулмулк Шайх бежавотир жойда бўлсинлар, деб бу ерда тутмоқни буюрдилар,— деди отлиқлардан бири ва қўйнидан бир қоғоз олиб қалъабонга узатди. Унда Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино то бирор бошқа фармойиш бўлгунга қадар Фаражон қалъасида бўлмоғи кераклиги ёзилган эди. Қалъабон фалакнинг кажрафторлигига яна бир бор истиффор айтиб Шайх Абу Алини қабул қилиб олди. Келганлар эса табибни бу ерда қолдириб, ўзлари Ҳамадонга қайтдилар.

Ижод шундай бир кучки, у ижодкорни ҳамиша банди қилади. Киши ўз ихтиёри билан унинг фараҳли тутқунлигида бўлади, шундан ўзига ором ва таскин топади.

Фаражон қалъасида маҳбусликда турган Шайх Абу Али шу ерда ўтқазгани тўрт ой мобайнида бир кун ҳам ижоддан тўхтамади. Ана шу вақтларда Шайхурраис «Алҳидоя» («Бағишлов») «Ҳай ибн Яқзон» («Уйғоқнинг ўғли Тирик»), «Китобул қуланж» («Қуланж тўғрисида китоб») асарларини ёзиб тамомлади.

Аmmo қалъадаги маҳбуслик олимнинг фикрини турли андишалр билан чулғар, келажакнинг ноаниқлиги унга оғир маънавий машаққат етказар эди. Бу ҳибс-

дан қутулиб чиқадими, ёки ўзидан олдингилар каби шу ерда абадий кўз юмадими.

Ана шундай ҳаяжонларини ифодалаб Шайх бир байт битди:

Кўрдингиз бу қалъага кирдим жадал,  
Лек бундан чиқмогим амримаҳол.

Бу изтироб овози қалъанинг баланд деворлари орасида йўқ бўлиб кетади.

Фаражон қалъаси азалдан бор. Унинг қачон бино бўлгани кўпчиликка маълум эмас. Баландлик устида бу қалъа худди подшоҳ бошидаги тож сингари кеккайиб туради. Тўрт тарафини ўраган деворларнинг юқори гажжаклари пастдан унчалик катта кўринмаса-да, аслда одам бўйи келадилар.

Деворлар тоғ тошларидан ишланган. Улар терак бўйи баландликда қўққайганлар. Деворлар бўйлаб қалъанинг тўрт томонини ўраб турган ўраларнинг чуқурлиги уч-тўрт газ, эни эса ўн газ чамаси келади. Фақат бир дарвоза ва унинг қаршисида ўр устидан бир кўприк бор. Бу кўприк фақат лозим бўлганда темир занжирлар билан туширилади ва ўр устидан қалъа билан атрофдаги ерларни боғлайди. У кўтарилганда қалъа атрофдан бутунлай узилади. Бу кўприк кўпинча юқори кўтарилган бўлиб қалъа дарвозасига қора тамгадек ёпишиб туради.

Қалъанинг ичи кенг. Ҳовлисида муҳташам дарахтлар ҳайбат билан қад кўтарганлар. Қалъада бир-бирига йўлаклар орқали уланган тош деворли бинолар кўп. Бинолар ҳам, йўлаклар ҳам доимо ғира-шира қоронғу.

Қалъанинг ҳовлисидаги бир уйда қалъабон оиласи билан яшайди. Бутун қалъада Абу Алидан бўлак маҳбус йўқ. Бу ҳибс ўзича алоҳида хусусиятга эга. Олимнинг ўз жойи бор. У кишан ва кундаларга солинмаган. Овқат-озуғи етарди. У яқинларидан, одамлардан, жонли ҳаётдан узилган. Унинг ҳоли кенг ва катта қафасга солиб қўйилган қушнинг ҳолатига ўхшайди. Қафас қанча кенг бўлмасин учар қуш учун осмон ўрнига ўтармиди? Қафас ичида қуш ҳатто қанотларини ҳам эркин ёюлмайди-ку! Ҳамиша одамлар билан бўлиб, уларга шифо бағишлаб, элу юртнинг оғирини енгил қилиб келган одам учун бу бандилик қанчалар мушқил эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

# Исфаҳон

## ИСФАҲОН САФАРИ

Шайх Абу Али Фаражон қалъасида тўрт ойча қолиб кетди. Бу орада Исфаҳон амири Алоуддавла Ҳамадонга қарши уруш очди. Уруш Алоуддавлянинг ғалабаси билан тугади. Голиб амир Ҳамадон ҳукмронлигини унга тобеъ бўлган амир Самоуддавлянинг ўзида қолдирди. Шайх Абу Али бу ғалаба туфайли маҳбусликдан озод бўлди. Унга яна Ҳамадон мамлакати-нинг вазирлигини таклиф қилдилар. Шайх бу таклифни қатъиян рад қилди. У бир неча муҳлат Ҳамадонда Шайх ал-Алавий деган кишининг уйида истиқомат қилди. Одати бўйича Шайх Абу Али қаерда бўлмасин бир кун ҳам илмий машғулотини тарк этмас эди. У Шайх ал-Алавий уйида яшаётган пайтида «Ашшифо» китобининг «Мантиқ» боби устида иш олиб борди.

Аммо турмушнинг номунтазамлиги, келажакнинг ноаниқлиги олим кўнглига бесаранжомлик зиравасини санчган эди. Унинг аҳволи мураккаб, хотири паршон. Шайх Абу Али бўлажак воқеаларни кўриб турипти. Ҳозир Ҳамадонда яна ғўр Самоуддавлянинг ҳокимияти барқарор. Вазирлик тизгини Тожумулк қўлида. Шайх вазирликни рад қилгач, яна Тожумулк шу вазифада қолдирилган эди. Аммо Шайх Абу Али Ҳамадонда экан, Тожумулкнинг кўнглида тинчлик бўлмайди. Ҳаммаёқни вазирнинг қузғунлари босган. Улар барибир Абу Алига кун бермаяжаклар.

Шайх Ҳамадонда ортиқ қололмас эди.

Бир куни тонг отар чоғи Ҳамадон дарвозалари илк очилган пайтда тўрт дарвеш шаҳар дарвозаларидан чиқдилар. Улар минган эшаклар шахдам қадам ташлайдилар. Ҳар эшакда биттадан хуржун. Биринчилардан бўлиб шаҳардан чиққан бу йўлчиларга дарвоза-

бонлар аҳамият бермадилар. Бундай дайдилар, эҳе, қанча. Худо йўлида тоат-ибодат билан, меҳнат қилмай тирикчилик қилувчи дарвешлар сон мингта. Буларга илашишдан худо сақласин. Агар дарвишларни тергайдиган бўлсанг, бошингга фақат ғалза орттирасан.

Кун тиккага келганда йўл боса-боса шаҳардан хийла узоқлашган дарвешлар ҳам, эшаклар ҳам анча ҳориган эдилар. Улар бир булоқ бўйида тўхтадилар. Озгина тамадди қилиб, сўнг дам олган бўлдилар-да, яна йўлга тушдилар. Ҳаво иссиқ. Йўл чанг. Кийимлар оғир. Йўлчилар терга пишиб кетган. Йўл босмоқ машаққатли. Аммо бу тўрт йўлчининг бошчиси ҳамроҳларига тўхтамоққа рухсат қилмас, ўзи эса остидаги эшакни жадал ҳайдар эди. Йўл азобини чека-чека, дуч келган жойда озгина тўхтаб яна йўл босиб ниҳоят икки кун ўтгач, кун тиккадан ўтиб қуйига оға бошлаган пайтда бу кичик карвон узоқдан Исфаҳон деворларини кўрди. Оқшом яқинлашганда дарвешлар Исфаҳонга яқин Табарон деган манзилга етиб келдилар. Бу ер кўркам, тўрт томони оқар сувлар билан ўралган хушҳаво бир жой эди.

Ҳолдан толган дарвишлар эшаклардан тушиб уловларни бир чеккага дарахтларга боғладилар. Дарвешларнинг ҳар бири усти боши чанг бўлиб кетган, ўзлари фарқ терга ботган, ҳаддан ташқари толиққан эди.

Шу пайт Табароннинг ўртасидаги катта иморатдан бир неча киши чиқиб жадал дарвишлар сари кела бошладилар. Уларнинг кўплари ҳарбий кийимда, олдинда эса оқ кийимли, симобий саллали, қорасоқол: хушрўй бир киши қадам ташлар эди. Бу киши дарвешларнинг бошчиси олдига келиб эгилиб салом берди ва деди:

— Ассалому алайкум, Шайхурраис ҳазратлари. Кечадан бери биз жанобингизнинг ташрифингизга мунтазирдирмиз.

Дарвешлар тўдасининг бошлиғи Шайх Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино эди. Унинг ёнидаги ҳамроҳлари эса Абу Убайд Жузжоний ва икки хизматчи. Улардан бири эса хизматчи, бири эса бир ваз билан Шайх хизматидан кетган ва Ҳамадонда қолган Иброҳимнинг ўрнига олинган йигит эди. Улар Ҳамадондан дарвешлар либосида Исфаҳон сари йўл олган эдилар. Булардан бир ҳафта олдин Маҳмуд икки

чўри билан Исфаҳонга етиб келган ва акаси Шайхнинг Исфаҳонга келмоғини амир Алоуддавлага хабар қилган эди.

Шайх Абу Алини кутиб олмоқ учун амир Алоуддавла ўз одамларини Табаронга юборган эди. Улар ўзлари билан отлар, кийим-бошлар келтирган ва икки кундан бери Шайх ва унинг ҳамроҳларини кутмоқда эдилар.

Уша куни йўлчилар ҳаммом қилиб ювиниб, кийимларини алмаштириб, овқатланиб Табаронда тунадилар. Эртаси эрталаб эса ҳордиқ чиқариб анча ўзига келган Шайх, Жузжоний ва уларнинг хизматчилари кузатувчилар ҳамроҳлигида отларга миниб Табарондан Исфаҳонга йўл олдилар.

Амир Алоуддавлянинг фармойишига кўра Шайх Абу Али Исфаҳоннинг Кунигаробоз маҳалласидаги бир ҳовлига жойлашди. Бу Абдуллох бин Бобий деган кишига қарашли бўлиб, Бобийнинг ҳовлилари кўп ва уларни ижарага берар эди.

Бу ҳовли Шайхга мақбул тушди. У ичкари-ташқаридан иборат бўлиб, кўп хоналари бор. Ҳар бир хона гиламлар, палослар, керакли рўзгор буюмлари билан жиҳозланган.

Келган куниёқ Шайх Абу Али амир Алоуддавлянинг суҳбатида бўлди. Амир кўпдан бери кутган улуғ табиб ва мутафаккирнинг ўз ҳузурида бўлмоғидан мамнун эди. Шайхурраис Абу Али каби бир зотнинг амир Алоуддавла даргоҳида бўлмоғи Исфаҳон давлатининг шону шавкатини оширади, унинг барқарорлигидан дарак беради.

Бу ерда Шайх Абу Али учун ҳам тинч ижодий меҳнат имконияти вужудга келган эди.

Амир Алоуддавла атрофида бошқа олимлар, ҳакимлар ҳам бўлганлар. Амир ўз суҳбатларида, ҳатто ҳарбий юришларида ҳам шу олимлар билан бирга бўлар эди.

Амир қасридаги суҳбатхоналардан бирида ўн-ўн беш чоғли меҳмонлар атлас кўрпачаларда ўлтириб, юмшоқ парқуларга ёнбошлаганча суҳбат қурмоқдалар. Гулчеҳра соқийлар май тутадилар. Уртадаги мез (столча)лар нозу-неъматларга тўла. Алоуддавлянинг ўнг томонида Шайх Абу Али ўтирибди. Амирнинг сўл ёнида сарой мунажжими, унинг ёнида шоир, унинг ёнида бошқа мўътабар олимлар. Булар ичида машҳур

тилшунос, сарф-наҳв илмининг билимдони Абу Мансур ал-Жаббон ҳам бор.

Абу Али суҳбатда унчалик фаол эмас. У ўйчанлик билан бўлаётган баҳсларга қулоқ осадди, аҳён-аҳёнда бир луқма ташлаб қўяди. Олимнинг фикри қандайдир бошқа хаёллар билан банд.

Суҳбат мавзуи сарф-наҳв, луғатшунослик масалаларига кўчди. Абу Мансур ал-Жаббон араб сарф-наҳвининг мукамаллиги, унинг бирор қондаси ҳам ишланмай қолмаганлиги тўғрисида сўзлади. Дунёда бирор тилнинг луғати бунчалар бой ва мукамал эмас. Нутқдаги жаранг, қондаларнинг пухталиги, ифоданинг гўзаллиги, услубнинг ранг-баранглигида араб тилига бас келадиган бирор бошқа тил йўқ.

Шайх Абу Али бу гапларни эшитгач, бир луқма ташлади.

— Ҳар бир тил ўзига хос гўзаллик ва қудратга эга. Форсий, туркий, ҳинд, фаранг ва бошқа тилларнинг гўзаллиги, мазмундор фикрлар ифодасидаги мунтазамлиги араб тилидан қолишмайди. Фақат уларни ўрганиб билиш ва истифода эта олиш керак.

Абу Мансур ал-Жаббон салгина фурсат мулзам бўлиб қолди. Аммо у тездан ўзини тутиб олди-да, бу луқмага қандай жавоб бўлишини кутаётган мажлис аҳлига қараб деди:

— Шайхурраис мутлақо ҳақ гап айтдилар. Аввало ўрганмоқ, биямоқ сўнгра истифода этмоқ керак. Жаноб Шайхнинг тиб соҳасидаги иқтидорлари таҳсин ва эътирофга сазовор. Аммо араб тили, сарфи, наҳви, луғати бу кишининг ихтисосларидан узоқ. Шунинг учун,— деб сўзида давом қилди у сурбетлик билан ва Шайх Абу Али томонига юз ўғирди,—«Сиз жаноблари, аввало адабиётни ўрганиб билмоғингиз, шундан кейингина бундай баҳсларга қўшилмоғингиз мумкин бўлар».

Абу Мансур ал-Жаббоннинг бундай беандиша гаплари ўлтирганларни хижолатда қолдирди. Шайх Абу Али бир сўз демади. Аммо машшоқларга имо қилди. Улар дарҳол созларини қўлга олиб дилкаш оҳанглардан бирини бошлаб юбордилар. Мусиқийнинг майин ва латиф садолари тор фикрли суҳбатдошнинг бетамизлиги туфайли ёйилган нохушлик буғларини ҳайдаб суҳбат ҳавосини мусаффо этгандай бўлди. Сўнг яна бирмунча хуш гаплар айтилди, шеърлар

ўқилди. Тун ярмига яқин мажлис аҳли тарқалдилар.

Шайх Абу Али тилшунос мутакаббирнинг гапларидан қаттиқ ранжиган бўлса-да, буни ҳеч кимга билдирмади. Ўзига бино қўйиб, ўзгаларни камситувчи, фақат ўзинигина ҳамма нарсани биладиган, деб ҳисобловчи ва буни пеш қилувчи кимсани олим деб бўладими? Ахир очиқ айтилган-ку, «Мен қола ана олимун, ҳуваҳу жоҳилун» («Ким мен олимман деса, ўшанинг ўзи жоҳилдир»). Шайх ана шундай фикрлар ўровида хаёл суриб борар экан, бу гердайган тилшуносга жавоб бермоқ шарт, деган қарорга келди. Аммо бу жавоб Шайх Абу Али даражасидаги олийжаноб ва узил-кесил жавоб бўлмоғи керак.

Орадан уч йил ўтди. Абу Мансур ал-Жаббоннинг бетга чопарлик билан айтган гапларини эшитганлардан кўплари уларни унутиб юбордилар. Абу Мансур ҳам ўз ғалабасини озгина тантана қилгач, бошқаларнинг кўнглига ниш урмоқ билан машғул бўлиб кетди. Ўша суҳбатда бўлганлардан баъзилари дунёдан ўтиб ҳам кетдилар. Фақат Шайх Абу Али дилига санчилган тикан ҳали олиб ташлангани йўқ.

Бир куни Шайх билан Алоуддавла иккаласи холи қолишган пайтда Шайх амирга бир китобни кўрсатди. Бу китобнинг қалин чарм муқоваси анча титилган, эскирган, аммо варақлари яхши сақланган, хати аниқ ва равшан эди.

Шайх амирга деди:

— Ушбу китобни Мансур ал-Жаббонга кўрсатсангиз ва ундан, бу китобни овга чиққанда даладан топиб олдик, шуни ўқиб бизга нима тўғрисида ёзилган эканлигини тушунтириб берсангиз, деб сўрасангиз.

Амир китобни қўлига олиб варақлаб кўрди, уёқ буёғига кўз югуртириб чиқди, аммо ўқиганларини ҳеч тушуна олмади.

— Не мақсадда Абу Мансур ал-Жаббонни бундай имтиҳонга тутмоқчисиз?— деб сўради амир кулиб.

Шайх Абу мақсадни амирга тушунтириб берди. Амир Абу Алининг илтимосини қондирмоққа рози бўлди.

Навбатдаги бир суҳбат чоғида амир Алоуддавла сарф, наҳв, луғат илмининг билимдони, арабшунос олим Абу Мансур ал-Жаббонга ўша китобни кўрсатди ва унинг қандай китоб эканини аниқлаб беришни сўради.



— Биз,— деди амир,— буни ўқиб бир сўзини ҳам тушуна олмадик.

Абу Мансур ал-Жаббон китобни таъзим билан амирнинг қўлидан олди. Унинг бармоқлари китоб саҳифаларини авайлаб очдилар ва сатрлар устидан югурдилар. Абу Мансур китоб саҳифаларини пичирлаб ўқир: пешонасини тириштириб ўйлар, саҳифаларнинг бошқа томонларига кўз югуртирар, аммо ўлтирганларга ҳеч нарса демас эди. Суҳбатдаги барча одам Абу Мансурга қараб ундан жавоб кутар эдилар. Абу Мансурни тер босиб кетди. У берилган китобдаги барча сўзларни ўқиган бўлса-да, ҳеч маъносини еча олмас, кўп сўзлар эса унга мутлақо нотаниш эди.

— Амир ҳазратлари,— деди Абу Мансур ўртага чўмган ноқулай тинчликни ўзининг ёқимсиз овози билан бузиб,— бу китоб қадимий манбаълардан кўчириб ёзилган луғатларни ўз ичида тутади. Бундаги кўп сўзлар ҳозирги луғатларда йўқ. Шу туфайли уларнинг маъносини ечмоқ мушкулдир. У эски луғат китоблари ҳозирда мавжуд эмаслар. Шунинг учун бундаги айрим сўзларнинг маъноси тамомийла унутилган деб ҳисобланса ҳам бўлади,— деди.

— Амир ҳазратлари,— деди Шайх Абу Али тилшунос жим бўлгач,— гарчи эски луғатлар йўқолиб кетган бўлсалар-да, улар асосида яратилган бошқа луғатлар мавжуддир ва уларда бу китобдаги айрим сўзларнинг маънолари тушунтириб ўтилган.

Шундан кейин Шайх Абу Али шу луғатларни ном-ном санаб чиқди, ушбу китобдаги қайси сўзларга қандай изоҳлар берилганидан ўлтирганларни хабардор қилди, ўз сўзини исботламоқ учун кўп мисоллар келтирди.

Мажлисда ўлтирганларнинг кўплари бундан бир неча йил муқаддам бошланган, олдин овоза бўлиб кетган ва кейин унутилиб юборилган илмий баҳсининг энди яқунланаётганлигини тушундилар.

Абу Мансур уч йил муқаддам қилган ўз бетамизона қилмишидан хижолатда қолди ва ўша пайтдаги ноҳўя гаплари, қилиқлари учун амирдан, Шайхдан ва ўлтирганлардан узр сўради.

Зотан айтилган-ку, мақтанчоқ бўлманг, хижолат чекмайсиз. Шайх Абу Али ўша бўлиб ўтган баҳсдан сўнг уч йил давомида араб тили, сарфи наҳви ва луғатларига оид барча китобларни бўлак бошқатдан

ўқиб чиққан, Исфаҳонда йўқларини Хуросон, Мовароуннаҳр, Бағдоддан олдириб келган, уларни ҳам яхшилаб ўқиган ва натижада арабиётни олдин билганидан ҳам ортиқроқ эгаллаган эди. Шундан кейин у арабиёт бўйича жуда мураккаб услубда уч китоб ёзди. Уларга худди шундай услуб ва ифодаларда ёзган уч қасидасини киритди. Шуларнинг ҳаммасини бир китобга жамлади. Бу китобга муқова қилдирди. Сўнг-ра муқовасини титкиллаб уни эски китоб ҳолига келтириб амир Алоуддавллага кўрсатган эди.

Арабшунос Абу Мансур ал-Жаббон ўқиб тушуна олмаган китоб Шайх Абу Али томонидан ёзилган ана шу арабиёт китоби эди.

Кейинчалик арабиёт бўйича барча билганларини Шайхурраис бир асарда жамлади. Унга «Лисонулараб» деб от қўйди. Афсуски, бу қўлёзмадан нусха кўчирилмай қолди. Асл нусхаси эса бизгача етиб келмади.

## ЕЗИШМА

Исфаҳон кечалари жуда кўркам. Ёзнинг тандирдан чиққан олов тафтидай қизғинлиги кечга томон сал босилади. Шомдан бошлаб салқин туша бошлайди. Хуфтон пайти осмон Исфаҳон бозоридаги марваридлар сингари ярақлаган юлдузларга тўлади, ҳаво ҳам мўътадиллик касб этади.

Ана шундай ёз оқшомларидан бири. Ташқари ҳовлида гуллар ва райҳонлар қоплаган гулзор ёнидаги супада Шайх Абу Али, унинг укаси Маҳмуд, шогирди Абу Убайд Жузжоний кечки овқатдан сўнг чой ва шарбат ичиб суҳбатлашиб ўлтирибдилар. Шу маҳал хизматчи келиб уларга меҳмон келганининг хабарини етказди. Маҳмуд ва Жузжоний ирғиб ўринларидан турдилар ва кўча дарвозаси томонига кетдилар. Бир оздан сўнг улар баланд бўйли, қотмадан келган, чувак юзли, қорасоқол, қорақош ва қора кўз, юзи офтоб тобида қорайган бир киши билан бирга қайтишди.

Меҳмон Шайхга одоб билан таъзим қилди ва Шайхнинг таклифи билан супадаги кўрпачага ўлтирди. Фотиҳа тортилди. Жузжоний меҳмонга пиёлага шарбат қуйиб узатди. Меҳмон шарбат солинган пиёлани қўлига олиб бир хўпладю, дастурхон четига қўйди ва Шайхнинг маъноли боқишига жавобан сўз бошлади:

— Шайх ҳазратлари, менинг отим Абулқосим Кирмоний. Шероз қозиси Сизга бир мактуб йўллаган. Шундан сизга келтирган эдим.

Абулқосим чўнтагидан бир қоғоз олиб Шайх Абу Алига узатди. Шайх қоғозни олиб очди ва унинг ичидаги алоҳида қоғозга ёзилган хатга тез кўз югуртириб чиқди. Бу мактуб Шайх Абу Алининг «Китобул-Алоийи» номли асари тўғрисида эди. Шерозда бир гуруҳ китобхонлар Абу Алининг мантиққа доир бу китобини кўп қизиқиб ўқиганлар. Аммо ҳеч уни тушуна олмаганлар. Сўнгра улар саводхонроқ деб Шероз қозисининг ҳузурига келганлар. Қози ҳам бу китобнинг маъносини айтиб бера олмаган. Шундан сўнг қози Шероздан Исфаҳонга кетаётган бу одамдан Шайхга мактуб йўллаган. Қози ўз мактубида Шайхдан мантиққа оид шу асарни шарҳлаб беришни сўрамоқда эди.

Шайх хатни ўқиб чиққач, чуқур ўйга толди. Агар одамлар ўқиб тушуна оласалар, китоб ёзмоқдан не мурод? Ахир, ҳар бир китоб одамлар уни ўқиб, ундан баҳра ва таълим олиб унда ёзилганларга амал қилсинлар, деб ёзилмайдими?

Дастурхон атрофидагилар гангур-гунгур сўзлашиб ўлтиришипти. Қоронғу қуюқлашиб бормоқда. Жузжоний ичкарига кириб шамдонни олиб чиқди. Шамлар ёқилгач, атрофга ёруғлик ёйилди. Шайх ҳамон жим, ўйга фарқ бўлганча ўлтирар эди. Меҳмон кетмоққа изн сўради.

— Шерозли чопар қачон қайтмоқчи,— деб сўради ундан Шайх.

— Эртага.

— Ундай бўлса сизга рухсат.

Абулқосим фотиҳа ўқиб ўрнидан турди ва уйдагилар билан хайрлашиб ташқарига йўл олди. Маҳмуд ва Жузжоний уни кузатиб бирга чиқдилар. Улар қайтгач, Шайх Абу Али қоғоз келтиришни сўради. Жузжоний иш хонасига кириб у ердан қоғоз келтирди. Улар ҳар бири ўн варақдан бўлган беш дастадан иборат эди. Жузжоний қоғозларни Шайхнинг ёнига қўйди.

Шайх шароб келтиришни сўради. Келтирдилар. Абу Алининг бутун хаёли бир фикрга жамланган. Ўлтирганлар буни фаҳмлаб тин сақладилар. Шайх укаси Маҳмудга ва шогирди Жузжонийга, сизлар шаробдан ичиб ўз суҳбатингиз билан машғул бўла берингиз, мен

билан ишларингиз бўлмасин, деди. Узи эса қоғозларни олиб тез-тез ёза бошлади. У узоқ ёзди, шиддат билан тўхтовсиз ёзди. Тун яримга яқинлашди. Абу Убайд аҳён-аҳёнда шамларнинг ёниб бўлган пиликларини кесиб қўяр эди. Маҳмуд ва Абу Убайдни ўлтирган жойларида мудроқ босди. Шайх бир маҳал ёзмоқдан озгина тўхтади ва атрофига қаради. У укаси ва шогирдининг уйқусираётганларини кўриб уларга уйга кириб ухлангиз, деди. Маҳмуд ва Абу Убайд Шайх билан хайрлашиб ўз хоналарига кириб кетдилар. Тиккага келган тўлин ойнинг ёруғи мез устидаги шамларнинг нурини ёруғроқ қилар эди.

Шайх Абу Али ҳамон ёзмоқ билан банд. У ёзмоқдан сира толиқмас эди. Унинг кўнгли ёзган китобини ўқиб тушунмаганларга нисбатан қарама-қарши туйғулар билан тўла. Шайх кўнглида бундай китобхонга нисбатан қаҳр: ҳам ўша китобхоннинг билмоққа интиганидан мамнунлик. Шу иккала ҳис ўша китобхонга ёрдамлашмоқ истагини кучайтирар эди. Чунки бу ёрдам ҳам кўмак, ҳам ўзига хос бир танбеҳ бўлади. Шу туйғулар қистови остида Шайх Абу Али тонг отгунга қадар тинмай ишлади ва «Мантиқ» китобининг шарҳини бир кечада ёзиб тугаллади.

Эрталаб барвақт у Абу Убайдни чақиртирди. Тонг саҳар пайти эди. Шайх саҳар намозини ўқиб бўлган, лекин ҳали жойнамоз устидан турмаган. Абу Убайд устознинг рўбарўсига келиб унга салом берди. Шайх шогирдининг саломига жавоб берди ва унга деди:

— Мана бу ёзилганларни дарҳол Абул Қосим Қирмонийга жўнатингиз. Чопар йўлидан қолмасин деб юборилган саволларга шошилиброқ жавоб ёздим. Шунини ҳам тушунтириб айтингиз.

Саҳар шаббодаси енгил эсади. Кўплар ширин уйқуда. Узоқ-узоқлардан хўрозларнинг қичқирган овозлари эшитилади. Исфаҳоннинг тор кўчаларидан ўтиб Абу Убайд муҳташам бир карвонсаройга етиб келди. Мадраса тахлит қилиб солинган икки қаватли ғиштин иморат. Ҳовлиси кенг ва кўркам. Абу Убайд кеча Абулқосимдан сўраб олганига кўра дарвозадан кириб ўнгга бурилди ва ғиштин пиллапоя орқали иккинчи қаватга кўтарилди. Узун айвондан юриб бориб ўнг томондаги кичик бир ҳужранинг эшиги олдида тўхтади ва уни секин қоқди. Ичкаридан дарҳол овоз эшитилди:

— Марҳамат, ташриф буюрингиз, эшик очик.

Абу Убайд эшикни очиб хонага кирди. Шинамгина уйча, кўрпачалар солиғлиқ. Уй эгаси, ювинган, кийинган, сафар тадорикини кўрмоқда. Абулқосим Қирмоний ҳам шу ерда эди. Абу Убайд улар билан саломлашди. Фотиҳа ўқилиб бўлгач, Абу Убайд қўлидаги қоғозларни Абулқосимга узатиб унга Шайх айтиб юборган гапларни етказди.

— Ажабо,— деди Абулқосим қаттиқ ҳайратланиб,— бундай тез иш битажагини ҳеч ким хаёлига ҳам келтира олмайди. Улуғ устозни озурда этганимиз учун хижолатдамиз. Шунинг билан бирга бундай улуғ зот илтимосимизни шу қадар қисқа фурсатда адо этганлари учун қулликлар қилиб бош эгамиз.

Дарҳақиқат, Абулқосим ва унинг шерозлик меҳмони ҳайратдан қотиб қолдилар ва қандай қилиб миннатдорлик билдирмоқдан ожиз эдилар.

— Иш қобилияти ҳар бир кишининг ўзига хос бир хусусиятдир. Шайхурраис Абу Али каби илмга муҳаббат ва меҳнатга лаёқат эгаси бўлган зотлар юз йилларда бир бор дунёга келур,— деди Абу Убайд Жузжоний.

## «ДОНИШНОМА» ЕКИ «КИТОБИ АЛОИИ»

Исфаҳон саройидаги суҳбатлардан бирида Амир Алоуддавла бир фикр билдирган эди:

— Фалсафий китоблар, илмий асарлар бари араб тилида ёзилади. Бу — олимлар, илм-фан тили. Аммо кўпчилик ундан бохабар эмас. Агар бу асарлар кўпчилик тушунадиган тилда ёзилганда ундан баҳра олувчилар кўпроқ бўлур, илм-фаннинг эл орасига ёйилмоғи енгиллашган бўлур эди.

Амир кўпчилик деганда, ўзини ҳам кўзда тутмоқда эди. Чунки у араб тилини билса-да, олимларнинг жиддий мулоҳазаларини бу тилда ўқиб, уқиб оладиган даражада билмас эди. У фақат ўз фикрларини ўзига маълум бўлган арабча сўзлар миқёсида баён эта олар эди холос.

Суҳбат чоғида айтилган бу мулоҳазани Шайхурраис Абу Али топшириқ сифатида қабул қилди. Чунки олим ўзи ҳам илмнинг кенгроқ доирада ёйилишига тарафдор. Унинг учун эса кўпроқ одам тушунадиган тилда ёзмоқ керак.

Кейинчалик Амир Алоуддавла Шайхга ўз фикрини шарҳ этиб берди. У мантиқ, метафизика, физикага оид билимларни кўзда тутмоқда эди.

Шайх Абу Али ана шу маслаҳат асосида ўзининг катта бир фалсафий асарини яратди ва уни амир Алоуддавлага бағишлаб «Китобул-Алоий» деб атади. Бу асар форсий тилда ёзилган. Уни кейинчалик «Донишнома» («Билимлар китоби») деб ҳам атай бошладилар.

«Китоби Алоий» ёки «Донишнома»нинг мундарижаси тўғрисида Шайхурраис бундай деб ёзади: «Унда қадимий ҳикмат фанларидан бештасининг асослари ва масалаларини қисқача қамраб олиш лозим эди. Биринчидан, мантиқ. Бу билимлар тарозусидир; иккинчидан, физика. Бу ҳисга алоқадор ва ҳаракат ҳамда ўзгаришда бўлган нарсаларга оид билим; учинчидан, коинотнинг тузилиши ва жойлашуви тўғрисидаги билим; тўртинчидан, мусиқий билим, товушларнинг оҳангдорлиги ва нооҳангдорлиги, куйларнинг хусусиятларига оид билим; бешинчидан, табиатдан ташқарида бўлган нарсалар тўғрисидаги билимлар<sup>1</sup>.

Мантиқ бўлими. Билим икки турли бўлади: биринчиси: тушунув (форсчада «андар расийдан», арабча «тасаввур»). Масалан, биров «инсон», «пари» ёки «фаришта» деса, ўша айтилгандан нима кўзда тутилаётганини эшитувчи англай ва кўз олдига келтира олади. Иккинчиси: фикрлов (форсчада гаравийдан», арабчада «тасдиқ»). Унда киши бирор фикрни таъкидлайди. Масалан, «нари бор!», ёки «инсон бўйсунди» каби.

Бу икки тур тушунча икки хил бўлади. Биринчиси бирор нарсага тафаккур (андиша) воситасида эришув. Унга фақат ақлгина эришуви мумкин. Масалан, «Жоннинг моҳияти», ёки «Жоннинг абадий тирикли-

<sup>1</sup> Ибн Сина, «Избранные философские произведения», М., «Наука», 1980. с. 60; Шайх Абу Али Хусайн ибн Абдуллох ибн Синонинг бу беш бўлак бўйича ёзганларидан баъзилари унинг тириклик пайтидаёқ йўқолган эди. Олимнинг шогирди Абу Убайд Жузжоний ўз қўлидаги Шайхнинг шу илмий соҳаларга оид асарларини араб тилидан форс тилига таржима қилиб шу йўқолган ўринларни тиклаган. Шундай қилиб «Китоби Алоий» ёки «Донишнома»нинг бизгача етиб келган нусхаси бунёд бўлган. Бу китобни проф. А. Боҳоуддинов форс тилидан рус тилига таржима қилиб 1957 йили Душанбеда нашр этган эди. Бу таржима 1980 й. Москвада яна нашр этилган (Ибн Сина. Избр. философ. произв. М., Наука, 1980).

ги». Иккинчиси эса ақл ёрдамида эмас, балки бирор бошқача усулда эришув. Масалан, «икки нарса бир-галикда учинчи нарсага тенг бўлса, улар ўзаро ҳам тенг бўладилар. Еки ҳис этув орқали эришув. Масалан, «қуёш нур таратади». Еки улуг зотлардан эшитув орқали, ёки тарбия воситасида эришув. Масалан, «ёлгон гап ёмон», «адолатсизликка йўл қўймаслик керак».

Бирор тушунча ёки фикрни тафаккур орқали қабул қилувдан олдин биз бирор бошқа нарсани билишимиз керак. Уша билим орқали билмаган нарсани ўрганамиз. Масалан, биз инсоннинг ким эканини билмасак ва уни бизга «сўзловчи ҳайвон» деб тушунтирсалар: биз олдин «сўзловчи»нинг моҳиятини билмоғимиз даркор. Фақат шундан кейингина «инсон»нинг кимлигини била оламиз. Демак, биз билмаган нарсаларимизни ўзимизнинг олдинги билганларимиз воситаларидагина била оламиз. Аммо ҳамма билганларимиз ҳам билмаганларимизни ўрганмоққа ёрдамлаша бермайди.

Билгандан билмаганни билмоққа олиб ўтадиган йўл бор. Бу мантиқ. Мантиқ ёрдамида билган орқали билмаганни билинади. Ҳақиқатнинг нима экани, не нарсанинг ҳақиқатга яқин эканлиги, ниманинг ёлгонлиги, ҳақиқат ва ёлгоннинг қандай хиллари борлиги мантиқ ёрдамида аниқланади.

Мантиқ — тарозу билим. Бошқа билимлар эса фойда ёки зарар тўғрисидадир.

Ана шундай кириш қисмидан сўнг Шайхурраис ўз китобида мантиққа оид билимларнинг барча асосий қондаларини бирма бир баён этиб чиқади. Улар умумий ва алоҳида сўзлов, аниқлов ва таъриф, фикрлов, қиёслов, исбот ва шулар сингари илми мантиққа хос бошқа масалалардан иборатдир. Мантиқ бўлими «Хатолардан сақловчи ўғитлар» деган боб билан якунланади. Унда олим ўзи ўргатган қондалардан фойдаланиш йўллари кўрсатган. Киши даставвал чигал хулосаларни ечмоққа ва уларга аниқлик киритмоққа одатланмоғи керак. Бунинг учун қиёсларни уч иборага бўлиш лозим. Уртадаги ибора ҳеч ўзгаришсиз ҳар иккала паллада турмоғи керак. Сўзга эмас, унинг маъносига аҳамият бермоқ, ноаниқликлардан эҳтиётланмоқ лозим. Баъзи нарсалар аниқ айтилмаса ақлни чалғитади. Улардан умумлашма қилинса ақл уларни

қабул қилмайди. Масалан: «Душманинг билан дўстлашган киши дўстинг бўлмайди», дейилса буни қабул қилиш мумкин. Лекин бу фикрдан умумлашма қилинса ва «Душманинг билан дўстлашган ҳар бир киши душманингдир», ёки «Душманингнинг бирор дўсти сенга дўст бўлмайди», дейилса, ақл буни қабул қилмайди. Чунки ҳамиша шундай бўла бермайди.

Ўзинг исбот топа олмасанг қаршингга айтилган фикрни рад қила берма: масаланинг ўзи билан уни исботлашга уринма: тахминий ёки ҳис этиш йўли билан бир қарорга келма. Олим ана шундай ўғитлар билан «Қитоби Алоий ёки «Донишнома»нинг «Мантиқ» бўлимини яқунлайди.

Бу китобнинг иккинчи бўлаги «Метафизика»дир. Ҳар бир билимнинг ўрганадиган ўз предмети бор. Бундай предметлар икки хилдир: Биринчиси шундайки, у бизнинг ҳаракатларимиз туфайли юзага келади. Иккинчиси шундайки, у бизнинг ҳаракатларимиздан келиб чиқмайди. Биринчисининг мисоли бизнинг ҳаракатларимиз. Иккинчисининг мисоли эса ер, осмон, ҳайвонот ва ўсимликлардир. Шундан келиб чиқиб фалсафа билимлари ҳам иккига ажралади. Биринчи бизни ўз ҳаракатларимиздан огоҳ қилади. Буни «амалий билим» дейилади. У бизни дунёдаги ишларимизни қай йўсинда уюштироққа ўргатади. Иккинчиси эса нарсаларнинг мавжудоти тўғрисида хабар беради. Уни «назарий билим» дейилади.

Бу ҳар иккала билимнинг ҳар бири ўз навбатида уч қисмга ажралади.

Биринчиси — халқни бошқариш билими. У халқларнинг ҳамжиҳатлиги, тартибли бўлмоғини таъминлайди. Бу билим ҳам иккига бўлинади: 1) Диний қонунлар; 2) Сиёсат. Булардан биринчиси асос, иккинчиси эса шохобча, натижадир.

Иккинчиси — уйни (оилани) бошқариш билими. У эру хотин, ота ва болалар, хўжайин ва хизматкор муносабатларининг тартибли бўлмоғини таъминлайди.

Учинчиси — ўзи тўғрисидаги, яъни инсоннинг қандай бўлмоғи кераклиги тўғрисидаги билим.

Назарий билим ҳам учга бўлинади. Биринчиси бирламчи билим, яъни табиатдан ташқари нарсалар тўғрисидаги билим. Иккинчиси ўрта билим — математика: учинчиси табиат тўғрисидаги билим, ёки қуйи билим. Материя ва ҳаракат билан боғли бўлмаган



(ақл; ҳақиқат), боғли бўлганда ҳам унинг табиатдан келиб чиқмайдиган (сабабиёт) нарсаларнинг характери ни ўрганувчи билим — Метафизика дейилади.

Материя билан боғли, аммо ўзига хос материяси бўлмаган нарсалар (сон, фигура) характери ни ўрганувчи билимга математика дейилади.

Учинчи билим табиатни ўрганеди (табиийёт).

Ана шундай фикрларни баён этиб бўлгач, Шайхурраис Жавҳар (субстанция), яъни ҳар бир нарсанинг туб моҳияти, маъзига оид мулоҳазаларини, ҳамда жисмларнинг ўзаро муносабатларига оид фикрларини изҳор қилади. Бу масалаларга бағишланган бобларда материя ва шакл, материянинг шакл туфайли бор эканлиги: умумий ва хусусий, бирлик ва кўплик, олдинги ва кейинги, сабаб ва оқибат, куч ва ҳаракат, зарурий ва ижтимоий ва шуларга ўхшаш бошқа фалсафий категориялар тўғрисида сўз боради. Китобнинг «Метафизика» бўлими яралиш ва бузилиш юз берадиган жойда нуқсонлар ва ёвузликнинг пайдо бўлиш сабаблари тўғрисидаги боб билан якунланади.

Материя бир хил шаклда кўрина бермайди. У турли шаклларга эга бўлмоғи мумкин. Аммо шакллар ҳам материянинг юзага келувида иштирокчи бўладилар.

Демак, материянинг бирлиги бошқа нарсалар билан ҳам боғлиқ. Масалан, қуёш қизитгани туфайли мева пишади. Аммо меванинг пишмоғи учун бошқа омиллар ҳам даркор. Ҳар бир юзага келган жисмнинг моҳияти турлича, шакллари ҳам хилма-хил. Аммо нега уларнинг баъзиси мукамал, баъзиси нуқсонли? Чунки кўп жузъий сабаблар борки, улар нуқс ва мукамалликка сабабчи бўладилар. Ҳар бир нарса ўзинча, имкониятига яраша мукамал. Унинг шакли ҳам туғилиш ва кўпайиш орқали ўзини сақлай олади. Пашша ўзи яралган материядан кўра афзал. Аммо ўша материя пашшадан бошқа нарсани бера олмайди. Барча жисмлар бузиладилар. Бузилиш ёвузлик, касаллик, зарурият туфайли вужудга келади. Бузилишнинг бир кўриниши жисмдаги қарама-қарши кучлар туфайли юзага келади. Масалан, кишидаги ҳавас, ғазаб, ақлни олайлик. Уларнинг ҳаммаси бир хил қувватга эга эмаслар. Гоҳо улар ичида энг ёмони устун чиқади. Аммо бундай ҳол кўп учрамайди. Кўпинча одамларда эзгулик устун ўрин тутаяди. Масалан, кишилар оғрийдилар, сўнгра эса тузалиб кетадилар. Ҳар

бир одам маълум муддат яшайди. Аммо ҳаёт эса абадийдир. Ғузликнинг туб асоси йўқлик. Эзгуликнинг йўқлигини сезиш ва англаш жонли нарса учун изтироб келтиради.

Олим шу бўлимнинг охирида эзгуликнинг доимо борлигини тасдиқлайди. Эзгуликнинг мавжудлиги эса ғузликнинг кучини синдиради.

Метафизика бўлими ана шу фикр билан яқун топган.

«Қитоби Алоий» ёки «Донишнома»нинг учинчи бўлаги физикадир. Олимнинг тушунтиришига кўра физика деб материядан узмай тасаввур қилинадиган ҳолатларни ўрганувчи билимга айтилади.

Математика ҳам турмушда материядан ажралмайдиган кўринишларни ўрганади. Аммо математиканинг предметини ҳаёл орқали материядан ажратмоқ мумкин.

Шундан кейин олим ҳаракатнинг маъносини тушунтиради. Ҳар бир нарсанинг ҳолати ва ўзгариши ўз потенциаллиги туфайли ҳаракат дейилади. Масалан, бир нарса секин-аста қорайиб боради ва охири бориб қорайишдан тўхтайтиди. Шу қорайиш жараёни ҳаракатдир. Демак шу жараён давомида ўша нарса ҳаракатда бўлди. Чунки бу жараён давомида имконият воқеъликка айланиб борди. Бир нарсанинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтмоғида ҳаракатдан бошқа йўл йўқ. Шайхурраис ҳаракатнинг турли кўринишлари тўғрисида сўзлайди. Чунончи доирадаги ҳаракат, ҳаракат шакллари, кўринишлари, бўшлиқда ҳаракатнинг йўқлиги: фазо, иссиқлик, совуқлик, жисмлар, ҳаво, буғ, тўрт унсур — ҳаво, тупроқ, ўт, сув тўғрисида муфассал маълумотлар беради. Жон, кўриш, ақл, уйқу тўғрисидаги фикрларини баён қилади.

«Физика» бўлими инсоннинг жони (нафси) унинг абадийлиги ва бу абадийликнинг ҳолати тўғрисидаги мулоҳазаларга бағишланган.

## ИЖОД ОҒУШИДА

Шайхурраис Исфаҳонда унумли ижодий меҳнат билан машғул бўлди. У одати бўйича эрталаб беморларни кўради, сўнгра илмий ишларини ёзади. Ундан кейин саройдаги машғулот билан банд бўлади. У

кўпинча кечалари ҳам илмий асарларини давом этдириш билан машғул.

Исфаҳонда Шайхурраис «Ашшифо» асарини тугаллади.

Узоқ йиллар давомида ёзиб келаётган ўзининг тиб соҳасидаги амалий фаолияти мисоллари билан бойитилган машҳур «Тиб қонунлари» асари ҳам Исфаҳонда тугалланди.

Амир Алоуддавланинг бемалол ижодий иш билан машғул бўлмоқ учун шароит яратиб берганини олим алоҳида миннатдорлик билан қайд этади. Яна баъзи илмий машғулотлар учун Амир Алоуддавла олимга йўл-йўриқлар ҳам кўрсатиб турар эди.

Бир куни амир Алоуддавла Шайхни ўз ҳузурига чақирди. Исфаҳон ёзининг дим кечаларидан бири. Амир боғ ўртасидаги супада ўлтирипти. Супа атрофи гулзор. Ҳовузнинг зилол сувларидан энгил шаббода эсади. Райҳонлар, турли гулларнинг хушбўй ҳидлари ҳарёнга таралади. Ҳовуз юзасида юлдузлар тўла осмоннинг акси ойнадаги сингари жимиллайди.

Амир ва Шайх супага солинган кўрпачаларда ўлтириб суҳбат қурмоқдалар. Амир анчадан бери Шайхга бир таклифини айтмоқчи эди, аммо қулай фурсат бўлмай келди. Ҳозир у олимни шу тўғрида сўзлашмоқ учун чақирган. Ойлар ва кунлар ҳисоби анча мураккаб. Исфаҳонда, бошқа шаҳарларда ҳам энг қадимий замонларда ўрнатилган тақвим (календарь) ишлатилади. Яна туркийлар ва ибрийлар (яхудийлар)нинг ўзлари учун тузган тақвимлари ҳам бор. Баъзилар бу тақвимлардан ҳам фойдаландилар. Амирнинг фикрича, барча мавжуд тақвимларни қиёслаб чиқиб: юлдузлар, умуман осмоний jismlарнинг ҳаракатларини текшириб, шуларнинг натижаларига асосланиб янги бир тақвим тузмоқ керак. Бу тақвим ўзининг тўғрилиги ва соддалиги билан барчага манзур ва матлуб бўлсин.

— Бу ишни амалга оширмоқ учун кўп ускуналар лозим бўлар. Бунинг учун эса анча маблағ сарф бўлар.

— Ҳар қанча маблағ кетса ҳам хайрли ва зарур иш амалга ошар.

— Қим бу вазифани бажармоғи лозим бўлар?

— Фақат ўзингиз,— деди амир Шайхурраисга қараб кулимсираб,— бу ишга сиздан бўлак бирор кишининг қўл урмоғи тўғри келмайди.

Шайх Абу Али ўйланиб қолди. У гарчи илми ну-жум (астрономия) билан шуғулланиб келган бўлса-да, тақвимга оид ишлар билан махсус машғул бўлган эмас. Бу вазифани адо этмоқ учун анча тайёргарлик зарур бўлади.

— Мабодо бу ишнинг ижроси учун маблағина эмас, балки вақт ҳам даркор бўлса, уч йилгача сабр қилмоғимиз мумкин,— деди амир сал табассум қилиб. Амир Алоуддавла Шайхнинг уч йил муттасил меҳнат қилиб луғатшунос олим Абу Мансурни мот қилганига ишора қилмоқда эди.

Шайхурраис Абу Али амир Алоуддавлянинг топширигини қабул қилди. У эртаси куни эрталаб Жузжонийга астрономик кузатишлар учун зарур асбобларни тайёрлаш, бунинг учун эса ўша асбобларни ясайдиган усталарни топишни буюрди. Бу иш осон бўлмайди. Жузжоний Исфаҳондаги асбобсоз усталар билан бир неча бор учрашди.

Керакли асбобларнинг режа ва шакллари Шайх ва унинг шогирди ўзлари ишлаб чиқдилар. Усталар бундай асбобларни ясаб ўрганган эмас эдилар. Уларга муттасил йўл-йўриқ кўрсатиб турмоққа тўғри келди. Ниҳоят барча асбоб-ускуналар тахт бўлди. Энди иш бошланадиган бўлиб турганда амир Алоуддавла сафарга отланиб қолди. Шайх у билан бирга кетмоғи керак эди. Бирмунча вақт ўтди. Шайх сафардан қайтгач, осмоний жисмларни кузатиш, мавжуд тақвимларнинг ҳаммасини қиёсий таҳлил қилиш бўйича иш бошланиб кетди. Шайхурраис, Жузжоний, уларнинг ёрдамчилари бўлмиш шогирдлар кечасию-кундузи тинимсиз ишлар эдилар. Улар тун бўйи осмон ёритқичлари бўйича кузатиш ишлари олиб борадилар. Улар сайёраларнинг фалак буржларидаги ҳаракатларини бирма-бир кузатиб ҳисоблаб чиқдилар. Ойнинг чиқиш ва ботиш фурсати, кун ва тун нисбатлари, Қуёшли фурсатнинг муҳлатини қайта-қайта текшириб чиқдилар. Олдинда ҳали иш кўп. Суръат ҳам жадал эди. Аммо Шайх муттасил бу илмий тадқиқот билан шуғуллана олмас эди. У кўпинча амир Алоуддавлянинг кўпсонли сафарларида иштирок этар, ёки саройга оид юмушлар билан банд бўлар эди. Устоз иштирок этмаган вақтда шогирдлар осмоний жисмлар ҳаракати ва тақвимлар таҳлили бўйича йиғилган маълумотларни жамлар, аммо хулосалар ясашга кўпин-

ча ожиз қолар эдилар. Шайх бўлмаса ишнинг олға босмоғи қийин. Шунинг учун кўп иш қилиниб анча маълумот жамланган бўлса-да, янги тақвим тузмоқ иши амалга ошмай қолди. Аммо бу текширишлар натижасида қўлга киритилган маълумотлар Шайх Абу Алининг астрономияга оид асарларида ўз аксини топди. Чунончи «Ал-арсодул-куллия» («Умумий кузатишлар»), «Маърифати таркибул-афлок» («Фалаклар таркибини билиш») китоблари шулар жумласидан эди. Юлдузларни кузатишга оид асбобларнинг баъзиларини Шайх Абу Али ўзи ихтиро қилган эди. Уларнинг таърифига оид махсус асар ҳам Шайх қаламига мансубдир.

### МУЪЖИЗАҚОР ТАБИБ

Қози Абул Ҳасан Мўмин ибн Муҳаммадшоҳнинг хизмат хонаси. Тўрда атлас кўрпачада чордана қуриб деворга тиралган атлас ёстиққа суяниб қози ўтирибди. Унинг чеҳрасида вужудидаги қабзият акс этади. Қозининг тор кўзлари хом олучадек қизарган, оғир қовоғи солиқ, пешонасида тажанглик ажинлари. Қози қўлидаги қоғозга тез-тез кўз югуртириб чиқди-ю, бирдан унинг башарасини қаҳр ва ғазаб булутлари қоплади, сўнг кўзидан яшин чақнаб момоқалдироқ сингари ўшқирик эшитилди:

— Ким бу одамни тавсия қилмоқда?!

Қозининг қаршисида кичик бир мез ортида тавозе билан ўлтирган икки мулозими бир ҳуркиб тушдилар. Улардан бири — жиккакдан келган паст бўйли ходим қўлида бир тутам қоғозларини тутганича қўрққанидан тили гапга келишмай қолди. Иккинчиси юмалоқ юзли ўрта бўйли, қорамтир тусли, қўйкўз йигит қози ҳузурда биринчи бўлиши эди, бу ҳайқирикдан вужудини ҳайрат ва қўрқув босганича ҳангуманг бўлиб қолди.

— Ким бу одамни тавсия этмоқда, деяпман,— яна бақирди қози. Азбаройи, ғазаб ва жаҳлдан унинг вужуди титрар, ранги бўзариб кетган, баланд бўйини ғоздек чўзиб у мулозимларига еб қўйгудек шиддат билан қарар эди. Унинг важоҳатидан у ҳозир ўрнидан сакраб туради-ю, ҳар иккала ходимини ҳам тепкилаб қоладигандек. Жиккак ходим қўрққанидан дағдағ титраб, ўзини қаёққа яширишни билмай мез ости-

га кириб кетгудай бўлиб писиб олди. Қози эса тамо мийла ўзини йўқотди. У қўлини пахса қилиб қарши-сидагиларга шовқин солар, овозининг борича бақирар, оғзидан кўпиклар сочар, кўзидан ўт чақнар эди. Бу дағдаға бир мунча фурсат давом этди. Ниҳоят қози ҳолдан тойгач, парқуга ёнбошлади. Унинг тинганини кўрган ҳар иккала ходим ўринларидан секин турдилар-да, таъзим билан аста-секин юриб хонадан чиқиб кетдилар.

Абул Ҳасан Мўмин ибн Муҳаммадшоҳнинг бундай феъли кўпчиликка аён. Аслда тоза кўнгилли, кишиларга кек сақламайдиган, ўз ишини яхши биладиган бу одам арзимаган нарсадан норози бўлса ана шундай тутқаноғи тутиб қолар эди. Бундай пайтда унга ҳеч ким рўбарў келолмас, бирор киши қозининг ҳақ ноҳақ эканини айтишга журъат қилолмас, ҳамма ундан имкон борича нарироқ қочмоққа интилар эдилар. Аммо бу ҳолат ўтиб кетгач, қози яна аслига қайтар, худди ҳеч нарса бўлмагандек кишилар билан муомала қилар эди. Жабрдийдаларнинг кўплари қозининг феълига ўрганиб кетган. Улар яна қозидан қўрққанларидан ҳеч қачон бўлиб ўтган ишларни унга эслатмас, ўрганмаганлар эса бора-бора қозининг феълига кўникиб кетар эдилар.

Уша талвасали воқеа содир бўлган куннинг охирида жиккак ходим ўзининг шеригига бир қоғозни кўрсатди. У қоғозда қозининг серҳашам муҳри босилган эди. Тавсиядан ғоят норози бўлган қаҳру-ғазаб қилган қози ўзига келгач, ўша қоғозга муҳр босиб тавсияни маъқуллаган. Жиккак ходимнинг шериги ҳайрон бўлиб бунинг сабабини сўради. Жиккак юзида айёрона ҳийлали табассум боқиб шеригининг қулоғига шивирлади:

— Қози жанобларининг шундай касалликлари бор. Тутқаноғи тутганда у йиртқич ҳайвондан ҳам бадтар бўлиб кетади. Ушанда унинг қўлига тушган одамнинг ҳолига вой. Кейин ўзига келгач, иш одатдагидек битаберади.

Абул Ҳасан Мўмин ибн Муҳаммадшоҳ ўзининг бу касалини билар, табибларга кўп кўринган. Улар турли даволар қилишган бўлса ҳам фойдаси бўлмаган эди.

Бир куни қози уйида жанжал чиқарди. У ваҳший ҳайвон сингари ҳар томонга ўзини ташлар, дуч келган

буюмни чилпарчин қилар эди. Уйдагилар ўзларини қаёққа қўйишни билмайдилар. Тутқаноқ устида бемор тинчгина ухлаб ётган тўрт яшар набирасига чанг солди. Телба ўзини йўлбарс ҳис этар, бу гўдак эса унинг кўзига қуён бўлиб кўринган эди. Дод солиб югуриб келган келин боласини касалнинг қўлидан тортиб олмаққа уринар, аммо телба гўдакнинг оёғига тармашиб қўйиб юбормас эди. Уйдагилар ҳаммалари касалга ёпишдилар. Келин боласини аранг ажратиб олди. Лекин гўдакнинг оёғидаги суяк чиққан, у бечора чириллаб йиғлар эди. Ниҳоят уйдагилар телбанинг қўлоёғини боғлаб ётқиздилар. Болага озгина тарёқ бериб тинчитдилар. Бола ухлаб қолди. Қўл-оёғи боғлиқ йиртқичнинг оғзи ҳам боғлаб қўйилган эди. Чунки у ётган жойида ҳайқиришини қўймаганди. Уйда аза бўлаётгандай ҳамма жимиб қолди.

Ичкари уйда келин ухлаб ётган боласининг бошида юм-юм йиғлар, қайнонаси уни юпатмоққа беҳуда уринар эди. Шу бўйи кун кеч бўлди. Эртаси эрталаб Абул Ҳасан Мўмин худди ҳеч нарса бўлмагандек уйдагиларнинг таъзими остида хизматга равона бўлди.

Келин ва қайнона оёқ суяги чиққан болани кўтариб табибга жўнашди. Улар тўғри табиб Шайх Абу Алининг уйига келишди. Табиб болани кўрпача устига ётқизиб диққат билан кўриб чиқди. Боланинг тиззаси сўл томонга туртиб чиқиб қолган эди. Табиб ётган боланинг оёқ суягини секин тортабошлади. Гўдак чинқираб йиғлади. Онаси ва бувиси ҳаяжонга тушдилар. Табиб тез ва чаққон ҳаракат қилар эди. У бўғинни чиққан жойига қарши томонга тортиб туриб кейин чиққан жойига қўйди. «Шиқ» этган товуш чиқди. Суяк ўз ўрнига ўтирган эди. Сўнг табиб ёрдамчисига латтани совутилган мумли суртма билан ҳўллаб суяк чиққан жойни боғлаб қўйишга буюрди.

Муолижа тугагач, табиб боланинг қандай қилиб бу ҳолга учраганини сўради. Бувиси уҳ тортиб эрининг касали тўғрисида сўйлаб берди. Шайх Абу Али хотинларни юпатди, уларга алам билан боқди. Сўнг-ра агар Абул Ҳасан Мўминнинг шундай тутқаноғи тутиб қолса, дарҳол менга хабар қилингиз, деб тайинлаб уларни кузатиб қўйди.

Табибга бундай хабарни узоқ кутишга тўғри келмади. Орадан бир ҳафта ўтар ўтмас қозининг тутқаноғи тутаётган пайтда унинг ўғли Ҳасан ибн Мўмин

табиб ҳузурига югуриб келди ва унга бу хабарни етказди. Табиб ва ёрдамчиси отланиб беморнинг ўғли билан қозининг ҳовлисига етиб боришди. Овлоқроқ бир хонага олиб кириб қўйилган Абул Ҳасан ўзини йўлбарс деб ҳисоблаб ҳар ёққа ташланар, аммо қўлоёғи боғлиқ бўлганидан бутун вужуди билан ҳаракатланса-да, лекин ўрнидан жилолмас эди.

Бу мудҳиш ҳолатни кўрган Абу Али дарҳол ёрдамчисига бир нима деди. Ёрдамчиси халтадан бир дорини олди. Бу дори кичкина кулча шаклида, Табиб пиёлага олма шарбати қуйди. Сўнг бир мисқол табошар (бўр)ни шарбатга сепди. Бу дорини қўлга тутиб табиб телбанинг ёнига келди. Беморнинг ўғли ва бир хизматчиси уни ушлаб турдилар. Табиб беморга кулчани егизди, орқасидан ҳалиги шарбатни ичирди. Озгина фурсат ўтди. Телба секин-секин ҳолсизланиб уйкуга кетди. Беморнинг ўғли Ҳасан табибдан сўради:

— Бу қандай доридир?

— Бу кудчанинг хамири марварид, қаҳрабо ва маржоннинг ҳар биридан бир ярим мисқолдан, хом ипак, куйдирилган дарё қисқичбақасидан бир мисқолдан, говзабондан беш дирҳам, олтин кукундан икки донақ, ёқут талқонидан бир дирҳам, яна турли ўтлар ва уруғлардан аралаштириб қорилган.

— Кўп дорилар олдин ҳам берилган, аммо фойда қилмаган эди.

— Отангизнинг касали мания ва оғир меланхолия дейилади. Ушбу кулчани мен ўзим шу касалликка қарши тайёрлаганман. Беморнинг мижози жуда иссиқ. Шунинг учун мўътадил дори таркибига майда туйилган анор рангли нафис ёқут ҳам қўшганман. Иншоллоҳ, бу дори фойда етказар ва бемор умидсизликдан улуғ иқбол томон юзланар.

Табиб Ҳасан ибн Мўминга ҳалиги кулчалардан бир нечасини берди ва ҳар куни олма шарбати билан битта-биттадан беморга егизиб туришни тайинлади.

Орадан бир ойча вақт ўтди. Табиб Абу Алининг муолижаси Абул Ҳасан ибн Мўминга шундай фойда қилдики, у тутқаноқлардан бутунлай қутулди. Қози Абул Ҳасан Мўмин ибн Муҳаммадшоҳнинг оиласидагилар ҳам, маҳкамасидагилар ҳам бу касаллик туфайли юз берадиган бахтсизликлардан холи бўлдилар. Беморнинг ўзи ҳам, ўзгалар ҳам мўъжизакор табибдан бир умрга миннатдор бўлиб қолдилар.



Шайх Абу Алининг табиблик тажрибасида бундай ҳодисалар кўп бўлган. Бир умрли табобат тажрибаси ва улардан қилинган илмий хулосаларни улуғ табиб ўзининг «Тиб қонунлари» китобида акс эттирган.

## ТИБ ҚОНУНЛАРИ

«Тиб қонунлари»нинг биринчи китоби мундарижасини Шайх Абу Али ибн Сино ўзи тузиб берган. Китобнинг бошланиш қисмида улуғ табиб бундай деб ёзади: «Дастлаб тибнинг иккала қисмидаги, яъни назарий ва амалий қисмидаги умумий масалалар тўғрисида сўзламоқчиман. Ундан кейин оддий дорилар қувватининг умумий ва хусусий таъсири тўғрисида сўзлайман. Сўнгра ҳар бир аъзода пайдо бўладиган касалликлар ҳақида сўзлаб, аввал ўша аъзонинг ташриҳини (анатомиясини) ва унинг бажарадиган ишини баён қилишга бошлайман. Оддий аъзолар ташриҳини, уларнинг ишларини биринчи умумий китобда баён қилиб ўтаман».

Биринчи китоб тибнинг умумий таърифи билан бошланади. Тиб назарий ва амалий бўлади. Улардан бири тиб қондаларини, иккинчиси эса амалий ишларнинг қандай бўлишини англатди.

Унсурлар тўртта: олов ҳамда ҳаво енгил унсурлар: сув билан ер оғир унсурлардирлар.

Унсурларнинг ниҳоят даражадаги майда бўлаклари қарама-қарши кайфиятларга эгадирлар. Шуларнинг бир-бирига таъсири туфайли келиб чиқадиган кайфият мижоз деб аталади. Унсурлардаги дастлабки кайфиятлар тўртта: иссиқлик, совуқлик, ҳўллик, қуруқлик. Агар ана шу кайфиятлар мижоз эгасида баравар бўлса мўътадил бўлади.

Гавдадаги энг иссиқ нарса руҳ. Руҳнинг пайдо бўлиш ўрни юракдир. Ундан кейинги даражада турувчи қондир. Ундан кейингина жигар, сўнгра ўпка ва гўшт келади. Сўнг мушак, талоқ, буйрак, томирлар келади.

Гавдадаги энг совуқ мижозли нарса балғам: сўнгра чарви, ёғ, соч, суяк, тоғай, пай, парда, нервлар, мия ва тери келади.

Гавдадаги энг ҳўл нарса балғам, қон, ёғ, мия, сўнг ўпка, жигар, талоқ, буйрақлардир.

Гавдадаги энг қуруқ нарса соч, сўнг суяк.

Абу Али ибн Сино инсон умрини қуйидаги тўрт қисмга тақсимлайди: Усиш ёши (ўсмирлик — ўттиз йил давом этади. Усишдан тўхташ ёки ёшлик даври ўттиз беш — қирқ ёшгача бўлган давр, чўкиш ёши олтмиш ёшгача давом этади. Кучсизлик билан чўкиш ёши умр охиригача боради. Бу кексалиқдир.

Биринчи китобнинг тўртинчи таълими хилларга бағишланган.

Киши овқат еб бўлгач, ўша овқат ҳўл, оқувчан жисмга айланади. Ана шуни хилт дейдилар. Унинг бир қисми овқатланувчидан тарқаладиган нарсанинг ўрнини қоплайди. Бу яхши хилт. Баъзиси ортиқча ва паст сифатли бўлади. У гавдадан чиқарилиб ташланиши керак.

Аъзолар яхши хилларнинг дастлабки қўшилишларидан пайдо бўладилар. Аъзоларнинг баъзиси оддий, баъзиси мураккаб бўлади.

Оддийларнинг барча бўлаклари исм ва таърифда бир хил бўлади. Масалан гўшт, суяк, нерв ва унинг бўлаклари. Мураккаблари эса ҳар бир бўлаги ҳар хил исм ва таърифга эга: қўл, юз. Мураккаб аъзолар иш ва восита органларидирлар.

Абу Али ибн Сино биринчи жумланинг ўттиз фаслида (бобида) суякларнинг анатомиясини баён қилган. Улар калла суягидан бошлаб оёқ панжаларининг анатомиясигача барча суякларни ўз ичига олади.

Иккинчи жумлада эса ўттиз фасл ва мушакларидан то оёқ бармоқлари мушакларининг анатомияси таърифига бағишланган.

Учинчи жумлада нервлар, артериялар, веналар, қувватлар тўғрисида сўз боради.

Булар ҳаммаси «Тиб қонунлари» биринчи китобининг биринчи фанидир.

Иккинчи фан касалликлар, уларнинг умумий сабаблари тўғрисида.

Одам гавдасининг аҳволи уч хил: 1) Соғлиқ. Бунда одамнинг гавдаси, мижози, унинг таркиби, ундаги феъллар тўғри ва соғлом бўлади. 2) Касаллик, яъни юқоридагига тесқари ҳол. 3) Соғлиқ ҳам, касаллик ҳам бўлмаган ҳол. Масалан, қарилар, касалликдан тузалиб келаётганлар, болалар.

Содда касалликлар мижоз ва таркиб касалликларидан бир хил касалликлар.

Мураккаб касалликлар деганда икки ва ундан ор-

тиқ касаллик йиғилиб битта касалликни ташчил қилинган ҳолни англамоқ зарур.

Зийнатга оид ҳолатлар ҳам касалликка қўшилиб саналади. Масалан, соч тўкилиши, тус ўзгариши, ямоқлар.

Абу Али ибн Сино юқорида айтилган уч ҳол: соғлиқ, касаллик, ва ўртача ҳолларнинг сабабларини баён этади. Улар олдин келувчи сабаб, ташқи сабаб ва боғловчи сабабдан иборат. Олдин келувчи ва боғловчи сабаб хилт, мижоз ва ё таркибига оид.

Гавданинг ҳолатига таъсир кўрсатувчи сабаблардан зарурийлари олти жинс бўлади. Улар атрофимизни ўраган ҳаво, ейиладиган ва ичиладиган нарсалар, гавданинг ҳаракати ва тинчлиги, нафсоний ҳаракатлар, уйқу ва уйғоқлик, бўшалиш ва тўхтаб қолишқидан иборатдир.

Ҳаво роҳатлантиради ва тозалайди. Йил фасллариининг ҳавоси ўзига лозим бўлган хусусиятлари билан келиши керак. Ёзнинг иссиқ бўлиши, қишнинг совуқ бўлиши каби. Агар бу табиийлик бузилса, ёмон касалларга сабаб бўлади. Фасллари доимо бир турли кайфиятда бўлган йил ёмон йилдир. Энг соғлом вақт кузнинг ёмғирлик ва қишнинг шу мамлакатга хос ўта совуқли бўлмасдан мўътадил даражада совуқ бўлишидир. Агар баҳор ёмғирли бўлиб, ёз ҳам ёмғирдан холи бўлмаса, бу энг соғлом фурсат бўлади.

Яхши ҳаво тутун ва буғ каби ёт нарсалар аралашмаган ҳаводир. Абу Али ибн Сино фаслларнинг инсон организмга таъсири турли фаслларда қўзғаладиган касалликлар тўғрисида муфассал ҳикоя қилади, сўнгра турар жойлар тўғрисида сўзлайди.

Олимнинг ёзишича, иссиқ жойлар қорайтиради, намликлар кўп буғланиш натижасида ҳаво камайиб кетса, одамлар тез қарийдилар. Совуқ ерларда яшовчилар кучли ва ботир бўладилар. Агар ундан ерлар намли бўлса, аҳолиси сергўшт ва серёғ бўлади, томирлари чуқур жойлашган бўлиб бўғинлари қуруқ, ўзлари кўркам ва яшнаган бўладилар.

Намлик ерларда яшовчиларнинг ташқи кўринишлари яхши, терилари юмшоқ бўлади. Баланд ерда яшовчилар соғлом, кучли ва чидамли бўладилар, узок умр кўрадилар.

Ибн Сино ҳаммомга тушиш, гавдани қуёшда тоблаш, қумга тушиш, ёғларни мўл суртиш, юзга сув

сепиш билан боғли ҳодисалар тўғрисида муфассал сўзлайди. Ҳаммом ўз ҳавоси билан қиздиради, ўз суви билан ҳўллайди. Ҳаммом ҳавоси баъзан туғма ҳароратни тарқатиб юборади ва танани совитади: баъзан эса туғма ҳўлликни тарқатиб органлар моддасини қуритади. Ҳаммомга тушган киши шошмасдан тинч ва секин-аста чўмилиши керак.

Иссиқ қуёшда баданни қиздириш, хусусан бу тез юриш ва чониш каби кучли ҳаракатлар вақтида бўлса, чиқиндиларни кучли равишда тарқатади, терлатади, қорин кўпчишини йўқотади, нафас олишни яхшилайди, мияга фойда қилади.

Тери атрофидаги намликларни денгиз қумлари қуритади, юқорида айтилган касалликларга фойда қилади.

Мўътадил бадантарбия, уқалаш, ишқалаш, мўътадил миқдордаги овқат ва ҳаракатлар қиздирувчилардир. Ҳаддан ортиқ ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, кўп ейиш, ичиш кабилар совутувчилардир. Ҳар нарсанинг ҳаддан ташқари бўлиши гавдани совутиб юборади.

Ибн Сино оғриқ тўғрисида бундай дейди: оғриқ биронта ёқимсиз нарсани сезишдир. Лаззатланиш ёқимли нарсани сезишдир. Ушлаб кўриб сезиш энг қаттиқ ҳис ва таассуротни узоқ сақлайди. Шунинг учун кўпол табиатли одамлар шу орқали катта лаззат оладилар.

Алоҳида таълим касаллик белгилари ва уларнинг юз беришига бағишланган.

Баъзи юз беришлар — иситма, санчувчи оғриқ, нафас қисиш, йўтал «аррасимон» томир уриши каби касалликлар билан бошланиб, бирга тамом бўлади. Баъзилари эса, масалан етилиш, етилмаганлик, ҳалокат ўткир касалликларда учрайди.

Баъзи ташқи аломатлар ички ҳолатни кўрсатади.

Алоҳида жумла пульсларга бағишланади. Ундан кейинги жумлада чиқиндилар тўғрисида сўз боради.

Биринчи китобнинг учинчи фани соғлиқни сақлаш тадбирларини баён этади. Агар китобнинг биринчи ва иккинчи фанлари — тиб таърифи ва касалликлар, тибнинг назариясидан иборат бўлган бўлса, бу учинчи фан тибнинг амалиясидир.

Инсон гавдасининг вужудга келишига сабаб эрлик уруғи, аёллик тухуми ва ҳайз қони. Эрлик уру-

ғи негиз, тухум ва ҳайз эса модда вазифасини бажа-  
ради. Қон ва аёл тухуми сувли ва тупроқжинслироқ-  
дир. Эр уруғида эса ҳаво ва олов ортиқроқ. Шу билан  
улар бир-бирига қарама-қарши хусусиятга эга.

Шунинг учун улардан ташкил топган нарсада  
тупроқлилиқ ва оловлилиқ бўлса ҳам уларнинг би-  
ринчи қўшилиши ҳўл бўлади. Тупроқлилиқ ўз қаттиқ-  
лиги билан, оловлилиқ ўз етилтириш кучи билан ёр-  
дамлашиб шу икки жавҳардан туғилган нарсани қо-  
тиради ва бир-бирига боғлайди.

Ҳўллиқ секин-аста йўқола боради. Бу гавда учун  
биринчи офат. Иккинчи офат эса ўша ҳўллиқнинг са-  
сиб, бузилиб боришидир. Ана шу икки соғлиқни сақ-  
лашда эътиборга олинмоғи керак. Ҳар бир гавда  
мижози туғма иссиқлиги ва ҳўллиги талаб қиладиган  
зарурий қуримоқнинг чегараси бор. Гавда ҳаёти ўша  
чегарадан ўтмайди. Аммо баъзи сабабларга кўра ўша  
чегарага етолмаслиги мумкин.

Соғлиқни сақлашнинг вазифаси гавданинг муно-  
сиб нарсаларини сақлаш орқали инсонни ўша чегара-  
гача етказишдан иборат.

Соғлиқни сақлашда асосий нарса умумий ва зару-  
рий сабабларни мўътадиллаштирмоқдир. Бу сабаблар  
қуйидагилар: мижозни мўътадил қилиш, ейиладиган ва  
ичиладиган нарсаларни танлаш; гавдани чиқиндидан  
тозалаш, тўғри тузилишни сақлаш, бурундан тортила-  
диган ҳавони етарли ва яхши қилиш, кийимларни ях-  
шилаш, жисмоний ва руҳий ҳаракатларни мўътадил  
қилиш; уларга уйқу ва уйғоқлик ҳам киради.

Шундан сўнг олим боланинг туғилганидан то оёқ-  
қа турганигача қилинадиган тадбирлар тўғрисида таъ-  
лим беради.

Учинчи фаннинг биринчи таълими бола тадбири  
ҳақида. Бунда чақалоқнинг киндигини кесишдан бош-  
лаб, то унинг ўн тўрт ёшга етгунигача қилиниши ло-  
зим бўлган ишлар тўғрисида таълим берилади.

Чақалоқнинг юзи қаттиқ ва териси кучли бўлмоғи  
учун кам тузли намакоб сурилади. Агар бола гавдаси-  
да кир ва намлик кўп бўлса иккинчи бор намакоб  
суртиш керак. Сўнгра илиқ сув билан чўмилтирилади.  
Чақалоқни йўргаклаганда боланинг аъзоларини му-  
лойимлик билан силамоқ керак.

Чўмилтирмоқ учун қулай фурсат боланинг узоқ  
вақт ухлагандан кейинги вақтидир.

Бола имкон борича фақат она сути билан эмизлиши керак. Бир кунда икки ёки уч марта эмизиш кифоядир. Бу таълимда эмизувчиларга талаб, болалар касалликларига оид маълумотлар бор.

Ибн Сино соғлиқни сақлашнинг асосий тадбири бадантарбия, сўнгра уйқудир, дейди. Иккинчи таълимда шу тўғрида сўз боради.

Бадантарбия танани ортиқча чиқиндилардан тозалайди, туғма иссиқликни оширади, танага энгиллик бағишлайди.

Бадантарбия турлари: тортишиш, мушт билан туртишиш, ёйдан ўқ отиш, найза отиш, тез юриш, юқоридаги нарсага ирғиб осилиш, бир оёқда сакраш, қиличбозлик ва найзабозлик, отда юриш, икки қўлни силкитиш.

Энгил ва нозик бадантарбия: арғимчоқларда учиш, беланчак учиш, қайиқ ва кемада сайр қилиш. Кучлироқ ҳаракатлар: отга, туяга миниш ва кажава ва араваларда сайр қилиш. Улуғ табиб ҳар бир ҳаракатнинг тўла таърифини беради ва уларнинг фойдасини сўйлайди.

Масалан, аравада орқасини араванинг олди томонига ўгириб ўтириш кўзи заиф кишиларга фойдалидир. Қайиқ ва кемаларда соҳилга яқин ерларда сайр қилиш мохов, истисқо, меъда совиши ва кўпчишига фойда қилади. Кўзни майда буюмларга тикиб туриб вақти-вақти билан юқоридаги нарсага тез кўз югуртириш ҳам фойдалидир.

Алоҳида фасллар овқат, уни ҳазм қилишга, уйқу ва уйғоқлик таърифига бағишланган.

Тўртинчи фан даволаш усуллари ҳақида. Даволаш уч турли бўлади: тадбир (режим) ва озиқлантириш; дори истеъмол қилиш; қўл билан бажариладиган ишлар (манипуляция). Табиб ўттиз бир фаслда даволашнинг барча усулларини бирма-бир баён этиб чиққан.

«ТИБ ҚОНУНЛАРИ»НИНГ ИККИНЧИ КИТОБИ содда (ёлғиз ҳолда ишлатиладиган) дориларга бағишланган. Уни табиб икки мақолага бўлган. Биринчи мақола олти фаслдан иборат. Улар содда дориларнинг мижозларини ўрганиш, солиштириш, қувват таъсири, ташқи таъсирлар, дориларни йиғиш ва сақлаш тўғрисида сўз боради. Иккинчи мақолада ўн олти таъдвал бор. Уларда дориларнинг хоссалари ва ҳолатла-

ри тўғрисида сўз боради. Шундан кейин барча маълум содда дориларнинг таърифи ва қўлланиши ҳикоя қилинади. Дорилар номи алифбе тартибида берилган. Уларнинг кўпи одамдаги озуқалардир.

Бир-икки мисол келтирамиз:

Басал — пиёз. Моҳияти: Бу маълум нарса. Бунда парчаловчи ўткир маза билан бирга аччиқлик ва буриштириш таъсири бор. Пиёзнинг ейиладиган узунроқ хили бўлиб ўткир, мазаси кучлироқдир. Қизили оқига қараганда ўткирроқ бўлади. Қуритилгани ҳўлига ва хоми қовурилганига қараганда ўткирроқ. Табиати: Учинчи даражада иссиқ. Бунда ортиқча ҳўллик ҳам бор. Таъсир ва хоссалари: Пиёз латифлаштирувчи ва парчаловчидир. Бунда буриштириш билан бирликда кетказиш ва кучли очиш таъсири бор. Пиёзда дам қилиш ва қонни ташқарига тортиш хоссаси ҳам бирдир. Демак, у терини қизартувчидир. Бунинг пиширилгани озиқли модда туғдиради. Пиёзли шўрва пиёзсиз шўрвага нисбатан камроқ дам қилади. Пиширилган пиёзнинг озиқ моддаси ғализ хилт пайдо қилади. Айниқса ейиладиган пиёз турли сувларнинг зарарини қайтаради. (Пиёз суви ҳайз қонини юргизади.) Пиёз турли сасиган сувнинг ҳидини кеткизадиган нарсалардандир. Зийнати: Юзни қизартиради. Уруғи доғни кетказади. Бу «тулка касаллиги»да мўйи тўкилган ерда ишқаланса, жуда кўп фойда қилади. Уруғи туз билан қўшиб ишлатилса, сўгалларни қўпоради. Суви чиркин яраларга фойда қилади. Товуқ ёғи билан қўшиб оёқ кийимидан шилинган жойга қўйилса, фойда қилади. Суви бурунга юборилса бошни тоза қилади. Бош оғирлашганда, қулоқ шанғиллашида, йиринг ва сув пайдо бўлишида қулоққа томизилади. Пиёз бошни оғритадиган нарсалардандир. Буни кўп ишлатиш уйқу бостиради. Пиёз ёмон хилт туғдиргани учун, ақлга зарар қиладиганлардандир. Бу сўлакни ҳам кўпайтиради. Ейиладиган пиёзнинг сиқиб олинган суви кўзга сув тушгани (картаракта)да фойда қилади. Кўзни равшан қилади. Кўзнинг оқига қарши пиёз уруғини асал билан қўйилади. Пиёз суви асал билан бирга ишлатилса, томоқ оғриқда фойда қилади. Ёввойи пиёз ҳазмни қийинлаштиради. Бунинг бир хили қусишни кўзғатади. Ейиладиган пиёз аччиқлиги сабабли заиф меъдани кучли қилиб иштаҳани очади. Пиёзнинг икки марта пиширилгани кўп озиқлидир. Чанқашга сабаб

бўлади. Сарик касалида фойда қилади. Бавосирда томирларнинг тиқилмаларини очади. Пиёзнинг ҳамма турлари шаҳвоний ҳисни қўзғатади. Пиёз суви ҳайз қонини юргизиб ични юмшатади. Сувини туз ва газак ўти билан бирга қутурган ит тишлаганида қўйилса, фойда қилади. Ейиладиган пиёз гармсел шамолининг зарарини қайтаради. Баъзи табиблар, бу меъдада гармселнинг зарарини синдирадиган кўп миқдорда ҳўл хилт туғдиради, дейилади. (Бу таъсирида пиёз кучлидир).

Сабзи тўғрисида ҳам шундай тафсилий гаплар бор. Туффоҳ — олма тўғрисида Ибн Сино ёзадики, олманинг энг мўътадили Шош (Тошкент) олмасидир. Бемаза олма ёмон бўлиб, унинг фойдаси кам. Хом олма ҳам шундай. Олма заиф меъдани қувватлаштиради, унинг касаллигига фойда қилади. Яна Тан — анжир, тут, саримсоқ, бодом, буғдой, бақла ва бошқа озуқаларнинг таъсири тўғрисида муфассал маълумотлар бор. Иккинчи китобда жами 810 модда тўғрисида хабар берилади. Улар ичида ўсимликлар, ҳайвонот, донлар ва бошқа турли хил моддалар бор.

Ибн Сино келтирган дориларнинг бир қисми халқ тиббиётида қўлланган. Демак, «Қонун»нинг иккинчи китоби орқали буюк мутафаккир яшаган даврдаги халқ тиббиётидан ҳам хабардор бўламиз.

Бу китобда келтирилган ўсимликлардан олинувчи дориларнинг кўпи то XX асргача қўлланилиб келган.

Бу дорилар ўрта аср Европасига Ибн Сино асарлари орқали маълум бўлган. В. М. Карасикнинг аниқлашига кўра «Қонун»нинг иккинчи китобидаги дорилардан 150 га яқини бизнинг мамлакатимизда нашр этилган фармокопея рўйхатларида бор. Бу нашрлар жами 8 та бўлиб биринчи нашри 1866 йилда, саккизинчи нашри эса 1946 йилда амалга оширилган. Шунинг ўзи ҳам «Қонун»нинг доришунослик тарихидан қандай катта ўрин тутганини кўрсатиб туради.

«Тиб қонунлари»нинг учинчи китоби йигирма икки қисмдан иборат. Улар бошдан то оёққача барча органларнинг касалликлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Мия тўғрисида сўзлаганда Ибн Сино ёзадики, мия нам бўлади, чунки шунда у ҳаракатлар туфайли қуриб қолмайди ва лозим шаклга эга бўлади. У юмшоқ ва ёғли. Жолинус (Клавдий Гален) айтганки, шунда мия яхши шаклга эга бўлади ва фикрлаш ас-



носида ўзгара олади. Ахир юмшоқ нарса ўзгаришга мойилроқ бўлади-ку. Ибн Сино айтадики, миянинг юмшоқлиги унинг ёгли бўлмоғи ва унга туташган нервларни озиқлантира олиши учун қулайлик туғдиради. Мия икки пўстлоғ билан қопланган. Улардан юмшоғи мияга, йўғони бош суягига ёпишиб туради.

Бош тўғрисида сўзлаганда Ибн Сино Жолинуслининг бош мия, эшитиш, сезиш, ҳидлаш таъминлаш учун яратилган эмас, чунки булар бошқа органларда бор, асосан бош кўзларни жойлаштирамоқ учун яратилган, деган сўзларини тасдиқлаб, кўзнинг бошда ўрнашган жойини кўшиндаги соқчиларнинг баландликда жойлашмоқларига ўхшатади. Ибн Сино бошқа жойлашган органларнинг таърифи, уларнинг касалликлари, бош оғриқлари, уларни даволаш тўғрисида муфассал сўзлайди.

Шундан кейин руҳий касалликлар ҳақидаги боблар келади. Табиб оташин севгини ҳам руҳий нотобликлар қаторида келтиради. Севгучи киши кўзлари чўкиб, қуруқлашиб кетган бўлади, нафаси бўлиниб-бўлиниб туради. Кўп-кўп кулиб ё ҳазиллашиб туради, ишқий шеърларни тинглаганда ё кулади, ё қайғуриб йиғлайди. Қовоғидан бошқа ҳамма аъзолари озиб кетади. Юриш-туришида тартиб бўлмайди, томир уриши беқарор. Севгилисининг номини эшитганда, ё уни ногоҳ кўриб қолганда томир уриши ўзгаради. Шундан севгучининг кимга кўнгил берганини аниқлаш мумкин. Ибн Сино ўзининг шу йўсинда бир севгучининг севгилисини топганини айтади.

«Қонун»да Ибн Сино ўз табиблик тажрибасидан бир мисол келтиради:

Бир йигит бир қизни севган, бу севги ўтида куйиб оғир ва узоқ давом этган касалликларга мубтало бўлган. У ҳаддан ташқари озиб кетган, узоқ иситма ичида қолган, чунки вужуди оташин севги туфайли жуда заифлашиб кетган эди. Ибн Сино бу йигитнинг дарди севги эканини тушунган. Аммо бемор буни бўйнига олмас эди. Табиб беморнинг томирини ушлаганича кўп номларни айта берган. Шунда севгилисининг номини айтилганда бирдан томир уришида ўзгариш пайдо бўлган. Буни бир неча бор такрорлаб текшириб кўргач, севгилисининг номини аниқлаган. Кейин шу тарзда маҳаллалар, кўчалар, уйлар, оилаларни, бир бошдан санай берган. Ана шуларнинг қай бири айтил-

ганда томир уришида ўзгариш содир бўлса, шунга қараб йигит севгилиси яшайдиган маҳалла, ота-онаси кимлиги тўғрисида тасаввур пайдо қилган. Шундай қилиб маҳбубани аниқлагач, табиб, севгучи йигитни ўз севгилисига етиштириш маслаҳатини берган. Ошиқ ўз маҳбубаси билан яқинда бирга бўлажагини билгач, унинг аҳволи яхшилана борган, эти ўсиб, анча ўзига келиб қолган. У тез фурсатда тузалиб кетган. Ибн Сино хулоса қилиб ёзадики, табиат ташқи таъсирга бўйсунмагани шундан маълум бўлади.

Севгининг давоси севгилисига етишмоқ ёки севгучини севгидан қайтармоқдир.

Иккинчи бўлим бутунисича нервларга бағишланган. Унда нерв касалликлари, уларнинг белгилари ва даволаш усуллари тўғрисида сўз боради. Шундан кейинги бўлимларда кўз, қулоқ, бурун оғиз, тил, тиш, милк ва лаблар, томоқ оғриқлари тўғрисидаги боблар келади.

Учинчи бўлим ўпка ва кўкрак касалликларига бағишланган. Бу ерда нафас олиш, овозга оид ҳолатлар таҳлил этилади. Яна йўтал ва қон тупуриш, кўкрак атрофидаги аъзолардаги шишлар тўғрисида сўз боради ва уларни даволаш усуллари кўрсатилади. Ун биринчи қисм юрак тўғрисида ҳикоя қилади; ўн иккинчи қисм аёллар кўкраги тўғрисида; ўн учинчи қисм қизилўнгач ва меъда ҳақида; ўн тўртинчи қисм жигар ва унинг ҳолати тўғрисидадир.

Жигар қон пайдо бўлишини якунловчи аъзодир. Жигар қотган қизил қон рангидаги гўштга ўхшайди. Унда нерв толалари йўқ. У нервларга тўла қобиққа ўралган. Шундан сўнг Ибн Сино жигарнинг мукамал таърифини беради, унинг касалликлари, бу касалликларни даволаш усуллари баён қилади. Ундан кейин талоқ, ўт аъзолари, сариқ касали ва уни даволаш тўғрисида сўз боради. Кейинги қисмларда ичаклар, уларнинг касалликлари ва уларни даволаш усуллари баён этилган. Шундан сўнг буйрак касалликлари, айниқса қанд касаллиги (диабет) ва уни даволаш тўғрисида сўз боради. Кейинги қисмлар эркаклар ва аёлларнинг жинсий аъзолари ва уларнинг касалликларига бағишланган. Бундан кейин эса ҳомиладорлик, авлод юзага келишига оид масалалар тўғрисидадир.

«Тиб қонунлари»нинг учинчи китоби жами йигир-

ма икки қисмдан иборат бўлиб охириги қисм елка, биқин, тизза ва оёқларда бўладиган касаликлар ва уларни даволашга бағишланган.

«ҚОНУН»НИНГ ТЎРТИНЧИ КИТОБИ етти фандан иборат. Биринчи фанда иситмалар тўғрисида сўз боради. Иккинчи фан бухрон тўғрисида. Учинчи фан шишлар ва тошмалар, тўртинчи фан суяк синиш, бешинчи фан суяк чиқиши, олтинчи фан заҳарлар, еттинчи фан зийнат тўғрисидадир.

Ибн Сино иситмани юракда алангаланиб артерия ва веналардаги руҳ ва қон орқали баданга ёйилишини ёзади. Шу ёйилиш туфайли баданда ҳам алангаланиш юз беради ва кишининг одатдаги ишларига ҳалол етади. У иситмани бир кунлик ва давомли иситмаларга ажратади. Уларнинг юз бериш сабабларини санаб чиқади, бундай иситмаларга қарши қандай тадбирлар кўриш кераклигини муфассал баён этади.

Бухрон, Ибн Синонинг ёзишича, «ажрим қилиш» маъносидадир. Яъни у ё соғайишни, ё касалликка томон дафъатан ўзгаришни билдиради. Бу фикрни табиб адабий усулда тушунтиради: Касаллик бадан учун бирор шаҳарни босган ташқи душман кабидир. Инсоннинг табиати бу шаҳарни мудофаа этувчи султондир. Баъзан душман билан мудофаачилар ўртасида енгил, эътибор қилмаса ҳам бўладиган жанглар бўлиб туради. Баъзан эса қаттиқ қонли, шовқин-суронли курашлар юз беради. Кейин қисқа бир фурсат ичида ора ажрим бўлади. Ё шаҳар ҳимоячилари, ё душман голиб чиқади. Ё ғалаба тўлиқ бўлиб икки тарафнинг бири енгилади ва шаҳарни ҳоли қолдириб қочади. Ё бутунисича ғалаба қўлга кирмайди ва бир томоннинг енгиллиши яна уруш чиқишига монелик қилади. Яна уруш бошлана беради. Бундай пайтда ажрим охириги жангда маълум бўлади. Мудофаачи султон ғалаба қозонса, душманни ҳайдайди: ё бутунлай ҳайдаб шаҳар маркази атрофида, шаҳарга туташ жойларда оёйишталик ўрнатади: ёки шаҳардан душманни ҳайдайди-ю, шаҳарга туташ жойлардан чиқариб юборишга кучи етмай тўхтади. Худди шу айтилганлар сингари яхши бухрон сабабли баданга етишган қувват юрак ва бошқа бошқарувчи аъзолардан, яъни гавданинг асосий қисмларидан, унга азият бериб турган моддани ҳайдайди. Ёки асосий аъзолардан ҳайдайди-ю, чекка аъзолардан сиқиб чиқара олмайди,

балки ўша зарарли моддаларни четга ҳайдаш билан чекланиб қўя қолади. Бу «модда кўчиши бухрони» дейилади.

Табибнинг кўрсатишича, гавдадан кетадиган ҳар бир касаллик ё бухрон йўли билан, ё модданинг тарқалиши билан кетади. Ҳалок этувчи касаллик ҳам ё бухрон, ёки сўлиттиш, яъни қувватни оз-оз тарқатиш билан ҳалок этади. Шундан сўнг Ибн Сино бухрон белгиларини бирма-бир кўрсатади, бухроннинг бошланиши ва кечишини ҳикоя қилади.

Ибн Сино шиш ва тошмалар тўғрисида сўзлаганда, уларнинг иссиқ ёки иссиқ эмаслигига диққатни жалб этади. Шундан сўнг шишлар, йиринг боғловчи шишлар, турли чиқиқлар ва уларни даволаш тўғрисида сўзлайди. Айрим мақола совуқ шишларга бағишланган.

Алоҳида фан жароҳатлар тўғрисида. Агар, қовуқ, буйрак, мия, ингичка ичаклар, жигарда жароҳат бўлса зарари кучайиб бориб охири ўлдиради. Юракда жароҳат пайдо бўлса соғайишни кутиш мумкин эмас. Шундан сўнг табиб жароҳатларни очиш, тикиш, эт ундириш, дорилар билан даволаш, яралар ва нерв жароҳатлари тўғрисидаги маслаҳатларини беради.

Суяк чиқиши тўғрисида сўз бошлар экан, Ибн Сино дастлаб суяк чиқишини тушунтиради. Бу суякнинг ўз жойидан ва табиий вазиятидан бир томонга бутунлай чиқишидир. Шундан сўнг барча суякларнинг чиққанда ёки синганда даволанишига оид қоидалар ва усуллар баён қилинади.

Заҳарлар тўғрисида эса Ибн Сино ҳар бир заҳарланишга оид ҳодисага алоҳида тўхтайдди, уларни даволаш йўлларини бирма-бир кўрсатиб ўтади. Уз кайфияти билан таъсир қилувчи заҳар «денгиз қуёни» каби ўйиб еб, чиритувчи, ёки фарфилон каби қиздириб алангалантирувчи, ёки афюн каби совитиб увиштирувчи, ёки куйдирилган қўрғошин каби бадандаги нафас йўлларини тўсувчи бўлади.

Жавҳари билан таъсир кўрсатувчи заҳар энг ёмонидир. Шундан кейин табиб заҳар ичирилган одамни даволаш усуллари тўғрисида сўйлайди. Даволаш кечиктирилмаслиги керак. У кишига илиқ сув ёки кунжут ёғи ва зайтун ёғи ичириб қусдирилади. Ичирилаётган нарсага укроп ва буроқ қуввати ўтқазилса яхшироқ бўлади.

Заҳарланган киши мумкин қадар кўп қусгандан кейин сут ичса заҳарнинг зарари синади. Заҳарланган кишини ухлатмаслик, ваҳимага солмаслик, унинг ёнида шовқин-сурон қилиб туриш керак.

Кейинги мақолаларда табиб ўсимликлардан, ҳайвон ва ҳашаротлардан заҳарланганларни даволаш усулларини баён этган.

Зийнат боби мўй аҳволи таърифидан бошланади.

Тутунсимон буғ тери тешиқларида қуюқлашиб тўриб қолганда, айниқса бадан рутубати ёпишқоқ ёғсимон бўлиб, сув ва лой сингари бўлмаса, ўша буғдан мўй пайдо бўлади. Бу ёғлиқ дарахтларнинг барги тўкилмаслигини эслатади. Болалар ва хотинларда ҳўл буғ кўп бўлади, тутунсимон буғ эса кам бўлади. Шунинг учун уларда соқол чиқмайди. Узоққа чўзилган касалликлар, хусусан сил ва ингичка оғриқ касалликлари рутубатни сўриб қуритади. Мўй овқатланадиган модда қолмайди ва сувсаган ўсимлик суғорилмаганда бўладиганидек мўй тушиб кетади. Ибн Сино мўй тўкилиши, оқаришининг олдини олувчи дори-дармонларни айтиб бўлгач, тери рангига оид ҳолатлар баён этади. Қон ва руҳ тери томонга ҳаракат қилса, тери равшан, тоза ва қизил бўлади. Енгил тозалаш хусусиятига эга бўлган нарсалар терини юпқалаштириб, тери юзасида ўлган нарсаларни латиф равишда шилиб олади. Яна терини иссиқдан, совуқдан, шамоллардан сақлаш керак.

Нўхат, илитилган тухум, гўшт сели, хушбўй шароб, анжир, наҳорга очилган шароб ва сут терига қараб ҳайдаладиган суюқ қон пайдо қилади. Овқатга мурч, қалампирмунчоқ, тўпалоқ қўшиб ейилса рангни чиройли қилади. Ибн Сино фаол ҳаракатлар, ҳаяжон, ўйин-кулги, шодлик, мўътадил бадантарбия пок ва хушчақчақ кишилар билан суҳбат, мусобақа, пойғалар томошаси рангни қизартиради, деб ёзади.

Шундан кейин терида бўладиган касалликлар саъфа, темирўтки, сепкил, иссиқлик, сўғал шох, ёрилишлар, терида бўладиган сассиқ ҳидлар ва уларни даволаш усуллари кўрсатилади.

Еттинчи фаннинг охириги тўртинчи мақоласи гавдага, қўл ва оёқларга тегишли ҳолатлар хусусидадир. Улар ориқлик, ҳаддан ташқари семизлик, уларни даволаш: қўл, оёқ тирноқлар парвариши тўғрисидадир.

Ориқликка сабаб овқатда семиртирувчи модда-

нинг йўқлиги, ёки суюлтирувчи овқатни кўп истеъмол қилиш, ёки тоза қон пайдо қилмайдиган овқат билан чекланиб туришдир. Бунга яна ҳазм, қувватининг заифлиги ҳам боис бўлади. Кучли қуюқ қон пайдо қиладиган овқатлар ейиш, овқатдан кейин ҳаммомга тушиш, бадантарбия, сув ва ҳавони алмаштириш ориқликни кетказади. Ҳаддан ташқари семизлик гавда ҳаракатига тўсқинлик қилади, томирларни қисиб торайтиради, натижада руҳ йўли тўсилиб, руҳ сўлийди. Уларга майин ҳаво етолмайди, натижада руҳнинг мижози бузилади. Тор жойга қоннинг ҳайдалиб бориш хавфи пайдо бўлади. Гоҳо бирор томир ёйилиб ўлимга сабабчи бўлади. Ҳаддан ташқари семиз одамлар руҳ йўлларининг торлиги; мижозларнинг совуқлиги, қоннинг камлиги ва балғамнинг кўплиги туфайли очлик ва ташналикка чидай олмайдилар.

Мўътадил семизлик, айниқса ёшлик вақтида, яхшидир. Ўртанча семизлик, гарчи кишини чарчатиб ҳаракат қилиш учун заифлаштиради ҳам, рутубатликка далолат қилиши сабабли узоқ яшашдан далолат беради.

**«ҚОНУН»НИНГ БЕШИНЧИ ҚИТОБИ** кириш қисмида Ибн Сино мураккаб дориларнинг ишлатилиши қандай вақтларда зарур бўлажagini кўрсатади.

Баъзан касалликни йўқотмоқ учун унга қарши оддий дори топилмай қолади. Мураккаб дорининг баъзи томонларини эса ё кучайтирмоқ, ёки сустратмоқ зарур бўлиб қолади. Масалан, газак ўтда эритувчи куч ортиқ, боғловчи куч эса кам; демак уни қўллашдан олдин, боғловчи кучни ортдирувчи моддага қўшмоқ керак.

Баъзан бизда қиздирувчи восита тайёр, аслида эса, бизга қиздириш камроқ лозим бўлади. Шунда бу дорига совуқлатувчи нарса қўшилади. Гоҳо эса кўпроқ қиздириш лозим бўлади. Унда дорига қиздириш кучини оширувчи нарса қўшилади ва ҳ. к.

Баъзан дори бир томондан катта фойда қилувчи бўлади, бошқа томондан эса зарар етказиши мумкин. Шунда унинг зарарини йўқ қиладиган моддани дорига аралаштиришга тўғри келади. Ана шундай қилиб мураккаб дорилар келиб чиқади.

Қитобнинг биринчи бобида Ибн Сино фармокопеяга кирган мураккаб дорилар тўғрисида сўзлайди.

Уларнинг биринчиси таръёки форуқ («Ажратувчи таръёк»)дир. У жуда мураккаб дори бўлиб, илон, чаён,

қутурган ит заҳарларига қарши ишлатилади. Яна бу дори йирингли ва қора сафро касалликларига ва улар туфайли юз берадиган иситмаларга қарши ишлатилади. Шунингдек, ёмон бод, шол, сакта, юз нервининг шоллиги, қалтироқ, ваҳима, мохов ва шу турдаги касалликларга қарши ишлатилади.

Тарьёки форуқ юракни дадил қилади, ҳисларни ўтқирлаштиради, иштаҳани қўзғатади, меъдани маҳкамлайди, нафас олишни енгиллаштиради, юрак ўйнағини тўхтатади, йўталиб қон тупуришни йўқ қилади, буйрак ва талоқдаги оғриқларни йўқотади, тошларни майдалаб ташлайди, ичаклардаги яраларда, жигарнинг, ўтнинг қотишида фойда қилади.

Тарьёки форуқнинг таркибидаги бўлақлари пневмани ва табиий иссиқликни кучайтиради, шу билан организмнинг совуқ ва иссиқ таъсирларга қаршилигини оширади.

Тарьёки форуқнинг болалик, ўспиринлик, ёшлик ва қариллик пайти бор. Олти ойликдан бир йилгача унинг гўдаклик пайти. Сўнг ўсаборади. Иссиқ мамлакатларда ўн йилгача, совуқ мамлакатларда йигирма йилгача ўсади. Яна ўн, йигирма йил ўзгармай туради. Йигирма ёки қирқ йилдан сўнг кучи сусая боради. Утғиз ёки олтмиш йилдан сўнг у ўз кучини йўқотади.

Бирор заҳарли ҳашарот чаққан одамга янги ва кучли тарьёки берилади. Тарьёкнинг янгилигини синовчи турли усуллар бор. Масалан, бир кишига ични сурувчи дори берилади. У сурабошлагач, тарьёк берилади. Агар ич кетиш тўхтаса, демак тарьёк янги бўлиб чиқади. Яна эркак тустовуқни тутиб уни заҳарли ҳашаротга чақдирадилар. Сўнг бу тустовуққа тарьёк берилади. Агар тустовуқ тирик қолса, демак тарьёк янги бўлиб чиқади.

Шундан сўнг Ибн Сино тарьёкнинг таркибини кўрсатади. Улар уч хил. Тарьёкнинг таркибида денгиз пиёзи, қора муруч ва афюн, гул, ёввойи сабзи ва саримсоқ уруғлари, зира ва ҳ. к. дан иборат. Жами олтмиш тўрт хил дори бор. Табиб ҳар бир доридан қанча қўшилиши ва мураккаб дорининг тайёрланиш жараёнини муфассал кўрсатган. Бошқа таърифлар ҳам шундай мукамалдир.

«Қонун»нинг бешинчи китобида тарьёкдан ташқари ийаражлар, жувариишлар, болаларнинг оғзига солинадиган дорилар, сўриладиган дорилар, суюқ ва

қуюқ шарбатлар тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Ундан кейинги бобларда бош, кўз, қулоқ, тиш, томоқ касалликлари, тананинг қуйи қисмида юз берадиган турли-туман касалликларда ишлатиладиган мураккаб дорилар тўғрисида сўз боради.

## АБАДИЙЛИК

Исфаҳон мураккаб воқеалар исканжасида қолиб кетди. Амир Алоуддавла тақдир сўқмоқларидан қоқила-қоқила ўтмоқда эди.

Ғазна ҳукмдори Султон Масъуд Ҳамадон ва Исфаҳонни ўз ихтиёрига ўтказмоқ қасдига тушди. Унинг қўшинлари тўкин дастурхонга ташланган оч ўғрилардек йўлларида дуч келган шаҳар ва қишлоқларни талай-талай Исфаҳонга ҳам етиб келдилар.

Бой ва гўзал Исфаҳон бу қароқчи галалар учун ажойиб неъмат эди. Шаҳарларни талаш бир неча кун давом этди. Подага ташланган бўрилар уни тўзи-тиб кўп қўйларни еганича еб, қолганини бўғиб, сўнг қайтганлари сингари ғазнавийлар қўшини ҳам шаҳарни талаганича талаб сўнг ҳориб изларига қайтдилар. Амир Алоуддавла Исфаҳонда яна ўз ҳокимиятини тиклади. Шайх Абу Али амир Алоуддавланing яқин маслаҳатчиси сифатида у билан бирга эди. Аммо Шайхнинг кўнгил гулзори зоғлар хуружи пайтида пайҳон қилинган, чунки ғазнавийлар Исфаҳонни талаган пайтларида унинг кутубхонаси барбод бўлган. Мутафаккирнинг ажойиб ижод маҳсули, охири асари «Қитоб ул-Инсоф» («Инсоф китоби») қўлёзмаси инсофсиз ғоратгарлар томонидан йўқ қилиб ташланган эди. Фақат тафаккур дурдоналари эмас, балки олмосдек кескин ирода эгаси бўлган улуғ олим бу зарбага ҳам бардош берди. Аммо руҳ ва ирода қанчалик кучли бўлмасин, жисм ичидан эзилмоқда. Мана неча фурсатки, табибни қуланж касали кийнайди. У ўзини ўзи даволайди. Кунда бир неча бор ҳуқна қилдиради. Бунинг натижасида ичакларида яллиғланиш кучайиб кетган. Шунга қарамай доно маслаҳатчи амир Алоуддавла ҳузурда бўлиши керак. Чунки Карож дарвозаси олдидаги Тош фаррош билан бўлган урушда амир Алоуддавла қўшинига мағлубият хавфи туғилиб қолган эди. Амир Алоуддавла Изаж шаҳари



сари юриш бошлаганда ҳам Шайх у билан бирга бўлди. Бу ерда Шайхда қуланж касали туфайли тутқаноқ юз берди, аҳволи оғирлашди. Уни Исфаҳонга қайтариб олиб келдилар. Бемор ҳатто ўрнидан турмоққа ҳам мажоли қолмаган эди. Аммо у ўзини ўзи даволашни давом этди. Бир оз фурсат ўтгач мунтазам муолижа натижасида Шайхнинг аҳволи анча яхшиланди. У энди бемалол юриб-турадиган бўлиб қолади. Яна Амир Алоуддавла суҳбатларида қатнашиб турди.

Амир Ҳамадонга юриш қилганда Шайх у билан бирга эди. Йўлда чекинган касаллик яна хуруж қилиб қолди. Шайх бутунлай кучдан кетди ва касалини энди даволаб бўлмаслигини англади. У «танамга табир қилаётган таббиркор энди таббирдан ожиздир, бундан буён муолижа фойда бермайди» дер эди. Мард инсон мардонавор ҳаёт кечириб охири ўлимни ҳам шундай қаҳрамонлик ва чидам билан кутиб олди.

Шайхурраис Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино ҳижрий тўрт юз йигирма саккизинчи йили (мелодий бир минг ўттиз еттинчи йил) эллик саккиз ёшида дунёдан ўтди. Унинг оромгоҳи Ҳамадон шаҳарининг ғарбий қисмидир. Шайх Абу Али ҳаёт пайтидаёқ унинг номи ва ишлари эл оғзида дoston бўлиб, шон-шуҳрати тўрт ёққа кетган эди. Унинг шифокор табиб сифатидаги мўъжизакор қудратига ҳамма ишонар, халқ улуғ табиб ҳар қандай дардга даво топади деб эътиқод қилар эди. Шунинг учун оддий халқ буюк шифокорнинг ўлимига сира кўникишни истамас, халқ унинг абадияти тўғрисида кўп ривоят ва афсоналар тўқир эди.

Ана шу афсоналардан бири қуйидагичадир: улуғ табиб Шайх Абу Али ўзига ўлим яқинлашаётганини билиб махсус бир дори тайёрлаган. Шогирдларидан бирига, мен вафот этганимдан сўнг шу доридан оғзимга қирқ томчи қуйгин деб тайинлаган. Шайх вафот этгач, ҳалиги шогирд устозининг айтганини амалга ошириб дорини аста секин марҳум айтгандек томиза бошлаган. Уттиз тўққизинчи томизимдан сўнг марҳумнинг танаси ҳаракатга келган ва «қуй!» деб овоз чиқарган. Шогирд қўрқиб кетган ва дори солинган шишани улоқтириб ўзи қочиб кетган. Шиша синиб, қолган дори ерга оқиб тушган. Аммо марҳум «қуй!» дейишда давом этган. Ҳозир ҳам ўша жойдаги тоғлар

ортидан баъзан «қуй!» деган овоз эшитилиб турар эмиш...

Халқнинг улуғ табиб Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Синонинг тафаккури қудратига ишончи шунчалар баланд эди.

Улуғ олим, Шарқнинг буюк мутафаккирининг абадияти ҳам шундадир.

1980—1981  
ТОШКЕНТ

---

### АБУ АЛИ ИБН СИНО ҲАЕТИНИНГ СОЛНОМАСИ

- 980 — Бухоро яқинидаги Афшона деган жойда Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ дунёга келди.
- 985 — Уларнинг оиласи Афшонадан Бухорога кўчиб ўтди.
- 985—995 — Ҳусайн ибн Абдуллоҳ Бухородаги улуғ олимлар Маҳмуд Массоҳ, Исмоил аз Зоҳидий, Абу Абдуллоҳ Нотилий, Ал-Қумрий каби улуғ олимларда таълим олади.
- 995—1005 — Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ Бухоронинг улуғ олим ва табибларидан бири бўлиб танилди. Бухоро амирининг оғир касалини даволашда иштирок этиб, унинг эвазига амир кутубхонасида мутолаа этмоққа рухсат олади. Узининг дастлабки илмий асарларини яратди. Хоразмлик улуғ олим Абу Райҳон Беруний (973—1048) билан ёзишмалар олиб боради.
- 1005 — Абу Али ибн Сино Бухородан Хоразм пойтахти Гурганжга келиб бу ердаги олимлар даврасида хизмат қилади. Асарлар ёзди. «Тиб қонунлари», «Ашиифо» асарларининг дастлабки материалларини ҳам шунда йиға бошлади.
- 1012—1014 — Абу Али ибн Сино Ғазна подшоҳи Султон Ғазнавий таъқибидан қочиб Абу Саҳл Масиҳий билан бирга Хоразмдан чиқиб кетди. Улар Эрон сари жўнадилар. Йўлда

- Масихий вафот этди. Абу Али ибн Сино Нисо, Обивард, Тус, Шиққон, Саманқон, Жожурли деган жойларда тентираб юрди. Сўнг Журжонга келди. Ундан Деҳистонга ўтди. Сўнг яна Журжонга қайтди. Бу ерда унга Абу Убайд ал-Жузжоний келиб учради. Шундан сўнг устоз Абу Али ибн Сино ва шогирд Абу Убайд Жузжоний ҳамиша бирга бўлдилар.
- 1014 — Абу Али ибн Сино Рай шаҳарига келади. Бу ерда табиблик билан шугулланади илмий ишларини давом этдиради.
- 1016 — Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг таъқибидан қочиб Абу Али ибн Сино Райдан Казвин орқали Ҳамадонга ўтади. Бу ерда амир Шамсуддавланинг вазири бўлиб хизмат қилади. Сўнг ҳарбийларнинг игвоси билан фаражон қалъасига ҳибс этилади. Бу ерда Абу Али ибн Сино «Алҳидоя» («Бағишлов»), «Ҳай ибн Яқзон» («Уйғоқнинг ўғли Тирик»), қуланж касали тўғрисидаги «Китоб ул Қуланж» асарларини ёзди. «Юрак дорилари» китобини ёза бошлади.
- 1025 — Абу Али ибн Сино Ҳамадондан Исфаҳонга ўтди. Бу ерда умрининг охиригача яшади. «Тиб қонунлари», «Ашшифо» каби шоҳ асарларини тугаллади. «Китоб ул Алойи» асарини ёзди.
- 1037 — Абу Али ибн Сино Исфаҳон амири Алоуддавла билан Ҳамадон сафарида бирга бўлди. Шу сафар давомида эски касали қўзғаб қолди ва вафот этди. Абу Али ибн Синони Ҳамадон шаҳарининг Ғарб томонида қўрғон деворининг ёнида дафн этдилар.

## АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ЎЗ ТИЛИДАН ЕЗИБ ОЛИНГАН ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

«Отам асли балхлик<sup>1</sup> эди. Нуҳ Ибн Мансур<sup>2</sup> замонида у ердан Бухорога кўчиб келади ва у даврда Бухоро атрофидаги Хурмайсан<sup>3</sup> деган қишлоқда маъмурий ишларга бошчилик қилган. (Хурмайсан) Бухоронинг энг йирик қишлоқларидан саналар эди. Унинг яқинида Афшана деган бир қишлоқ ҳам бор. Отам ўша қишлоқдан онамга уйланиб, шу ерда туриб қолади. Мен шу ерда туғилганман, кейин укам<sup>4</sup> туғилди.

Сўнгра биз Бухорога кўчиб келдик. Мени қуръон ва адаб (илмларини)<sup>5</sup> ўқитадиган муаллимларга топширдилар. Ешим ўнга тўлганда мен қуръонни ва адаб (илмларидан) кўпини ўзлаштириб олган эдим, ҳатто одамлар менга ажабланадиган ҳам бўлди. Отам мисрликлар даъватини қабул қилганлардан бўлиб, исмоилийлардан ҳисобланарди ва уларнинг нафс (жон) ва ақл ҳақидаги гапларини ва тушунчаларини эшитиб юрардим, укам ҳам шундай қиларди. Кўпинча улар бу хусусда ўзаро суҳбатлашиб ўтиришганда мен уларнинг гапларини эшитиб, нима ҳақда гапираётганларини тушуниб юрар эдим, лекин кўнглим буни қабул этмас эди. Улар мени ҳам (ўз таълимотларига) даъват қила бошладилар. Улар фалсафа, ҳандаса (геометрия) ва ҳинд ҳисоби ҳақида кўп гаплашар эдилар.

(Отам) мени ҳинд ҳисобини биладиган бир резаворфурушга юбора бошлади, мен ундан (ҳинд ҳисобини) ўргандим. Кейин Бухорога Абу Абдуллоҳ Нотилий келиб қолди, у кишининг файласуфлик даъвоси бор

<sup>1</sup> Балх — ҳозирги Афғонистоннинг шимолидаги шаҳар; Термез шаҳаридан 70—80 км нарида.

<sup>2</sup> Нуҳ ибн Мансур (976—997)—сомонийлар амири. Ибн Сино Мабоҳис нафсония («Нафсоний баҳслар») деган илк фалсафий асарини шу амирга бағишлаган. Бу асар Ҳадият ар-раис («ар-Раис совғаси») деган ном билан ҳам машҳур бўлган. Амир вафот этган йилга эътибор берилса Ибн Сино бу асарини ёзганида ҳали 17 га тўлмаган бўлиб чиқади.

<sup>3</sup> Ҳозирги Рометон.

<sup>4</sup> Укасининг оти Маҳмуд бўлган.

<sup>5</sup> Адаб илмлари деганда тил қоидалари, баён, маоний, аруз ва қофия тушунилади — ред.

эди. Менга таълим беради, деган умидда отам у кишини уйимизга кўчириб келди. Унинг келишидан олдин ҳам мен фикҳ<sup>6</sup> билан шуғулланиб, бу хусусда Исмоил Зоҳид деган кишининг ҳузурига қатнаб юрар эдим.

Шу билан мен талаб қилиш йўлларини ва жавоб берувчига эътироз билдириш усулларини, уларда жорий бўлган йўсинда билиб олиб, бу соҳани энг яхши биладиганлардан бўлиб қолган эдим.

Кейин Нотилийдан «Исоғужи»<sup>7</sup> китобини ўргана бошладим. У менга жинснинг таърифи ҳақида гапириб, «Жинс нима?»—деб сўралганда, «турли навлардан иборат кўп нарсаларга жинс деб айтилади», деб жавоб берилади деганида, мен унга шундай таъриф бердимки, ундай гапларни (Нотилий) ҳали эшитмаган экан. У мендан жуда ҳайратга тушди, отамга мени илмдан бошқа нарса билан шуғуллантирмасликни уқтирди.

У менга қайси масала ҳақида гапирмасин, мен бу масалани ундан кўра дурустроқ тасаввур қилардим. Ниҳоят мен мантиқнинг оддий масалаларини у кишида ўқидим, лекин мантиқнинг нозик томонларидан у беҳабар экан.

Шундай қилиб (мантиққа оид) китобларни ўзимча ўқишга киришдим, уларга битилган шарҳларни мутлаа қила бошладим ва ниҳоят, мантиқ илмини пухта билиб олдим.

Уқлидус<sup>8</sup> китоби ҳам шундай бўлди; унинг бош қисмидан беш ё олти теоремаларини унинг олдида ўқидим. Ундан кейин китобнинг қолган қисмидаги (масалаларни) ўзимча ечишга киришдим. Сўнгра «ал-Мажистий»<sup>9</sup>га ўтдим. Унинг муқаддимасини ўқиб бўлиб, ҳандасий шакллариغا етганимда Нотилий менга шундай деди:

«Энди уни сен ўзинг ўқиб, ўзингча ечишга ҳаракат қилавер, кейин менга айтиб берасан, мен сенга тўғри ё нотўғрилигини кўрсатаман».

---

<sup>6</sup> Ф и қ ҳ — ислом ҳуқуқшунослиги.

<sup>7</sup> Исоғужи — Исагоги — мантиқ фанига кириш; бу ерда Порфирийнинг шу номли асари назарда тутилади.

<sup>8</sup> Уқлидус — Эвклид — эрамизгача 355—315 йилларда яшagan қадимги юнон математиги.

<sup>9</sup> Ал-Мажистий — қадимги юнон астрономи Птолемейнинг (II аср) «Алмагест» асари.

У киши бу китобдан дурустроқ хабардор эмас экан. Мен бу китобни ўзимча ўзлаштиришга киришдим. У кишига қанчадан-қанча шакллارни тушунтириб берардим, шунга қадар у буларни билмас экан.

Кейин Нотилий мени қолдириб, Гурганч томонга жўнаб кетди. Мен эса «Фусус»<sup>10</sup> китобини, табиёт ва илоҳиётга оид шарҳларни ўрганиш билан шуғулландим.

Мен учун илм эшиклари очила бошлади. Кейин тиб илми билан шуғулланишга майл этдим ва унга оид китобларни ўқишга тушдим. Тиб илми қийин илмлардан эмас, шу сабабли қисқа муддат ичида бу (фанда жуда) илғорлаб кетдим, энди ҳатто билимдон табиблар ҳам келиб, ҳузуримда тиб илмидан дарс оладиган бўлдилар. Беморларни ҳам кўриб турардим ва (шу йўсинда) орттирган тажрибаларим натижасида муолажа эшиклари менга шу қадар (кенг) очилиб кетдики, уни таърифлаб бериш қийин.

Шу билан бирга баъзан фикҳни ўрганишда ҳам давом этар эдим ва шу хусусдаги мунозараларда иштирок этиб турардим. Бу вақтда мен ўн олти ёшда эдим. Кейин яна бир ярим йил илм ва мутолаага берилдим, мантиқ ва фалсафанинг ҳамма қисмларини қайтадан ўқиб чиқдим. Уша кезларда мен бирор кечанинг ҳам охиригача ухламас, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмас эдим. (Мантиққа оид) равшан ва аниқ бир қанча (қоидаларни) жамладим. Ҳар бир ҳужжатни текшираётганимда бир қанча қиёсий муқаддималарни исбот қилиб, уларни шу равшан (қоидалар) нуқтаи назаридан тартибга солардим. Кейин у муқаддималарнинг шартларини назарга олиб, улардан чиқадиган хулосага қарардим. Ниҳоят, бу масалада ҳамма нарсанинг асл моҳияти менга аён бўлиб қоларди.

Агар бирон масаладан бошим қотиб, қиёсда ўртача таърафни топа олмасам, жоме масжидга борардим ва намоз ўқиб, яратувчига ёлборардим, натижада қоронғу нарсалар менга ойдинлашар, мушкуллар осон бўлар эди.

Кечалари эса уйимга қайтиб келардим-да, олдимга

---

<sup>10</sup> Ал-Фусус — бу ерда файласуф Форобийнинг «Фусус ал-ҳакам» («Фалсафанинг қимматбаҳо тошлари») номли асари ҳақида гап борапти.

чироқни қўйиб олиб, фақат ўқиш ва ёзиш билан банд бўлардим. Мабодо уйқу босса ёки ўзимни ҳорғин сезсам, қувватни қайтариш учун бир қадаҳ шароб ичиб, кейин яна ўқишга тушардим. Агар бир оз уйқуга кетсам, тушимда ўша ўнгимдаги масалаларни кўрардим ва кўп масалалар тушимда аён бўларди. Ана шу залда ҳамма илмларни мустақкам эгаллаб олдим ва улардан инсон имконияти даражасида хабардор бўлдим. Уша вақтларда билганларим, ҳозир билганларимчалик эди: бугунги кунгача (билишимга) бирон нарса қўшилмади.

Шу йўсинда мантиқ, табиёт ва риёзий илмларни пухта ўрганиб олдим, кейин илоҳиётга ўтиб «Ио баъда ат-табиа»<sup>11</sup>ни ўқишга киришдим. Лекин унда нималар дейилганини тушунолмасдим ва китоб ёзган кишининг мақсади мен учун қоронғу эди. Ҳатто уни қирқ бор қайта ўқидим ва у менга ёд бўлиб кетди, лекин шунда ҳам мен (китобни) ва унинг мақсадларини тушуна олмасдим. Ниҳоят, умидимни узиб, бу тушуниб бўлмайдиган китоб, дедим.

Аммо кунлардан бир кун аср вақтида китобфурушларнинг олдига бориб қолдим. Унда бир даллол муқоваланган китобни қўлида тутганича уни мақтарди. Уни менга ҳам кўрсатди. Мен бу илмдан фойда йўқ, деган хаёлда унга қиё боққим ҳам келмай, рад қилдим. Даллол менга: «Бу китобни сотиб ол, нархи арзон — уч дирҳамга бераман, эгаси пулга муҳтож», деди. Мен китобни сотиб олдим. Қарасам, бу Абу Наср Форобийнинг ўша «Мо баъда ат-табиа» китоби мақсадлари ҳақида ёзган асари экан. Уйга қайтиб, тезда уни ўқишга киришдим. Китоб дилимда ёд бўлиб қолгани сабабли унинг мақсадлари менга дарҳол аён бўлди. Бундан жуда хурсанд бўлиб кетдим ва тангри таолога шукр айтиб, ўша куннинг эртасигаёқ камбағалларга анча нарса садақа қилдим.

Бу вақтда Бухоронинг подшоҳи Нуқ ибн Мансур эди. Иттифоқо у бир касалликка дучор бўлиб, табиблар у ҳақда бир фикрга келиша олмабдилар. Кўп ўқийдиганлигим туфайли, номим улар ўртасида машҳур бўлиб қолган эди. Подшоҳ ҳузурда менинг ҳақимда гапириб, ундан мени чақиртиришни сўрашибди. Мен

---

<sup>11</sup> Бу ерда Аристотелнинг «Метафизика» китоби назарда тутиляпти.

бориб (табиблар билан) биргаликда (шоҳни) даволашда иштирок этдим ва шу орқали унга танилдим.

Бир кунни шоҳдан кутубхонасига киришга ва у ердаги тибга оид китобларни мутолаа қилишга рухсат сўрадим. Шоҳ менга рухсат берди. Мен кўп хоналардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари турар, китоблар эса устма-уст тахлаб қўйилган эди. Хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари, бошқасида фикҳга оид (асарлар) турарди. Шу тартибда ҳар бир хонада маълум бир фанга оид китоблар (тўпланган эди). Кейин биздан олдин ўтган олимлар китоблари рўйхатини ўқиб чиқдим ва ундан кераklarини талаб қилдим. У ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик ҳатто уларнинг номларини ҳам эшитмаган бўлса керак. Узим ҳам уларни бундан аввал кўрмаган эдим, бундан кейин ҳам учратмадим. Шу билан ҳар бир муаллифнинг илмдаги даражасини билиб олдим.

Ешим ўн саккизга борганда бу илмларнинг ҳаммасини эгаллаб бўлган эдим. Уша кезларда илмни кўпроқ ёдда сақлаб қолар эдим, ҳозир эса илмим кўпроқ етилган, аммо билим — битта ва ўшандан бери менда янги бир нарса қўшилгани йўқ.

Абулҳасан ал-Арузий деган бир қўшним бор эди. У мендан бу илмларнинг ҳаммасини ўз ичига оладиган бир китоб ёзиб беришимни сўраган эди. Мен унга «Ал-Мажмуъ» (Тўплам)ни тузиб бердим, китобнинг отини ҳам шундай, «Тўплам» деб қўйдим. Унга риёзиётдан бошқа барча илмларни киритдим. Ушанда йигирма бир ёшда эдим.

Яна бир Хоразмда туғилган Абу Бакр ал-Барақий деган қўшним ҳам бор эди, у киши табиатан фақиҳ бўлиб, фикҳ, тафсир ва зоҳидликда ягона ва шу илмларга мойиллиги бор эди. Шу киши мендан китобларга шарҳ ёзиб беришимни сўради. Мен унга йигирма жилдча келадиган «Ал-Ҳосил ва ал-маҳсул» деган китоб ёзиб бердим. Бундан ташқари, унга ахлоққа оид яна бир китоб ёзиб бердим, номини «Китоб ул-бирр ва-л-исм» («Саховат ва жиноят ҳақида китоб») деб қўйдим. Бу икки китоб ундан бошқа ҳеч ҳеч кимда йўқ, чунки у киши улардан нусха кўчириб олиш учун ҳеч кимга бермаган.



Бу орада отам вафот этиб<sup>12</sup>, аҳволимда ўзгариш юз берди; султон ҳузуридаги вазифалардан бирини ўз зиммамга олдим.

Кейин зарурат юзасидан Бухорони тарк қилишга, Гурганж<sup>13</sup> томонга кўчишимга тўғри келди. У ерда илмларни севувчи Абул-Ҳусайн ас-Саҳлий вазир эди. У ернинг амири ҳузурига бордим, амир Али ибн Маъмун<sup>14</sup> эди. Мен у пайтда эгнимга тайласон<sup>15</sup> ва тахтаулханакли<sup>16</sup> фақиҳлар кийимини кийиб олган эдим. Мен учун менга ўхшаганларга етадиган миқдорда ойлик тайин қилишди. Ундан кейин зарурат Нисога<sup>17</sup> кўчишимга мажбур қилди. Сўнг ундан Абивардга<sup>18</sup>, ундан Тусга, ундан Шиққонга, ундан Саманқонга, ундан Хуросон чегарасидаги Жожурмга<sup>19</sup>, ундан Журжонга (кўчдим); мақсадим Амир Қобуснинг<sup>20</sup> ҳузурига бориш эди. Шу пайтда Қобусни тутиб, қалъалардан бирига қамаб қўйишди ва у ўша ерда ўлди. Сўнгра Деҳистонга кетдим. У ерда қаттиқ касал бўлиб қолдим. Яна Журжонга қайтиб келдим ва у ерда менга Абу Убайд ал-Жузжоний келиб қўшилди. Шу кезларда ўз ҳолимни ифодалайдиган бир қасида ёздим, унда мана шу байт ҳам бор эди:

*Мен улуг бўлганимда кенг шаҳар ҳам сиғдиролмай қолди.  
Қимматим ошганида харидорсиз қолдим».*

<sup>12</sup> Ибн Сино отаси 1002 йили вафот этади, бу вақтда Абу Али 22 ёшда эди.

<sup>13</sup> Гурганж — Хоразм ўлкасининг қадимги пойтахти, ҳозирги Кўҳна Урганчдан жануброқда жойлашган эди — ред.

<sup>14</sup> Али ибн Маъмун — 997—1009 йилларда ҳукмдорлик қилган Хоразм шоҳи.

<sup>15</sup> Тайласон — бир учи кифтга, бошқа учи кўкракка ташланиб юриладиган ўрама — ридо, кенг шарф.

<sup>16</sup> Тахтаулханақ (сўзма-сўз — энгақ ости) — салланинг бир учини энгақ-томоқдан ўтказиб ўраш ўсули.

<sup>17</sup> Ҳозирги Туркманистондаги қадимий шаҳар номи.

<sup>18</sup> Абивард — баъзан Бивард деб ҳам учрайди, Жанубий Туркманистонда жойлашган шаҳар.

<sup>19</sup> Тус, Шиққон, Саманқон, Жожурм — Хуросондаги шаҳарлар номлари.

<sup>20</sup> Шамсулмаолий Қобус иби Вушмагир (баъзи манбаларда Вашизмгир) Журжон амири (976—1012).

## ШАЙХ АР-РАИСНИНГ ҲАМРОҲИ АБУ УБАЙД АЛ-ЖУЗЖОНИЙ АЙТАДИ:

«Шайхнинг ўз тили билан менга айтганлари мана шулардан иборат. Бундан буёғига унинг аҳволи ҳақида ўз кўзим билан кўрганларимни (келтираман).

Журжонда Абу Муҳаммад аш-Шерозий деган бир киши бор эди. Шу киши ўша илмларни яхши кўрар эди. Шайх учун ёнидан бир уй сотиб олиб, уни ўша ерга жойлаштирди. Мен ҳар куни (устознинг) олдига бориб турардим ва «ал-Мажистий» китобини<sup>1</sup> ўқирдим. Шунда мен у кишидан мантиқни айтиб турсангиз, деган эдим, у киши менга «ал-Мухтасар ал-авсат фи-л-мантиқ» («Уртача қисқа мантиқ»<sup>2</sup>)ни айтиб турди, мен ёзиб олдим. Абу Муҳаммад аш-Шерозийга бўлса «Китоб ал-мабда ва ал-маод» («Нарсаларнинг бошланғич ва аслига қайтиш китоби») ва «Китоб ал-арсод ал-куллия» («Умумий кузатиш китоби»)ни ёзиб берди. Шайх у ерда жуда кўп китоб тасниф этди. «ал-Қонун»нинг биринчи (китоби), «ал-Мажистийнинг қисқартмаси» ва кўп рисоалар шулар жумласидан. Ундан кейин ал-Жабал элида<sup>3</sup> бошқа китобларини ёзди.

Мана бу унинг китоблари рўйхати:

1. Китоб ал-мажмуъ — бир жилд.
2. Ал-Ҳосил ва ал-маҳсул — йигирма жилд.
3. Ал-Ансоф — йигирма жилд.
4. Ал-Бирр ва ал-исм — икки жилд.
5. Аш-Шифо — ўн саккиз жилд.
6. Ал-Қонун — ўн тўрт жилд.
7. Ал-Арсод ал-куллия — бир жилд.
8. Китоб ан-Нажот — уч жилд.
9. Ал-Ҳидоя — бир жилд.
10. Ал-Ишорот — бир жилд<sup>4</sup>.
11. Китоб ал-мухтасар ал-авсат — бир жилд<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Юқоридаги 9-изоҳга қаранг.

<sup>2</sup> Бу ерда ал-Жузжоний айтётган китоб Аристотель мантиғининг қисқача хулосаси бўлса керак.

<sup>3</sup> Ж а б а л — ҳозирги Эроннинг ғарб қисмига жойлашган Ироқ-и Ажам (ёки форс Ироқи) — ред.

<sup>4</sup> Бу Шайхнинг ҳозир ҳам мавжуд бўлган «Ал-Ишорот ва аттанбиҳот» деган асарининг ҳикмат қисми бўлса керак, чунки «Ал-Ишорот»нинг мантиқ қисми қуйида влоҳида келган

<sup>5</sup> Бу мантиққа оид бўлган «Уртача қисқа мантиқ» асари бўлиши керак.

12. Ал-Алоний — бир жилд<sup>6</sup>.
13. Ал-Куланж — бир жилд.
14. Лисон ал-араб — ўн жилд.
15. Ал-Адвият ал-қалбия — бир жилд.
16. Ал-Муъжаз — бир жилд.
17. Баъз ал-ҳикмат ал-машриқия — бир жилд.
18. Баён завоғ аж-жиҳа — бир жилд.
19. Қитоб ал-маод — бир жилд.
20. Қитоб ал-мабда ва ал-маод — бир жилд.
21. Қитоб ал-мубоҳасот — бир жилд.  
Мана булар Шайхнинг рисолаларидан<sup>7</sup>.
22. Ал-Қазо ва ал-қадар.
23. Ал-Олат ар-расадия.
24. Ғараз қотигурнѐс.
25. Ал-Мантиқ би аш-шеър.
26. Ал-Қасоид фи-л-узмат ва-л-ҳикма.
27. Фи ал-ҳуруф.
28. Тааққуб ал-маводиъ ал-жадалия.
29. Мухтасар Уқлидус.
30. Мухтасар фи набз би-л-ажамия.
31. Худуд.
32. Ал-Ажром ас-самовия.
33. Ал-Ишорот ила илм ал-мантиқ.
34. Ақсом ал-ҳикма.
35. Фи ан-ниҳоят ва л-ло ниҳоят.
36. Ал-Аҳд («Бурч» — буни Шайх ўзи учун ёзган).
37. Ҳайй ибн Яқзон.
38. Фи ан абъод ал-жисм ғайр зотия лаҳу.
39. Хутаб.
40. Ал-Калом фи-л-ҳиндибо.
41. Фи аннаҳу ло яжузу ақ якуна шайъ воҳид жав-ҳариян ва арадиян.
42. Фи анна илм Зайд ғайр илм Амр.
43. Расоил лаҳу ихвония ва султония (Ибн Сионинг ёр-биродарларга ва султонларга оид бўлган рисолалари).
44. Масоил жарат байнаҳу ва байна баъда ал-фузало («Ибн Сино билан бошқа фозил кишилар ўртасида ўтган масалалар»).

<sup>6</sup> Бу Ибн Сионинг ҳозир «Донишнома» номи билан машҳур бўлган ва нашр этилган асаридир.

<sup>7</sup> Рисоалар одатда кичик бўлганлиги учун ҳажми кўрсатилмаган.

45. Китоб ал-ҳавоши ала ал-қонун.

46. Китоб уюн ал-ҳикма.

47. Китоб аш-шабака ва ат-тайр.

Сўнгра (Шайх) Райга кўчди ва Сайида ва унинг ўғли Маждуддавла хизматиға кирди. Улар Шайхнинг кимлигини унинг билан бирга етиб келган китоблардан билишди, негаки бу (китоблар) унинг қадр-қимматини кўрсатиб турар эдилар. Бу пайтларда Маждуддавлани савдўи касали енгиб қўйган эди. Шайх уни даволаш билан машғул бўлди. Уша ерда у «Китоб ал-маод»ни ёзди. Шайх у ерда то Шомсуддавланинг ҳузурига боришга отлангунича қолди, бу эса Ҳилол ибн Бадр ибн Ҳасанвайҳ ўлдирилиб, Бағдод аскарлари чекинган вақт эди. Кейин юз берган баъзи бир сабаблар уни Қазвин томонга, у ердан эса Ҳамадон тарафга жўнашга ва Қадбонувайҳ хизматиға киришга мажбур этди. Шунда иттифоқо Шайх аҳволидан хабар топган Шамсуддавла уни ўз ҳузурига чақиртирди, чунки бу пайтда у қуланж<sup>8</sup> касаллигиға гирифтор бўлган эди. Шайх уни тангри таоло шифо бергунга қадар даволади, бунинг эвазига ундан кўпгина яхши совғалар олди ва қирқ кечаю қирқ кундуз унинг ҳузурига бўлиб, уйига қайтди. Шу тариқа Шайх амирнинг яқин кишиларидан бири бўлиб қолди. Сўнгра амир билан Аназ ўртасида уруш бошланиб, амир Қармисинга юриш бошлаганида Шайх уни кузатиб юрди. Амир эса енгилиб, Ҳамадон томон қайтди. Бу орада (Ибн Синодан) вазирликни қабул этишни илтимос қилдилар, у қабул қилди. Кейин унга қарши аскарлар исёни юз берди. Чунки улар (Шайхдан) ҳайқар эдилар. Улар Шайхнинг уйига бостириб кириб, уни қўлга оладилар, мол-мулкини талаб, бор нарсаларини талон-торож қиладилар ва амирдан уни ўлдиришни талаб қиладилар. Лекин (амир ўлдиришга кўнмай, уни давлат ишларидан четлатишга қарор қилади, шу билан ҳарбийларнинг талабини қондирмоқчи бўлади<sup>9</sup>).

Шу тариқа Шайх қирқ кун Абу Саъд ибн Дахдуқнинг уйида яшириниб ётди. Бу орада амир Шамсуддавланинг қуланж касали яна тутиб у Шайхни топиб ке-

<sup>8</sup> Қуланж — йўгон ичакда бўладиган касаллик, колит — ред.

<sup>9</sup> Манбаларга қараганда, аскарларга маош тўлаш кечиктирилган. Бунга Ибн Сино айбдор деб ўйлашган, аскар бошлиқлари унга қарши исён кўтаришган. Якубовский А. Ю., Ибн Сина, «Материалы научной сессии», Ташкент, 1959, с. 6.

лишни сўради. Шайх амир ҳузурига келгач, амир ундан кўп узр сўради. Шундан сўнг бу амирни даволашга киришди ва унинг қошида иззат ва ҳурматда яшай бошлади, сўнг вазирлик лавозими унга иккинчи бор қайтиб келди.

Кейин мен Шайхдан Аристотель китобларига шарҳ ёзиб беришни илтимос қилдим. Шунда у: «Бу ишга ҳозирча қўлим тегмайди, вақтим йўқ. Лекин, агар сен рози бўлсанг, шундай қиламан: мен у китобга бу илмлардан нимани тўғри деб ҳисобласам, ўшалардан киритаманда, мухолифлар билан мунозара қилмайман ва уларнинг фикрларини рад ҳам қилиб ўтирмайман».

Мен бунга рози бўлдим, Шайх «аш-Шифо» деб атаган китобнинг табиёт қисмини ёзишга киришди. Бу пайтда у «ал-Қонун»нинг биринчи китобини ёзиб тугатган эди.

Ҳар куни кечаси унинг уйида толиби илмлар йиғилар эдилар. Мен «аш-Шифо»дан ўқир эдим. Мендан бошқаси<sup>10</sup> навбати билан «ал-Қонун»ни ўқир эди. Булардан бўшаганимиздан кейин ҳар хил ашулачи ва созандалар келар ва шароб мажлиси керакли жиҳозлари билан муҳайё қилиниб, биз шулар билан машғул бўлардик. Шайх кундузлари амир хизмати билан банд бўлгани сабабли, дарсни кечалари берарди. Шу тариқа бир қанча вақтни ўтказдик.

Кейин Шамсуддавла Торим томонга юриш бошлаб, уларнинг амири билан урушмоқчи бўлди. Лекин у ерга яқин қолганда амирнинг қуланжи яна тулиб қолди, бу гал унинг дарди жуда оғирлашган, касалига бошқа дардлар ҳам қўшилган эди. Чунки амир тартибсиз турмуш кечирар, Шайхнинг айтганларига қулоқ солмас эди. Амирнинг вафотидан қўрққан ҳарбийлар, уни тахтиравонга солиб, Ҳамадон томон қайтиб кетдилар, лекин амир йўлда, тахтиравонда вафот этди<sup>11</sup>.

Кейин Шамсуддавланинг ўғлига қасамёд этиш маросими бўлди<sup>12</sup> ва ундан Шайхни вазир қилиб тайинлашни сўрадилар. Лекин (Шайх) бундан бош тортди

<sup>10</sup> Заҳируддин ал-Байҳақийда, бу ўринда, ал-Маъсумий бўлса навбати билан «Қонун»ни ўқир эди, Ибн Зайла бўлса навбати билан «ал-Ишорот»ни, Баҳманёр бўлса «ал-Ҳосил ва ал-маҳсул»ни ўқирди (62-бет), дейилган.

<sup>11</sup> Шамсуддавла 319—1021 да вафот этган.

<sup>12</sup> Унинг ўғли Самоуддавла 1021—1028 йиллар орасида хукм сурган.

ва Алоуддавлага яширинча хат ёзиб, унга хизмат қилиш истаги борлигини ва уни ўз яқинларига қўшишни илтимос қилди. Ушанда Шайх Абу Ғолиб ал-Аттор деган кишининг уйда яшириниб ётар эди. Мен ундан «аш-Шифо» китобини тугатиб беришни сўрадим. (Шайх) Абу-Ғолибни чақириб ундан қоғоз ва сиёҳ келтиришни илтимос қилди. У киши сўрганларини келтириб бергач, Шайх саккиздан бир табақ (ўлчовли) қоғознинг қарийб йигирма жузвига ўз қўли билан масалаларнинг сарлавҳасини ёзиб чиқди. Мана шу ерда у барча масалаларнинг сарлавҳасини қоғозга тушириш билан икки кунни ўтказди, шунда у бирорта китобга ҳам қарамади, бирорта асл манбага ҳам мурожаат этмади, балки барчасини ёддан, ўз кўнглидан чиқариб ёзарди. Кейин Шайх шу (қоғоз) жузвларини олдига қўйганча (сарлавҳалари) ёзиб қўйилган ҳар бир масалага назар ташларди-да, уларга шарҳ ёзишга киришар эди. У ҳар кун эллик варақ ёзар, шу тариқа «аш-Шифо» китобининг табиёт ва илоҳиёт ҳақидаги қисмларини батамом ёзиб тугатди, фақат «ал-Ҳайвон» ва «ан-Набот» қисмларигина қолган эди. Яна («аш-Шифо»нинг) мантиқ қисмини ҳам ёза бошлаган ва унинг бир бўлимини тугатган ҳам эди.

Шундан сўнг Тожулмулк<sup>18</sup> Шайхни Алоуддавла билан ёзишмада уни ёмонлай бошлади, ҳатто уни қидиришга тушди. (Шайхнинг душманларидан бири) беркиниб турган жойини кўрсатиб берди ва уни тутиб олиб, Фараддон деган қалъага қамадилар. Шу ерда у бир қасида ёзган эди, унда (мана бундай сатрлар ҳам бор эди):

Кирмагим бунга аён, ўзинг кўриб турибсан,  
Барча шубҳа бу ердан чиқишда.

(Шайх) бу қалъада тўрт ой қолиб кетди. Кейин Алоуддавла Ҳамадонга юриш қилиб, уни эгаллади. Тожулмулк эса қочиб, худди ўша қалъага бориб қолди. Бу орада Алоуддавла Ҳамадондан чиқиб кетган эди, шундан сўнг Тожулмулк ва Шамсуддавланинг ўғли Ҳамадонга қайтдилар ва Шайхни ҳам бирга олиб келдилар. Шайх ал-Алавий деган кишининг уйига жойлашди ва бу ерда «аш-Шифо» китобининг мантиқ қисмини тасниф қилиш билан шуғулланди. Қалъада эса «ал-Ҳидоя»

<sup>18</sup> Амир Самоуддавланинг аъёнларидан — ред.

ва «Ҳайй ибн Яқзон» ва «Китоб ал-Қуланж» асарини ёзди. «Ал-Адвият ал-қалбия» асарини эса у Ҳамадонга кириб келаётган кезларида ёзган эди.

Шу тариқа бир қанча вақт ўтди ва шу фурсатда То-жулмулк (Шайхга) чиройли ваъдалар бериб турди. Сўнгра Шайх Исфаҳонга кетадиган бўлиб қолди ва яширинча шаҳардан чиқиб кетди. Ушанда мен, Шайхнинг укаси (Маҳмуд) ва икки хизматкор сўфилар кийимида у билан биргаликда эдик. Исфаҳон дарвозаси олдидаги Табаронга йўлдаги кўп қийинчиликлар билан етиб келгач, бизни Шайхнинг дўстлари ва Алоуддавланинг яқинлари ва махсус кишилари кутиб олдилар. Улар Шайхга махсус кийим ва уловлар тортиқ қилдилар. Уни Қунигунбаз деган маҳаллада Абдуллоҳ ибн Бобий деган кишининг уйига жойлаштирдилар. Бу жойда зарур бўлган барча жиҳозлар ва палослар мавжуд эди. Кейин у Алоуддавла мажлисида иштирок этди ва у мажлисда ўзига муносиб иззат ва икромлар кўрди. Алоуддавла буйруғига биноан ҳар жума куни кеч-қурунлари унинг ҳузуринида мунозара учун ҳар хил табақадаги олимларнинг йиғилиши одат тусига кирган эди. Шайх ҳам шулар жумласидан бўлиб, ҳеч қайси олим бирон илмда унга бас келолмасди.

Исфаҳонда Шайх «аш-Шифо» китобини тугатиш билан банд бўлди ва «Мантиқ» билан «ал-Мажистий»ни тамомлади. Бунгача эса Уқлидус (негизлари)нинг қисқартмасини ва арифметика ҳамда мусиқа ҳақидаги қисмини ёзиб тамомлаган эди. Бу ерда у математика (қисми)нинг ҳар бир китобига қўшимчалар киритди, чунки муаллиф бунга жуда катта эҳтиёж сезган эди.

Аmmo «ал-Мажистий»га келганда (шуни айтиш керакки), Шайх унга «ал-Мажистийнинг охирида параллакс ҳақида ўнта теорема киритди ва астрономияга оид шундай нарсаларни киритдики, буни унгача ҳеч ким амалга оширолмаган эди. Уқлидус китоби билан ҳам шундай иш қилди, шу билан бирга, ҳисоб қисмига ҳам чиройли ўзига хос (нарсалар) киритди.

Мусиқа ҳақидаги қисмига эса ўздан аввалгилар беҳабар бўлган кўпгина масалаларни қўшди. Натижада Шайх «аш-Шифо» номи билан танилган китобининг «Китоб ан-набот» ва «ал-Ҳайвон» қисмидан ташқари барча қисмларни тугаллади.

Бу қисмларини эса Алоуддавла Собурхостга юриш қилган йили йўлда ёзди. Шу билан бирга, «ан-Нажот»

китобини ҳам йўлда ёзиб тугатди. Шайх бу орада Алоуддавнинг ишончли ва хос кишиларидан бўлиб қолди ва бундай аҳвол то Алоуддавланин Хамадонга юриш қилишга қарор қилиб йўлга отлангунга қадар давом этди. Шайх ҳам у билан бирга йўлга чиқди.

Бир кун кечаси Алоуддавланин ҳузурини қадимги даврдаги кузатишлар асосини тузилган тақвим — календарь бўйича иш юришининг зарари ҳақида гап айланиб қолади. Амир Шайхга шу юлдузлар устиди кузатишлар олиб боришни буюради ва бу иш учун зарур бўладиган маблағ ажратди. Шайх ҳам бу ишга киришиб кетди. Менга эса зарур асбоблар тайёрлаш ва уларни ясайдиган кишиларни ёллашни топширди. (Кузатиш вақтида) жуда кўп масалалар аён бўлди. Аммо сафарнинг кўплиги ва шу орқали туғилган тўсиқлар бу ишга зарар етказди.

Шайх Исфаҳонда «Китоб ал-Алоий» асарини ёзиб тугатди.

Шайхнинг ажойиб хислатларидан бири шу эдики, мен йигирма беш йил у билан бирга юриб ва унинг хизматида бўлиб қўлига тушган биронта ҳам янги китобни бошдан-оёқ қараб (ўқиб) чиққанини кўрган эмасман. Аксинча, у китобнинг қийин жойлари ва мушкул масалаларининг қарар ва шулар ҳақида китоб муаллифи нима демоқчи бўлганига диққат қилиб, унинг илмидаги мартабаси ва (масалаларни) тушуниш даражасини билиб олар эди.

Кунлардан бир кун Шайх амир ҳузурини ўлтирар эди, шунда Абу Мансур ал-Жаббон ҳам бор эди. Тилга оид бир масала устиди гап кетди ва Шайх бу ҳақда ўз мулоҳазасини айтди. Абу Мансур Шайхга ўғирлиб қаради-да, шундай дейди: «Ҳақиқатан ҳам сен фаёласуф ва ҳакимсен, лекин тил илмини (чуқур) ўқимагансан, шунинг учун сенин бу ҳақдаги гапларинг қониқтирарли эмас».

Шайхга бу гап оғир ботди. Уч йил давомида у тилга оид китобларни мутолаа қилди. Хуросондан Абу Мансур ал-Азҳарийнинг<sup>14</sup> таснифларидан бўлмиш «Таҳзиб ал-луға» («Тилни тозалаш») китобини ҳам сўраттириб олди. Бу ерда Шайх тил билимида шундай юксак даражага эришдики, бу камдан-кам одамга муяссар бўлар-

<sup>14</sup> А л - А з ҳ а р и й (895—980) — йирик араб луғатшуносларидан.



ди. Уша пайтда учта қасида ёзди ва буларда кам ишлатиладиган, нодир сўзларни ишлатди. Кейин яна учта китоб ёзди: буларнинг бирини Ибн ал-Амид<sup>15</sup> усулида, иккинчисини Ас-Собий<sup>16</sup> услубида, учинчисини эса Ас-Соҳиб<sup>17</sup> услубида яратди. Шайх бу китобларни муқовалашни ва жилдига эскирган тус беришни буюрди. Кейин шу тариқа муқоваланган китобни амирга бериб, уни Абу Мансур ал-Жаббонга кўрсатишни ва шундай дейишни илтимос қилди: «Биз бу китобни овга чиққан пайтимизда саҳродан топиб олдик. Буни кўриб ичида нима ёзилганини бизга айтиб бергин».

Абу Мансур (китобни) кўриб чиқди, лекин унда (ёзилганларнинг) кўпини тушуниш унга мушкул бўлди. Шунда Шайх унга қараб:

«Бу китобдаги сен тушунолмаётган нарсалар луғат китобларнинг фалон жойида айтиб ўтилган», дейди ва Абу Мансурга тилга оид жуда кўп машҳур китобларни эслатдики, ўзи ўша қийин сўзларни шу китоблардан эслаб қолган эди. Абу Мансур ўшанда тил борасида унчалик шиқиқ бўлмаган гапларни айтиб яхши қилмаган эди.

Энди Абу Мансур бу рисолалар Шайхнинг ўз таснифларидан эканини ва у буларни ўша кунги чеккан хижолатига жавобан ёзганини фаҳмлади. Шундан сўнг у гинани қўйиб, (Шайхдан) узр сўради. Кейин Абу Али тилга оид китоб ёзди ва уни «Лисон ал-араб» (Араб тили) деб атади. Тил ҳақида бундай китоб ёзилмаган эди. Лекин китоб Шайхнинг вафотигача ҳам оққа кўчирилмай қолиб кетди ва бирорта одам жазм қилиб уни тартибга ҳам келтирмади.

Шайх беморларни даволаш жараёнида кўп тажриба ҳосил қилди. Буларни «ал-Қонун» китобига киритмоқчи бўлди, ҳатто буларни бўлимларга ажратиб ҳам чиқди. Лекин булар «ал-Қонун» китоби ёзиб тугалланишидан олдин йўқолиб кетди. Ушандай тажрибалардан бири мана бу эди:

Қушлардан бир куни (Шайхнинг) боши оғриб қолди; у эса модда мия пардасига тушмоқчи ва натижада

<sup>15</sup> Вафоти 970.

<sup>16</sup> Вафоти 994, ўз даврида стилист сифатида машҳур бўлган пардан.

<sup>17</sup> Вафоти — 995 й. Бувайҳийларнинг Исфаҳон ва Райдаги ҳокимининг вазири, тилшунос.

унда шиш пайдо бўлиши хавфи туғилади деб ўйлади-да, кўп муз олиб келишни буюрди. (Музни) майдалаб латтага ўради ва у билан бошини ёпиб қўйди. То оғриган жой қувват топиб ўша моддани қабул қилмайдиган бўлгунча бу ишни давом эттирди ва натижада тузалди.

(Тажрибаларидан) яна бири:

Хоразмда сил касали билан оғриган бир аёлга шакардан қилинган гулқанддан бошқа дори тановул қилмасликни буюрди. Ҳатто у хотин бир неча кун давомида юз мани (гулқанд) тановул қилди ва ниҳоят шифо топиб тузалиб кетди<sup>18</sup>.

Шайх Журжонда «ал-Мухтасар ал-асғарфи-л-мантиқ» («Кичик қисқартирилган мантиқ») асарини ёзган бўлиб, уни кейинчалик «ан-Нажот»нинг бош қисмига қўйди. Бу китобнинг бир нусхаси Шерозда пайдо бўлиб, у ердаги илм аҳллари уни ўқиб чиққан ва ундаги баъзи масаладар ҳақида уларда шубҳа пайдо бўлган. Кейин улар (саволларини) бир даста қоғозга ёзишган; Шероз қозиси ҳам шулар жумласидан экан. У қоғозлардан мунозара илми билан машғул бўлган Иброҳим ибн Бобо — ад-Дайлабийнинг дўсти Абулқосим ал-Кирмонийга йўллаган. Унга яна Абулқосимга ёзилган хатни ҳам кўшган. Бу икки хатни (Исфаҳон томонга) кетаётган отлиқ қўлига тутқазишиб, уларни Шайх Абу Алига топширишни ва ундан жавоб ёзиб беришини сўрашни уқтирган.

Ниҳоят, жазирама иссиқ куннинг қуёш оққан пайтида Абулқосим Шайх ҳузурига кириб келди ва унга хат ва (саволлар ёзилган) қоғозларни топширди. Шайх хатни ўқиб Абулқосимга қайтариб берди, (саволлар ёзилган) қоғозларни эса ўз олдига ёйиб қўйди. У ерда ҳозир бўлганлар ўзаро гаплашар, Шайх эса қоғозларга қараб ўлтирар эди. Сўнгра Абулқосим чиқиб кетди, Шайх менга оқ қоғоз келтиришни ва уни бир неча тўп қилиб, қирқиб қўйишни буюрди. Мен унга беш тўп қоғоз тайёрладим, уларнинг ҳар тўпи чорак фиръавний ҳажмидаги ўн варақдан иборат эди. Биз хуфтон номозини ўқидик. Шам келтирилди, Шайх шароб келтиришни буюрди, мени ва укасини ўтқазди ва шароб ичинглар, деб буюрди. Ўзи бўлса ҳалиги саволларга жавоб

<sup>18</sup> Бу ҳақда Ибн Сино «Қонун»да ҳам гапиради. «Қонун», III китоб, биринчи жилд, 503-бетига қаранг — ред.

ёзишга киришди. У жавоб ёзар, ора-чора ичар, шу тариқа ярим кеча бўлди. Мен билан укасини уйқу босди ва бизларни кетишга буюрди. Саҳар пайти эшик тақиллади, (чиқиб) қарасам Шайхнинг юборган одами экан, мени чақиртириб юборибди. Қириб келсам, Шайх жойнамоз устида ўлтирар, олдида эса беш тўп қоғоз турар эди.

«Мана буларни олгин-да,— деди Шайх — Абулқосим ал-Қирмонийга жўнат. Унга шуни айтиб қўй, чопар йўлидан кечикмасин деб, саволларига шошилишч равишда жавоб ёздим».

Мен (жавобни) Абулқосимга олиб борганимда; у ниҳоятда таажжубда қолди, чопарни жўнатиб бу воқеадан уларни хабардор қилди. Бу ҳодиса халқ ўртасида бир тарихий воқеа бўлиб қолди.

Шайх юлдузлар устида кузатиш ишларини олиб борганда ўз даврига қадар бўлмаган асбоблар ихтиро қилди. Бу тўғрида у бир рисола ҳам ёзди. Мен бўлсам саккиз йил давомида кузатув ишлари билан банд бўлдим, бундан мақсадим Батлимуснинг ўз кузатишларида айтган гапларини аниқлаш эди. Менга бу масалаларнинг баъзилари аён бўлди.

Шайх «Қитоб ал-ансоф» (Инсон-китоби) деган асар ёзди. Султон Масъуд Исфаҳонга бостириб кирган кун<sup>19</sup> унинг аскарлари Шайхнинг уйини талон-торож қилди, бу китоб ҳам ўша ерда эди ва ундан асар ҳам қолмади.

Шайхнинг барча қувватлари кучли эди, айниқса унинг мужомаат ишида шахвоний қуввати энг зўр ва кучли эди. У бунга қаттиқ берилган бўлиб, бу нарса унинг мизожига ҳам таъсир қилган эди. Шайх эса ўз мижозининг кучига қаттиқ ишонган эди. Бу кайфият унда Қараж дарвозаси олдида Алоуддавла билан Тошфаррош ўртасида уруш бўлган йили қуланж касали туганга қадар давом этди. Шайх тезроқ тузалиш ҳаракатига тушди, чунки (Алоуддавлянинг) енгилитиш хавфи бўлиб, бундай касал ҳолида ҳаракат қилиши қийин эди. Шунинг учун у кунга саккиз марталаб ўзига ўзи ҳуқна (клизма) қилди. Натижада баъзи ичаклари яраланиб, шилиниб ҳам кетди. (Шайх) Алоуддавла билан бирга ҳаракат қилиб шошилишч равишда Изаж томонга жўнашга мажбур бўлдилар. Бу

---

<sup>19</sup> Бу воқеа 1029 йили бўлган.

ерда қуланж оқибатида Шайхни тутқаноқ тутиб қолди<sup>20</sup>. Шунга қарамасдан, у ўзига-ўзи тадбир қилиб, ичак шилиниши ва қуланж қолдиқларига қарши ҳуқна қилишда давом этди. Бир кун ҳуқна қиладиган нарса ичига икки донакдан карафс (селдерей) уруғи аралаштиришни буюрди, бу билан ичидаги елларни ҳайдамоқчи эди. Уни даволаётган табиблардан бири карафс уругидан беш дирҳам<sup>21</sup> солиб юборибди. Буни у атайлаб шундай қилдими ё янглишдими, мен билолмадим, чунки мен бу иш устида бўлмаган эдим. Шу уруғнинг ўткирлигидан ичак шилиниши зўрайиб кетди. Тутқалоққа қарши митридат дорисини<sup>22</sup> ичар эди. Хизматкорларидан бири (митридатга) кўпроқ афюн қўшиб берган ва Шайх уни ичган. Бунинг сабаби шу эдики, улар Шайхнинг кўп молига хиёнат қилган бўлиб, ўз қилмишларининг оқибатидан қўрқар ва шунинг учун унинг ўлимини кутган эдилар.

Шайхни шу аҳволда Исфаҳонга олиб келишди, у эса ҳамон ўзига-ўзи тадбир қилар эди. Заифликдан шу даражага етдики, ҳатто ўрнидан туришга ҳам мажоли келмай қолди. Лекин у ўзини-ўзи даволашдан тўхтамади, ҳатто юришга қурби келиб, Алоуддавла мажлисига ҳам қатнаша оладиган бўлиб қолди. Аммо у шундай ҳолатда бўлишига қарамай, ўзини сақламади, мужомаат ишларини кўпайтираверди. У дарддан бутунлай тузалиб кетмади, дарди баъзан қайталар ва баъзан аҳволи енгиллашар эди.

Шу вақт Алоуддавла Ҳамадон томонга юриш бошлади, Шайх у билан бирга сафарга чиқди. Йўлда ҳали Ҳамадонга етиб бормаслариданоқ унинг дарди яна қайталади. Энди у бутунлай кучдан қолганини ва касалликни даф қилолмаслигини англади, натижада ўзини-ўзи даволашдан тўхтади. Шунда Шайх «Танамга тадбир қилаётган тадбиркор энди тадбирдан ожиздир, бундан буён муолажа фойда бермайди», дер эди.

Шайх шу ҳолатда бир неча кунни кечирди, кейин у

<sup>20</sup> Қуланж оқибатида баъзан тутқалоқ тутиши ҳақида «Қонун»да ҳам айтилган. III китоб, иккинчи жилд, 202-бет. — ред.

<sup>21</sup> Донак — 0,5 гр; дирҳам 2,9 гр. — ред.

<sup>22</sup> Митридат — таркибига афюн ва бошқа кўп нарсалар солиб тайёрланадиган мураккаб дори — ред.

тангри даргоҳига кўчди. У эллик саккиз йил умр кўрди, вафот этган йили тўрт юз йигирма саккизинчи эди, туғилган йили эса уч юз етмишинчи эди<sup>23</sup>. Унинг қабри Ҳамадонда, унинг қибла томонидаги девор тагида».

---

<sup>23</sup> Ибн Аби Усайбида йиллар янглиш берилган. Байҳақий ва Ибн ал-Қифтий матнларига қараб тўғриланди.

А Б у У б а й д а л — Жузжонийнинг Шайх ар-Раис ҳақида айтганларининг охири мана шу.

Илова 1980 йилда «Фан» нашриёти томонидан нашр этилган «Абу Али ибн Сино таржимаи ҳоли» тўпламидан олинди. Арабчадан таржима ва изоҳлар А. Ирисовники.

## АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ АСАРЛАРИДАН ОЛИНГАН УЙЛАР ВА ҲИКМАТЛАР

Эй бахтли ўртоқ, бу оламга келган ҳар бир кишининг у дунёга кўчмоғи зарурийдир. Ва лекин ақл ҳукм қиладики, у масалани билмаган ҳолда жон таслим қилмоғимдан кўра, билиб ўлишим яхшироқдир.

\* \* \*

Донишманд ва олимлар хулқларидан ўрнатқ олиш яхши хулқни тиргизади, ёмонини йўқ қилади.

\* \* \*

Одамлар ўрганган, одатланган ваа кўпчиликка маъқул бўлган нарсага (кўр-кўрона) қаршилиқ кўрсатма.

\* \* \*

Кичик нарсага эътиборсиз қарама, унинг фойдали ўрни бор, катта ишнинг керакли жойи бор.

\* \* \*

Хато содир бўлмаслиги учун донишмандлар қайта-қайта кузатишни ва ҳалал етиш имкониятидан сақланишни тавсия қилганлар.

\* \* \*

Яхши хулқ яхшилиқ аломатидир.

\* \* \*

Биринчи галдаёқ ютуққа эга бўлган кишини таҳқир қилиб ўтирма.

\* \* \*

Асоси бўлмаган фандан воз кечса ҳам бўлади.

\* \* \*

Шубҳани аниқ ва номаълумни маълумга қўшиш биз юрган йўлга лойиқ эмас.

\* \* \*

Тенглик қукм сурган жойда сотқин, алдамчи эқтирослар, ғам-ғусса бўлмайди.

\* \* \*

Ҳар бир илм ва санъатнинг бориб тақаладиган бошланиш жойи бор. Шу бошланиш жойига яқинлашган сари, то ўзига бориб ет-гунча соддалашиб боради.

\* \* \*

Билим — қайтариш ва такрорлаш мевасидир.

\* \* \*

Эҳсон қилган кишининг миннати эҳсонини йўққа чиқаради.

\* \* \*

Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.

\* \* \*

Гоҳо маълум бир халқнинг айрим сўзлари ўз тили билан ўзгара борганини кўрамиз; натижада, ўша тилда фақатгина оз киши фаҳмлайдиган бирмунча бегона сўзлар пайдо бўлади. Бу ўзгариш озгина йиллар ичида ва бунга тақозо этадиган нарса у халқда юз бермай пайдо бўлади. Одамлар билмаган нарсаларига душманлик кўзи билан қарайдилар.

\* \* \*

Елгон доим ростдан енгиледи, у худди сув юзасидаги кўпик-дек йўқ бўлиб кетади.

\* \* \*

Агар (таржималаримизда) ишлатган сўзларимиз одатда ишлатилмаганга тўғри келмаса, маъноларига эътибор берилсин, чунки мақсад маъноларни билдиришдир.

\* \* \*

Билимдонлар ер устининг юмалоқ эканини инкор қилмаганлар, чунки уни тошбақа орқасига ўхшаш деб исботлаганлар.

\* \* \*

...Билмаганлигимиз сабабли билган нарсаларимизни айтмай қўйишимиз ҳам яхши эмас.

\* \* \*

Доимо бир хил нарсага қарай бериш малоллик ва сабрсиэликка олиб келади.

\* \* \*

Сукрот ўз халқи оммасининг санамларга ибодат қилишига қаршилиқ кўрсатиб, тилда бўлса ҳам, сайёраларни худо деб аташдан бош тортди. Шунинг учун Афинанинг ўн иккилик қозисидан ўн биттаси бир овоздан унинг ўлдирилишига фатво бердилар. Сукрот эса ҳақ йўлдан қайтмаганича ўлиб кетди.

\* \* \*

Душманлар ҳамиша насабларга таъна қилиш, номусларни ерга уриш, турли уйдирма гаплар тарқатишга уринадилар. Шунингдек, дўстлар ва хайрихоҳлик қилувчилар ёмонни яхши қилиб кўрсатишга, халал етадиган йўлни тўсишга, гўзалликни изҳор этишга ва яхшилиқларга нисбат беришга тиришадилар. Масалан, мана шу байтни айтган киши у икки гуруҳ сифатини кўрсатган:

Розилиқ кўзи ҳеч бир айбни кўрмайди,  
Лекин норозилиқ кўзи (барча)

айбларни ошкор қилади...

\* \* \*

Бу куннинг тадбири сабабли эртанинг тадбирига эҳтиёжи қолмаган киши ақлдилар (яъни у киши эртанинг тадбирини ҳам албатта кўражақ).

\* \* \*

Оммага нисбатан подшоҳда фақир бўлиб қолиш хавфи камроқ, ҳалокатга яқинлашиш хатари кўпроқ бўлади; албатта, у кам нарса (яъни фақирликдан кўрқиш) кўпаймайди ва у кўп нарса — ҳалокатга яқинлашиш хатари) йўқ бўлмайди.

\* \* \*

Хоразмликлар буржларни араблардан яхшироқ билганлар, уларнинг буржларга берган номлари уларни тасвирлашга мутасадди бўлган (астрономларнинг) қўйган номларига мувофиқлиги ва



араб (тилига) мос келмаслиги ва уларни мутасаддилар берган сувратлардан бошқа сувратлар билан тасвир этишлари гапимизнинг тўғрилигини сенга кўрсатади.

\* \* \*

Сонлар «бир»дан таркиб топади ва «бир»га бориб тамом бўлади.

\* \* \*

Ҳаракат бирон эҳтиёт ва зарурат учун содир бўлади; чарчаш заруратдан кейин келади, демак, чарчаш ҳаракат натижасидир.

\* \* \*

Етилган экин орасига от билан кириб қолган киши эсини йиғиб олгач, бу феълнинг ёмонлигини сезиб, экинга зарар келтирмасдан чиқишни хоҳласа, отини орқага қайтармасдан ва кирган йўлидан қайтиб чиқмасдан бошқа чораси йўқ; кирганда қанча экинлар вайрон бўлса, чиққанда ундан кўра кўпроқ вайрон бўлади. Бундан бошқа унинг чораси ҳам йўқ.

\* \* \*

Баъзи бир лафз (сўз)лар борки, у (ни қўллаш) бир дин (халқ) ва бир тилда бемаъни бўлса ҳам, бошқа бир дин ва бошқа бир тилда бемаъни бўлмайди.

\* \* \*

Ернинг айланиш ҳаракати назарияси астрономия фанига ҳеч бир зарар келтирмайди, балки, ерда юз берадиган ҳодисалар, унинг ҳаракати билан бирга бир текисда давом этаверади. Аммо бошқа жиҳатлардан имкониятсизлик келиб чиқади. Шунинг учун ер ҳаракати масаласи ҳал қилиниши энг қийин масалалардан ҳисобланади, қадимги олимлар ва улардан кейин етишган фозиллар унинг ҳаракат қилиш ва қилмаслиги ҳақида кўп чуқур гапирдилар. Биз «Мифтоҳу илми-л-ҳайъа» («Астрономия калиди») исмли китобда, сўзда эмас, мазмунда улардан кўпроқ гапирдик, деб гумон қиламиз.

\* \* \*

Одам бўйининг кичиклиги сабабли Ернинг шарлиги сезилмайди, деган сўз тўғри эмас. Чунки одам бўйи баланд тоғ қадар бўлса ҳам бир жойда туриб, ер устига қараса-ю, жойдан жойга кўчиб, ердаги бор турли ҳолатларни бир-бирига солиштириб қарай олмаса, ундай узун бўй ернинг шарлигини билишга ҳам, унинг чегарасини аниқлашга ҳам фойда келтиролмайди.

\* \* \*

Сезувчи ва зарарсиз нарсаларга алам етказишдан лаззат олувчи ҳар бир кишидан худо ўч олсин!

\* \* \*

Эронликлар Қаюмарсни биринчи инсон деб атайдилар. Унинг лақаби «Гиршоҳ», яъни «тоғ подшоҳи»дир. Баъзилар «Гилшоҳ», яъни «балчиқ подшоҳи» дейишади. Чунки у вақтда (ерда) ҳеч кимса бўлмаган. Бошқаларнинг айтишича, Қаюмарснинг маъноси «тирик», «сўзловчи», «ўлчовчи» демакдир.

Қаюмарсни гиршоҳ деб аталишига сабаб шуки, «гири паҳлавийча»—«тоғ» демакдир.

Қаюмарс тоғларда яшаган, унинг ҳусни шу даражада чиройли бўлган эмишки, кўзи тушган ҳайвонлар унинг ҳуснига маҳлиё бўлиб қолганмиш.

\* \* \*

Тарихшунослардан бирининг ҳикоя қилишича: Бобил ер юзида дастлаб барпо бўлган мамлакат.

\* \* \*

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиймати ўз ишини қойил қилиб бажаришида.

\* \* \*

Сурайё тўпланиб турган олтига юлдуз бўлиб, узум шингилига жуда ўхшайди. Араблар буни «ҳамал думбаси» деганлар, (аслида) ундай эмас. Чунки бу юлдузлар Савр, (буржининг) ўрқачи устида туради... Сурайё сўзи «Сарва»нинг кичрайтирилгани бўлиб, аслида «Сарва»дан олинган. «Сарва»—«ийғилмоқ» ва «сон кўплиги» маъноларидадир. Баъзиларнинг фикрича, бу (юлдузларнинг) шундай ном билан аталишига (сабаб) уларнинг ботишида ёмғир ёғиб, «Сарва», яъни бойлик ҳосил бўлган. (Бу юлдузлар) «нажм» деб ҳам аталади.

Батлимус (Птоломей) эслатиб (ўтган Сурайё) юлдузлари тўртта юлдуздор, чунки Батлимус кўзга кўринишида оралари тор бўлгани учун тўрттадан бошқасини кузатолмаган. Арабларча у манзилнинг Қуёш нури остида бекиниб туриш муддати қирқ кун бўлиб, энг ёмон кунлар ва йилнинг энг ваболи вақтларидир. Ал-Асадий: «Сурайёнинг чиқиши ва ботиши, албатта, бир қийинчиликсиз бўлмайди,— деган. Араб табибларидан бири: «Сурайёнинг ботишидан то чиқишигача бўлган (муддатда) сиз менга кафил бўлинг, йилнинг қолган ҳамма вақтида мен сизга кафил бўламан», — деган.

\* \* \*

Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида (Абисто — Авестонинг) ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусха бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларга хизмат этувчиларни ўлдирган вақтида уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери Абистонинг бешдан учи (яъни ўн саккиз наски) йўқолиб кетди. Абисто ўттиз «наск» эди, мажусийлар кўлида ўн икки наск чамаси қолди. Биз қуръон бўлаklarини ҳафтияклар деганимиздек, наск Абисто бўлаklarидан ҳар бир бўлакнинг номидир.

\* \* \*

Қутайба ибн Муслим — Баҳилий хоразмликларнинг китобларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар. Узоқ замон шундай бўлгач, улар ихтилофли нарсаларини унутиб, келишиб олганларини ёдда сақлаб қолдилар.

\* \* \*

Фахрланиш ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконияг борича мавжуд (но-покликлардан) тозаланишдир. Кимда шундай (сифатлар) топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, ҳукм унинг заррига бўлади.

\* \* \*

Танишиш ҳамжинслик билан юзага келади. Ҳатто бу тўғрида «Шакл шаклга тортар, қуш ўз шериклари билан тушади», деган гап бор. Кўрмайсанми, соқов назарида барча одамлар ҳам соқовдир. Чунки улар бир-бири билан сўзлашишларида аъзолари ёрдамида имо-ишорат қилиб, ўз истакларини билдирадиган аломатлар ишлатадилар. Агар соқов бирор ўзига ўхшаганини топса, унга шундай бериладики, бутун вужуди билан унга қарайди.

Бу эса худди тилига тушунмайдиган одамлар орасида унинг тилини биладиган битта одамни топган кишига ўхшаб кетади...

Агар бу танишиш ёмонлик хавфидан холи бўлса, у ҳолда, ...ошначилик икки бор ортади, орадан нафрат кетади.

\* \* \*

Киши ўз меҳнат ва машаққат чекишлари жараёнида, гарчи у инсонларнинг энг ақллиси ва энг зийраги бўлса ҳам, ҳаммиша шоду хурсандчиликни орзу қилиб, севинч келтирадиган нарсаларга мойил бўлади ва ёлгон кўриладиган нарсалардан тортинади; шу билан телбаланиб, яхши тушлар кўрса хурсанд бўлади, ҳатто фол ва мунажжимлар гапига ишонади.

\* \* \*

Кўпчилик кишиларнинг табиатини пасткаш қиладиган ёмон хулқдан, ҳақиқатни кўришга имкон бермайдиган омиллардан ўзни тозалагач, уларнинг исбот учун келтирган сўз ва эътиқодлари бир-бирига солиштириш билан билинади. Ана шу айтиб ўтганим ҳақиқий мақсадга етказувчи энг яхши йўл ва бунга доғ туширувчи шак-шубҳани ювиб ташлаш учун энг кучли ёрдамчидир. Гарчи қаттиқ уриниб, зўр машаққат чексак ҳам, ўшандан бошқа йўл билан мақсадга эришолмаймиз.

\* \* \*

Инсон ҳаётидаги зарурат, эҳтиёжлар уларнинг илмларга бўлган талабларини келтириб чиқарди. Шу эҳтиёжларга кўра илмлар ҳар хил тармоқларга бўлинди. Илмларнинг фойдаси очкўзлик билан олтин-кумуш тўплаш учун бўлмай, балки у орқали инсон учун зарур нарсаларга эга бўлишдир.

\* \* \*

Улуғ бир қабилага мансуб бир киши Амир Исмоил Сомонийга мурожаат қилиб хат ёзибди. Шунда Исмоил унинг хатига шундай деб жавоб ёзибди:

— Аждодинг шуҳратига суянома, ўзингга ўзинг шуҳрат топ.

Бу тўғрида бир юнонлик айтган экан: кимда ким қариндошлари сабабли ўзига обрў, яқинлик ахтарса ва ўлган аждодлари билан фахрланса, ўша кишининг ўзи ўлик ва аждодлари эса тирик саналади.

Бу худди бир шоирнинг шу айтганига ўхшайди:

Чириган суяклар ҳеч фахр манбаи бўлмас,  
Кўтармаса эр киши ўз-ўзини юксакка.

\* \* \*

Олам бутун борлиғи билан юмалоқ шаклли бир жисм бўлиб, унинг чегаралари бўшлиқ ичида ҳаракатсиз нарсага бориб туташади. Ҳаракатсиз навадан бир бўлак бошқа нава ўрнига кўчирилганда у ўша ўринга томон тўғри ва кўндаланг ҳаракат қилади.

Шу ҳаракатсиз қисмнинг атроф теварагидагилари «ҳақиқатус суфл-ҳақиқий қуйилик» ва «Ер маркази» дейиладиган ўрта жой тевараги бўйлаб фазода айланма ҳаракат қиладилар. Ана шу мавжуд жисм тўпламига умумий қилиб — олам исми берилади.

## МУНДАРИЖА

### АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

МЕҲРИБОНЛИК . . . . .	4
ЕР ЯРИМ КУРРАСИНИНГ СУВРАТИ . . . . .	7
ВИРИНЧИ МУҲОЖИРЛИК . . . . .	10
ҲАМКОРЛИК МАКТУБЛАРИ . . . . .	11
ГУРҒОН ШАҲРИ . . . . .	13
УТМИШ ЕДГОРЛИКЛАРИ . . . . .	15
НИЗО . . . . .	23
ГУРҒАНЖ . . . . .	25
ҒАЗНА. ЕР УЛЧАШГА ОИД АСАР («ГЕОДЕЗИЯ») . . . . .	26
РАЙҲОНА ИЛҲОМИ . . . . .	32
ДОНО МАСЛАҲАТ . . . . .	38
«ҲИНДИСТОН» . . . . .	43
ПОДШОҲ ВА ОЛИМ . . . . .	51
СИЕСИЙ УЗГАРИШЛАР . . . . .	57
«ҚОНУНИ МАСЪУДИЙ» . . . . .	60
ШОҲОНА ТУҲФА . . . . .	63
МИНЕРАЛЛАР ТУҒРИСИДАГИ КИТОВ . . . . .	65
ҒОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР . . . . .	69
ОХИРГИ КИТОВ . . . . .	76
ИНТИҲО . . . . .	83
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ҲАЕТИНИНГ СОЛНОМАСИ . . . . .	86

### АБУ АЛИ ИБН СИНО

#### БУХОРО

КУТУБХОНА . . . . .	89
УСТОЗЛАР . . . . .	94
АМИРНИНГ КАСАЛИ . . . . .	98
ДАСТЛАВКИ АСАРЛАР . . . . .	101
ВИДО . . . . .	106

#### ХОРАЗМ

ГУРҒАНЧИ ШАҲРИДА . . . . .	109
БОЗОР . . . . .	110
СИЛНИ ДАВОЛАШ . . . . .	115
САҒАР . . . . .	117

### ЖУРҲОН, ЖАБАЛ, РАЙ

ЗАРРИН ҒИС ВА УНИНГ ДУГОНАЛАРИ . . . . .	123
КУТИЛМАГАН УЧРАШУВ . . . . .	127
ЖАВОБ . . . . .	129
ТУРМУШ КУНДАЛИКЛАРИ . . . . .	131
АДҲАМ ВА ЗУЛФИЯ . . . . .	132

#### ҲАМАДОН

«ОДОБ РИСОЛАСИ» . . . . .	138
СУҲБАТ . . . . .	142
ЮРАК ДОРИЛАРИ . . . . .	144

BAZIRLIK . . . . .	146
TALAN . . . . .	151
KURHAMAKLIK . . . . .	155
XIZMAT VA TURMUШ . . . . .	158
«АШШИФОНИНГ MAЗМУНИ» . . . . .	163
XIENAT VA ИРВО . . . . .	168
ФАРАЖОН ҚАЛЪАСИ . . . . .	169

#### ИСФАҶОН

ИСФАҶОН САФАРИ . . . . .	172
ЕЗИШМА . . . . .	178
«ДОНИШНОМА» ЕКИ «КИТОВИ АЛОНИ» . . . . .	181
ИЖОД ОҒУШИДА . . . . .	186
МУЪЖИЗАКОР ТАБИВ . . . . .	189
ТИВ ҚОНУНЛАРИ . . . . .	193
АБАДИЙЛИК . . . . .	208
АБУ АЛИ ИБН СИНО ҶАЕТИНИНГ СОЛНОМАСИ ИЛОВА . . . . .	212
АБУ РАЙҶОН БЕРУНИНГ АСАРЛАРИДАН ОЛИНГАН УЙЛАР ВА ҶИҚМАТЛАР . . . . .	230

**Қаюмов А.**  
**Қ 33** Абу Райҳон Беруний. Абу Али ибн Сино.—  
Т.: Ёш гвардия, 1987.—240 б. — (Ажойиб  
кишилар ҳаёти).

Филология фанлари доктори Азиз Қаюмов ушбу китоби-  
ни Урта Осиёлик улғ олимлар Абу Райҳон Беруний  
(973—1048) ва Абу Али ибн Сино (980—1038) ҳаёти ва ижо-  
дига бағишлаган. Китобда мутафаккир олимлар Беруний ва  
Ибн Синонинг ҳаёт йўллари ифодали равишда баён этилган,  
асосий илмий асарларининг мазмуни ва аҳамияти кўрсатилган.

**Қаюмов А. Абу Райҳон Беруни. Абу Али  
ибн Сина.**

**83.3931**

**«Жизнь замечательных людей»**

На узбекском языке

**Азизхон Каюмов**

**Абу Райхон Беруни. Абу Али ибн Сина**

Тақризчи — тарих фанлари кандидати

**Н. Норқулов**

Тузувчи **С. Аҳмедов**

Редактор **Хуршид Даврон**

Рассом **С. Саъдуллаев**

Расмлар редактори **Р. Зуфаров**

Техн. редактор **В. Демченко**

Корректорлар **Ф. Заиджонова, М. Мирзараҳимов**

ИБ № 2181

Теришга берилди 4.03.87. Босишга рухсат этилди 20.07.87. P 03636. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. № 1 босма қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 7,5±0,5 вкл. Шартли босма листи 12,60±0,84 вкл. Нашр листи 12,981±0,576 вкл. Шартли кр.-отт. 13,65. Тиражи 60000. Буюртма № 598/120. Баҳоси 1 с. 10 т. Шартнома № 92—86.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700113, м. Чилонзор, 8-квартал кўчаси, «Правда» газетаси, 60.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонасида тайёрланган матрицадан Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонасида босилди. Янгийўл шаҳри, 702800, Самарқанд кўчаси, 44.